КИТОБ-УС-САЛОТ

НАМОЗ КИТОБИ!

КИТОБ-УС-САЛОТ

НАМОЗ КИТОБИ

Тайёрлаган: **ҲАСАН ЁВОШ**

Иккинчи нашр

Түркістан Кітап Үйі
Алматы - Қазақстан
Қазыбек би көшесі, 90/533 үй, 2 пәтер
Сейфуллин даңғылының қиылысы
Тел: +7(727) 293-55-98

Алматы - 2011

ББК 86.2
Ё 20

Ёвош Х.
Намоз китоби/ Даярлаған: Ҳасан Ёвош. – Алматы, 2011. 216-бет.

ISBN 9965-21-928-1

Намаз кітабы бүгінгі таңда халқымыздың өз дәстүрлі дініне деген қажеттілігіне және дәстүрлі дінімізді ұстанудың маңызы айқын көрініп тұрған заманымыздың талабына аз болса да үлес қосады. Кітап дәстүрлік сүнни мұсылмандардың Ханафи мәзхабы ғалымдарының құнды кітаптарын пайдалана отырып, даярланды. Шынайы мұсылман мемлекетке қарсы қылмысқа және жаратқанға қарсы күнәға қол ұрмайды. Момындық мінезі мен айналасындағыларға үлгі болады.

Бұл кітапта осылар жөнінде тәрбиелік маңызы жағынан кеңінен мәліметтер келтірілген. Кең оқырман қауымына арналған намаз және әдептілік мәселелерін барынша өзінде жинаған бұл кітап бұған дейін қазақ тілінде жарық көрген болатын.

Бүгін өзбек тілінде жарық көріп тұрған бұл кітап алғаш 1998 жылы Стамбулда баспадан шыққан өзбекше «Намоз китоби» нұсқасының қайта редакцияланған версиясы. Бұл еңбегіміздің оқырман қолына жеткенге дейінгі дайындау кезеңінде қымбат уақыт және еңбектерін аянбаған бүкіл достарымызға алғысымызды айтамыз.

ББК 86.2

Қазақстан мұсылмандары діни басқармасы діни бірлестігінің 4.09.2002 жылғы 23/0273 санды қаулысымен “Намоз китоби” кітабының ішінде дінге жат нәрселер жоқ екендігі және Қазақстан территориясында таралуымен оқытылуына рұқсат берілгені аталып көрсетілген.

Ё $\frac{0403000000}{00(05)-08}$

ISBN 9965-21-928-1

THE RELIGIOUS ADMINISTRATION OF KAZAKHSTAN MUSLIMS

الادارة الدينية لمسلمي قزاقستان

ҚАЗАҚСТАН МҰСЫЛМАНДАРЫ ДІНИ БАСҚАРМАСЫ

Қазақстан Республикасы, 050016 Алматы қаласы, Пушкин көшесі, 12. тел.: 397 63 84

№ 23/0299 “27” 06 2011 ж.

<u>Мейірімді, Рахымды Алланың атымен бастаймын!</u>

«ТҮРКІСТАН МӘДЕНИЕТ ҚОРЫНА» ҚАРАСТЫ «ТҮРКІСТАН КІТАП ҮЙІ» БАСПАСЫНЫҢ КІТАПТАРЫ ТУРАСЫНДА

«Түркістан кітап үйі» баспасынан шыққан діни-танымдық кітаптар Қазақстан мұсылмандары діни басқармасының сараптауынан мұқият өтеді. Ақидасы, яғни сенімі жағынан Қазақстан мұсылмандары ұстанатын ханафи мәзһабына сай, ал, мазмұны терең, әрі бай. Қалың оқырман іздеп тауып, сүйсіне оқиды. Бұл кітаптарды әліміз бойынша таратудың мән-маңызы зор. Оны қалың оқырмандармен қатар мешіт діндарлары мен сауат ашу курстарының шәкірттері де кеңінен пайдаланады.

Баспа ұжымына айтар алғысымыз шексіз. Кітаптары дәйім сұраныста. Жаңа кітаптар шығара берсін, күтеміз.

Ізгі тілекпен,

ҚАЗАҚСТАН МҰСЫЛМАНДАРЫ ДІНИ БАСҚАРМАСЫ ТӨРАҒАСЫНЫҢ ОРЫНБАСАРЫ, НАИБ МҮФТИ

ШЕЙХ МУХАММАД ХУСЕЙН ҚАЖЫ АЛСАБЕКОВ

Орындаушы: С. Еншібай.
тел: 3976397.

Бисмиллаҳирраҳмонирраҳим

Ҳар бир инсон уч турли ҳаётни бошдан кечиради. Булар дунё, қабр ва охират ҳаётлари. Дунёда руҳ билан бадан бирга ҳаёт кечиради. Инсон баданига мана шу ҳаёт ва жонни бахш қилиб турган манба - руҳдир. Руҳ бадандан айрилганда, инсон ҳам бу ҳаётдан кўз юмади. Бадан мозорда чириб, тупроққа айланса ёки ёниб кул бўлса, ёхуд йиртқичга ем бўлса ҳам, руҳ йўқолмайди. Ўлим воқеъ бўлгач, дунё ҳаёти хотимасига етиб, қабр ҳаёти бошланади. Қабр ҳаётида ҳис (сезги) бор, ҳаракат йўқ. Қиёматда эса, янгидан бир бадан яратилади ва бу бадан руҳ билан бирлашиб, абадиян Жаннатда ёки Жаҳаннамда яшайди.

Инсоннинг дунёда ва охиратда бахтиёр, хушвақт бўлиши учун, албатта мусулмон бўлиши лозим. Дунёда бахтиёр бўлиш, дегани - роҳат ва фароғатда яшаш демакдир. Охиратда бахтиёр бўлиш эса - Жаннат аҳлидан бўлиш демакдир. Аллоҳу таоло қулларига раҳм қилгани учун, бахтиёр ва масъуд бўлишнинг йўлларини Пайғамбарлари воситасида бандаларига маълум қилди. Чунки инсонлар бу саодат йўлини ўз ақллари билан ҳеч қачон топа олмайдилар. Ҳеч қайси Пайғамбар ўз ақлидан ҳеч нарса таблиғ қилмаган ва айтмаган. Барчаси, фақатгина Аллоҳу таолонинг билдирганларини таблиғ қилганлар. Пайғамбарлар билдирган мана шу саодат йўлига - **Дин** дейилади. Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари таблиғ қилган динга **Исломият** дейилади

Одам алайҳиссаломдан бери дунёга мингларча пайғамбар келган бўлиб, энг улуғ, энг етук ва энг охиргилари Муҳаммад алайҳиссаломдир. Аввалги бутун пайғамбарларнинг таблиғ қилган динлари, асрлар давомида бузилиб катта ўзгаришларга учради. Шунинг учун замонамизда ва қиёматгача, саодат йўлини топишни орзу қиладиган наслар учун Ислом динини ўрганишдан бошқа чора йўқдир.

Исломият, қалб билан ишониладиган **Иймон** илми ва бадан билан бажо келтириладиган **Шариат** илмидан иборат. Иймон ва шариат илмлари **Аҳли суннат олимлари**нинг китобларидан ўрганилади. Жоҳил саводсизлар, бебош ва ботил мазҳабсизларнинг бузуқ китобларидан ўрганилмайди. Ҳижрий 1000 (минг) йилдан аввал ислом мамлакатларида жуда кўп **Аҳли суннат олими** бор эди. Ҳозир эса ҳеч қолмади ҳисоб. Бу улуғ олимлар ёзган арабий ва форисий китоблар ва уларнинг таржималари ҳам шунчалик кўпки, жаҳон кутубхоналарининг хоҳлаганида бу қийматли ҳазиналарни учратиш мумкин.

Агар оқил эрсанг, шариатга боғлан!
Шариатнинг аслидир, Ҳадис ила Қуръон!

Будир асл мифтоҳи ганжи қадийм,
Бисмиллаҳирроҳманирроҳийм.

МУҚАДДИМА

Намоз китобини ёзиш учун Аъузу-бисмиллони айтиб бошламоқдаман. Аллоҳу таолога ҳамд бўлсин. У севган ва танлаган қулларига ва уларнинг энг устуни бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга салот ва салом бўлсин. Ўша пайғамбарнинг пок аҳли байтига (оиласи), одил ва содиқ бўлган Асҳоби кироминиң "ридвонуллоҳи таоло алайҳим ажмоъин" ҳар бирига хайрли дуолар бўлсин!

Дунёда яхши, фойдали амаллар ёмон ва зарарли нарсалар билан аралашган, ўралган, қоришган ҳолдадир. Дунё ва охират саодатига, роҳатига, ҳузур-ҳаловатига эришиш учун, булардан фақат яхши ва фойдалиларини танлаб олиб, бажариш керак. Аллоҳу таоло жудаям меҳрибон бўлгани учун, яхши нарсаларни ёмонларидан ажрата оладиган қувват яратди. Бу қувватга **"Ақл"** дейилади. Тоза ва соғлом бўлган ақл, ушбу вазифасини хатолашмай аниқ бажаради. (бундай ақл валийларда ва юқорисида бўлади) Гуноҳ қилиш, нафсга уйиш ақлни ва қалбни касал қилади. Бундай ақл ва қалб яхши-ёмонни фарқлай олмайди. Мана шу ерда ҳам Аллоҳу таоло раҳмати билан тажаллий қилиб, бу ишни ўзи ҳал қилмоқда, яхши ишларни пайғамбарлари воситасида билдириб, бажо келтиришимизни буюрмоқда. Зарарли нарсаларни ҳам танитиб, уларни тақиқламоқда. Мана шу амр ва тақиқларнинг тамомига **"Дин"** дейилади. Муҳаммад алайҳиссалом олиб келган динга **"Исломият"** дейилади. Бугун ер юзида ўзгартирилмаган, таҳриф қилинмаган, бузилмаган ягона бир дин бор. У ҳам бўлса Исломиятдир! Роҳатга эришиш учун исломиятга бўйсуниш, мусулмон бўлиш шарт. Мусулмон бўлиш учун эса, ҳеч қанақа домлага, имомга, муфтийга боришнинг хожати йўқ. Аввало қалбдан иймон келтириш, сўнгра Исломиятнинг амр ва тақиқларини бажариш керак. Иймон этиш учун, калимаи шаҳодатни айтиш ва маъносини билиш зарур. Бу калиманинг маъносига тўғри ишониш учун эса, Аҳли суннат олимларининг китобларида билдирилганидек ишонмоқ лозим. Аҳли суннат олимлари ёзган, ҳақиқий диний китобларга тобеъ бўладиганларга юзта шаҳид савоби берилади. Тўрт мазҳабдан хоҳлаган биттасига мансуб бўлган олимларга **Аҳли суннат олими** дейилади.

Бугун дунё мусулмонлари асосий уч фирқага ажралган бўлиб, биринчи фирқа Асҳоби киромнинг саодатли йўлидан юрувчи ҳақиқий мусулмонлардир. Буларга **Аҳли суннат**, **Сунний** ва **Фирқаи ножия,** яъни жаҳаннамдан нажот топган фирқа дейилади.

Иккинчи фирқа - Асҳоби киромга душман бўлганларнинг фирқасидир. Буларга **Шия** ва **Фирқаи золла**, яъни бузуқ, адашган фирқа дейилади.

Учинчи гуруҳ эса, суннийларга ва шияларга душман бўлганлар фирқасидир. Уларга **Ваҳҳобий** ва **Наждий** дейилади. Чунки бу тоифа Арабистоннинг Нажд шаҳридан дунёга тарқаган. Бу фирқага яна **Фирқаи малъуна** (малъунлар галаси) ҳам дейилади. Боиси уларнинг мусулмонларни мушрик деб таҳқирлаганлари **"Қиёмат ва охират"** ва **"Саодати абадия"** китобларимизда келтирилган. Мусулмонга кофир деганларни Пайғамбаримиз лаънатлаганлар. Мусулмонларни мана шу уч фирқага ажратиб, парчалаганлар яҳудийлар билан инглизлардир.

Қайси фирқада бўлишидан қатъи назар, нафсига уйган ва қалби пок бўлмаган кимса жаҳаннамга кетади. Ҳар бир мўмин нафсини тазкия учун, яъни фитратида мавжуд бўлган куфр ва гуноҳлардан тозалаш учун давомли **"Ло илоҳа иллаллоҳ"** калимасини ва қалбини тасфия учун, яъни нафсдан, шайтондан, ёмон улфатлардан, зарарли, бузуқ китоблардан келган куфр ва гуноҳлардан қутқариш учун доимо **«Астағфируллоҳ»** калимасини айтиб юриши керак. Исломиятга амал қилган кимсанинг дуолари албатта қабул бўлади. Намоз ўқимайдиганлар, очиқ аёлларга ва аврати очиқ кимсаларга қарайдиганлар, ҳаром еб-ичадиганлар исломиятга амал қилмаяпти демакдир. Буларнинг дуолари қабул бўлмайди.

Иймон келтиргандан кейинги энг муҳим вазифа намоздир. Беш вақт намоз ўқиш ҳар бир мусулмонга фарзи айндир. Ўқимаслик катта гуноҳ. Шофиъий мазҳабида эса куфрдир. **"Ғоят-ут-таҳқиқ"** рисоласига қаранг! Намозни тўғри ва бекаму кўст ўқий олиш учун аввало намоз илмини ўрганиш керак. Ушбу китобимизда динимизда билдирилган намоз илмини озгина ва созгина қилиб баён этишни маъқул кўрдик. Ислом олимларининг китобларидан фойдаланиб жамланган мана шу намоз илмларини ҳар бир мусулмон албатта ўрганиши ва фарзандларига ҳам ўргатиши зарур.

Намознинг тўғри адо этилиши учун кераклик сура ва дуоларни ҳам ёдлаш керак. Ҳеч бўлмаганда намоз ўқишга кифоя қиладиган даражада сура ва дуони яхши ўқий оладиган ва тўғри талаффуз қила оладиган бирон домладан ёки дўст-биродардан ўрганиб олиш керак.

Қуръони каримни тўғри ўқий олиш учун Қуръони карим дарсларига, машғулотларига иштирок этиш керак. Тўғри ўқишни албатта ўрганиш ва фарзандларга ҳам ўргатиш лозим.

Қуръони каримни араб ҳарфларидан бошқа ҳарфлар билан тўғри ифодалаш ва ёзишнинг асло имкони йўқ. Шунинг учун уни аслидан ўқиш керак. Ўқиш жудаям осон. Пайғамбаримиз "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" бир ҳадиси шарифларида: ***«Фарзандига Қуръони карим ўргатадиганларга ёки Қуръон муаллимига юборадиганларга, ўргатилган Қуръоннинг ҳар бир ҳарфи учун ўн марта Каъбаи муаззамани зиёрат қилганнинг савоби берилади. Ва Қиёмат куни бошига давлат тожи кийдирилади. Буни кўриб бутун инсонлар ҳавас қилишади»-*** деб марҳамат қилганлар.

Аллоҳу таоло ҳаммамизни, иймон келтиргандан сўнгра намозларини тўғри ўрганувчи ва адо этувчи, хайрли ишлар ишлагувчи қулларидан айласин. Омин!

Ҳасан Ёвош

Мелодий	Ҳижрий шамсий	Ҳижрий қамарий
2011	1389	1432

НАМОЗ ЎҚИЙЛИК

Келинг намоз ўқийлик, қалб зангини поклайлик,
Аллоҳга қуллик бўлмас, намоз ўқилмагунча!

Қачон намоз ўқилур, гуноҳлар ҳам тўкилур,
Инсон камол тополмас, намоз ўқимагунча!

Қуръони каримда ҲАҚ, намозни кўп мадҳ этди,
Деди: Севмам кишини, намоз ўқимагунча!

Бир ҳадисда айтилди: Иймоннинг аломати,
Инсонда маълум бўлмас, намоз ўқимагунча!

Бир намозни тарк этиш, гуноҳи кабоирдир,
Тавба билан авф бўлмас, қазо ўқилмагунча!

Намозни менсинмаган, иймондан чиқар шул он,
Мусулмон бўлолмас у, намоз ўқимагунча!

Намоз қалбни пок этар, ёмонликдан ман этар,
Мунаввар бўлолмассан, намоз ўқимагунча!

Мундарижа

НАМОЗ УЛУҒ АМРДИР

Одам алайҳиссаломдан бери, бутун самовий динларда вақт намозлари бор эди. Буларнинг ҳаммаси тўпланиб, Муҳаммад алайҳиссалом умматига фарз қилинди. Намоз ўқимоқ, иймоннинг шарти эмас. Лекин, намознинг фарз эканлигига ишониш иймоннинг шартидир.

Намоз - диннинг устунидир. Намозларини ҳеч тарк этмасдан, тўғри ва дуруст ўқишга давом этадиган мўмин, Ислом биносини қуриб, динини мустаҳкамлаб, уни оёқда тик тутган бўлади. Намозини ўқимайдиганлар эса, динини бузиб, Ислом биносини йиқитган бўлади. Пайғамбаримиз "саллаллоҳу алайҳи ва саллам": ***«Динимизнинг боши намоздир»-*** деганлар. Бошсиз инсон бўлмаганидек, намозсиз дин ҳам бўлмайди.

Намоз - Ислом динида иймондан кейин фарз қилинган биринчи амрдир. Аллоҳу таоло қулларининг фақат Унга ибодат этишлари учун намозни фарз қилди. Қуръони каримнинг юздан кўп оятида "Намоз ўқингиз!"- деб такрорланмоқда. Ҳадиси шарифда: ***«Аллоҳу таоло, ҳар куни беш вақт намоз ўқишни фарз қилди. Бунга эътибор берган ҳолда, бутун шартларини бажо келтириб, қусурсиз ҳар куни беш вақт намоз ўқийдиган кимсани жаннатга киргазишини ваъда қилди.»*** - дейилди.

Намоз - динимизда бажарилиши амр қилинган жами ибодатлар ичра энг қийматлисидир. Бир ҳадиси шарифда: ***«Намоз ўқимайдиганларнинг, Исломдан ҳеч насиби йўқдир!»***- дейилди. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: ***«Мўмин билан кофирни ажратиб турувчи фарқ - намоздир» -*** дейилди. Яъни мўмин намоз ўқийди, кофир эса ўқимайди. Мунофиқлар эса баъзан ўқийди, баъзан эса йўқ. Мунофиқлар дўзахда (Жаҳаннам) кўп азоб чекишади. Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Намоз ўқимаганлар, қиёмат куни Аллоҳу таолони дарғазаб ҳолида кўрадилар.»***

Намоз ўқиш, Аллоҳу таолонинг буюклигини ўйлаб, Унинг қаршисида ўзининг қанчалик заиф эканлигини тушуниб етмоқдир. Буни тушунган одам, ҳамма вақт яхшилик қилишга ҳаракат қилади. Ҳеч қачон ёмонлик қилолмайди. Ҳар куни беш марта Аллоҳнинг ҳузурига чиқишни ният қилган кимсанинг қалби ихлос билан тўлади. Намозда бажарилиши буюрилган ҳар бир ҳаракат қалбга ва баданга фойда келтирмоқда.

Масжидларда жамоат билан намоз ўқиш, мусулмонларнинг қалбини бир-бирига боғлайди. Ораларида меҳр-оқибат туйғуларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бир-бирларига қардош ва биродар эканликларини англатади. Катталар кичикларга раҳмдил, кичиклар катталарга ҳурматда бўлишади. Бойлар камбағалларга ва соғлом кимсалар беморларга ёрдам этадиган бўлишади. Соғлом кимсалар, касал бўлганларни масжидда учрата олмаганлари сабаб, хабар олиш учун уйларига йўқлаб борадилар. Зиёрат қилиш учун сўраб суриштирадилар. ***«Дин қардошининг ёрдамига чопадиганларнинг ёрдамчиси Аллоҳу таолодир.»*** ҳадиси шарифидаги суюнчига муяссар бўлиш учун яришадилар.

Намоз - инсонларни ёмон, чиркин, ифлос ва тақиқланган тубан нарсалардан узоқ тутади. Гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади. Ҳадиси шарифда: ***«Беш вақт намоз, уйларингиз ёнидан оқадиган ариқ кабидир. Бир кимса, ўша ариқда ҳар куни беш марта чўмилса, баданида кир қолмаганидек, беш вақт намоз ўқиганнинг ҳам кичик гуноҳлари ювилади.»***- деб марҳамат қилинди.

Намоз - Аллоҳу таологa ва Расулига иймондан кейин бутун амал ҳамда ибодатларнинг энг устунидир. Шунинг учун намозларни фарз, вожиб, суннат ва мустаҳабларига риоя қилган ҳолда адо этиш керак. Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” бир ҳадиси шарифларида бундай дедилар:

«Эй уммат ва асҳобим! Шартларига бутунлай риоя қилиб ўқиладиган намоз, Аллоҳ ёқтирадиган бутун амаллардан устундир. Бундай намоз, Пайғамбарларнинг суннатидир. Малакларнинг яхши кўрадиган нарсасидир. Маърифатнинг, ер ва осмоннинг нуридир. Баданнинг қуввати, ризқларнинг баракотидир. Дуонинг қабул бўлишига воситадир. Ўлим малагига қарши ҳимоячидир. Қабрда ҳимоячидир. Мункар ва Накир (деган сўроқ қилувчи малаклар)***га жавобдир. Қиёмат куни тепасида саябон. Дўзах*** (жаҳаннам) ***ўтидан сақловчи девор. Сирот кўпригидан яшин каби ўтказиб қўйгучидир.***

Жаннат калити ва жаннатда бошига тождир. Аллоҳу таоло, мўминларга Намоздан ҳам улугроқ, аҳамиятлироқ нарса бермаган. Агар намоздан ҳам қийматлироқ ибодат бўлса эди, аввало ўшани берарди. Зеро, малакларнинг баъзилари тик турган ҳолда, давомли қиёмдалар, баъзиси рукуъда, баъзиси саждада, баъзилари эса ташаҳҳудда ўтирибдилар.

Аллоҳу таоло буларни бир ракъат намозда тўплаб, мўминларга ҳадя этди.

Зеро, намоз иймоннинг боши, диннинг устуни, Исломнинг қавли ва мўминнинг меърожидир. Осмоннинг нури ва жаҳаннамдан қутқаргучидир.»

Бир куни ҳазрати Алининг “карамаллоҳу важҳаҳ” аср намозлари ўтиб кетган эди. Бундан шунчалик изтироб чекдиларки, ўзларини тошларга уриб, йиғлаб фарёд этдилар. Расулуллоҳ жанобимиз унинг бу ҳолидан хабар топган заҳоти, асҳоблари билан у кишининг ёнига келдилар. Аҳволларини кўргач, коинотнинг сарвари бўлган Пайғамбаримиз ҳам йиғлай бошладилар. Аллоҳга ёлвориб дуо этдилар. Бу аснода, қуёш қайтадан кўтарилди. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”: ***«Ё Али! Бошингни кўтаргин, қара қуёш ҳали ботмабди.»*** дедилар. Ҳазрати Али “родияллоҳу анҳ” бунга жудаям севиндилар ва намозларини адо этдилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ “родияллоҳу анҳ” бир кеча кўп ибодат этганларидан уйқу босиб, витр намозлари ўтиб кетган эди. Бомдод намозида Пайғамбаримизнинг орқаларидан масжидга келиб, фарёд қилдилар: «Ё Расулуллоҳ! Фарёдимга етишинг, витр намозим ўтиб кетди»,- деб йиғлаб ёлвордилар. Расулуллоҳ жанобимиз ҳам бу ҳолга

ачиниб, йиғлай бошладилар. Бу пайтда Жаброил “алайҳиссалом” келиб: **«Ё Расулуллоҳ! Сиддиққа айтинг, Аллоҳу таоло уни кечирди.»**- деди.

Авлиёнинг буюкларидан Боязиди Бистомий “қуддиса сирруҳ” ҳазратлари бир кеча уйқу оғир келиб, бомдод намозига уйғона олмадилар. Кейин пушаймон бўлиб шунчалик кўп йиғладиларки, ғойибдан бир овоз: «Эй Боязид! Бу қусурингни кечирдим. Бу тавбанг туфайли сенга яна етмиш минг намоз савобини бердим.»- деди. Бир неча ойдан кейин, бомдод вақтида яна уйқу бостирган эди. Шайтон келиб муборак оёқларидан туртиб уйғотди ва “Тур, намоз вақтинг ўтиб кетади.”- деди.

Боязид Бистомий ҳазратлари ҳайратланиб сўрадилар: “Эй малъун, сен қачондан бери хайрли ишга қўл урадиган бўлдинг?

Ҳамманинг намоз вақти ўтиб кетишини хоҳлардинг-ку. Мени нега уйғотдинг?” Шайтон: “Сен бомдод намозини ўтказиб юборган кунинг шунчалик йиғладингки, эвазига етмиш минг намоз савоби олдинг. Мен шуни ўйлаб, сени намозга турғаздим, токи бир намоздан ортиқ савоб олмагайсан. Йўқса яна етмиш минг намоз савобини олардинг!”- деб жавоб берди.

Буюк авлиё Жунайди Бағдодий ҳазратлари буюрдиларки: “Дунёнинг бир соати қиёматнинг минг йилидан афзалдир. Зеро бу бир соатда яхши, солиҳ, мақбул ва савобли амал қилса бўлади, аммо қиёматнинг ўша минг йилида ҳеч нарса қилиб бўлмайди”.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” дедиларки: ***«Бир кимса, бир намозни билиб туриб кейинги намоз вақти билан бирлаштирса, жаҳаннамда саксон ҳуқба ёнади.»*** Бир ҳуқба саксон охират йилига, охиратнинг бир куни эса, дунёнинг минг йилига тенг.

Шундай экан эй дин қардошим! Вақтингни бўш ва фойдасиз ишлар билан ўтказмагин, вақтнинг қийматини билгин. Вақтингни энг яхши, энг фойдали ишларга сарфлагин. Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”: ***«Мусибатларнинг энг каттаси, вақтни фойдасиз нарсалар билан ўтказишдир»***,- деганлар. Намозларингни кечиктирмай ўз вақтида ўқигинки, қиёмат куни пушаймон бўлмагайсан ва катта савобларга қовушгайсан! Ҳадиси шарифда бундай дейилди: ***«Бир намозни вақтида ўқимай қазога қолдирган кимса, ўша намозини қазо этмасдан аввал вафот этса, у кимсанинг қабрига жаҳаннамдан етмиш дарча очилиб қиёматгача азоб чекади»***. Бир намозни билиб туриб вақтида ўқимаган, яъни намоз вақти бўш ўтаётганига хафа бўлмаган кимса, диндан чиқади ёки ўлаётганида муртад бўлади, яъни иймонсиз кетади. Иймонсиз кетган кимсанинг тириклигида қилган бутун ибодатлари йўқ бўлади. Ўзи эса, кофирлар каби абадий дўзахда қолади. У ҳолда, намоз ўқиш хаёлига ҳам кириб чиқмайдиган, ҳар инсонга намоз ўқиш фарз эканлигига аҳамият бермайдиган ва “менинг кўнглим тоза”- деб, намозни ўзига вазифа билмайдиган бадбахтларнинг аҳволи нима кечади? Намозга аҳамият бермайдиган, уни вазифа деб билмайдиган кимсанинг «**Муртад**», яъни кофир бўлишини тўрт мазҳабнинг барча олимлари иттифоқ-ла билдирганлар. Намозни атайлаб ўқимайдиган, уни қазо этишни ҳам

ўйлаб кўрмайдиган ва бунинг оқибатида азоб чекишдан қўрқмайдиган кимсанинг “муртад”, яъни кофир бўлиши Абдулғани Наблусий ҳазратларига оид **“Ҳадиқат-ун-надия”** китоби *“Тилнинг офатлари”* бўлимида очиқча билдирилган.

Имоми Раббоний ҳазратлари **«Мактубот»** китобининг 1-жилд, 275-мактубида айтадиларки: *Сизнинг ушбу неъматга эришишингиз, Ислом илмларини ўргатишингиз ва фиқҳ ҳукмларини ёйишингиз туфайлидир. Чунки у диёрларни жаҳолат истило этган ва бидъатлар ёйилган эди. Аллоҳу таоло севгили қулларининг муҳаббатини сизларга ҳам эҳсон этди, исломиятни ёйишга сизларни восита қилди. У ҳолда, дин илмини ўргатишга*

вафиқҳаҳкоминиёйишгақўлингизданкеладиганбарчаимконларингизни сарфланг. Тинманг. Бу икки иш, бутун саодатларнинг боши, юксалишининг воситаси ва нажотнинг сабабидир. Кўп ҳаракат қилинг! Дин намояндаси сифатида майдонга чиқинг! У ердагиларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилиб, ҳақ йўлни кўрсатинг! Музаммил сурасининг ўн тўққизинчи (19-) оятида маъолан: ***«Раббингнинг ризолигига эришишни истайдиганлар учун бу албатта бир насиҳатдир.»****- дейилди.*

Бу ёшга келибсан не амал қилдинг?
Умринг ўтиб кетди, пушаймон бўлдинг?
Ҳузуримга қайси юзинг-ла келдинг?-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?

Икки йўлни кўрсатдим, ҳам ақл бердим,
Биттасини танлаш-чун эркингга қўйдим.
Шариатни тарк этиб нафсингга уйдинг,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?

Таҳорат олмадинг иссиқ-совуқ деб,
Намоз ўқимадинг хеч, дунё ғамин еб,
Ғусл нима билмадинг, жанобат кезиб,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?

Нега ўқимадинг хеч, покланиб намоз,
Ёлвориб Холиққа этмадинг ниёз?
Ғусл олиш керак доим қиш ва ёз,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?

Биринчи Бўлим

ИЙМОНИМИЗ ВА НАМОЗ
Аввало иймон келтириш даркор

Аллоҳу таоло, одамзотнинг ҳам дунёда роҳат ва ҳузур ичида яшашини, ҳам охиратда абадий саодатга қовушишини хоҳлайди. Шунинг учун саодатга сабаб бўлувчи, фойдали нарсаларни бажаришни амр этди. Фалокатга сабаб бўлувчи нарсаларни тақиқлади. Аллоҳу таолонинг биринчи амри, иймон келтириш бўлиб, барча инсонларга фарздир. Барча учун иймон зарурийдир. Бу зарурийлик инсоннинг ўзи учундир.

Иймон, луғатда бирор нарсага ёки бирор кимсага ҳеч шубҳасиз ишониш, деганидир. Исломиятда иймон дегани: Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳу таолонинг пайғамбари эканлиги, танланган хабар берувчи **«Набий»** эканлигини тўғри деб билмоқ ва ишониб сўзламоқдир. Ул ҳазратга Аллоҳу таоло тарафидан қисқа билдирилган нарсаларга қисқача ва кенгроқ қилиб билдирилганларга эса, атрофлича ишонмоқ ва қўлидан келгунча **«калима-и шаҳодат»**ни тил билан сўзламоқдир. Иймоннинг қувватли бўлишини, яъни жоҳилларнинг гапига кириб кофир бўлиб қолмасликни хоҳлайдиган кимса, илоннинг чақишига, оловнинг куйдиришига қандай ишонадиган бўлса, Аллоҳу таологa ва иймоннинг бошқа шартларига ҳам худди ўшандай ҳеч шубҳасиз ва гумонсиз ишонмоғи даркор.

Иймон Муҳаммад алайҳиссаломнинг бутун айтганларини ёқтириб, қалби билан тасдиқлаш, яъни ишониш деганидир. Ана шундай ишонадиганларга **“Мўмин”** ва **“Мусулмон”** дейилади. Ҳар бир мусулмоннинг Муҳаммад алайҳиссаломга тобеъ булиши, У зот кўрсатган йўлдан юриши лозим. У зотнинг йўли Қуръони карим кўрсатган йўлдир. Бу йўлга **“Исломият”** - дейилади. Бу йўлга кириш учун аввало иймон этиш, кейин мусулмонликни яхшилаб ўрганиш, кейин фарзларни бажариб, ҳаромларни тарк этиш, ундан кейин суннатларни ифо этиб, макруҳлардан қочиниш керак. Ундан кейин эса, мубоҳларда ҳам пайғамбаримизга уйғун ҳаракат қилиш керак.

Динимизнинг пойдевори иймондир. Иймони бўлмаган кимсанинг ҳеч қайси яхшилиги ва ибодатини Аллоҳу таоло севмайди, ёқтирмайди ва қабул қилмайди. Шу боис ҳам, мусулмон бўлишни хоҳлайдиган кимсага аввал иймон келтириш лозим бўлади. Ана ундан кейин ғусл, таҳорат, намоз ва зарур бўлган бошқа фарзларни ўрганиш керак.

Иймон тўғри бўлиш керак

Сезги органлари ва ақлий илмлар кўпинча иймон келтиришга кўмакчилик қилади. Фан илмлари оламдаги низомнинг, тартибнинг тасодифан эмаслигини ва бир яратувчининг борлигини, мана шундай бир мувозанатли дунёда яшаётганимизни тушуниш, билиш ва иймон келтиришга ундайди. Иймон деб, охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳу таолодан келтирган илмларини ўрганиб, ишонишга айтилади. Ишониш лозим бўлган бирорта ақида учун, «ақлимга тўғри келса ишонаман» – дейиш, пайғамбарларни инкор қилиш билан баравардир. Дин ақоиди, мутафаккирларнинг ёки олимларнинг ўйлаб топган нарсалари эмас, балки пайғамбарларга Аллоҳу таоло тарафидан ваҳий қилинган қоидалардир. Шунинг учун уларга, «ақлга тўғри келмайди» деб ишонмаслик, пайғамбарларга ишонмаслик бўлади. Тўғри иймонга эга бўлиш учун, севгили пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳу таолодан келтирган бутун қоидаларни, Уларнинг ворислари (меросхўрлари) бўлмиш **Аҳли суннат олимлари**нинг китобларидан ўрганиб, китобдагидек ишониш керак. Тўғри ва мақбул иймон соҳиби бўлиш учун, қуйидаги хусусларга ҳам диққат қилиш керак:

1. Иймон давомли ва собит бўлиши лозим. Яъни ҳеч қачон иймондан чиқиб кетишни орзу қилмаслик керак. "Уч йилдан кейин мусулмонликдан чиқаман"- деган кимсанинг ўша заҳоти иймони кетади.
2. Мўминнинг иймони хавф ва ражо (умид) орасида бўлиши керак. Аллоҳнинг азобидан қўрқиши, лекин раҳматидан ҳечам умидини узмаслиги керак. Ҳар гуноҳдан тийилмоғи керак, худди гуноҳ қилса иймони кетадигандек қўрқиши керак. Шунингдек, агар қилмаган гуноҳи қолмаган бўлса ҳам, Аллоҳу таолонинг марҳаматидан умид узмаслиги лозим. Гуноҳлари учун тавба этмоғи даркор. Чунки тавба қилиб, гуноҳига пушаймон бўлган кимса, ҳеч гуноҳ қилмагандек топ-тоза бўлади.
3. Жон (руҳ) ҳалқумга келмасдан аввал иймон келтирган бўлмоғи даркор. Чунки жон ҳалқумга келган вақтда, охиратдаги нарсалар ва ҳатто кетиладиган макон ҳам кўрсатилади. Буни кўрган кофирлар иймон этмоқчи бўладилар. Лекин, иймоннинг ғойибга бўлиши шарт бўлгани учун, уларнинг иймони қабул этилмайди. Кўрмасдан аввал иймон келтириш керак.

Жон ҳалқумга келганда, келтирилган иймон қабул бўлмайди, бироқ аввалдан иймон этган мўминларнинг тавбалари қабул бўлади.

4. Қуёш ғарбдан чиқмасдан аввал иймон келтириш лозим. Қиёматнинг катта аломатларидан бири, қуёшнинг ғарбдан чиқишидир. Буни кўрган бутун инсонлар иймон келтирадилар. Лекин, бу иймонлари қабул қилинмайди. Чунки, қуёш ғарбдан чиққанида тавба эшиклари ёпилади.

5. Ғойибни Аллоҳу таолодан бошқа ҳеч кимнинг билмаслигига ишониш лозим. Ғойибни фақат Аллоҳу таоло ва У билдирган кимсаларгина билишади холос. Малаклар, жинлар, шайтонлар ва ҳатто пайғамбарлар ҳам ғойибни билишмайди. Лекин пайғамбарларга, солиҳ қулларга ва авлиёларга баъзан ғойибни Аллоҳу таоло билдириб туради.
6. Диннинг иймонга ва ибодатларга тегишли ҳукмини заруратсиз қасддан рад этмаслик лозим. Исломиятнинг амр ва ман қилган нарсаларидан биттасини менсинмаслик, Қуръони каримни, малаклар ва пайғамбарлардан бирини масхара қилмоқ ва улар воситасида билдирилган нарсаларни ҳеч заруратсиз, тил билан инкор этмоқ, куфрга сабаб бўлади. Аллоҳу таолонинг борлигини ва бирлигини, малакларни, ғуслни ва намознинг фарз эканлигини ўлимдан ёки зулмдан қутулиш учун "инкор этдим" - деса, иймони кетмайди.
7. Ислом дини очиқча билдирган ҳукмларда ҳеч шубҳаланмаслик ва иккиланмаслик керак. Намознинг фарз эканлигига; шароб, спиртли ичимликлар, қимор, судхўрлик ва порахўрликнинг ҳаром эканлигига шубҳа назари билан қараш – куфрдир. Ёки машҳур бирон ҳаромга "ҳалол"- дейиш ва ҳалол нарсага "ҳаром"- дейиш инсонни диндан ва иймондан чиқаради.
8. Иймон - Ислом дини қандай билдирган бўлса, шундай бўлиши керак. Ўз ақлининг маъқуллаганига, файласуф ва фан тақлидчиларининг гапларига қараб ишонишга иймон дейилмайди. Ёлғиз, Муҳаммад алайҳиссаломнинг билдирган қоидаларига ишониш орқали ҳақиқий иймонга эришиш мумкин.
9. Иймонли кимса, фақат Аллоҳ учун севмоғи ва яна Аллоҳ учун душманлик этмоғи лозим. Яъни Аллоҳнинг дўстлари бўлган бутун мусулмонларни яхши, деб билиш ва уларни Аллоҳ йўлида севиш керак. Исломиятга ва мусулмонларга қўли билан, тили билан, қуроли билан, теледастури билан, қалами ёки газетаси билан душманлик қиладиганларни севмаслик керак. Бу душманлик қалбда бўлиши керак.

[Ғайри муслим ватандошларга, туристларга нисбатан мулойим, кулар юзли бўлиш ва уларга чиройли ахлоқ ва тарбиямиз билан динимизни севдиришимиз керак.]

10. Пайғамбаримиз ва Асҳоби кўрсатган тўғри йўлдаги мўминлар каби иймон этиш лозим. Ақидани Аҳли суннат эътиқодига уйғун равишда тузатиш керак. [Аҳли суннат олимлари ёзган, ҳақиқий дин китобларига тобеъ бўлган мусулмонларга, юзта шаҳид савоби берилади. Тўрт мазҳабдан бирида бўлган олимларга **Аҳли суннат олими** дейилади. Аҳли суннат олимларининг раиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларидир. Бу олимлар, Асҳоби Киромдан ўрганганларини китобларига ёзганлар, Асҳоби кером эса ўз навбатида, буларга Расулуллоҳдан эшитганларини ўргатганлар.]

АҲЛИ СУННАТ ЭЪТИҚОДИ

Мусулмон бўлишнинг биринчи шарти иймон келтиришдан иборат. Тўғри иймон эса, Аҳли суннат эътиқодига мувофиқ бўлишига боғлиқ. Оқил ва болиғ бўлган мусулмоннинг биринчи вазифаси, Аҳли суннат олимларининг китобларидаги ақоид ва иймон илмини ўрганиш ва уларга риоя этган ҳолда ишонишдан иборат. Қиёматда жаҳаннам азобидан қутулишнинг ягона йўли, уларнинг китобларига мос равишда ишонган бўлишга боғлиқ. Жаҳаннамдан қутиладиган мўминлар, ана ўшаларнинг издошларидир. Бу бахтиёр мўминларга **«Аҳли суннат»** ёки **«сунний»** дейилади. Бир ҳадиси шарифда: ***«Менинг умматим етмиш уч фирқага бўлинади. Улардан фақат бир фирқа жаҳаннамдан қутилади, бошқалари эса ҳалок бўлишади, дўзахга кетишади.»*** - дейилди. Бу етмиш уч фирқадан ҳар бири ўзларининг энг покиза, энг тўғри мусулмон эканликларини рўкач қилишиб, дўзахдан қутулишларига ишонмоқдалар ва ҳадиси шарифда башорат қилинган фирқанинг ўзлари эканликларини даво қилишмоқда. **Муъминун** сураси 54-оят ва **Рум** сураси 32-ояти каримамаларида мазмунан: **«Ҳар фирқа, ўзининг тўғри йўлда эканлигини ўйлаб севинмоқда.»** - дейилди. Ҳолбуки, бу фирқалар орасида қутиладиган ягона фирқанинг белгиларини Пайғамбаримиз қуйидагича билдирганлар: ***«Бу фирқадагилар Менинг ва Асҳобимнинг издошларидир».*** Асҳоби киромдан атиги бир донасига душман бўлган кимса ҳам Аҳли суннатдан айрилган бўлади. Аҳли суннат эътиқодидан айрилган кимса эса, ё кофир бўлади ёки эътиқоди бузуқ фирқадан бўлади.

Аҳли Суннат эътиқодида бўлишнинг белгилари

Аллоҳу таоло, барча мусулмонларнинг Аҳли суннат эътиқодига мувофиқ иймон келтиришларидан розидир. Бу шарафли эътиқодга мансуб бўлишнинг бир неча муҳим шартлари ва аломатлари бўлиб, Аҳли суннат олимлари буни қуйидагича изоҳ этганлар:

1. Иймоннинг олтита шартига, яъни Аллоҳу таолонинг борлиги ва бирлигига, шериги ва ўхшаши йўқлигига; Малакларига; Китобларига; Пайғамбарларига; Охират ҳаётига; Тақдирга, яъни яхши ва ёмон кунларнинг Аллоҳ тарафидан яратилганига ишониш керак. (Булар “Оманту”да билдирилган).
2. Аллоҳу таоло юборган охирги китоб бўлмиш Қуръони каримнинг Аллоҳ каломи (сўзи) эканлигига ишониш керак.
3. Мўминман деган кимса, ўз иймонидан ҳечам шубҳаланмаслиги керак.

4. Пайғамбаримизга “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” иймон келтириб, ҳаётида уни кўрган ва бу шарафга муяссар бўлган Асҳоби киромнинг ҳаммасини севиш ва ҳурмат қилиш керак. Тўрт буюк ҳалифасига, яқин қариндошлари бўлган Аҳли байтига ва муҳтарам хонимларидан ҳеч бирига тил текказмаслик керак.
5. Ибодатларни иймоннинг шарти деб билмаслик керак. Аллоҳу таолонинг амр ва тақиқларига ишонган ҳолда, эриниб адо этмаган мусулмонларни кофир деб билмаслик керак. Ҳаромларга аҳамият бермайдиган, менсинмайдиган ва исломиятни ҳазилга оладиганларнинг иймони кетади.
6. Аҳли қибла эканлигини, Аллоҳга ва пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга ишонишини айтган кимса, бузуқ эътиқодда бўлса ҳам, унга “кофир” демаслик керак.
7. Очиқча гуноҳ қилмайдиган ва қилгани ҳам номаълум бўлган ҳар имомнинг орқасида намоз ўқиш керак. Бу ҳукм, Жума ва Байрам намозларини ўқитадиган амирлар ва ҳокимларга ҳам тааллуқлидир.
8. Мусулмонлар ўзларининг бошларидаги амирларига, бошлиқларига исён этмаслиги керак. Исён этиш, фитнага сабаб бўлади ва турли фалокатларга йўл очади. Ҳоким ва амирларнинг хайрли иш қилишлари учун дуо қилиш, уларни гуноҳ ва ёмон ишларидан қайтариш учун ширин гап билан насиҳат қилиш керак.
9. Таҳорат олаётганда оёқларни ювиш ўрнига ҳеч қанақа узр ва зарурат бўлмаса ҳам қўл билан маҳси устига масҳ тортиш, эркак учун ҳам, аёл учун ҳам жоиздир. Яланг оёқ ва пайпоқ устига масҳ қилинмайди.
10. Пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” меърож ҳодисалари ҳам руҳ, ҳам бадан орқали амалга ошганига ишониш лозим. Бунга ишонмайдиганлар ва “Меърож фақатгина руҳий ҳодисадир” ёки “Меърож рўёда (тушда) бўлган»- дейдиганлар Аҳли суннат эътиқодига хилоф иш қилган бўлади.
11. Жаннатда мўминлар Аллоҳу таолони кўрадилар. Қиёмат кунида пайғамбарлар, солиҳ ва авлиё зотлар шафоат қилади. Қабр саволи ҳақ бўлиб, қабр азобини руҳ ҳам, бадан ҳам тортади. Авлиёнинг кароматі ҳақдир. Каромат, Аллоҳу таолонинг севгили бандаларига эҳсон ва икром этган, одатдан ташқари, яъни физика, кимё ва биология қонунлари ҳорижида ҳосил бўладиган ажойиб ҳоллардир. Кароматлар - валийларнинг ҳаётларида шунчалик кўп рўй берганки, тарихда минглачаси қайд қилинганидан инкор қилинолмайдиган ҳодисалар қаторига кирган. [Қалби муҳрланган кимсаларгина уни кўролмайди.] Қабрдаги руҳлар тирик инсонларнинг гапирганларини эшитадилар. Қуръони карим ўқиш, садақа бериш ва ҳатто бутун ибодатларимизнинг савобини маййитларга ҳадя этиш уларнинг қабр азобларидан қутулишига, гуноҳларининг кечирилишига, Жаннатга тезроқ киришига, қабр азобларининг бироз енгиллашишига сабаб бўлмоқда. Буларнинг ҳаммасига ишониш Аҳли суннат эътиқодида бўлган ҳақиқий Сунний мусулмонларнинг аломатларидандир.

ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИ

Иймоннинг шартлари олтита бўлиб, “Оманту”да изоҳ этилган. Иймоннинг маълум олтита хусусга ишонишдан иборат эканлигини Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” билдирганлар. Шунинг учун ҳар бир мусулмон, фарзандига аввало «Оманту»ни ёдлатиши ва маъносини ҳам яхшилаб ўргатиши лозим.

ОМАНТУ: «Оманту биллаҳи ва Малоикатиҳи ва Кутубиҳи ва Русулиҳи вал-явмил-охири ва бил қадари, хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал-баъсу бадал мавти ҳаққун, Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу.»

Биринчи шарт
АЛЛОҲУ ТАОЛОГА ИШОНМОҚ

«**Оманту биллаҳи**»: Аллоҳу таолонинг бор ва бир эканлигига ишондим, иймон этдим, қалбим билан тасдиқ, тилим билан иқрор қилдим- деганидир. Аллоҳу таоло бор ва бирдир. “Бир” сўзининг луғатда икки хил маъноси бўлиб, биринчи маъноси: Иккининг ярми, саноқ сонларнинг аввалгиси бўлган бир. Иккинчи маъноси: Шериги ва ўхшаши бўлмаслик нуқтаи назаридан бўлган бирдир. Аллоҳу таоло фақатгина сон жиҳатидан эмас, балки шериги ва ўхшаши бўлмаслик жиҳатидан ҳам бирдир. Яъни зоти ва сифатларида ҳеч қайси жиҳатдан Унга шерик йўқ. Бутун махлуқотнинг зот ва сифатлари, Яратганнинг зот ва сифатларига ўхшамаганидек Яратганнинг зот ва сифатлари ҳам, яратилган махлуқларнинг зот ва сифатларига ўхшамайди.

Барча махлуқотнинг ҳар бир аъзосидаги ҳар бир ҳужайрасини йуқдан бор қилган холиқи (яратувчиси) – Аллоҳу таолодир. Аллоҳу таолонинг зотининг ҳақиқатини ҳеч кимса билолмайди. У, ақлга ва хаёлга келадиган бутун нарсалардан муназзаҳдир (узоқдир). Зотини ақлга, хаёлга келтириш жоиз эмас. Фақат Қуръони каримда баён этилган исмларини, сифатларини ёдлаб, илоҳ эканлигини булар билан тасдиқ ва иқрор этиш керак. Аллоҳнинг бутун исмлари ва сифатлари азалий ва абадийдир. Зоти ҳеч бир ерда турмаганидек, биз биладиган олтита томондан ҳам муназзаҳдир. Яъни олдинда, орқада, ўнгда, чапда, юқорида, пастда эмас. Унга фақат “Ҳар жойда ҳозир-у нозир” дейишга рухсат берилган.

Аллоҳу таолонинг ўн тўртта сифати бўлиб, булардан олтитасига Сифати Зотийя, саккизтасига эса Сифати Субутийя дейилади. Уларнинг маъноларини билиш ва ёдлаш жудаям зарур.

СИФАТИ ЗОТИЙЯ

1. **Вужуд:** Аллоҳу таоло бор. Борлиги азалийдир. Вожибул-вужуддир, яъни бор бўлмоғи лозимдир.
2. **Қидам:** Аллоҳу таолонинг борлигининг аввали чексиз, бошланғичи йўқдир.
3. **Бақо:** Аллоҳу таолонинг борлигининг охири ҳам йўқ. Ҳеч қачон йўқ бўлмайди. Шеригининг мавжудияти мумкин бўлмаганидек зоти ва сифатларининг йўқ бўлиши ҳам мумкин эмас.
4. **Ваҳдоният:** Аллоҳу таолонинг зотида, сифатларида ва ишларида шериги, ўхшаши йўқ.
5. **Муҳолафатун-лил-ҳаводис:** Аллоҳу таоло зот ва сифатлари жиҳатидан ҳеч бир махлуқнинг зот ва сифатига ўхшамайди.
6. **Қиём би-нафсиҳи:** Аллоҳу таоло зоти билан қойимдир. Маконга муҳтож эмас. Модда ва макон яратилмасдан аввал У бор эди. Зеро, ҳар турли эҳтиёждан муназзаҳдир. Бу коинотни йўқдан бор қилмасдан аввал қандай бўлса, абадиян шундайлигича қолади.

СИФАТИ СУБУТИЙЯ

1. **Ҳаёт:** Аллоҳу таоло тирикдир. Махлуқларининг ҳаётига ўхшамаган Ўз зотига лойиқ ва махсус бўлган ҳаёти азалий ва абадийдир.
2. **Илм:** Аллоҳу таоло ҳамма нарсани билгучидир (олимдир). Унинг илми (билиши), махлуқотнинг билишига асло ўхшамайди. Қоронғи кечада майда чумолининг тош устида ўрмалаётганидан тортиб, ўн саккиз минг олам ичра қайнаб ётган катта-кичик бутун мавжудотни билгучидир. Инсонларнинг кўнглидан кечаётган ўй-фикрларини, ниятларини, оқибатларини ҳам билгучидир. Илмида (билишида) ҳеч ўзгариш бўлмайди. Азалий ва абадийдир.
3. **Самъ:** Аллоҳу таоло ҳамма нарсани эшитгучидир. Ёрдамсиз, жиҳатсиз ва воситасиз эшитади. Эшитиши қулларининг ва махлуқларининг эшитишига сира ўхшамайди. Бу сифати ҳам, ҳар бир сифати каби азалий ва абадийдир.
4. **Басар:** Аллоҳу таоло ҳамма нарсани кўргучидир. Кўриши кўз орқали эмас. Сабабсиз, асбобсиз, воситасиз ва шартсиз кўради.
5. **Иродат:** Аллоҳу таоло ирода қилиш, хоҳлаш, тилаш-исташ деган сифат соҳиби бўлган Зотдир. Тилаганини, хоҳлаганини яратади. Ҳамма нарса Унинг хоҳиши, истаги натижасида бор ёки йўқ бўлади. Унинг иродасига, тилагига ва хоҳишига ҳеч қандай қудрат тўсқинлик қила олмайди.

6. Қудрат: Аллоҳу таоло ҳамма нарсага қодирдир (кучи етгучидир). Қудрат соҳибидир. Ҳеч қандай иш Унга қийинлик туғдирмайди.

7. Калом: Аллоҳу таоло сўзлагучидир. Гапириши сўз, ҳарф, товуш, тил ва восита орқали эмас.

8. Таквин: Аллоҳу таоло яратгучидир. Мужиддир, яъни ижод (йўқдан бор) қилувчидир. Ундан бошқа яратувчи ва ижод этувчи йўқ. Ҳамма нарсани У яратган ва яратади. Аллоҳдан бошқаси учун “яратмоқ”, “ижод қилмоқ” феълини ишлатишда куфр хавфи бор.

Аллоҳу таолога хос сифатларнинг ҳақиқатларини тушуниб етиш амри маҳолдир. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Аллоҳу таолонинг сифатларига шерик ва ўхшаш бўлолмайди.

Иккинчи шарт
МАЛАКЛАРГА ИШОНМОҚ

«**Ва Малоикатиҳи**»: Аллоҳу таолонинг малак (фаришта)-ларига ишондим деганидир. Малаклар Аллоҳу таолонинг қулларидир. Барчаси Аллоҳнинг амрларига итоат қиладилар, гуноҳ қилмайдилар. Эркак ёки урғочи эмаслар. Уйланмайдилар. Жонли мавжудот бўлишиб, емайди, ичмайди ва ухламайдилар. Ақлли ва нуроний жисмдирлар. Энг улуғлари тўрт дона:

1. Жаброил алайҳиссалом: Вазифаси пайғамбарларга ваҳий келтириш, амр ва тақиқларни билдириш.

2. Исрофил алайҳиссалом: Сура уфуриш билан вазифали бўлиб, биринчи уфлаши (чалиши)да ҳосил бўлган овозни эшитган Аллоҳдан бошқа бутун жонзот ўлади. Иккинчисида эса қайта тирилади.

3. Микоил алайҳиссалом: Ризқ юбормоқ, арзончилик, мўллик, қаҳатчилик, қимматчилик ва ҳар моддани ҳаракат этдириш билан вазифалидир.

4. Азроил алайҳиссалом: Вазифаси инсонларнинг руҳини қабз этмоқдир.

Булардан кейин яна тўрт синф фаришта (малоика ёки малак) бордир. **Ҳамалаи арш** деб аталувчи малоиканинг [фаришталар] адади ҳам тўртта. Ҳузури илоҳийда турадиган малакларга **Муқаррабин** дейилади. Азоб малакларининг улуғларига **Карубиён**, раҳмат малакларига **Руҳониён** дейилади. Жаннат малоикасидан энг каттасининг исми **Ридвон**, Жаҳаннам малакларидан каттасининг исми **Molик**дир. Жаҳаннамдаги вазифали малакларга **Забоний** дейилади. Коинотда сон жиҳатидан энг кўп бўлган мавжудот фаришталардир [малоика]. Кўкларда малоикалар ибодат қилмаётган бўш жой ҳеч йўқдир.

Учинчи шарт
КИТОБЛАРГА ИШОНМОҚ

«**Ва кутубиҳи**»: Аллоҳу таоло нозил қилган китобларга ишондим, деганидир. Аллоҳу таоло бу китобларни баъзи пайғамбарларига Жаброил алайҳиссалом билан ваҳий, яъни ўқитиш орқали, баъзиларига эса лавҳада ёзилган ҳолда, баъзиларига малаксиз, эшиттириш орқали нозил қилди. Нузул бўлган барча битиклар Аллоҳ каломи бўлиб, абадий ва азалийдирлар. Ҳеч бири махлуқ эмас. Самовий китоблардан бизга билдирилганлари бир юз тўрт дона бўлиб, барчаси ҳақдир. Булардан **ўн суҳуф** - Одам алайҳиссаломга; **эллик суҳуф** - Шит алайҳиссаломга; **ўттиз суҳуф** - Идрис алайҳиссаломга; **ўн суҳуф** - Иброҳим алайҳиссаломга; **Таврот** - Мусо алайҳиссаломга; **Забур** - Довуд алайҳиссаломга; **Инжил** - Исо алайҳиссаломга; **Қуръони карим** - Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлган.

Аллоҳу таоло инсонларнинг дунёда ҳузур-ҳаловатда яшашлари, охиратда абадий саодатга эришишлари учун илк инсон ва илк пайғамбар бўлган Одам алайҳиссаломдан охирги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломгача жуда кўп пайғамбарлар воситасида китоблар юборган. Бу китобларда иймон ва ибодат асослари баён ва изоҳ қилиниб, инсонлар муҳтож бўлган ҳар мавзуда маълумот берилганди.

Булардан Қуръони карим охирги илоҳий китобдир. Қуръони карим нозил бўлгач, ўзидан аввалги бутун илоҳий китобларнинг ҳукмлари бекор қилинди. [Бу Оли Имрон сурасининг 85-ояти билан собитдир: **«Ким исломдан бошқа дин ахтарса, (**билсинки ўша дин**) ундан қабул қилинмайди ва у охиратда ютқазганлардан бўлади»**.]

Жаброил алайҳиссалом, Қуръони каримни, Муҳаммад алайҳиссаломга йигирма уч йилда келтирди. Қуръони карим, 114 сура, 6236 оятдан иборатдир. Баъзи китобларда бу рақамларнинг ўзгача берилиши, Қуръони каримдан бир неча оят чиқариб ташлаш ёки бир неча оят илова қилишдан эмас, балки бир узун оятнинг бир неча оятга ажралиб саналишидан юзага келган. Чунки, Қуръони карим нозил бўлганидан бери унга ҳеч қанақа ўзгартириш киритилмаган ва бундан кейин ҳам киритила олмайди. Аллоҳ каломи бўлган бундай китоб, инсонлар тарафидан ёзилган бўлиши асло мумкин эмас.

Пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” охиратга ташрифларидан кейин илк халифалари бўлган ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ “родияллоҳу анҳ” Қуръони каримнинг оятларини бир китобда тўплатдилар. Натижада **«Мусҳаф»** вужудга келди. Асҳоби киромнинг тамоми бу Мусҳафдаги оятларнинг ҳақ, яъни Аллоҳ каломи эканлигини бир овоздан иттифоқла тасдиқлашди. Учинчи халифа ҳазрати Усмон

“родияллоҳу анҳ” эса, бу мусҳафдан яна олти дона ёздириб, баъзи вилоятларга юбордилар.

Қуръони каримни, арабий аслидан ўқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бошқа ҳарфлар билан ёзилган нусхасига Қуръони карим дейилмайди. Қуръони каримни ўқиш адаблари қуйидагича:

а) Мусҳафни қўлга олаётганда таҳоратли бўлиш, қиблага қараб ўтириш ва диққат билан ўқиш керак.

б) Шошилмасдан, (арабча биладиган бўлса) тушуниб ўқиш керак.

в) Китобга қараб ва ҳар бир ояти каримага ҳурмат кўрсатиб, охиригача ўқиш керак.

г) Тажвид қоидаларига риоя этиш лозим.

д) Аллоҳу таолонинг каломини ўқиётганини унутмаслик керак.

е) Қуръони каримнинг амр ва тақиқларига амал қилиш керак.

Тўртинчи шарт
ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИШОНМОҚ

«**Ва Русулиҳи**»: Аллоҳу таолонинг пайғамбарларига ишондим, деганидир. Бутун пайғамбарлар инсонларни Аллоҳу таоло рози бўлган йўлга эриштириш (тушириш), тўғри йўлни кўрсатиш учун юборилганлар. Барча пайғамбарларда қуйидаги еттита сифатнинг борлигига ишонмоқ лозим:

1. **Исмат:** Гуноҳ ишламаслик, бегуноҳлик. Пайғамбарлар бутун дин ва шариатларда ҳаром қилинган ёки қилинадиган катта-кичик ҳеч қанақа гуноҳ ишга таназзул этмайдилар. Ҳеч қайсилари кичик гуноҳ ҳам қилмаганлар. [Одам алайҳиссалом воқеасига гуноҳ эмас, “залла” (кичик хато) дейилади.]
2. **Омонат:** Пайғамбарлар ҳар тарафлама амин (ишонарли) кишилар бўлиб, асло омонатга ҳиёнат қилмайдилар.
3. **Сидқ:** Пайғамбарлар сўзларида, ишларида, ҳар турли ҳаракатларида ва муносабатларида ҳаққоний, тўғрисўз ва садоқатли инсонлардир.
4. **Фатонат:** Пайғамбарлар жуда ҳам ақлли ва жуда ҳам фаҳмли зийрак кимсалардир. Кўрлик, карлик каби қусур ва камчиликлари бўлган инсонлар, хотинлар ва ногиронлардан пайғамбар келмаган.
5. **Таблиғ:** Пайғамбарлар инсонларга олиб келган, тушунтирган, айтган, изоҳлаган ва билдирган барча илм, қоида ва маълумотларнинг тамомини Аллоҳдан келган ваҳий орқали ўрганганлар. Улар билдирган амр ва тақиқларнинг ҳеч қайсиси ўзларининг фикр ва тушунчалари эмас. Аллоҳдан нима буюрилган бўлса ҳаммасини таблиғ этишган.

6. **Адолат:** Пайғамбарлар ҳечам зулм ва ҳақсизлик қилмайдилар. Битта-яримтанинг кўнгли учун адолатни тарк этмайдилар. Ҳаммага адолат билан муомала қиладилар.
7. **Амнул-азл:** Улар пайғамбарлик вазифасидан озод қилинмайди. Дунёда ва охиратда ҳам пайғамбарлик вазифасида қоладилар.

Янги дин ва шариат келтирган пайғамбарларга **Расул** дейилади. Янги шариат келтирмаган, лекин инсонларни ўзидан аввалги динга даъват қилган пайғамбарларга **Набий** дейилади. Пайғамбарларга иймон этиш демак, улар орасида ҳеч қанақа фарқ кўрмасдан, ажратмасдан ҳаммасининг Аллоҳ тарафидан танланган содиқ, тўғрисўз эканлигига ишониш деганидир. Улардан бир донасига ишонмаган кимса ҳеч қайсисига ишонмаган бўлади.

Пайғамбарлик - кўп меҳнат қилиш, кўп ибодат этиш, очлик, азоб, риёзат ва мужоҳада, қийналиб чиниқиш орқали қўлга киритиладиган маслак эмас. Пайғамбарлик ёлғиз Аллоҳу таолонинг эҳсони ва Унинг хоҳиши билан, азалда танлаган қулига насиб этиши билан, бериладиган вазифа. Пайғамбарларнинг аниқ сонлари маълум эмас. Лекин, 124 (юз йигирма тўрт) мингдан зиёд эканликлари ривоят қилинган. Булардан 313 (уч юз ўн уч)и Расулдир. Ичларида олтитасининг мартабаси бошқалардан устун бўлиб, уларга **Улул'азм** пайғамбарлар дейилади. Булар: **Одам, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо** ва **Муҳаммад Мустафо** алайҳимуссаломдир. Пайғамбарлардан ўттиз учтасининг исмлари машҳур бўлиб, булар: **Одам, Идрис, Шит, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Шуайб, Мусо, Ҳорун, Хидир, Юшоъ бин Нун, Илёс, Алясоъ, Зулкифл, Шам'ун, Ишмоил, Юнус бин Мата, Довуд, Сулаймон, Луқмон, Закарийё, Яҳё, Узайир, Исо бин Марям, Зулқарнайн,** ва **Муҳаммад** “алайҳи ва алайҳимуссалоту вассалом”дир. Булардан фақат йигирма саккизтасининг исми Қуръони каримда билдирилган. **Зулқарнайн**, **Луқмон**, **Узайир** ва Хидир (Хизир)нинг пайғамбарликлари ихтилофлидир. Муҳаммад Маъсум ҳазратлари 2-жилд, 36-мактубда: «*Хидир алайҳиссаломнинг пайғамбар эканликларини билдирган хабарнинг қувватлироқ*» эканлигини ёзганлар. 182- мактубда: «*Хидир алайҳиссаломнинг инсон шаклига кириши ва ишлар қилиши, унинг ҳаётлигига далолат қилмайди. Аллоҳу таоло унинг ва кўпгина пайғамбарларнинг ва валийларнинг руҳларига инсон шаклига кириб, кўринишларига рухсат берган. Уларни дунёда кўриш, ҳаёт эканликларини кўрсатмайди,*»- деганлар.

Пайғамбаримиз МУҲАММАД “алайҳиссалом”

Аллоҳу таолонинг Расули. Ҳабиби, яъни севгилисидир. Пайғамбарларнинг энг устуни ва охиргисидир. Оталарининг исми Абдуллоҳ. Милоднинг беш юз етмиш биринчи (571) йили апрелъ ойининг йигирмасига тўғри келадиган Раби’ул-аввал ойининг ўн иккисида, душанба кечаси тонгга яқин, Маккада таваллуд этдилар. Туғилганларида оталари вафот этган эди. Олти ёшларида оналари, саккиз ёшга етганларида эса боболари вафот этди. Кейин амакилари бўлмиш Абу Толибнинг қарамоғида вояга етдилар. Йигирма беш ёшларида Ҳадича-тул-кубро ила уйландилар. Улардан тўрт қиз ва икки ўғиллари туғилди. Тўнғич ўғилларининг исми Қосим эди. Шунинг учун ул ҳазратга **“Абул-Қосим”** ҳам дейилган. Қирқ ёшларида бутун одамзот ва жинларга Пайғамбар эканликлари билдирилди. Шундан уч йил ўтгач, халқни иймонга даъват кила бошладилар. Эллик икки ёшларида, бир кеча Маккадан Қуддусга (Иерусалим) ва у ердан кўкларга олиб чиқилиб келинди. Бу ҳодисага **«Меъраж»** дейилади. Меъражда Жаннатни, Жаҳаннамни ва Аллоҳу таолони кўрдилар. Беш вақт намоз ўша кеча фарз бўлди. Тарихчиларга кўра, милодий 622 йилда Аллоҳу таолонинг амри билан Маккадан Мадинага равона бўлдилар. Бу сафарларига **«Ҳижрат»** дейилади. Мадина шаҳрининг Қубо қишлоғига келган кунлари бўлмиш Раби’ул-аввалнинг саккизи, сентябръ ойининг йигирманчи душанба куни мусулмонларнинг **Ҳижрий шамсий** тақвим бошланғичи сифатида қабул қилинди. Мусулмонларнинг **Ҳижрий қамарий** йиллари эса, ўша йилнинг Муҳаррам ойидан бошланади ва ой йўлдошининг ер курраси атрофида ўн икки марта айланиши бир қамарий йилга тенг бўлади. Ҳижрий 11 [м.632] йилда Раби’ул-аввал ойининг ўн иккиси, душанба куни тушдан аввал вафот этдилар. Сешанбани чоршанбага боғлайдиган кечанинг (Чоршанба кечаси) ярмида муборак руҳи шарифларини таслим қилган хоналарига дафн қилиндилар. Вафот кунларида, қамарий 63, шамсийга кўра 61 ёшда эдилар.

Муҳаммад “алайҳиссалом” оқ танли ва одамзотнинг энг чиройлиси эди. Чирой ва барноликларини ҳаммага ҳам маълум қилавермасдилар. Ул ҳазратнинг ҳуснларини бир маротаба кўрган ва ҳатто тушида кўрган кимсаларнинг ҳам, умрлари лаззат ва хурсандлик билан ўтмоқда. Ул ҳазрат барча замонларда дунёнинг хоҳлаган минтақасида яшайдиган, туғиладиган барча инсонлардан ҳар тарафлама устундир. Ақллари, фикрлари, гўзал хулқлари ва барча аъзоларининг қуввати ҳар инсонникидан зиёда эди.

Бола чоғларида икки марта тижорат карвонлари билан Шом сари бордилар ва Бусро деган жойдан изларига қайтдилар. Ундан бошқа ҳеч қачон ҳеч қаерга бормадилар. Уммий эдилар, яъни ҳеч мактабга бормадилар.

Ҳеч кимсадан дарс олмадилар. Лекин, ҳамма нарсани билардилар. Яъни ҳар нимаики ўйласалар ва ҳар нимаики билишни хоҳласалар, Аллоҳу таоло ўша заҳоти У зотга билдириб турарди. Жаброил “алайҳиссалом” исмли фаришта келиб, У зот хоҳлаган нарсани билдириб кетарди. Муборак қалблари қуёшдек нур сочарди. Улардан сочилган илм ва маърифат нурлари худди радио тўлқинларидек ер, осмон ва ҳар томонга тарқаларди. Ҳозир эса бу нур, муборак қабри шарифларидан ёйилмоқда. Ёйилиш қуввати ҳам ҳар сония ортиб бормоқда. Электромагнит тўлқинларини қабул қилиб олиш учун радио қабуллагич лозим бўлганидек Унинг нур, яъни файзларини олабилиш учун Уларга ишонадиган, севадиган ва кўрсатган йўлларида юриб покланган қалб лозим. Шундай қалб соҳиби бўлган инсон ушбу нурларни олади ва у ҳам ўз навбатида атрофига нашр эта бошлайди. Бундай улуғ инсонларга **“Валий”** (авлиё) дейилади. Мана шундай бир валийни таниган, ишонган ва севган кимса, унинг олдида адаб билан ўтириб ёки узоқда уни адаб билан, муҳаббат билан хотирласа, ўйласа, ўша кимсанинг қалби ҳам нур ва файз олиб, поклана ва комиллаша бошлайди. Аллоҳу таоло баданимизни, моддамизни парваришлаб етилтириш учун қуёш энергиясини сабаб қилгани каби руҳ ва қалбларимизни камолга етказиш учун Муҳаммад алайҳиссаломнинг қалбларини ва у ердан таралаётган нурларни сабаб қилган. Инсонни тўйғазадиган, ҳужайра ва тўқималарга куч бахш этадиган ва қувват билан таъминлаб турадиган барча озиқ-овқат маҳсулотлари, қуёш энергияси ва ҳар хил реакциялар орқали ҳосил бўлганидек қалбга, руҳга озиқ бўладиган, авлиёнинг суҳбатлари, каломлари ва ёзувлари ҳам, барчаси Расулуллоҳнинг муборак қалбларидан ёйилаётган нурлардан ҳосил бўлган.

Аллоҳу таоло Жаброил “алайҳиссалом” исмли малак орқали Муҳаммад алайҳиссаломга **“Қуръони карим”**ни юборди. Инсонларга дунёда ва охиратда керакли, фойдали бўладиган нарсаларни амр қилди. Зарарли бўладиганларни эса тақиқлади. Ўша амр ва тақиқларнинг тамомига **Ислом дини** ёки **Исломият** дейилади.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган ҳар бир гаплари тўғри, қийматли ва фойдалидир. Мана шундай ишонган кимсага **Мўмин** ва **Мусулмон** дейилади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларидан бирортасига ишонмайдиган, ёқтирмайдиган кимсага **кофир** дейилади. Аллоҳу таоло мўмин бўлган қулини севади. Уни абадиян жаҳаннамга ташлаб қўймайди. Уни жаҳаннамга ё ҳеч ташламайди, ёхуд қабоҳати, гуноҳи учун дўзахга киргазса ҳам, маълум вақт ўтгач озод этади. Кофир кимса эса, жаннатга асло киролмайди. Тўппа-тўғри жаҳаннамга, яъни дўзахга боради ва у ердан илалабад чиқолмайди. Шунинг учун Ул ҳазратга ишониш, Уларни севиш, бутун саодатларнинг, ҳузур-ҳаловатнинг, роҳат-фароғатнинг ва яхшиликларнинг бошидир. Уларнинг пайғамбар эканликларига ишонмаслик эса, бутун фалокатларнинг, ғам-ташвишларнинг, азоб-уқубат ва ёмонликларнинг бошланғичидир.

Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”нинг илм, ирфон, фаҳм, яқийн, ақл, заковат, саҳийлик, тавозу’, ҳилм (мулойимлик), шафқат, сабр, ғайрат, ҳамият, садоқат, омонат, шижоат, ҳайбат, мардлик, балоғат, фасоҳат, фатонат, малоҳат (гўзаллик), вароъ, иффат, каромат, инсоф, ҳаё, зуҳд ва тақволари бошқа бутун пайғамбарлардан зиёда эди. Дўст ва душманларидан кўрган зарарларини кечиб юборардилар. Ҳеч қайсиларига ёмонлик билан жавоб бермасдилар, яъни ўч ва қасос фикрида бўлмасдилар. Уҳуд жангида кофирлар, муборак гулдек яноқларини қонатиб, тишларини синдирган пайтларида, улар учун ***«Ё Рабби! Уларни авф этгин! Бу қилмишларини уларнинг жоҳилликларига йўйгин!»***- деб дуо қилган эдилар.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг чиройли хулқ-атвор ва хислатлари жуда ҳам кўп бўлиб, ҳар бир мусулмон бу ахлоқни ўрганиши ва ўз хулқини ҳам шунга қараб тузатиши керак. Дунё ва охиратда фалокатлардан, азоб-укубатлардан қутулиш ва ўша икки жаҳон сарварининг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” шафоатларига ноил бўлиш, фақат мана шу тариқа насиб бўлиш мумкин. Чунки ҳадиси шарифда: ***«Аллоҳу таолонинг ахлоқи билан ахлоқланингиз!»***- деб буюрилган.

АСҲОБИ КИРОМ

Жанобии пайғамбаримизнинг муборак юзларини кўришга ва ширин сўзларини эшитишга мушарраф бўлган мусулмонларга **Асҳоби киром** дейилади. Пайғамбарлардан кейин келган ва келадиган жами инсонларнинг энг устуни, энг хайрлиси, илк ҳалифа бўлмиш **Абу Бакр Сиддиқ** “родияллоҳу анҳ”дир. Ундан кейин инсонларнинг энг устуни иккинчи ҳалифа **Умар бин Ҳаттоб**; Сўнгра энг хайрли инсон расулуллоҳнинг учинчи ҳалифалари, иймон, ҳаё ва ирфон манбаи **Усмон бин Аффон** “родияллоҳу анҳ”; Ундан кейин инсонларнинг энг хайрлиси, тўртинчи ҳалифа, ажойиб ҳислатлар соҳиби, Аллоҳу таолонинг арслони **Али бин Абий Толиб**дир “родияллоҳу анҳ”. Ҳадиси шарифлардан англашилганига кўра, **ҳазрати Фотима**, **ҳазрати Ҳадижа**, **ҳазрати Оиша**, **ҳазрати Марям** ва **ҳазрати Осия** дунё хотинларининг энг устунларидир. Ҳадиси шарифда: ***«Фотима, жаннат аёлларининг энг устунидир. Ҳасан ва Ҳусайн ҳам жаннат йигитларининг энг устуни бўлишади.»***- деб марҳамат қилинди. Улардан кейин Асҳоби киромнинг энг буюклари **Ашараи мубашшара**дир. Булар жаннат билан муждаланган, яъни жаннатга киришлари башорат қилинган ўн киши бўлиб, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Умар-ул-Форуқ, Усмон бин Аффон, Али бин Абу Толиб, Абу Убайда бин Жарроҳ, Талҳа, Зубайр бин Аввом, Са’д бин Абий Ваққос, Саид бин Зайд ва Абдураҳмон бин Авф “ридвонуллоҳи таоло алайҳим ажмоъин”дир. Устунлик даражасида энг аввало бу ўн киши кейин **Бадр** жангида, сўнгра **Уҳуд** ва ундан кейин **Бай’ат-ур-ридвон**да бўлганлар келади.

Расулуллоҳнинг йўлида жонларини, молларини фидо қилган, Ул зоти муборакка хизмат этган Асҳоби киромдан ҳар бирининг исмларини ҳурмат ва севги билан тилга олиш бизларга вожибдир. Уларнинг буюкликларига ярашмайдиган гаплар айтиш, асло жоиз эмас. Исмларини беадаблик билан айтиш, залолат ва бузуқликдир.

Расулуллоҳга ҳурмат кўрсатмоқчи бўлган инсон Асҳобининг тамомини яхши кўрмоғи ва ҳурмат кўрсатмоғи даркор. Чунки, ҳадиси шарифда айтилдики: ***«Асҳобимни севадиганларнинг уларга бўлган бу ҳурматлари Мени яхши кўрганлари туфайлидир. Асҳобимни севмайдиганларнинг уларга бўлган нафратлари эса, Менга бўлган душманликлари туфайлидир. Уларни ранжитадиганлар Мени ҳам ражитишади, Мени хафа қиладиганлар эса, Аллоҳу таолони ранжитишади. Аллоҳу таолони ранжитганлар эса, албатта азобга дучор бўлади.»*** Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***«Аллоҳу таоло менинг умматимдан бирон қулига яхшиликни тақдир этса, ўша қулнинг қалбига Асҳобимнинг севгисини жо қилади. Ва ўша банда Асҳобнинг барчасини жонидек севадиган бўлади.»*** – деб марҳамат қилинган. Пайғамбаримиз вафот этган куни Мадина шаҳрида 33 минг Саҳобий бор эди. Саҳобийларнинг умумий сонлари эса, юз йигирма тўрт мингдан кўп эди.

Тўрт мазҳаб имоми ва олимлари

Эътиқодда ҳақ ва тўғри бўлган ягона йўл бор. У ҳам бўлса **Аҳли суннат вал-жамоат** мазҳабидир. Ер юзидаги барча мусулмонларга ҳақ йўлни кўрсатган ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлларини ўзгартирмасдан, бузмасдан ўзи бўйича ўрганишимизга сабаб бўлган тўртта буюк зот бордир. Улардан биринчиси **имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон бин Собит** бўлиб, Ислом олимларининг энг буюкларидан бўладилар. Аҳли суннатнинг раиси ҳисобланадилар. Иккинчиси - **имоми Молик бин Анас**, учинчиси - **имоми Муҳаммад бин Идрис Шофиъий**, тўртинчиси - **имоми Аҳмад бин Ҳанбал**дир “раҳматуллоҳи алайҳим ажмоъин”.

Бугун амалда ўша тўртта имомдан бирига тобеъ бўлмаган, яъни бу мазҳаблардан биронтасини қабул қилмаган кимса, ҳалокат ёқасида турган кимса кабидир. Тўғри йўлдан адашиб қолган бечорадир. Биз бу китобимизда Ҳанафий мазҳабига кўра намозга боғлиқ масалаларни, шу мазҳабнинг буюк олимларининг китобларидан олиб, соддалаштириб билдирмоқчимиз.

Юқоридаги тўртта имомнинг талабаларидан иккитаси, иймон ва эътиқод илмида жуда юксак даражаларга эришдилар. Шундай қилиб, эътиқодда иккита мазҳаб зуҳур этди. Куръони каримга ва ҳадиси шарифга мувофиқ бўлган тўғри иймон ва эътиқод, ўша икки имомнинг китоблари орқали кунимизгача етиб келди. Фирқаи Ножийя, яъни нажот топгувчи фирқа бўлган Аҳли суннатнинг иймон ва эътиқод илмини ер юзига ёйган буюклар - ўша икки имом бўлиб, бири **Абу Мансур Мотуридий**, иккинчиси **Абул-Ҳасан Али Ашъорий**дир.

Бу иккала имом ҳазратлари системалаштириб, мазҳаб ҳолига келтириб кетган иймон ва эътиқод илми, кўринишда фарқли бўлса ҳам, ҳақиқатда бир бирининг айнисидир. [Ораларидаги баъзи кичкина фарқлар уларнинг бир бирларига рақиб эмас, балки биродар эканликларини кўрсатиб турибди. Бу имомлардан ҳар бири айни масалага фарқли тарафлардан ёндашиб, бири бу масаланинг бир жиҳатини назарда аҳамиятли деб, шунга кўра ҳукм берганлар. Иккинчи имом эса, ҳукм беришда худди ўша масаланинг бошқа жиҳатини асос олганлар. Масалан: Мотурийдийлар "Мусулмонмисиз?" саволи қаршисида "Алҳамдулиллоҳ яъни Худога шукр, албатта мусулмонман," – деб жавоб беришади. Ашъорийларда эса, ундай жавоб бериш жоиз эмас. Улар "Иншооллоҳ, яъни Худо хоҳласа, мусулмонман,"- деб жавоб қайтаришади. Бу жавоб ҳам баъзи шартлари бўлмаган тақдирда Мотуридийга кўра жоиз бўлмайди. Чунки, Мотуридий мазҳабида инсоннинг бу савол берилган пайтдаги аҳволи эътиборга олиниб ҳукм берилган ва бу савол қаршисида "Худо хоҳласа, мусулмонман."- дейиш иймоннинг йўқлигига далолат қилади. Ашъорий мазҳаби эса, бу масалага бошқа тарафдан ёндашиб, охирги нафасни асос қилиб олган. Охирги нафасда кимнинг иймонли кимнинг иймонсиз кетиши ноъмалум бўлгани учун, Ашъорийлар бу савол қаршисида инсоннинг сўнгги нафасидаги аҳволини назарда тутганлар. Шунинг учун бу мазҳабда албатта ва қатъийлик билдирадиган "Алҳамдулиллоҳ" жавоби жоиз кўрилмаган. Чунки, Ашъорий нуқтаи назаридан бу жавоб "Охирги нафасда албатта иймонли кетаман."- деган маънога келиб, ғойибдан қатъий хабар беришга таназзул этгани учун, ҳар иккала мазҳабда ҳам жуда ҳалокатли бир жавоб ҳисобланади. Ораларидаги бошқа фарқлар ҳам мана шу тариқа зоҳир бўлган бўлиб, иккаласи ҳам ҳақ, тўғри ва Аҳли суннатдир. Бирини севиб, бирига душманлик қиладиганлар Суннийликдан чиқишади.]

Ислом олимлари Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда мақталган бўлиб, бир ояти каримада: **«Ҳеч, биладиганлар билан билмайдиганлар бир бўлурми?»** дейилган. Бошқа бир ояти каримада эса: **«Эй мусулмонлар! Билмаганингизни биладиганлардан сўранг!»**- деб буюрилган. Шунинг учун уларга душманлик қилиш ва уларни ёмонлаш, дўзахга бориш учун энг осон йўл қилиб қўйилган.

Ҳадиси шарифларда билдирилдики: ***«Аллоҳу таоло малоикалар ва бутун мавжудот, инсонларга яхшиликни ўргатувчи мусулмонларга дуо қиладилар», «Қиёмат куни аввал пайғамбарлар, сўнгра олимлар, кейин эса шаҳидлар шафоат қилишади», «Эй инсонлар, шуни яхши билингизки илм – олимдан эшитиш орқали ўрганилади», «Илм ўрганингиз. Илм ўрганмоқ ибодатдир. Илм ўрганадиган ва ўргатадиганга жиҳод савоби бор», «Илм ўргатмоқ, садақа бериш кабидир. Олимдан илм ўрганмоқ эса, таҳажжуд намозини ўқимоқ кабидир», «Илм ўрганишга бериладиган савоб, бутун нофила ибодатларга бериладиган савобдан кўпдир. Чунки, бундан ўзига ҳам, ўргатадиган талабасига ҳам, фойда бор», «Ўзгаларга ўргатиш учун илм ўрганаётганларга, Сиддиқларнинг савоби ёзилади.», «Илм ҳазинадир, калити эса сўраб ўрганишдан иборат», «Илм ўрганингиз ва ўргатингиз!», «Ҳамма нарсанинг бир манбаи бор. Тақвонинг манбаи ориф*** *(маърифатли, илмли кимса)* ***ларнинг қалбларидир», «Илм ўргатиш гуноҳларга каффоратдир».***

Бешинчи шарт
ОХИРАТГА ИШОНМОҚ

«**Вал-явмил охири**»: Охират кунига ишондим, демакдир. Охират, инсоннинг ўлган кунидан бошлаб, Қиёмат сўнггигача давом этади. Охират куни дейилишининг сабаби ундан кейин тун бўлмагани ёхуд дунёдан кейин келгани учундир. Қиёматнинг қачон бўлиши билдирилмаган. Лекин пайғамбаримиз "саллаллоҳу алайҳи ва саллам", Қиёматнинг кўпгина аломатларини хабар берганлар: Ҳазрати Маҳдийнинг келиши, Исо алайҳиссаломнинг осмондан Шомга тушиши. Дажжолнинг чиқиши. Яъжуж ва Маъжуж деган кимсаларнинг ҳар тарафга фитна-фасод уруғи экиши. Қуёшнинг ғарбдан чиқиши. Катта-катта зилзилалар содир бўлиши. Дин илмининг унутилиши. Фисқ ва ёмонликларнинг кўпайиши. Ҳамма жойда ёппасига ҳаром, гуноҳ ишланиши. Яманда катта ёнғин чиқиши. Осмон ва тоғларнинг парча-парча бўлиши. Қуёш ва ойнинг қорайиб кетиши... каби аломатлар шулар жумласидандир.

Охират ўлим билан бошланади. Қабрда мозорда савол-жавоб бўлиши ҳақдир. Бунга ишонмаслик бузуқ эътиқодда бўлишнинг белгисидир. Қабрда Мункар ва Накир саволларига жавоб тариқасида қуйидагиларни ёдлаб олиш ва фарзандларига ҳам ёдлатиш керак: «Раббим - Аллоҳу таоло, пайғамбарим - Муҳаммад алайҳиссалом, диним - Ислом дини, китобим - Қуръони карим, Қиблам - Каъбаи шариф, эътиқодда мазҳабим - Аҳли суннат вал-жамоат, амалда мазҳабим - Ҳанафий мазҳабидир». Қиёмат куни ҳамма тирилади. Маҳшарда тўпланишади. Солиҳларнинг амал дафтарлари ўнг, ёмонларники эса чап ёки орқа тарафларидан берилади. Ширкдан, куфрдан бошқа ҳархил гуноҳни Аллоҳу таоло хоҳласа ҳеч

сўроқсиз авф этади. Хоҳласа кичкина гуноҳ учун ҳам азобга гирифтор қилади.

Охиратда амаллар тортилади. Улар учун махсус **“Мезон”** деган тарозилар бўлади. **“Сирот кўприги”** Аллоҳу таолонинг изни билан жаҳаннам устига қурилади. Муҳаммад алайҳиссаломга оид бўлган **“Кавсар ҳовузи”** ҳам бўлади.

Шафоат ҳақдир. Тавба этмасдан вафот этиб кетган мўминларнинг катта ва кичик гуноҳларининг кечирилиши учун пайғамбарлар, авлиёлар, солиҳлар, олимлар, малоикалар, шаҳидлар ва бошқа Аллоҳу таоло изн берган қуллар шафоат қилишади ва бу шафоатлари қабул қилинади. Улар Аллоҳу таолонинг севгили қуллари бўлгани учун дуолари, шафоатлари рад қилинмайди. Уларнинг ҳурмати учун Аллоҳу таоло гуноҳкор мўминларни авф этади.

Жаннат ва **Жаҳаннам** ҳозир мавжуддир. Жаннат етти қат кўкларнинг устида. Жаҳаннам эса, барча мавжудотнинг тагидадир. Жаннатнинг саккизта дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозадан алоҳида алоҳида Жаннатларга кирилади. Жаҳаннам эса, етти табақа бўлиб, бирдан еттинчи табақага қараб азоблар шиддатланиб боради.

Олтинчи шарт
ҚАДАРГА ИШОНМОҚ
[Тақдирга ишонмоқ]

«**Ва бил қадари, хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло**»: Тақдирга, хайр ва шаррлар (яхши ва ёмон кунлар)нинг Аллоҳу таолодан эканлигига ишондим - деганидир. Инсонларга келадиган хайр ва шарр, яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар, қозонч ва зиёнларнинг ҳаммаси Аллоҳу таолонинг хоҳиши, тақдир қилиши биландир.

Аллоҳу таолонинг бирор нарсани азалда, яратишни хоҳлашига **тақдир** дейилади. Ўша тақдирнинг, яъни яратилиши исталган, тақдир қилинган нарсанинг вақти-соати келиб яратилишига **қазо** дейилади. Тақдир ва қазо сўзлари кўпинча бир бирининг ўрнида ҳам ишлатилаверади.

Аллоҳу таоло қулларига **ирода**, ихтиёр берган бўлиб, қуллардаги ўша ирода ва ихтиёрни ишларнинг яратилишига сабаб қилиб қўйган. Бир банда бирон нарсани қилишни истаганида яъни ихтиёр қилганида, Аллоҳу таоло ҳам ўша нарсанинг бўлишини тақдир қилган бўлса, ўша ишни яратади. Банда ихтиёр қилмаса, Аллоҳу таоло ҳам бу ишни хоҳламайди ва яратмайди.

Мана шу ергача жуда қисқа ва асос жойларини олиб, Аҳли суннат эътиқодини билдирдик. Бу тўғри эътиқодни батафсил ўрганмоқчи бўлганлар буюк олим Мавлоно Холид Бағдодий ҳазратларининг форисий **«Эътиқоднома»** китобини ва ўша китобнинг камоҳлик Файзуллоҳ

Афанди таржимаси бўлган **«Барчага лозим бўлган иймон»** китобларини ўқисинлар. Бу китоблар жуда фойдали, ҳузурбахш асарлар бўлиб, файз ва баракатлари икки жаҳоннинг саодати учун кифоя қилади.

Аллоҳу таоло ҳаммамизга таваккул қилишни амр қилган. **«Таваккул иймоннинг шартидир»** маъноли ояти карима бу амрлардан биридир. Моида сурасида: **«Агар иймонингиз бўлса, Аллоҳу таологa таваккул қилингиз!»,** сураи Ол-и Имронда: **«Аллоҳу таоло таваккул қиладиганларни албатта севади»**, сураи Талоқда: **«Бир кимса Аллоҳга таваккул қилса, Аллоҳу таоло унга кофий** [етарли] **бўлади»**, сураи Зумарда: **«Аллоҳу таоло қулига етмайдими?»** маъолидаги ояти карималар, Аллоҳу таологa таваккал қилишнинг аҳамиятини урғуламоқда.

Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” марҳамат қилиб буюрдиларки: ***«Умматимни менга кўрсатишди. Кўплигидан тоғлар ва саҳролар тўлиб кетганди. Умматимнинг бунчалик кўп эканлигидан ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Севиндингми?- дедилар, ҳа- дедим. Булардан атиги етмиш минги ҳисоб-китобсиз жаннатга киргай,- дедилар. Улар кимлар?- деб сўрадим. Улар ишларига сеҳр, жоду, тугун тугиб уфлаш ва фол аралаштирмасдан Аллоҳу таолодан бошқасига таваккал ва эътимод қилмайдиганлардир,- дейишди.»*** Буни эшитганлар орасида Укоша родияллоҳу анҳ ўринларидан ирғиб туриб: «Ё Расулуллоҳ! Ҳаққимга дуо қилсангиз-да ўшалардан бўлсам»- деб илтимос қилганларида, ***«Ё Рабби! Уни ўшалардан айла!»***-дедилар. Бошқа бири ҳам туриб, дуо сўраганларида, ***«Укоша сиздан чаққонроқ ҳаракат қилди»***- деб марҳамат қилдилар.

Таваккул - деб, сабабларга ёпишиб, (яъни барча чора ва тадбирларни олиб) у ёғини Аллоҳу таолонинг хоҳишига ҳавола қилиб, ўйлаб бошини оғритиб ўтирмасликка айтилади.

Иккинчи Бўлим

ИБОДАТЛАРИМИЗ ВА НАМОЗ

Ибодат нима?

Ибодат – деб, бизни ва бутун мавжудотни йўқдан бор қилган ва ҳар дақиқада кўринадиган ва кўринмайдиган бало-қазолардан асраб турган, ҳар дақиқада турли неъматлар, яхшиликлар бериб парвариш қилаётган Аллоҳу таолонинг амрларига ва тақиқларига амал қилишга айтилади.

Ибодат – деб, Аллоҳу таолонинг муҳаббатига мушарраф бўлган пайғамбарларга, авлиёларга, олимларга ўхшаш учун ҳаракат қилишга, уларнинг айтганларини адо этишга ва уларга тобеъ бўлишга айтилади.

Инсонга битмас-туганмас неъматлар, ризқлар юбориб турган Аллоҳу таологa кучи етгунча шукр этиш, ҳар бир инсоннинг инсонлик ёки қуллик вазифасидир. Оқил инсонларга ярашадиган бу вазифа ҳам қарз, ҳам фарздир. Лекин, инсонлар ўзларининг қусурли, ожиз, қисқа ақллари билан Аллоҳ "жалла жалолуҳу"га қандай қилиб шукр қилиш кераклигини ҳеч қачон топа олмаганлар. Шукр ва ҳурмат мақсадида бажариладиган вазифалар Аллоҳу таоло тарафидан билдирилмагунча, инсонларнинг шукр ва ибодат қилаяпман деб ишлаётан нарсалари, ширк ёки ҳақорат бўлиши ҳам мумкин.

Ана шунинг учун инсонларнинг Яратганга қалб, тил ва бадан билан ўташи керак бўлган шукр қарзи, қуллик вазифалари Аллоҳу таоло тарафидан билдирилган бўлиб, Унинг суюкли пайғамбари тарафидан бизларга таблиғ қилинди.

Аллоҳу таоло амр этган қуллик вазифаларига **Исломият** дейилади. Аллоҳга қилинадиган шукр пайғамбарининг йўлидан юриш орқалигина адо этилиши мумкин. Пайғамбар йўли эса, Аҳли суннатнинг мазҳаб имомларига тобеъ бўлиш орқали топилади. Ўша йўлдан юрмаган, четга чиққан кимсаларнинг ҳеч бир шукрини, ҳеч қайси ибодатини Аллоҳу таоло қабул қилмайди ва улардан рози бўлмайди.

Демакки, эси-хуши жойида бўлган ҳар бир банда Аллоҳу таологa шукр ва ибодат қилиши учун, Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатган йўлидан юришга мажбурдир. Ул сарварга тобеъ бўлган киши, шубҳасиз мусулмондир. Аллоҳу таологa шукр қилишга, яъни пайғамбарга тобеъ бўлишга эса **Ибодат қилиш** дейилади. Исломият икки қисмга бўлинади:

1. Қалб билан эътиқод қилиниши, ишонилиши керак бўлган нарсалар.
2. Бадан ва қалб билан бирга адо этиладиган ибодатлар.

Бадан орқали бажариладиган ибодатларнинг энг улуғи **намоз**дир. Мукаллаф бўлган ҳар бир мусулмоннинг кунда беш вақт намоз ўқиши фарздир.

Мукаллаф деб кимга айтилади?

Эси-ҳуши жойида, оқил ва булуғ чоғига кирган ўғил-қизга **Мукаллаф** [жавобгар] дейилади. Мукаллаф бўлган ҳар бир инсон Аллоҳу таолонинг буйруқ ва тақиқларига бўйсунишга мажбурдир. Динимизда мукаллаф кимсага аввало иймон, сўнгра ибодат амр қилинган. Ундан ташқари, мукаллаф кимса, қилиниши ҳаром ёки макруҳ бўлган ва тақиқланган ишлардан ҳам тийилмоғи лозим.

Ақл – англовчи қувватдир. Фойдали нарсани зарарлидан ажрата олиш учун яратилган бўлиб, бир ўлчов асбоби каби иккита нарсани қиёслаш орқали, яхшилар ичидан яхшироғини, ёмонлар ичидан ёмонроғини ажратишга хизмат қилади. Ақлли инсон - фақатгина яхши ва ёмонни танийдиган эмас, балки яхшини кўрганида уни оладиган, ёмонни кўрганида эса уни тарк этадиган одамдир. Ақл - кўзга, Дин эса - ёруғликка ўхшайди. Ёруғлик бўлмаганида кўз кўролмаганидек дин бўлмаса, ақл ҳам ҳеч нарсага ярамайди.

Булуғ чоғи - балоғат ёши демакдир. Ўғил болаларнинг булуғ чоғи 12 (ўн икки) ёшга тўлишлари билан бошланади, буни билдирадиган аломатлар бор. Лекин, бу белгилар 12 ёшли болада кўринмаса, 15 (ўн беш) ёшга тўлганида динан болиғ бўлиб ҳисобланади.

Қиз боланинг булуғ чоғи 9 (тўққиз) ёшидан бошланади.

Агар 9 ёшида балоғатга етганини кўрсатадиган аломатлар кўринмаса, 15 ёшида болиғ деб ҳукм қилинади.

Афъоли мукаллафин ёки Аҳкоми Исломия
[Мукаллафнинг вазифалари]

Ислом динининг амр ва тақиқларига **Аҳкоми шарийя** (Шариат ҳукмлари) дейилади ёки **Аҳкоми Исломия** (Исломият ҳукмлари) дейилади. Бунга яна **Афъоли мукаллафин** (Мукаллафнинг вазифалари) ҳам дейилади. Афъоли мукаллафин саккизта бўлиб: **Фарз**, **Вожиб**, **Суннат**, **Мустаҳаб**, **Мубоҳ**, **Ҳаром**, **Макруҳ**, **Муфсид**дир.

1. ФАРЗ: Аллоҳу таоло, инсонларнинг бажо келтиришини ояти карималарда очиқча ва қатъий равишда амр қилган ҳукмларга фарз дейилади. Яъни Қуръони каримда очиқча амр қилинган бутун хусуслар фарздир. Фарзларнинг тарки ҳаромдир. Фарзга ишонмайдиган ёки

менсинмайдиган ва адо этишга аҳамият бермайдиганлар Худо сақласин, кофир бўлишади. Икки турли фарз бор:

а) Фарзи ʻайн: мукаллаф бўлган ҳар бир мусулмоннинг бевосита ўзи адо этиши керак бўлган фарзлар. Яъни бирининг ўрнига бошқа бири қила олмайдиган фарз ибодатларга Фарзи айн дейилади. Масалан: Иймон келтириш, таҳорат олиш, ғусл, беш вақт намоз ўқиш, рамазонда рўза тутиш, бой бўлганда закот бериш ва ҳажга бориш каби вазифалар фарзи айнга, яъни ҳар ким ўзи адо этиши керак бўлган ибодатларга киради. [ғарб мусулмонлари орасида] Ўттиз икки ва эллик тўртта фарз атамаси [Туркистонда эса 40 фарз атамаси] машҳурдир.

б) Фарзи кифоя: Мусулмонлардан бир нечтаси ёки ёлғиз биттасининг адо этиши билан бошқалардан соқит бўладиган, яъни ўзгаларнинг жавобгарликдан қутулишига сабаб бўладиган фарзларга айтилади. Мисол учун, саломга бир кишининг алик олиши, жанозани ювиш, жаноза намози ўқиш, қори бўлиш, жиҳод қилиш, санъатига ва тижоратига етадигандан кўпроқ диний ёки фан илми ўрганиш фарзи кифояга киради.

2. ВОЖИБ: Бажо келтирилиши фарзлар каби қатъий бўлган амрлардир. Лекин бу амрларнинг Қуръони каримдаги далиллари, фарзлардагидек очиқ бўлмай, заннийдир. Витр намози, байрам (ҳайит) намози, бой бўлган кимсанинг қурбон сўйиши, фитра бериш каби амаллар вожибдир. Вожибнинг ҳукми худди фарз кабидир. Вожибнинг тарки таҳриман макруҳ бўлиб, ишонмайдиганлар кофир бўлишмайди, лекин адо этмайдиганлар жаҳаннам оташига лойиқ бўлишади.

3. СУННАТ: Аллоҳу таоло тарафидан очиқча билдирилмаган, лекин пайғамбаримиз бажарилишини ёқтирган ёхуд ўзлари давомли адо этган ёки қилинаётган пайтда кўриб маъқуллаган ва индамаган нарсаларига Суннат дейилади. Суннатни ёқтирмаслик ёки месинмаслик кофирликдир. Ёқтириб, лекин ишламаганга азоб бўлмайди. Сабабсиз тарк этадиганлар азобга ва савобидан маҳрум қолишга лойиқ бўлишади. Азон айтиш, иқомат ўқиш ёки қомат келтириш, жамоат билан намоз ўқиш, таҳоратда мисвок ишлатиш, уйланганда халққа ош бериш, фарзандларини суннат қилдириш каби амаллар суннатдир. Суннатлар 2 турли бўлади:

а) Суннати муаккада: Пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” давомли равишда амал қилиб келган ва жуда сийрак тарк этган ишларига айтилади. Бомдод намозининг суннати, Пешиннинг илк ва охирги суннатлари, Шомнинг суннати ва Хуфтоннинг сўнгги суннати “Суннати муаккада”га киради. Бу суннатлар сабабсиз ҳеч қачон тарк этилмайди. Муаккад суннатларга аҳамият бермайдиганлар иймонларини йўқотишади.

б) Суннати ғайри муаккада: Пайғамбаримизнинг ибодат мақсадида баъзан қилган суннатларидир. Аср ва Хуфтон намозларининг олдида илк тўрт ракъатлик суннатлар бунга мисол бўла олади. Бу суннатлар кўп тарк этилса ҳам ҳеч нарса қилмайди. Бироқ, бекорга ва сабабсиз бутунлай

тарк қилинса, жавобгарликка ва шафоатдан маҳрум бўлиб қолишга сабаб бўлади.

Беш ўн кишидан бири қилган тақдирда, бошқалардан соқит бўладиган суннатлар ҳам борки, уларга **Суннати алал кифоя** дейилади. Салом бериш, эътикофга кириш каби амаллар шулар жумласидандир. Таҳорат олиш, ейиш, ичиш ва ҳар муборак ишнинг бошида бисмиллоҳ айтиш ҳам суннатдир.

4. МУСТАҲАБ: Бунга одоб ҳам дейилади. Севгили пайғамбаримизнинг умрларида бир-икки марта бўлса-да адо этган, ёқтирган ва яхши кўрган ишларидир. Мустаҳаб суннати ғайри муаккада ҳукмида бўлиб, бунга янги туғилган чақалоққа еттинчи куни исм қўйиш, ўғил ёки қиз фарзанд учун ақиқа мол сўйиш, чиройли кийиниш, ҳушбўй атир суриниш мисол бўла олади. Буларни мустаҳаб нияти билан адо этадиганларга кўп савоб берилади. Тарк этганларга азоб қилинмайди. Шафоатдан маҳрум ҳам қилинмайди.

5. МУБОҲ: Амал қилиш амр ҳам, ман ҳам қилинмаган нарсаларга мубоҳ дейилади. Яъни гуноҳ ёки тоат эканлиги билдирилмаган нарсалардир. Буларнинг яхши ният билан бажарилишида савоб, ёмон ният билан қилинишида эса азоб бордир. Ухлаш, ҳалолидан турли хил таомлар ейиш, ҳалолидан турли хил либос кийиш каби ишлар мубоҳ бўлиб, агар булар Исломийятга ва шариатга риоя қилиш мақсадида қўлланилса, савоб бўлади. Соғлиги тузук бўлиб, ибодат қилиш учун куч тўплаш мақсадида ейиш ва ичишнинг ҳам катта савоби бор.

6. ҲАРОМ: Аллоҳу таолонинг Қуръони каримда “қилманг” дея очиқча тақиқлаган нарсаларига ҳаром дейилади. Ҳаромларнинг ишланиши ва қўлланилиши қатъиян ман қилинган. Ҳалолга ҳаром деганнинг ва ҳаромга ҳалол деганнинг иймони кетади. Ҳаромларни тарк этиш фарзларнинг бошидир ва жуда катта савобдир. Ҳаромлар иккига ажралади:

а) Ҳаром ли-айниҳи: Одам ўлдириш, зино, ливота қилиш (бачабозлик), қимор ўйнаш, шароб ва ҳар турли спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ёлғон гапириш, тўнғиз-чўчқа гўшти ейиш, қон ва ўлакса ейиш, ўғирлик, хотин-қизларнинг бошлари, қўллари ва болдирлари яланғоч ҳолатда кўчага чиқишлари қатъиян ҳаром бўлиб, катта гуноҳ ҳисобланади. Бир кимса, ўша гуноҳларни қилишда “бисмиллоҳ” деса ёки ҳалол деб эътиқод қилса, ёхуд ҳаром эканлигига аҳамият бермаса, писанд қилмаса, Худо сақласин, кофир бўлади. Бу гуноҳларни қилаётганда ҳаром эканлигини билиб туриб ёки қўрқиб туриб қилса, кофир бўлмайди, лекин жаҳаннам азобига лойиқ бўлган бўлади. Агар ўша гуноҳига давом этса, ҳеч тийилмаса ва тавба қилмасдан ўлгудек бўлса, иймонсиз кетишига сабаб бўлади.

б) Ҳаром ли-ғайриҳи: Булар аслан ҳалол бўлиб, ўзгаларнинг ҳақлари аралашгани учун ҳаром бўлган нарсалардир. Масалан: Бир кишининг

боғига кириб, мевалардан сўроқсиз узиб олиб ейиш, ўғирланган пул ёки ашёни ишлатиш, омонатга хиёнат қилиш, порахўрлик, судхўрлик (фоиз/рибо) ва қимор йўли билан пул топиш ҳаромдир. Буларни қилаётган кимса, “бисмиллоҳ” билан ишга бошласа ёки “булар ҳалолдир”- деса, иймони кетмайди. Чунки ўша мол ўз эгасининг ҳалол мол-мулки ва ҳаққидир. Қайтариб олиши мумкин. Инсонларнинг ҳақларини поймол қилиш, тортиб олиш катта гуноҳ. Беш ярим арпа (бир данқ) оғирлигидаги кумуш қийматича келадиган киши ҳаққи учун, эртага Қиёмат кунида, жамоат билан ўқилган 700 ракъат қабул бўлган намоз савоби Аллоҳу таоло тарафидан олиниб, ҳақ соҳибига берилади. Ҳаромлардан тийилиш, ибодат қилишдан устунроқ ва савоби ҳам кўпроқдир. Шунинг учун, ҳаромларни ўрганиб, улардан тийилишга ҳаракат қилиш керак.

7. МАКРУҲ: Аллоҳу таоло ва Муҳаммад алайҳиссалом ёқтирмаган, ибодатларнинг савобини кетказувчи нарсаларга макруҳ дейилади. Макруҳлар икки хил бўлади:

а) Таҳриман макруҳ: Вожибнинг тарк этилишидан содир бўладиган, ҳаромга яқин макруҳлардир. Уларга йўл қўйиш азобга гирифтор қилади. Куёш чиқаётганда, тиккага келганда (нақ тушда) ва ботаётганда намоз ўқиш таҳриман макруҳдир. Буларга қасддан қўл урганлар осий ва гуноҳкор бўлишади ва жаҳаннамга лойиқ бўлишади. Бир намозда вожибларни тарк этиш, таҳриман макруҳ бўлиб, ўша намознинг бошқатдан ўқилиши вожиб бўлади. Агар, унутилиб тарк этилса, намоз сўнгида саждаи саҳв қилинади.

б) Танзиҳан макруҳ: Мубоҳга яъни ҳалолга яқин ва тарк этилиши афзалроқ бўлган макруҳлардир. Бу тур макруҳлар, ғайри муаккад суннатлар ва мустаҳабларнинг таркидан ҳосил бўлади.

8. МУФСИД: Динимизда машруъ, яъни шариатга уйғун бўлган бир ишни ёки бошлаб қўйилган бир ибодатни бузадиган, фасод қиладиган хусусларга айтилади. Иймон ва намозни, никоҳни, ҳажни, савдо-сотиқни бузадиган нарсаларга муфсид дейилади. Масалан: Аллоҳга ва китобга ҳақорат қилиш, сўкиш иймонни; Намозда кулиш таҳоратни ва намозни; Рўзадор пайтда билиб туриб еб-ичиш рўзани бузади. Мана шу ишларга муфсид дейилади. Фарз, вожиб ва суннатларни бажо келтирадиганларга ва макруҳдан тийиладиганларга ажру савоб берилади. Ҳаром ва макруҳларга риоя қилмай, фарз ва вожибларни тарк этадиганларга эса кўп-кўп гуноҳ ёзилади. Битта ҳаромдан тийилишнинг савоби, бир фарзни адо этишнинг савобидан зиёда ва устундир. Бир фарзнинг савоби, бир макруҳдан тийилишнинг савобидан, у ҳам ўз навбатида бир суннат савобидан юқори туради. Мубоҳлар ичида Аллоҳу таолонинг ёқтирадиган нарсаларига Хайрот ва Ҳасанот дейилади. Буларни ишлаганларга ҳам савоб берилса-да бу савоб, суннат савобидан оз.

ИСЛОМ ДУШМАНЛАРИ

Ислом душманлари Исломиятни йўқ қилиш учун Аҳли суннат китобларига тинмай ҳужум қилишмоқда. Қуръони каримнинг Моида сураси, охирги жузининг сўнгги саҳифасида, «**Исломнинг энг катта душманлари, яҳудийлар билан мушриклардир**» дейилган. Мушрик - бутга, ҳайкалга сиғинувчи кофир демакдир. Христианлар ҳам ҳайкал ва расмларга топингани ва юкингани учун мушрикдир. Яманлик Абдуллоҳ бин Саба’ исмли яҳудий Аҳли Суннатни йўқотиш учун **«Ши’я»** фирқасини қурган эди. Ши’яларнинг бошқача исми **“қизил бош”** бўлиб, кўпчилиги ўзларига **“Алавий”** дейишади. Мушрикларнинг энг осий ва йўлдан энг озганлари инглизлардир. Улар императорлик қувватларини ишга солиб, Ҳиндистон ва Африкадан, зулм ва талон-тарож этган бойликлари-ю Ислом ўлкаларида тузоқларига илинтирган баъзи пул жинниси пасткашлар қўли билан, **«Ваҳҳобийлик»** исми тагида чоп этаётган, жирканч ёлғонларга тўла китоблари орқали Аҳли Суннатга, яъни Ислом динига қутурган итдек ҳужум қилишмоқда. Дунёнинг қайси минтақасида бўлмасин, абадий саодат иштиёқида бўлган қалби пок инсонлар учун, Ши’я ва Ваҳҳобий китоблари ҳам-да олтинларига алданмасдан, Аҳли Суннат олимларининг мўътабар китобларини ўқишларини тавсия қиламиз.

ИСЛОМНИНГ ШАРТЛАРИ

Ислом дини мансубларига, яъни мусулмонларга фарз бўлган, албатта адо этилиши керак бўлган бешта асос вазифа бор:

1. Исломнинг шартларидан илки **калимаи шаҳодат**ни, яъни **«Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ»** калимасини айтиб иймон келтиришдан иборат. Эси-ҳуши жойида, гапира оладиган, оқил ва болиғ кимса, *«Ер ва кўкда Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга, таъзим ва сажда қилиб сиғинишга лойиқ ҳеч нарса ва ҳеч ким йўқ. Ҳақиқий маъбуд, ҳақиқий илоҳ ёлғизгина Аллоҳу таолодир. У вожиб-ул-вужуддир. Бутун устунлик ва буюкликлар Унга махсусдир. Унда ҳеч қанақа қусур ва нуқсонлик йўқ. Унинг исми “Аллоҳ”дир. Ва яна, ўша гул рангли, оқ-қизғиш танли, нурли, севимли юзли, қора қош ва қора кўзли, табаррук пешоналари очиқ, чиройли ахлоқли, соялари ерга тушмайдиган, ширин сўзли ва Арабистоннинг Макка шаҳрида туғилганлари учун Араб миллатидан саналган, Ҳошимий авлодидан Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳу таолонинг қули ва расулидир, яъни пайғамбаридир. Ваҳабнинг қизи бўлмиш Оминанинг ўғлидурлар.»*-деса ва бунга қалб билан ишонса, Исломиятнинг биринчи шартини бажарган бўлади.

2. Исломнинг бешта шартидан иккинчиси, шартларига ва фарзларига риоя қилган ҳолда, ҳар куни беш марта **“вақти кирганда, намоз”** ўқишдир. Ҳар бир мусулмоннинг, ҳар куни вақти киргач, беш маҳал намоз ўқиши, ўқиган намозининг вақти кирганини билиши фарздир. Намозларни фарзларига, вожибларига, суннатларига амал қилган ҳолда ва кўнгилдан Аллоҳу таолога берилиб туриб, вақтидан ўтказиб юбормасдан адо қилиш керак. Намоз Қуръони каримда **“Салот”** калимаси билан ифода қилинган бўлиб, луғат маъноси: Инсонларнинг дуо қилиши, малоиканинг истиғфор ўқиши, Аллоҳу таолонинг марҳамат, яъни раҳм қилишидир. Исломиятда **“Салот”** дегани, илмиҳол китобларида билдирилганидек, баъзи ҳаракатларни ифо ва баъзи нарсаларни қироат маъносига келади. Намозга **“Ифтитоҳ такбири”** билан бошланади. Яъни эркакларнинг қўлларини қулоқларига кўтариб, киндик тагига тушираётганда **«Аллоҳу акбар»** дейиши билан намозга кирилади. Охирги ўтиришда, бошни ўнг ва чапга буриб салом бериш билан намоз тамомланади.

3. Исломнинг учинчи шарти, **“Рамазон ойида ҳар кун рўза тутиш”**дир. Рўзанинг арабчаси **“Савм”** бўлиб, луғатда бир нарсани бирон нарсадан сақлаш, муҳофаза қилиш деган маънога келади. Исломиятдаги маъноси эса, шартларига риоя қилган ҳолда Рамазонда Аллоҳу таоло амр қилгани учун, кунда уч нарсадан ўзини тийиш деган маънога келади. Бу уч хусус: ейиш, ичиш ва жимоъдир. Рамазон ойининг рўзаси осмонда ҳилол (янги ой)нинг кўриниши билан бошланади. Тақвим тузиш билан аввалдан ҳисоблаш билан ёхуд кувватли гумон қилиш билан бошланмайди. [Рамазон ойи баъзан 29 кун давом этиши ҳам мумкин.]

4. Тўртинчи шарт, **“молининг закотини бериш”**дир. Закотнинг луғат маъноси тозалик, мақтов ва яхши, чиройли ҳолга келиш деганидир. Исломиятда закот: эҳтиёжидан ортиқ ва **“Нисоб”** деган маълум бир миқдорда **“закот моли”**га молик бўлган кимсанинг, мол-мулкидан маълум бир қисмини ажратиб, Қуръони каримда билдирилган мусулмонларга, миннат қилмасдан бериши, деганидир. Закот етти тоифа инсонга берилади. Тўрт мазҳабда ҳам тўрт хил закот моли бўлиб, булар: Олтин ва кумуш закоти, тижорат моли закоти, ярим йилдан зиёд яйловда қолган қурбонликка ярайдиган ҳайвонлар закоти ва экинзор (ҳовлига дахлсиз боғ-экинзор) ҳосили закотидир. Бу тўртинчи закотга **“Ушр”** дейилади. Экинзордан (боғдан) ҳосил олинар-олинмас ушр берилиши лозим. Нариги уч хил закот эса бойлик, нисоб миқдорига етгандан бир йил ўтгач берилади.

5. Исломнинг бешинчи шарти эса, **“кучи-қудрати етадиган кимсанинг умрида бир марта ҳажга бориши”**дир. Йўл бехатар, бадан соғлом бўлиб, Маккаи мукаррама шаҳрига бориб келгунча оиласига етадиган озиқ-овқат, пул ва молдан бошқа йўлига етадиган бойликка эга бўлган кимсанинг умрида бир марта, эҳромга ўралиб, Каъба-и муъаззамани тавоф қилиши ва Арафот майдонида туриши фарздир.

Юқорида зикр қилинган Исломнинг беш шартидан энг устуни, **Калимаи шаҳодат** айтиш ва маъносига ишониш бўлиб ҳисобланади. Ундан кейин навбати билан намоз, рўза, ҳаж ва закот келади. Бешта шарт ичида Калимаи шаҳодатнинг ҳаммасидан устун эканлигини олимлар иттифоқ билан билдирганлар. Қолган тўрттасининг устунлик даражаларида эса, олимларнинг кўпчилиги, юқорида билдирилганидек қарор берганлар. Чунки булардан Калима-и шаҳодат Исломиятнинг бошланғичида, яъни биринчи бўлиб фарз қилинган. Беш вақт намоз, биъсатнинг ўн иккинчи йилида, ҳижратдан бир йилу бир неча ой илгари, меърож кечасида фарз қилинди. Рамазони шариф рўзаси ҳижратнинг иккинчи йилида, Шаъбон ойида фарз бўлди. Закот бериш, рўза фарз бўлган йили, Рамазон ойи ичида фарз бўлди. Ҳаж эса, ҳижратнинг тўққизинчи йилида фарз қилинди.

Учинчи Бўлим

НАМОЗ ЎҚИШ

Динимизда иймондан кейин энг муҳим бўлган ибодат намоз бўлиб, беш вақт намоз диннинг таянчидир. Намоз - ибодатларнинг энг устуни ва Исломнинг иккинчи шартидир. Арабчада намозга **«Салот»** дейилади. Салот аслида, дуо, раҳмлилик ва истиғфор маъносида бўлиб, намозда ўша учта маъно жам бўлгани учун, салот дейилган.

Аллоҳу таолонинг энг кўп ёқтирадиган ва қайта-қайта амр этган буйруғи беш вақт намоздир. Аллоҳу таолонинг инсонларга иймондан кейинги энг муҳим амри бўлган намоз, динимизда фарз қилинган илк ибодатлардан бўлиб ҳисобланади. Қиёматда ҳам иймондан кейин биринчи бўлиб намоздан сўроқ қилинади. Беш вақт намознинг ҳисобини тўлиқ берган бахтиёр кимса, бошқа бутун ташвишу имтиҳонлардан осон қутулиб, абадий саодатга эришади. Жаҳаннам оташидан нажот топиб, жаннатга муяссар бўлиш, намозларни тўғри ва қусурсиз адо этишга боғлиқ. Комил намоз учун, аввало бенуқсон таҳорат олиш ва кечиктирмасдан намозга туриш керак. Намоздаги ҳар бир ҳаракатни энг мукаммал тарзда бажо келтиришга тиришиш керак.

Барча ибодатларни ўзида мужассам қилган ва инсонни Аллоҳу таолога энг зиёда яқинлаштирадиган хайрли амал - намоздир. Севгили пайғамбаримиз “саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам” марҳамат қилиб айтдиларки: ***«Намоз диннинг таянчидир. Намоз ўқийдиган кимса, динини қувватлантирган, ўқимайдиган эса динини вайрон қилган бўлади».*** Намозини тўғри адо этишга мушарраф бўлган кимса, чиркин ва ёмон нарсалардан сақланган бўлади. Чунки Анкобут сурасининг 45-оятида маъолан: **«Тўғри ўқиладиган намоз, инсонни фаҳшадан** (чиркин, ифлос ва ман қилинган нарсалардан) **асрайди»** дейилган. Инсонни ёмонликлардан қайтара олмайдиган намоз, тўғри ва ҳақиқий эмас, балки фақат кўринишдагина намоз бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлса ҳам, тўғри ва ҳақиқийсини ўқишга муваффақ бўлгунга қадар, кўринишда бўлса-да намозни қўлдан чиқариб қўймаслик керак. Ислом олимлари: «Бир ишнинг тамоми бажарила олмаса, қолганидан ҳам ажралиб қолмаслик керак» деб танбеҳ қилганлар. Чексиз эҳсонлар соҳиби бўлган Раббимиз, кўринишни ҳам марҳамати ила ҳақиқат ҳисобида қабул қилиши мумкин. Шунинг учун, чала ўқилаётган намоз эгаларига «Унақа, пала-партиш ўқигандан кўра ўқимай қўя қолганинг тузукроқ!»- дейишнинг ўрнига, «Намозни

токайгача чала ўқиймиз, келинг кам жойларини тамомлайлик!»- дейиш лозим. Хатоларини тузатишга ёрдамлашиш керак.

Намозларни жамоат билан ўқишга ғайрат қилиш жуда муҳимдир. Намозда барча аъзоларимиз тавозеъ кўрсатиб туриши, қалбларимиз ҳам Аллоҳдан бироз қўрқув вазиятида бўлиши керак. Инсонни дунёда ва охиратда ташвишу фалокатлардан қутқарадиган ягона амал - намоздир. Аллоҳу таоло Муъминун сурасининг бошларида маъолан: **«Мўминлар албатта нажот топишади. Улар намозларини хушуъ билан адо этувчилардир.» -** деб буюрган. Таҳлика, хавф-хатар бўлган жойларда адо этиладиган ибодатларнинг савоби ҳам кўп бўлади. Душман ҳужум қилган пайтда, аскарнинг уларга қарши кичкина қаршилик кўрсатиши қанчалик қийматли бўлса, ёшларнинг ибодат билан машғул бўлиб, ҳар хил шаҳвоний истак, бемаъни ўйин кулги ва ҳаромлардан тийилиши ҳам шунчалик катта қийматга эга. Чунки нафсларининг зарарли, шайтоний истакларини жиловлаб, унга қарши курашган бўладилар.

Навқирон ёшлик даврида инсонга мусаллат бўладиган уч хил душман, унинг ибодат қилишига қаттиқ тўсқинлик қилади. Булар: шайтон, нафс ва ёмон дўстдир. Ёш ўсмирлар ўша душманлардан келадиган ёмон истакларга бўйин эгмасдан намозларини ўқиб, ҳеч тарк этмасдан юрса, бу амалларининг қиймати шунчалик ошадики, эвазига қарияларнинг айни ибодат учун олган савобидан ҳам кўпроқ савобга ноил бўлишади. Яъни озгина ибодатлари учун жуда бисёр савоб олишади.

НАМОЗ КИМЛАРГА ФАРЗ?

Намоз ўқиш, оқил ва болиғ бўлган ҳар бир эркак ва аёл мусулмонга фарздир. Намознинг инсон зиммасига фарз бўлиши учун учта шарт мавжуд:

1. Мусулмон бўлиш. **2.** Ақлли бўлиш. **3.** Балоғат ёшига етган бўлиш шарти.

Динимизда ақли кирмаган ва балоғат ёшига етмаган болалар намоздан жавобгар бўлишмайди. Лекин ота-оналар, фарзандларини кичиклигиданоқ диний вазифаларга ўргатиб, билдириб келмоқлари лозим. Пайғамбаримиз “алайҳиссалом” айтдиларки: ***«Барчангиз бир поданинг чўпони кабисиз! Чўпон подасига қандай ғамхўрлик қиладиган бўлса, сурувни йиртқичлардан қандай қўриқлайдиган бўлса, сиз ҳам уй халқингизни ва қўлингиз, яъни амрингиз тагида бўлганларни жаҳаннам оташидан худди шундай ҳимоя қилишингиз зарур! Уларга мусулмонликни ўргатишингиз керак, ўргатмасангиз жавобгар бўласизлар».*** Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***«Бутун чақалоқлар мусулмон табиатида дунёга келишади. Уларни кейинроқ, ота-оналари христиан, яҳудий ёки динсиз қилиб етиштиришади.»-*** дейилди.

Демакки, ҳар бир мусулмоннинг биринчи вазифаси, фарзандларига исломиятни ва Қуръони карим ўқишни, намоз ўқишни, иймоннинг ва исломнинг шартларини ўргатишдан иборат бўлиши керак. Фарзандининг мўмин қобил бўлиб, дунё ва охиратда роҳатликка, ҳузурга қовушишини хоҳлайдиган ота-она, аввало ўша вазифасини бажариши даркор. Чунки, **новда ёш пайтида эгилади**. Қариб қуриганда уни эгмоқчи бўлсангиз синади, зарарли бўлади.

Ислом илми, чиройли ахлоқ ва Ислом тарбияси берилмаган бола ифлос, ёмон ва бузуқ йўлдаги кимсаларга тезда алданиб қолади. Ота-онасига, давлатига ва миллатига фақатгина зиён, лаънат келтиради.

НАМОЗ ЎҚИЙДИГАНЛАРНИНГ ҲОЛЛАРИ

Манқиба: Зиндондан қутқарган намоз

Хуросон волийи Абдуллоҳ бин Тоҳир жуда адолатли ҳукумдор эди. Бир куни миршаблари бир неча ўғрини тутиб келиб, унга хабар беришади. Ўша пайтда ўғрилардан бири қочиб қолади. Ҳиротлик бир темирчи ҳам Нишопурда икки ой бўлиб, ўша куни уйига қайтаётган бўлади. Қочоқ ўғрини ахтариб юрган миршаблар ярим кечаси уйига келаётган темирчини ўғри деб гумон қилиб, тутиб, волийнинг ҳузурига чиқаришади. Волий эса ҳаммасини зиндонга ташлашни буюради. Бегуноҳ темирчи зиндонда таҳорат олиб, намоз ўқий бошлайди. Кейин қўлларини самога очиб дуо қилади: «Ё Рабби! Мен бечорани қутқаргин, гуноҳсиз эканлигим фақат сенгагина аён. Мени бу зиндондан фақат сен қутқара оласан. Ё Рабби! Мени қутқар!» Ўша кеча волий тушида, тўртта бақувват одам келиб тахтини оёғи осмондан қилиб ағдармоқчи бўлиб турган пайтда уйғониб кетади. Ўрнидан туриб таҳоратланиб икки ракъат намоз ўқиб ётади. Яна ўша тўртта кимса келиб тахтини тўнтармоқчи бўлганида, уйғониб кетади. Волий шундан кейин бир мазлумнинг ҳақини еганини ва қарғишига дучор бўлганини тушунади. Шеър:

Мингларча милтиқ-у тўп қилолмас асло,
Кўзёшларнинг саҳар вақти қилганларини
Кофир подаси қирилар, билолмас асло,
Бир мўминнинг Аллоҳга деганларини.

Ё Рабби! Буюклик фақат сенга ярашади! Сен шунчалик улуғсанки, улуғлар ва кичикларнинг бошига арзимас бир мушкилот тушса, ҳаммаси дарров сенга ёлворишади. Сенга ёлворадиганлар албатта муродларига эришишади.

Волий ўрнидан сапчиб туриб зиндон қоровулини чақиртиради ва: «Зиндонда бирон бегуноҳ борми?» деб сўрайди. Қоровул: «Билмайману лекин битта маҳкум кечаси билан намоз ўқиб, йиғлаб дуо қилиб чиқди»- деб жавоб беради. Олиб келиниши буюрилганда, темирчини келтиришади. Унинг бошига келганларни эшитиб пушаймон бўлган волий узр тилаб: «Ҳаққингни ҳалол қилгин. Шу мингта кумуш ҳадямни ҳам қабул айла ва бирор ҳожатинг бўлса менинг ёнимга келгин.»- дейди. Темирчи: «Ҳаққимни сенга ҳалол қилдим, яъни сендан розиман. Ҳадянгни ҳам қабул айладим. Лекин, ҳеч қачон ҳожатимни сўраб ёнингга келмайман!»- деб, жавоб беради. –Нима учун? -Чунки менингдек бир бечоранинг дуоси билан, сенингдек буюк султоннинг тахтини бир неча бор терс ағдарган Эгамни ташлаб ҳожатларни бошқалардан тиланиш, қулликка ярашадими? Намоздан кейинги дуоларим мени қанча бало-қазолардан қутқарди. Қанчалаган муродларимга ноил қилди. У ҳолда мен қандай қилиб бошқаларга қўл очайин? Раббим чексиз марҳаматининг эшикларини очиб, эҳсон дастурхонларини ёзиб қўйган бўлса-ю мен қайси ақлим билан бориб бошқасидан нажот тилай? Қани ким истади-да ололмади? Аллоҳу таоло, қани, кимга бермади? Қандай қилиб исташ кераклигини билмайдиганлар албатта ололмайдилар. Ҳузурида одоб сақлаб туришни билмайдиганлар, албаттаки марҳаматига ноил бўлолмайдилар.

Шеър: *Ибодат поясига кимки бир кеча бош қўйса,*
Ажаб эмас Аллоҳ унга минг бир эшик очиб қўйса.

Авлиёнинг улуғларидан бўлмиш Робиятул Адвийя «раҳматуллоҳи алайҳа» бир одамнинг: «Ё Рабби, менга марҳаматингнинг эшигини оч», - деб дуо қилаётганини эшитганларида: «Эй, хомкалла! Аллоҳу таолонинг марҳамат эшиги бугунгача ёпиқ турганмиди-ки оч деб ёлворасан?»- дедилар. [Раҳматнинг чиқиш эшиги ҳамма вақт очиқ бўлса ҳам, кириш эшиги бўлган қалблар ҳамма инсонлардаям очиқ эмас. Ўз қалбимизнинг очилиши учун дуо қилайлик!]

Илоҳий! Ҳаммани дарддан, ғамдан қутқарадиган ёлғиз сенсан. Бизни дунёда ва охиратда қийин аҳволга туширмагин! Муҳтожларга ҳар хил неъматлар юбориб турадиган ҳам, фақат сенсан! Дунёда ва охиратда хайрли, фойдали бўлган нарсаларни бизларга юборгин! Дунёда ва охиратда бизларни ҳеч кимга муҳтож қилиб қўймагин! Омин!

Манқиба: Қозондаги сув

Асҳоби Киромдан бўлган Абдуллоҳ бин Шаҳир “родияллоҳу анҳ” айтадилар: «Расулуллоҳ *саллаллоҳу алайҳи ва саллам*нинг ёнларида намоз ўқиётган эдим. Табаррук кўкракларидан олов устида қайнаётган сув овозига ўхшаш сас эшитдим.»

Манқиба: Ёнғин

Авлиёи кипромдан Ҳомид Тавил ҳазратлари уйида намоз ўқимоқда эдилар. Уйда ёнғин чиқди. Инсонлар йиғилишиб ёнғинни ўчиришди. Хонимлари ҳовлиқиб ёнига келди ва асабий ҳолда: "Уйингиз ёняпти, халқ тўпланди. Шунча иш турибди-ю сиз бўлса, ўрнингиздан ҳам қўзғолмайсиз"- деди. Ҳомид Тавил ҳазратлари эса: "Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, буларнинг ҳеч биридан хабарим йўқ!"- дедилар ҳайратланиб.

Аллоҳнинг дўстлари Унга муҳаббат ва яқинликда шунчалик юксак даражаларга эришган эдилар ва дўстнинг муножоти лаззатига шунчалик ром бўлишганди-ки, ҳатто ўзларини ҳам унутиб қўйишганди.

Манқиба: Оёқдаги ўқ

Расулуллоҳнинг "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" севгили куёвлари ҳазрати Али "карамаллоҳу важҳаҳ", намозга турганларида, дунё йиқилса хабари бўлмасди.

Ҳақларида мана бундай бир воқеа бор: Бир муҳорабада ҳазрати Али "родияллоҳу анҳ"нинг табаррук оёқларига бир ўқ келиб то суягига қадалганди. Ўқни ҳеч ким тортиб чиқара олмади. Табибга кўрсатдилар. Табиб: "Сизга хушдан кетгазувчи дори бериш керак. Фақат шундагина ўқни чиқарса бўлади. Акс ҳолда унинг оғриғига чидай олмайсиз."- дейди. Амирал-муъминун ҳазрати Али "родияллоҳу анҳ": "Хушдан кетгазувчи дорининг нима кераги бор. Бироз сабр қилинг. Намоз вақти кирсин, намоз ўқиётганда олиб ташларсизлар."-деди. Намоз вақти киргач ҳазрати Али "родияллоҳу анҳ" намозга бошладилар. Табиб ҳазрати Алининг оёқларидаги ўқни олиб ташлади. Ярани боғлади. Ҳазрати Али намозни тугатгач: "Олиб ташладингизми?"- деб сўрадилар. Табиб бош ирғади. Ҳазрати Али бўлса: "Ҳеч сезмадим"- дедилар.

Аслида, бу ерда ажабланарли ҳеч нарса йўқ! Ҳатто Юсуф алайҳиссаломнинг чиройини ва барнолигини кўрган Миср аёллари, ҳайрон бўлиб ўзларини шу даража унутиб қўйишгандики, ўз қўлларини кесганларидан ҳам хабарлари бўлмаган эди. Аллоҳу таолонинг намоздаги ҳузури ҳам, севилган бандаларни ўз-ўзини унутадиган аҳволга тушириши, табиий ҳолдир. Мўминлар ҳам вафот этаётганларида Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" ҳазратларининг бутун оламларни ром қиладиган муборак ва нурли жамолларини кўриб маст бўлганларидан, ўлим азобини сезмасдан жон берадилар.

Манқиба: Хушдан кетгазувчи дори

Авлиёлардан Омири Қайс ҳазратларининг оёқ бармоқларидан бири жуззом (йиринглаш) хасталигига йўлиққан эди. Уни кесиш керак дедилар. Омир ҳазрат қарорга таслим бўлиш қулликнинг шартидир - деб, рози бўлдилар. Жарроҳ бармоқни кесди. Бир неча кундан кейин хасталикнинг оёққа ҳам ўтганини кўрдилар. Оёқ ҳам кесиладиган бўлди. Динимиз бунга рухсат беради, дедилар. Жарроҳ кўргач: "Хушдан кетгазувчи дори берайлик. Оғриқни сезмасин. Чидаш жуда қийин бўлади,"- деди. Омир ҳазрат: "Бу заҳматнинг нима кераги бор? Менга хушовоз бирини келтиринг. Қуръони карим ўқисин ва юзимда бир ўзгариш кўрилган заҳоти, оёғимни кесинг"- деб буюрдилар. Айтганларини қилдилар. Бири келиб чиройли овоз билан Қуръон ўқий бошлади ва Омири Қайснинг юз ранги ўзгарганда жарроҳ оёқларини кесиб, боғлади. Қуръон қироати тинди. Омир ўзига келдилар ва кесдингизми?- деб сўрадилар. Оёқларини кесибдилар, боғлабдилару ҳазратнинг хабарлари бўлмабди. Кейин кесилган оёғини қўлига олиб: "Ё Рабби, берган сенсан. Мен сенинг қулингман. Ҳукм сенинг ҳукминг, қазо ҳам сенинг қазонгдир. Агар қиёмат куни амр қилиб бирон гуноҳга бир қадам отдингми?- десанг, шу оёқни ушлаб туриб айта оламанки ҳеч қачон сенинг амринг бўлмай туриб бир қадам ҳам юрганим, бир нафас ҳам олганим йўқ"- деди.

Манқиба: Намоз учун фидокорлик

Бурса (Туркия) шаҳри Усмонийларнинг қўлига ўтмасдан аввал, шаҳарда истиқомат қиладиган рум христианларидан бири, яширинча Ислом динини қабул қилган эди. Энг яқин бир сирдоши бунинг сабабини сўради: "Сен қандай қилиб, ота-бобонгнинг динини ўзгартирдинг?" Мусулмон Румнинг жавоби таъсирли бўлди:

- Бир куни жангда асир тушган бир мусулмонни менга бердилар. Уни қамаб қўйдим. Асир хонада эгилиб-туриб ажойиб ҳаракатлар қила бошлади. Ундан нима қилаётганини сўрадим. Ҳаракатларини битириб қўлини юзига сурди ва менга намоз ўқиганини айтди. Шу-шу бўлди-ю, мен ҳар намозда унга халақит бера бошладим. Бир куни яна шундай халақит берганимда, асир бундай деди: "Агар мени ўз ҳолимга қўйиб, халақит бермасанг, ҳар намоз учун битта олтин бераман". Бу таклифга жон деб рози бўлдим. Ва ҳар куни намознинг баҳосини ошириб бордим. Ҳатто, ҳар намоз учун 10та олтин талаб қилдим. Уни ҳам қабул этди. Бу мусулмоннинг ибодати учун қилаётган фидокорлиги мени жудаям ҳайратга туширди. Бир куни уни озод қилишимни айтганимда жуда севинди ва қўлларини очиб менга бундай деб дуо қилди: "Эй Аллоҳим! Бу қулингни иймон билан шарафли қилгин!" Худди шу ернинг ўзидаёқ, қалбимда мусулмон бўлиш орзуси ҳосил бўлди ва шунчалик кўпайдики ўша заҳоти **калимаи шаҳодат** келтириб мусулмон бўлдим.

Тўртинчи Бўлим

НАМОЗ ТУРЛАРИ

Мусулмонларга ўқишлари амр қилинган намозлар уч турли бўлиб, булар: Фарз, Вожиб ва Нофила намозларидир.

1. **ФАРЗ намозлари:** Беш вақт намознинг фарзлари, Жума намозининг икки ракъат фарзи ва Жаноза намозидир. (Жаноза намози фарзи кифоядир).

2. **ВОЖИБ намозлари:** Витр намози, байрам (ҳайит) намозлари, аталган, яъни бирон нарса учун ният ва назр қилинган намозлардир. Бошланиб, ярмида чала қолган намозни битириш ёки бошқатдан ўқиш ҳам вожиб. Қазога қолган Витр намозининг қазосини ўқиш ҳам вожибдир.

3. **НОФИЛА намозлари:** Беш вақт намознинг суннатлари, таровиҳ намози ва савоб учун ўқиладиган таҳажжуд, таҳиятул-масжид, ишроқ, дуҳа, аввобин, истиҳора, тасбиҳ каби намозларни ўқиш нофила ибодат ҳисобланади. Яъни буларни ўқиш мажбурий вазифа эмас. Фарз ва вожиб туридан бўлган намозлардан қарзи бўлмаган инсоннинг нофила намозларига ҳам савоб берилади.

Бу китобимизда, Беш вақт намоз билан Жума, Байрам (ҳайит), Жаноза ва Таровиҳ намозлари ҳақида кенг маълумот берамиз. Яна сафарда, хасталикда, узрли ҳолларда, намозларнинг қандай ўқилиши ва қазо намозларини баён қиламиз.

БЕШ ВАҚТ НАМОЗ

Намоз Аллоҳу таолонинг амридир. Аллоҳу таоло Қуръони каримнинг юздан кўп жойида **«Намоз ўқинг»** - деб буюрмоқда. Ақлли ва балоғат ёшига етган ҳар бир мусулмоннинг, ҳар куни беш вақтда намоз ўқиши, Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифда амр қилинган.

Рум сураси 17- ва 18- ояти карималарда маъолан: **«Шом ва тонг вақтларида Аллоҳни тасбиҳ этинг. Кўкларда ва ер юзидагиларнинг тоатлари, аср ва пешин вақтларида айтилган ҳамдлар, барчаси Аллоҳу таоло учундир.»** Бақара сураси, 239-оятида маъолан: **«Намозларни ва Аср намозини муҳофаза қилинг** (яъни, ўтказиб юборманг).**»** – дейилди. Ояти карималардаги тасбиҳ ва хамд калималарнинг "намоз" маъносида ишлатилганлиги уламонинг тафсир китобларида билдирилган. Ҳуд сурасининг 114-ояти каримасида маъолан: **«Кундузнинг икки палласида** (пешин ва аср вақти) **ва тунга яқин уч вақтда,** (шом, хуфтон ва бомдод) **намоз ўқи! Тўғриси, бу яхшилик,** (беш вақт намознинг савоби кичик) **гуноҳларни маҳв этади. Бу ибрат истаганлар учун бир насиҳатдир.»**- дейилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам айтдиларки: ***«Аллоҳу таоло қулларига ҳар куни беш марта намоз ўқишни амр этди. Яхшилаб таҳоратланиб, бу беш вақт намозни вақтида ўқийдиган, рукуъ ва саждаларни нуқсонсиз бажо келтирадиганларни Аллоҳу таоло кечиради».***

Беш вақт намознинг йиғиндиси қирқ ракъат бўлади. Булардан ўн етти ракъати фарз, уч ракъати вожиб, йигирма ракъати эса суннатдир. Яъни:

1. Бомдод намози: Тўрт ракъат бўлиб, аввал икки ракъат суннати, кейин икки ракъат фарзи ўқилади. Бу суннат жуда қувватли бўлгани учун унга вожиб деган олимлар ҳам бўлган.

2. Пешин намози: Ўн ракъатдан иборат. Аввал тўрт ракъатлик илк суннати кейин тўрт ракъат фарзи, ундан кейин яна икки ракъат охирги суннати ўқилади.

3. Аср намози: Саккиз ракъатдир. Аввал тўрт ракъат (ғайри муаккада) суннати, кейин тўрт ракъат фарзи ўқилади.

4. Шом намози: Беш ракъатдир. Аввал уч ракъат фарзи, кейин икки ракъат суннати ўқилади.

5. Хуфтон намози: Ўн уч ракъатдир. Аввал тўрт ракъатлик илк (ғайри муаккада) суннати, кейин тўрт ракъат фарзи, сўнгра яна икки ракъатлик охирги суннати ва унинг орқасидан уч ракъатлик **Витр-и вожиб** намози ўқилади.

Аср ва Хуфтон намозларининг илк тўрт ракъатлик суннатлари ***ғайри муаккада*** суннатидир. Уларнинг иккинчи ракъатларидан сўнг ўтирилганда, **Аттаҳийёту**дан кейин **"Аллоҳумма солли"** ва **"Аллоҳумма борик"** дуолари ўқилади. Учинчи ракъатга турилганда "бисмиллоҳ"ни айтмай туриб худди биринчи ракъатдагидек **"Субҳонака"** ўқилади ва давом этилади.

Пешин намозининг илк тўрт ракъатлик суннати эса **Муаккад суннат**дир. Яъни қувват-ла амр қилинган бўлиб, савоби ҳам кўпдир. Бу намознинг иккинчи ракъатидан кейинги ўтиришда, худди фарзлардагидек фақатгина **"Аттаҳийёту"** ўқилиб, учинчи ракъат учун қиёмга турилади. Ундан кейин "бисмиллоҳ" айтилиб тўғридан тўғри **"Фотиҳа"** ўқилади.

Пешин ва Хуфтоннинг фарзидан кейин тўрт ракъат, Шомнинг фарзидан кейин олти ракъат намоз ўқиш, мустаҳабдир, яъни катта савоби бор. Бу мустаҳаб намозларни битта салом билан ёки ҳар икки ракъатда бир салом бериш билан ўқиса ҳам бўлади. Ҳар икки ўқиш тарзида ҳам, илк икки ракъати охирги суннат ўрнига ўтади. Қолганлари мустаҳаб намозлари бўлади. Бу намозларни, вақтнинг охирги суннатидан кейин, алоҳида ўқиса ҳам бўлади.

Намозлардаги биринчи ракъат “Аллоҳу акбар” деб кирган заҳоти бошланади. Бошқа ракъатлар эса, саждадан ёки ташаҳҳуд (ўтириш)дан қиёмга қад ростланганда бошланади. Ва келаси ракъат учун такрор қиёмга туришгача давом этади. Жуфт ракъатли намозларда иккинчи ракъатдан кейин албатта ташаҳҳудга ўтириш керак.

Ҳар бир ракъатда намознинг фарзлари, вожиблари, суннатлари, муфсидлари ва макруҳлари бўлади. Кейинги саҳифаларда уларни **ҲАНАФИЙ** мазҳабига кўра билдирамиз.

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ

Фарз: Аллоҳу таоло амр қилган ва бажарилиши мажбурий бўлган ишлардир. Бир ибодатнинг фарзлари бажарилмагунча ўша ибодат саҳиҳ бўлмайди. Намознинг саҳиҳ бўлиши учун эса, ўн иккита шартининг бажарилиши лозим. Бу фарзларнинг еттитаси намоз ташқарисида, бештаси эса ичидадир. Ташқарисида бўлган фарзларга **“шартлари”**, ичидаги фарзларга эса **“рукнлари”** дейилади. [Баъзи олимлар, таҳрима такбирини намознинг ичидаги фарзлардан деб санаганлар. Бу олимларга кўра, намознинг шартлари ҳам, рукнлари ҳам олтита бўлади.]

А) Намознинг ташқарисидаги фарзлар
(Шартлари)

1. **Ҳадасдан таҳорат:** Таҳоратсиз бўлган одамнинг таҳорат олиши ва жунуб (яъни булғанган) кимсанинг ғусл олишига айтилади.
2. **Нажосатдан таҳорат:** Намоз ўқийдиган кимсанинг вужудини, кийимини, намоз ўқийдиган жойини катта-кичик нажосатдан, яъни динимизда кир деб билинган нарсалардан тозалашига айтилади. (Мас: қон, сийдик, спирт, йирингга ўхшаш моддалар динимизда нажс бўлиб ҳисобланади.)
3. **Сатри аврат:** Аврат жойини беркитмоқ, яъни ёпмоқ деганидир. Ёпиниш, кийиниш - Аллоҳу таолонинг амридир. Мукаллаф бўлган инсоннинг, намоз ўқиётганида очиши ёки ҳамма вақт бошқа бирига кўрсатиши ва бошқаларнинг ҳам қараши ҳаром бўлган жойларига АВРАТ ЖОЙИ дейилади. Эркакларнинг киндик билан тизза оралари, аёлларнинг юз ва кафтдан бошқа бутун баданлари - аврат жойи саналади.
4. **Истиқболи қибла:** Намоз ўқишдан аввал Қиблага қараб туришга айтилади. Мусулмонларнинг Қибласи - Макка шаҳрида жойлашган Каъба биноси эгаллаган майдондир. Яъни ўша майдоннинг ер қаридан Аршгача бўлган бўйига Каъба дейилади.

5. **Вақт:** Намозни ўз вақтида адо этишга айтилади. Яъни намоз вақтининг кирганини қатъиян билиш ва ўқийдиган намозининг вақтини кўнглидан ўтказишдир.
6. **Ният:** Намозга бошлашдан аввал қалб билан ният қилишга айтилади. Ёлғиз оғиз билан айтишга ният дейилмайди. Ният - намознинг исмини, вақтини, қиблани, жамоат билан ўқиладиган бўлса, имомга иқтидо қилишни қалбдан ўтказиш деганидир. Ният таҳрима такбиридан аввал қилинади. Такбирдан кейин қилинган ният, тўғри бўлмайди ва намоз ҳам қабул этилмайди.
7. **Таҳрима такбири:** Намозга бошлаётганда **“Аллоҳу акбар”** деганидир. Бу такбирга **“ифтитоҳ такбири”** ҳам дейилади. Намозга кириш учун “Аллоҳу акбар”дан ўзга бир сўз айтилса, намозга кирилган бўлиб саналмайди.

Б) Намознинг ичидаги фарзлар
(Рукнлари)

Намозга бошлангандан кейин, мутлақо бажарилиши керак бўлган беш фарз бордир. Буларга Рукн дейилади. Намознинг ичидаги фарзлар қуйидагилар:

1. **Қиём:** Намозга бошланганда тик туришга айтилади. Тик туриб ўқишга кучи етмайдиган беморлар, ўтирган ҳолатда ўқишади. Ўтира олмайдиган даражада бетоб бўлган кишилар эса, жойида ётган ҳолатда (имо-ишорат билан) ўқийди. Стул, кресло, курси ва ўриндиқ каби ўтиришга мосланган жиҳозларга ўтириб намоз ўқиш жоиз эмас.
2. **Қироат:** Маъноси оғиз билан ўқиш демакдир. Яъни Қуръони каримдан сура ёки оят ўқишга айтилади. Ичида кўнглидан ўтказишга қироат дейилмайди.
3. **Рукуъ:** Қиёмда қироатдан кейин қўлларни тизза кўзи устига қўйган ҳолатда эгилиш деганидир. Рукуъда энг камида уч марта **“Субҳона роббиял озыйм”** дейилади ва **“Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ”**- деб қад ростланади. Бу ҳолатда, ҳеч қимирламасдан “Роббана лакал ҳамд” дейилади.
4. **Сажда:** Рукуъдан кейин қилинадиган ҳаракат бўлиб, қўлни, пешонани ва бурунни кетма-кет ерга қўйиш билан адо этилади. Ҳар бир саждада энг камида уч марта **“Субҳона роббиял аъло”** – деб айтилади.
5. **Қаъда-и охира:** Охирги ракъатдан кейин **аттаҳийёту** дуосини ўқиш учун ўтган вақт қадар ўтиришга айтилади. Бунга **“охирги ўтириш”** ҳам дейилади.

НАМОЗНИНГ ШАРТЛАРИ

1. ҲАДАСДАН ТАҲОРАТ

Бу моддада таҳорат, ғусл ва таяммум ҳақида маълумот берилади.

ТАҲОРАТ: Таҳорат олиш, намознинг фарзларидан биридир. Қуръони каримни қўлга олиш, Каъбани тавоф қилиш, тиловат саждаси қилиш, жаноза намозини ўқиш учун ҳам таҳорат олиш лозим. Доимо таҳоратли юриш, уйқуга ҳам таҳоратли ётиш, таҳоратли ҳолда ейиш ва ичиш, катта савоб. Таҳоратли ҳолда вафот этганларга шаҳид савоби берилади. Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва салам” марҳамат қилдиларки:

«Таҳоратли ҳолда вафот этган киши, ўлим азобини

чекмайди. Чунки таҳорат иймонли бўлишнинг аломатидир. Таҳорат намознинг калити, гуноҳларнинг тозаловчисидир».

«Бир мусулмон таҳорат олганда гуноҳлари қулоқларидан, кўзларидан, қўл ва оёқларидан тўкилади, Ўтирганда эса гуноҳсиз, маъсум бир қул сифатида ўтиради».

«Намоз - амаллар ичида энг хайрли бўлган ибодатдир. Доимо таҳоратли бўлишга ҳаракат қилиш, мусулмонларга хос хислатдир. Мусулмон, кеча ва кундуз таҳоратли бўлиши керак. Фақат шундай бўлган тақдирдагина Аллоҳу таоло, уларни ўз паноҳида асрайди. Таҳоратли кишининг барча еган ва ичганлари, Аллоҳу таолони зикр қилади. Айни пайтда эгаси учун Аллоҳу таологa тавба – истиғфор қилади».

Таҳоратнинг фарзлари, суннатлари, одоблари ва тақиқланган нарсалари, яъни таҳоратни бузадиган муфсидлари бордир. Таҳорати йўқлигини билиб туриб, намоз ўқиган кимса, кофир бўлади. Намоз ўқиётган пайтда таҳорати бузилган кимса, дарров салом бериб намоздан чиқади. Ва ўша намознинг вақти чиқмасдан аввал таҳорат олиб, намозини такрор ўқийди.

Таҳоратнинг фарзлари

Ҳанафий мазҳабида таҳоратнинг фарзи тўрт донадир:

1. Юзни бир марта ювиш.
2. Икки қўлни тирсаклари билан бирга бир марта ювиш.
3. Бошнинг тўртдан бирини масҳ этиш, яъни ҳўл қўлни бошга суриш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан биргаликда бир марта ювиш.

Шофиъий мазҳабида ният ва тартиб ҳам фарз. Ният юзни юваётганда

айтилади. Агар сув юзига тегмасдан туриб ният қилинса, таҳорати саҳиҳ (тўғри) бўлмайди. Юз ва жағлардаги соқолни ҳам ювиш Шофиъийда фарздир. Моликий мазҳабида далк [силамоқ] ва муволот [орасини узмай тез-тез ювиш] фарз. Шиялар оёқларини ювишмайди. Яланг оёқ устига масҳ тортишади. (бу нотўғридир).

Таҳорат қандай олинади?

1. Таҳоратга бошлашда ушбу дуо ўқилади: *«Бисмиллаҳил-озыйм. Валҳамдулиллаҳи ъала динил-Ислом. Ва ъала тавфиқил-иймон. Алҳамду лиллаҳиллази жаъолал моа таҳурон ва жаъолал-ислома нуран*[1]*.»* Кейин қўллар уч марта ювилади.
2. Сўнгра ўнг қўл билан оғизга уч марта сув беришда шу дуо ўқилади: *«Аллоҳуммасқиний мин хавди набийика каъсан ло азмау баъдаҳу абадан*[2]*.»*
3. Ўнг қўл билан бурунга уч марта сув берилади, чап қўл билан қоқилади ва ўша пайтда қуйидаги дуо ўқилади: *«Аллоҳумма арихний ройиҳатал жаннати варзуқний мин наиъмиҳо. Ва ло туриҳний ройиҳатан-Нор*[3]*.»*
4. Ҳовучга сув олиниб пешонадан жағларнинг тагигача бутун юз ювилаётганда ушбу дуо ўқилади. *«Аллоҳумма баййид важҳий бинурика явма табйадду вужуҳу авлиёика ва ло тусаввид важҳий би зунуби явма тасваддy вужуҳу аъдоика*[4]*.»*
5. Ўнг қўл тирсаги билан бирга ювилаётганда: *«Аллоҳумма аътиний китобий бияминий ва ҳосибний ҳисабан ясийран*[5]*»* дуоси ўқилади.
6. Чап қўл тирсаги билан ювилаётганда эса *«Аллоҳумма ло туътини китобий би шимолий ва ло мин варо-и зоҳрий ва ло туҳосибний ҳисобан шадидан*[6]*»* дуоси ўқилади.
7. Ҳар икки қўлни тирсаги билан ювиб бўлгандан кейин, такрор қўлларни бир марта ювиб, ҳўл кафти билан бошга масҳ тортилаётганда:

[1] Озийм (улуғ) бўлган Аллоҳу таолонинг (исми билан) бошлайман. (Бизга) Ислом динини берган ва иймонни эҳсон этган Аллоҳу таолога ҳамду санолар бўлсин. Сувни тозаловчи, Исломни эса нур қилган Аллоҳу таолога ҳамду санолар бўлсин.

[2] Эй Аллоҳим! Ундан ичилганда ҳеч қачон чанқатмайдиган “Ҳавзи Набий” дан бу бандангга ҳам бир коса ичказгин.

[3] Эй Аллоҳим! Менга Жаннат бўйларини ҳидлат ва мени Жаннат неъматлари билан ризқлантиргин. Жаҳаннам ҳидидан эмас.

[4] Эй Аллоҳим! Нуринг билан авлиёнинг юзини ёритганингдек, менинг юзимни ҳам ойдинлатгин. Душманларнинг юзлари қорайган кунда, менинг юзимни гуноҳларим сабабли қора қилмагин.

[5] Эй Аллоҳим! Китобимни (амал дафтарим) ўнг тарафимдан бергин ва менинг ҳисобимни осон қилгин.

[6] Эй Аллоҳим! Китобимни чап тарафимдан ва орқамдан бермагин. Мени қийин ва азобли сўроққа тортмагин.

«Аллоҳумма харрим шаъри ва башарий ъалан-Нор. Ва азылланий тоҳта зиллий оршика явма ло зилла илло зиллу оршика[1]*»* дуоси ўқилади.

8. Кейин ўнг ва чап қўлнинг кўрсатгич бармоқлари билан қулоқларнинг ичини тозалаётганда бош бармоқлар билан қулоқларнинг орқаси масҳ этилади ва *«Аллоҳум-мажъалний миналлазина ястамиъунал-қовла фаяттабиъуна аҳсанаҳу*[2]*»* дуоси ўқилади.

9. Қўлнинг терс тарафи билан энсани (бўйин) масҳ этаётганда: *«Аллоҳумма аътиқ рақабатий минан-Нор*[3]*»* дуоси ўқилади.

10. Кейин чап қўлнинг кичик бармоғи билан ўнг оёқнинг жимжилоғидан бошлаб бармоқ оралари ҳилолланиб, тўпиққача бўлган жой, тўпиғи билан бирга ювилади. Шу пайтда қуйидаги дуо ўқилади: *«Аллоҳумма саббит қадамайя ъалас-сироти явма тазиллу фиҳил ақдому*[4]*.»*

11. Чап оёқни ювишда, яна чап қўлнинг жимжилоғи билан, лекин бу сафар оёқнинг бош бармоғи орасидан бошлаб, бармоқ оралари ҳилоллаб тозаланади ва тўпиғи билан бирга ювилади. Ва *«Аллоҳумма ло тотруд қадамайя ъалас-сироти явма тотруд кулла ақдами аъдоика Аллоҳуммажъал саъйи машкуран ва занбий мағфуран ва амалий мақбулан ва тижоратий лан табура*[5]*»* дуоси ўқилади.

Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” айтадиларки: ***«Бир кимса, таҳорат олгач, кўкка қараб мана бу дуони ўқиса, (Субҳонакаллоҳумма ва биҳамдика, Ашҳаду ан ло илоҳа илло анта ваҳдака ло шарика лака астағфирука ва атубу илайка ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдука ва Расулука*[6]*) Ҳақ таоло ҳазратлари ўша кимсанинг гуноҳларини кечиради ва қабул имзоси билан тасдиқлаб, Арши аълонинг остида муҳофазага олади. Қиёмат куни эса, ўша дуони ўқиган кимса келиб савобининг ажрини олади».*** Бошқа ҳадиси шарифда эса: ***«Ҳар ким таҳорат олгандан кейин. “Инна анзалнаҳу”* [Қадр] *сурасини бир марта ўқиса, Ҳақ таоло ҳазратлари ўша кимсани сиддиқлардан ёзади. Икки марта ўқиса, шаҳидлардан ёзади. Уч марта ўқиса,*** *(Қиёматда)* ***пайғамбарлар билан бирга тирилтади»***- дедилар.

[1] Эй Аллоҳим! Вужудимни ва сочимни Жаҳаннам оташида ёқмагин. Ҳеч қандай соя бўлмайдиган кунда, мени арши аълонинг соясида сақлагин.
[2] Эй Аллоҳим! Мени гап тинглаб, улардан энг яхшиларини оладиган ва риоя қиладиганлардан айлагин.
[3] Эй Аллоҳим! Бўйнимни Жаҳаннам оловидан холос айлагин.
[4] Эй Аллоҳим! Оёқларнинг қоқилмасдан ва тоймасдан ўтиши қийин бўлган Сирот кўприги устида менинг оёқларимни собит (мустаҳкам) айлагин.
[5] Эй Аллоҳим! Сенинг душманларингни оёқлари Сиротда тоядиган куни, менинг оёғимни тойдирма. Эй Аллоҳим! Ишларимни шукр қилгучи айла. Гуноҳимни авф айла. Амалимни қабул айла.
[6] Эй Аллоҳим! Сени ҳамдинг билан тасбиҳ ва танзиҳ қиламан. Сендан бошқа маъбуд йўқлигига, бир эканлигингга ва шеригинг йўқлигига ва Муҳаммад алайҳиссалом Сенинг қулинг ва Расулинг эканлигига гувоҳлик бераман.

Яна бир ҳадиси шарифда эса: ***«Бир кимса таҳорат олгач Менинг ҳаққимга ўн марта салоту салом келтирса, Ҳақ таоло ҳазратлари, ўша кимсанинг ғамини кетказиб, дилини хурсанд, дуосини қабул қилади»***- деб марҳамат қилинди.

Бу дуоларни билмайдиганлар ўқимаса ҳам бўлади. Лекин қисқа вақтда ёдлаб олиш ва таҳорат олаётганда ўқиш фойдалидир. Катта савоб ҳосил бўлади.

Таҳоратни тугатаётганда ёки тугатгач: *«Аллоҳум-мажъалний минат-таввобина важъалний мин-ал-мута-тоҳҳирийна, важъалний мин ибодик-ас-солиҳийна, важъалний минал-лазийна ло хавфун ъалайҳим ва лоҳум яҳзанун»* дуосини ўқиш ҳам жуда катта савоб келтиради.

Таҳорат дуосини билмаганлар, ҳар аъзосини юваётганда **калимаи шаҳодат** ўқиб мана шу орқали бу амалларга махсус савоблардан маҳрум қолмаслиги керак.

ИЗОҲ: Таҳорат дуолари учун, 223 ва 224 саҳифаларга қаранг!

Оқил эрсанг, қил намозни, чун саодат тожидур,
Сен намозни андоқ бил ким, мўминнинг меърожидур.

Таҳоратнинг Суннатлари

Таҳоратнинг ўн саккизта суннати бор:

1. Таҳорат олишда бисмиллоҳ деб бошлаш.
2. Қўлларни билаклар билан бирга уч марта ювиш.
3. Оғизни алоҳида алоҳида уч марта чайқаш. Бунга “мазмаза” дейилади.
4. Бурунни алоҳида алоҳида уч марта сув тортиб, қоқиш. Бунга “истиншоқ” дейилади.
5. Қош, соқол ва мўйловнинг тагидаги кўринмайдиган терини, юзни юваётиб ҳўллаш.
6. Юзни юваётганда икки қошнинг тагини ҳўллаш.
7. Соқолнинг узун қисмини масҳ этиш.
8. Соқолнинг узун қисмига ўнг қўлнинг ҳўл бармоқларини тароқ каби суқиб ҳилоллаш (тараш).
9. Тишларни бирор нарса билан ишқалаб тозалаш. (Мисвок қўлланиш муҳим суннат).
10. Бошнинг тамомини бир марта масҳ этиш.
11. Икки қулоқни бир марта масҳ этиш.
12. Энсани учта бирлашган бармоқнинг орқаси билан бир марта масҳ этиш.
13. Қўл ва оёқ бармоқларининг орасини ҳилоллаш.
14. Ювилиши керак бўлган аъзоларни уч мартадан ювиш.
15. Юзни ювадиган пайтда қалб билан ният қилиш.

16. Тартибга риоя қилиш, яъни аъзоларни ўз ўрнида, тартиб билан ювиш.
17. Далк, яъни ювиладиган аъзоларни ишқалаш.
18. Муволот, яъни ҳар аъзони бирин-кетин орасини узмай ювиш.

Таҳоратнинг адаблари

Таҳоратнинг йигирма саккизта одоби бор:

Бу ерда, "АДАБ" - адосида савоб, таркида гуноҳ бўлмайдиган амаллар демакдир. Ҳолбуки суннатларда ундай эмас. Суннатлар адо этилганда савоб, тарк этилса танзиҳан макруҳ бўлади. Адабларга "Мандуб" ёки "Мустаҳаб" ҳам дейилади. Таҳоратнинг адаблари қуйидагилардир:

1. Таҳоратни намоз вақти кирмасдан аввал олиш. (Узрлилар вақти кирганидан кейин олиши керак.)
2. Хожатхонада ич таҳорат олаётганда Қиблани ўнг ёки чап тарафга олиб ўтириш. Қибланинг орқа ва олд тарафга тўғри келиши, таҳриман макруҳдир.
3. Нажосат тегмаган бўлса ҳам сув билан тозаланиш. Нажосат дирҳам миқдоридан оз бўлса, ювиш суннат; дирҳам миқдорича бўлса, ювиш вожиб; дирҳамдан катта бўлса, ювиш фарз бўлади. Ювишда маълум бир адад йўқдир. Тоза бўлганига ишонч ҳосил қилгунча ювилади.
4. Ич таҳоратдан (истинжо) кейин бирон бўз билан артиниш.
5. Истинжодан (ич таҳорат) кейин аврат жойини тезда ёпиш.
6. Таҳоратни бошқасининг ёрдамисиз, ўзи олиш.
7. Таҳорат олаётганда Қиблага қараб ўтириш ё туриш.
8. Ҳар бир аъзони ювишда калимаи шаҳодат айтиш.
9. Таҳорат дуоларини ўқиш.
10. Оғизга сувни ўнг қўл билан олиш.
11. Бурунга сувни ўнг қўл билан олиш.
12. Бурунни чап қўл билан қоқиш (тозалаш).
13. Оғизни чайишда, тишларни **мисвок** билан тозалаш. (тиш чўткаси ҳам мисвок ўрнига ўтади)
14. Оғизни юваётганда рўзадор бўлмаса, бўғзида енгил бир ғарғара қилиш. Ғарғара таҳоратда ҳам, ғуслда ҳам суннатдир. Рўзадор бўлса, ғарғара макруҳдир.
15. Бурунга сувни, бурун суягига етадиган қилиб тортиш.
16. Қулоққа масҳ қилишда, бир бармоқни тешигига суқиш.
17. Оёқ бармоқларининг орасини ҳилоллашда чап қўлнинг жимжилоғини қўлланиш.
18. Қўлларни юваётганда кенг узукни ўрнидан ўйнатиш ҳам мустаҳабдир. Тор ва сиқиб турадиган узукни ўйнатиш шарт бўлиб, фарздир.

19. Сув кўп бўлса ҳам, исроф қилмасдан тежамкорлик билан ишлатиш.
20. Сувни худди ёғ сураётгандай қилиб оз ҳам ишлатмаслик керак. Яъни ҳар бир ювилган аъзодан камида икки томчи сув томиши шарт.
21. Қумғондан ёки шунга ўхшаш бошқа идишдан таҳорат олгандан кейин ўша идишни қайта сувга тўлдириб қўйиш керак, токи ўзидан кейин таҳорат оладиган одамга заҳмат бўлмасин.
22. Таҳорат асносида ёки сўнгида ***"Аллоҳуммажъалний минаттаввобийн.."*** дуосини ўқиш.
23. Таҳоратдан кейин икки ракъатлик Субҳо (шукри таҳорат) намозини ўқиш.
24. Таҳоратли бўлса ҳам, янги намоз вақти кирганида, яна таҳорат олиш.
25. Юзни юваётганда кўз атрофини (чилпиқдан) тозалаш.
26. Юзни, қўлларни, оёқларни ювишда, сув тегиши фарз бўлган жойдан бир оз кўпроғини ювиш. (Қўлни юваётганда, ҳовучга сув тўлдириб тирсакка қарата оқизиш керак.)
27. Таҳорат олаётганда ишлатилган сувдан уст-бошга, кийимга сачратмаслик.
28. Ўз мазҳабида макруҳ бўлмаган бирон амал, бошқа мазҳабда фарз бўлса, шунга амал қилиш ҳам мустаҳабдир.

Таҳоратда тақиқланган хусуслар

Таҳорат олиш жараёнида тақиқланган ҳатти-ҳаракатлар ўн иккита бўлиб, буларга йўл қўйиш ҳаром ёки макруҳдир:

1. Хожатхонада, қирда, далада таҳорат ушатаётганда олд ва орқанинг Қибла тарафга қараб туриши.
2. Истинжо (ич таҳорат олиш) учун ўзга киши ёнида аврат жойини очиш ҳаромдир.
3. Ўнг қўл билан истинжо қилиш.
4. Сув бўлмаган пайтда мева, сабзавот, тезак, суяк, мол озиғи, кўмир, ўзганинг мол-мулки, чинни парчаси, керамика, қамиш, япроқ, мато ва қоғоз билан нажосатни артиш макруҳдир.
5. Ювилиши фарз бўлган аъзосини, керагидан жуда ҳам ошириб (кўп) ёки кам ва уч мартадан кўп ёки кам ювиш.
6. Таҳорат олинадиган сувга туфлаш ва бурун қоқиш.
7. Таҳорат аъзоларини истинжода авратини артган бўз билан артиш.
8. Юзни ювишда, сувни юзга уриб ювиш. (сувни пешонадан пастга қараб секин оққизиб, ювиш керак.)
9. Сувга уфлаш.

10. Кўзни ва оғизни сув тегмайдигандай қилиб қисиб юмиб олиш. Кўз қовоқларининг буришган жойларига ва лабнинг кўринадиган юзасидан биронта кичик жойга сув тегмай қолса таҳорат қабул бўлмайди.

11. Ўнг қўл билан бурун қоқиш, тозалаш.

12. Бош, қулоқлар ва бўйинни (энса), ҳар бирида алоҳида алоҳида қўлни ҳўллаб, бир мартадан кўп масҳ қилиш. (Лекин қўлни янгидан ҳўлламасдан такрор масҳ қилса бўлади).

МИСВОК ишлатиш: Мисвок - бир қарич узунлигида кесилиб, тишларни тозалаш мақсадида ишлатиладиган ва арок деган дарахтдан ёки зайтун толидан олинадиган таёқчадир. Таҳорат олишда, мисвок ишлатмоқ - суннати муаккададир. Бир ҳадиси шарифда: ***«Мисвок қўлланиб кейин ўқилган намоз, мисвоксиз ўқилган намоздан етмиш марта устундир»***,- дейилди.

“Сирож-ул-ваҳҳож” (Абу Бакр бин Али Хаддодий Яманий) китобида мисвок ишлатишнинг 15та фойдаси ҳақида қуйидагиларни келтирган:

1. Ўлим онида калимаи шаҳодат айтишга сабаб бўлади.
2. Тиш милкини мустаҳкамлайди.
3. Балғамни кетказади.
4. Ўт безининг ажралишини тартибга солади.
5. Оғиз оғриғини олади.
6. Оғиз ҳидини кетказади.
7. Аллоҳу таоло ундан рози бўлади.
8. Бош қон томирларини қувватли қилади.
9. Шайтонга ғам чектиради.
10. Кўзлар нурланади.
11. Хайрли ишлари ва ҳасаноти кўпаяди.
12. Суннатга риоя этган бўлади.
13. Оғзи пок бўлади.
14. Фосиҳ-ул-лисон, яъни чиройли гапирадиган бўлади.
15. Мисвокли ўқилган намознинг савоби мисвоксиз ўқилган намознинг савобидан жуда кўп бўлади.

Мисвок - Арабистонда ўсадиган Арок дарахтидан олинган бир новдадир. Бир учидан 2см.лик пўсти арчилиб, бир неча соат сувга ботирилиб қўйилади. Кейин эзилса, чўтка каби очилади. Арок дарахти бўлмаса, зайтун ёки тут толидан олиниши ҳам мумкин. Аёлларнинг мисвок ўрнига, мисвок қўлланиш нияти билан сақич чайнашлари мақсадга мувофиқдир.

Таҳоратда диққат қилинадиган хусуслар

Таҳорат олаётганда зарурат ва мажбурият бўлмагунча қуйидаги 10 нарсага риоя қилиниши лозим:

1. Икки қўли чўлоқ кимса, таҳорат ололмагани учун қўлларини тупроққа, юзини эса деворга суркаб таяммум олади. Агар юзида ҳам яраси бўлса, намозини таҳоратсиз ўқийди ва ҳеч қачон тарк этмайди.

2. Касал кишига завжаси (хоними, рафиқаси), жорияси (чўри), фарзандлари ёки қариндош (ака-ука, опа-сингил)лари таҳорат олдиришади.

3. Тош ва шунга ўхшаш нарсалар билан истинжо қилиш ҳам сув ўрнига ўтади.

4. Тутқаноғи тутиб қолган ёки хушидан кетган бир кимсанинг хушсиз аҳволи 24 соатдан узоқ давом этадиган бўлса, хушига келгач ўша муддат бўйича қазога қолган намозларининг қазосини ўқимайди. Спиртли ичимлик, наша, кўкнори ва дори таъсирида хушидан кетган, маст бўлган кимса, хушига келгач намозларининг қазосини ўқийди. [Хато тушунилмасин! Бундан, асло спиртли ичимлик, гиёҳванд модда истеъмол қилиш жоиз экан деган маъно чиқмайди. Ҳар тоифадан намоз ўқийдиганлар бор.] Ётган жойида боши билан имо қилолмайдиган (бошини қимирлата олмайдиган) даражада оғир касалнинг касаллиги 24 соатдан кўп давом этса ҳам, ҳатто ақли-хуши жойида бўлса ҳам, унга намоз фарз бўлмайди.

5. Таҳоратхона ва Хожатхонага хусусий, хос шалвор ва бошга бир нарса кийган ҳолда кириш мустаҳабдир.

6. Холижойга кираётганда қўлда Аллоҳу таолонинг исми ва Қуръони карим ёзилган нарса бўлмаслиги керак. Бирон нарсага ўралган ёки чўнтакда бўлиши керак.

7. Хожатхонага чап оёқ билан кирилиб, ўнг оёқ билан чиқилиш керак.

8. Хожатхонада аврат жойини, ўтиргандан кейин очиш ва гапирмаслик керак.

9. Авратига ва нажосатга қарамаслик керак.

10. Ҳеч қанақа сувга, деворга, қабристонга ва йўлга таҳорат синдирмаслик керак.

Таҳоратни бузадиган сабаблар

Таҳоратни бузадиган нарсалар етти қисм бўлиб, қуйидагилардир:

1. Орқадан ва олддан чиқадиган нарсалар:

а) Катта ва кичик хожат, ел чиқиши.

б) Клизма мосламасининг учи ёки инсон бармоғи орқадан суқиб чиқарилганда атрофи нам бўлса, таҳоратни бузади. Қурғоқ бўлса, таҳоратни янгилаш афзал.

в) Эркак ва аёлларнинг бавл сизмаслиги учун олдларига қўядиган пахта тампонларнинг ташқарида қолган қисми ҳам ҳўлланса, таҳорат бузилади.

2. Оғиздан чиқадиган нажс нарсалар:

а) Оғиз тўлиб қусилганда;

б) Туфланган пайтда, тупукда қон кўп бўлса;

в) Ошқозон ва жигардан келадиган суюқ қон Имоми Аъзамга кўра оз бўлса ҳам бузади.

г) Қулоққа томизилган дори оғиздан чиқса, бузади.

3. Бадандан, теридан чиқадиган нарсалар:

а) Қон, йиринг ва сариқ сув алоҳида чиқса;

б) Чечак касаллигидан ва ҳар қандай қизамиқ ёки угри (ҳуснбузар) дан чиқадиган қон ёки сариқ сув, ғуслда ювилиши фарз бўлган жойга, яъни баданнинг ташқи юзига ёйилса; Бурундан келадиган қон, бурун суягидан ўтса, таҳорат бузилади. Қулоқ ичидаги қон ёки яра сувлари қулоқ тешигидан чиқса, яна таҳорат бузилади.

в) Жароҳат, ҳуснбузар каби яралардаги қон ёки сувни пахтага шимдириб олинса, таҳорат бузилади.

г) Мисвок (тиш чўткаси ёки чўп) устидаги қон, оғизга ёйилса ёки чапланса, таҳорат бузилади.

д) Қулоқ, киндик ва сийнадан (кўкрак) оғриқ ёки хасталик туфайли бир суюқлик чиқса, таҳорат бузилади.

ж) Сулук кўпроқ қон сўрса (бадандан), таҳоратнинг бузилишига йўл очади.

4. Ухламоқ. Ёнбошлаб, тирсагига таяниб ёки бирон нарсага суяниб ухлаш, таҳоратни бузади.

5. Хушини йўқотиш. Хушдан кетиш, жинни бўлиш, тутқаноқ тутиши ва юраётганда чайқаладиган даражада маст бўлиш таҳоратни бузади.

6. Намозда кулиш. Рукуъ ва саждалари бўлган [жанозадан бошқа] намозларда **қаҳқаҳа**[1] билан кулиш, таҳоратни бузади. Агар кичкина бола кулса, бузилмайди. Намозда **табассум**[2] қилиш, намозни ҳам таҳоратни ҳам бузмайди.

[1] Қаҳқаҳа - ўзига ва ёнидагиларга эшитиладиган даражада кулиш.
[2] Табассум- ўзига ҳам эшитилмайдиган қилиб мийғида кулиш.

7. Мубошарати фоҳиша. Яъни яланғоч бўлиб аврат жойларини суртиниш, эркакнинг ҳам аёлнинг ҳам таҳоратини бузади.

Таҳорат олгани эсида, лекин бузган-бузмаганлигини эслолмаган ёки бузилганига шубҳа қилган кимсанинг таҳорати бор деб қабул қилинади. Таҳорати бузилганини эслаган, лекин кейин янгидан таҳорат олганини эслолмаган ёки таҳорат олганига шубҳа билан қараган кимсанинг таҳорати йўқ деб қабул қилинади ва таҳорат олиши лозим бўлади.

Таҳоратни бузмайдиган нарсалар

1. Оғиз, қулоқ, бадандан ва ярадан чиқадиган қуртлар.
2. Балғам (қақириқ) қусиш.
3. Қон қусганда, бошдан келадиган суюқ қон тупукдан оз бўлса;
4. Тишдан оқадиган қон тупукдан оз бўлса;
5. Бошдан келадиган қуюқ (қаттиқ, қотган) қон, кўп бўлса ҳам бузмайди.
6. Меъдадан ва жигардан келадиган қуюқ қон, оғиз тўлдириб чиқмаса;
7. Қулоққа томизилган ёғ, қулоқдан ёки бурундан чиқса;
8. Бурунга тортилган нарса, бир неча кундан кейин бурундан қайтиб чиқса ҳам бузмайди.
9. Бирор нарсани тишлаган пайтда, ўша нарсанинг устида қон кўринса;
10. Ҳеч қандай касаллиги бўлмасдан, бошқа сабаблардан йиғлаганда ва пиёз, тутун, газлар таъсири натижасида кўздан ёш оқса, таҳорат бузилмайди.
11. Чақалоқ эмизилганда, таҳорат бузилмайди.
12. Қаттиқ терланганда ҳам, бузилмайди.
13. Пашша, чивин, бурга ва тахта бити каби ҳашаротлар кўп қон сўрса;
14. Кам бўлиб ёйилмайдиган қон (чиққан жойида қолган қон) ва оғиз тўлиб қусилмаган қайт, таҳоратга зарар бермайди.
15. Ухлаётганида суянган нарсаси олинса ёки тортилса-ю йиқилиб тушмаса;
16. Намозда мудрамоқ;
17. Тиззалар тик қилиниб, бошни тиззаларга қўйган ҳолда ухланса;
18. Оёқлар бир ёндан чиқарилиб, аёллар каби ўтириб ухланса;
19. Эгарсиз улов устида ухласа, ҳайвон юқорига (тепага) чиқаётган ёки текис йўлда кетаётган бўлса;
20. Намозда табассум қилиш.
21. Намозда кулганини ёлғиз ўзи эшитса, бунга **«даҳқ»** дейилади. Даҳқ фақатгина намозни бузади.
22. Соч, соқол, мўйлов қирқиш.
23. Яранинг қобиғи кўчиб тушса, таҳорат бузилмайди.

Таҳорат учун қулайликлар
(маҳси ва яра юзасига масҳ тортиш)

МАСҲ - уқалаш, силаш деганидир. Икки турли масҳ бор:

1. МАҲСИ ЮЗАСИГА МАСҲ: Таҳоратда оёқнинг ювилиши фарз бўлган жойларни бекитиб турадиган, сув ўтказмайдиган оёқ кийимга, маҳси ёки масҳ дейилади. Мамлакатимизда маҳси деб юритиладиган бу оёқ кийим агар каттароқ бўлиб, бармоқлар маҳсининг учигача бориб турмаса ва тортилган масҳ бўш жойга тўғри келса, унга масҳ тортиш жоиз бўлмайди. Маҳси кийилиб бир соат қадар юрилганда ҳам, оёқдан ечилиб кетмайдиган даражада соғлом, яъни мустаҳкам ва оёққа уйғун (лойиқ) бўлиш керак.

Таги билан усти чарм ёки фақатгина таги чармдан бўлган пайпоқлар устига масҳ тортиш жоиз.

Бир соатча йўлда юрганда оёқдан ечилиб ва титилиб кетмайдиган қаттиқ ва қалин пайпоқ устига ҳам масҳ тортиш жоиз.

Маҳсилар таҳоратсизликнинг оёққа ўтишига тўсқинлик қилмоқда. Оёқларни ювгандан кейин маҳсиларни кийиш ва ундан кейин таҳорат олиш ҳам жоиздир.

Масҳ маҳсининг устига тортилади. Тагига тортилмайди.

Суннатга уйғун, мос масҳ торта олиш учун, ўнг қўл ҳўлланиб бармоқлари билан ўнг маҳсининг устига, чап қўл бармоқлари ҳам айни усулда чап маҳсининг устига босилиб, бармоқ учларидан юқорига қараб тортилади. Кафт текказилмайди. Тортилган масҳ (яъни намлик)нинг эни ва бўйи, учта қўл бармоғининг эни ва бўйи қадар бўлиши фарз.

Масҳни қўлнинг ташқи қисми билан тортиш жоиз бўлса ҳам, қўлнинг ич қисми билан тортиш суннатдир.

Шудринг тушган нам ўтлар устида юрилиб ёки ёмғир билан маҳсининг усти ҳўлланса, масҳ ўрнига ўтади.

Маҳси устига масҳ тортилгандан кейин ўша маҳсининг муддати муқим кимса учун йигирма тўрт соат. Мусофир, яъни сафарий учун, уч кун ва уч кечадир (етмиш икки соат). Бу муддат, маҳсини кийган вақтдан эмас, балки маҳси кийилгандан кейин илк таҳорат бузилиши билан бошланади. Маҳси кийган мўмин таҳорати бузилгандан кейин 24 соат ўтмасдан сафарга чиққудек бўлса, ўша маҳсисини ечмасдан устига масҳ тортиб, таҳорат олиб уч кун ва уч кеча фойдалана олади. Лекин, муддати тўлгандан кейин маҳсисини ечиб янгидан тўлиқ бир таҳорат олиш керак бўлади. Мусофир кимса, бирор жойга келиб ерлашса-ю маҳси кийганига 24 соатдан ошган бўлса, таҳорат олаётганда маҳсининг устига масҳ торта олмайди. Чунки у аллақачон муқим инсон ҳукмига кирган бўлади. У ҳолда, маҳсисини ечиб оёқларини ювиш шарти билан таҳорат олади.

Оёқнинг учта бармоғи сиғадиган катталикда йиртиғи бўлган маҳсининг устига масҳ тортиш жоиз эмас. Йиртиқ бундан бироз кичик бўлса, масҳ тортиш жоиз бўлади. Бир маҳсининг бир неча жойида кичкина-кичкина йиртиқлари бўлса, булар фаразан бир жойга тўпланади. Агар уларнинг йиғиндисидан ҳосил бўладиган йиртиққа учта оёқ бармоғи сиғадиган бўлса, бу маҳсига ҳам масҳ тортиш ярамайди. Агар кичик бўлса, масҳ тортиш жоиз бўлади. Маҳсиларнинг бирида икки бармоқ кўринадиган катталикда йиртиқ бўлиб, иккинчисида ҳам ана шунча ёки бир бармоқ кўринадиган катталикда йиртиқ бўлса, ҳар иккала маҳсига ҳам масҳ тортиш жоиз бўлади. Чунки, учта бармоқ кўринадиган катталикдаги йиртиқ ўлчови, фақатгина бир маҳсига тегишли. Йиртиқлар текширилаётганда ҳар икки маҳси алоҳида текширилади. Ва ҳеч қачон бирининг йиртиғи иккинчисининг йиртиғига қўшилиб ўлчанмайди. Бир маҳсининг яроқсиз ҳолга келганини билдирадиган ўлчов - ундаги йиртиқнинг учта бармоқ учи сиғадиган даражада бўлиши эмас. Балки, бу учта бармоқнинг тамоми кўринадиган даражада бўлиши керак. Агар йиртиқ ундан кичик бўлса, у маҳсининг устига масҳ тортса бўлади.

2. ЯРА ва БИНТ УСТИГА МАСҲ: Яра ва қизамиқнинг устига ва бадандаги ёриқ, кесикларнинг ичига қўйилган малҳам, пахта, бинт, латта каби нарсалар олинганда ёки ечилганда ярага зарар етадиган бўлса, уларнинг устига масҳ тортилади.

Узрли киши хоҳлаган пайтида, таҳорат олиши мумкин. Ва бу таҳорати билан истаганича фарз, нофила намозлари ва Қуръони карим ўқиши мумкин. Лекин ҳар намоз вақти чиққанида таҳорати бузилади. Ҳар бир намоз вақти киргач таҳорат олиб, вақт чиққунча хоҳлаган ибодатини қила олади.

Узрли бўлиш учун, таҳоратни бузадиган нарсалардан биттаси давомли равишда ҳалиги кимсада мавжуд бўлиш керак. Яъни, бир намоз вақти ичида таҳорат олиб, намознинг фарзини адо этадиган вақт қадар таҳоратини тутиб туролмайдиган кимса, узр соҳиби бўлади. Узр соҳибининг вужудидаги таҳоратни бузадиган ҳол, кейинги намоз вақтларида ҳам такрорланса, у кимсанинг узри ҳам давом этаверади.

ҒУСЛ

Намознинг тўғри бўлиши учун, таҳорат ва ғусл ҳам тўғри ва бекаму кўст бўлиш керак. Булғанган, жунуб бўлган эркак ва аёлга, ҳайз ва нифосдан чиққан ҳар бир хотин-қизга бир намоз вақти ўтмасдан аввал, ғусл олиб тозаланишлари фарздир. Булғаниш (жунублик) - жинсий алоқа ва иҳтилом натижасида юзага келади.

Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» марҳамат қилиб айтдиларки: ***«Ғусл олиш учун ўрнидан турган кимсага баданидаги тукларнинг сони қадар (яъни жуда кўп) савоб берилади. Ва яна шунча гуноҳи ҳам кечирилади. Жаннатдаги даражаси ортади. Ғусл учун унга бериладиган савоб, дунёдаги бутун маҳлуқотдан ҳам хайлироқ бўлади. Аллоҳу таоло малоикаларга, Шу бандамга қаранг! Тунда эринмасдан ўрнидан туриб, Менинг амримни ўйлаб, ифлосликдан ғусл қилаяпти. Гувоҳ бўлингизки, бу қулимнинг гуноҳларини авф ва мағфират қилдим,- дейди.»*** Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***«Жунуб бўлгач тезда ғусл олинг. Чунки кироман котибин малаклари ифлос кимсадан ҳазар қилишади»,***- дейилди.

Имоми Ғазолий «раҳматуллоҳи алайҳ» айтадиларки: «Бир кимса тушимда менга бундай деди: «Ҳаётлигимда озгина вақт жунуб ҳолда кезгандим. Ҳозир эса, ўша гуноҳим учун эгнимга оловдан бир кўйлак кийдиришди. Ҳамон олов ичидаман.»»

Бир ҳадиси шарифда: ***«Жонли расм, ит ва жунуб инсон бўлган уйга раҳмат малаклари кирмайди»*** - дейилди.

Намоз ўқийдиган ёки ўқимайдиган ҳар бир инсон, бир намоз вақтини жунуб (ифлос, булғанган) ҳолда ўтказса, жуда шиддатли азобга дучор бўлади. Бундай ҳолларда сув билан ювиниб тозаланиш мумкин бўлмаса, таяммум олиш керак.

Жунуб кимсага қуйидаги нарсаларни ишлаш ман қилинган:

1. Намоз ўқиш.
2. Қуръони каримга ва оятларга қўл текказиш.
3. Каъбани тавоф қилиш.
4. Жомеъ ва масжидларга кириш.

Ғуслнинг фарзлари

Ҳанафий мазҳабида ғуслнинг фарзи учта:

1. Оғиз ичида сув тегмаган жой қолмайдиган қилиб оғиз ичини ювиш, чайқаш. Тишларнинг ораси ва ковакларига сув кирмаса, ғусл ўтмайди.

2. Бурунни ювиш. Бурундаги қотган кирларнинг тагига ва оғиздаги хамирга ўхшаган озиқ қолдиқлари ёпишган жойларга сув тегмаса, ғусл саҳиҳ бўлмайди. Ҳанбалий мазҳабида бурун ва оғизни ювиш, ғуслда ҳам, таҳоратда ҳам фарздир. Шофиъий мазҳабида эса, ғуслга ният қилиш фарздир.

3. Игнадек қуруқ жой қолмайдиган қилиб **бутун баданни ювиш**. Киндик чуқури, мўйлов, қош ва соқолни, уларнинг тагини, терини ювиш фарздир. Тирноқларда, лаб, кўз қовоғи ёки вужуднинг бошқа хоҳлаган жойида, тагига сув ўтказмайдиган бирор модда бўлса, ғусл қабул бўлмайди. Баданда игнанинг учидек қуруқ жой қолдирмай ювинмагунча, ғусл тамом бўлмайди.

Ғуслнинг суннатлари

1. Аввал қўлларни ювиш.
2. Адаб (аврат) жойларини ювиш.
3. Бутун баданни кирлардан тозалаш.
4. Ғуслдан аввал таҳорат олиш ва юзни юваётганда ғусл учун ният қилиш. Шофиъий мазҳабида ният қилиш фарз.
5. Бутун баданни уч маротаба уқалаб ювиш.
6. Бутун баданни ювгандан кейин икки оёқни ювиш.

Ғусл қандай олинади?

Суннатга мос ғусл қуйидагича олинади:

1. Аввал тоза бўлса ҳам, икки қўл, аврат аъзолари ва баданнинг нажс теккан жойлари ювилади.

2. Кейин тўлиқ бир таҳорат олинади. Юз ювилаётганда ғуслга ният қилинади. Ишлатилган сув тўпланиб оёқ тагида кўлмак ҳосил қилмаётган бўлса, оёқлар ҳам ювилади.

3. Сўнгра бутун баданга уч марта сув қуйилиб ювилади. Аввал уч марта бошга, кейин ўнг елкага, сўнгра эса чап елкага ҳам уч марта сув қуйилиб, ҳар сув қуйишда ўша тараф тамоман ҳўлланиши керак. Биринчи

сув қуйишда қўл ёки бирон латта билан яхшилаб ишқаланиб ювилади. Ғуслда бир аъзога қуйилган сув бошқа аъзоларга оқитилса, оқитилган узвлар ҳам тозаланган бўлади. Чунки ғуслда бутун бадан бир аъзо бўлиб ҳисобланади. Ваҳоланки таҳорат олаётганда бир аъзога тўкилган сув билан бошқа аъзони ювиб бўлмайди. Ювилса ҳам, покланган ҳисобланмайди. Ғусл олингач, дарров орқасидан таҳорат олиш макруҳдир. Лекин ғусл олаётганда таҳорати синган бўлса, янгидан таҳорат олиш шарт бўлади.

Диққат!!!
Тиш қўйдирганлар ва пломбаси бўлганлар учун

Ҳанафий мазҳабида тишларнинг орасига, тиш ковакларига сув тегмаса, ғусл олинган бўлиб ҳисобланмайди. Шунинг учун тиш қоплатиш (қўйдириш, коронка) ва пломба қўйдириш ғуслга монелик қилади. Бу аҳволдаги инсонлар жунубликдан поклана олмайдилар. Олтин, кумуш ва нажс бўлмаган бошқа моддалардан ясалган сунъий тиш ва пломбаларнинг тагига сув кирмагани учун, Ҳанафий мазҳабининг барча олимларга кўра ғусл жоиз бўлмайди.

Таҳтавий ҳазратлари **«Мароқ ил-фалоҳ»** асарининг ҳошиясида (96-саҳифа) ва бунинг таржимаси бўлган **«Неъмат-и ислом»** китобида бундай деб ёзганлар: «Ҳанафий мазҳабидаги мўминнинг ўз мазҳаби бўйича қила олмаган бирон амални қила олиши учун Шофиъий (ёки Моликий) мазҳабини тақлид қилишида бир баис йўқдир.»

«Баҳр-ур-роиқ» ва **«Наҳр-ул-фоиқ»** китобларида ҳам худди ана шундай деб ёзилган. Лекин, бу ишни амалга оширишда, ўша (ёки Моликий) мазҳабнинг шартларига ҳам риоя қилиниш керак. Машаққат ва қийинчилик бўлмаган ҳамда шартларига риоя қилмаган ҳолда бошқа мазҳабни тақлид қилиш жоиз эмас. Ундай қиладиган одамларга **мулаффиқ** дейилади. Мулаффиқ: қулайликларни йиғувчи деган маънони билдирадики, бундай қилиш жоиз эмас.

Бир фарзни ўз мазҳабининг шартларига кўра адо этиш мумкин бўлмаса, ўша фарзнинг бажарилиши учун, бошқа мазҳабни тақлид қилиш лозим. Бироқ бу ишда тақлид этаётган мазҳабининг шартларига ҳам риоя қилиш шарт. Тиш қўйдирганлар ва пломбаси бўлганлар Шофиъий ёки Моликий мазҳабини тақлид қилишлари лозим. Бунинг учун эса, ғуслда ва таҳоратда, намозга ният қилишда Имоми Шофиъийга ёки Имоми Моликка тобеъ бўлганлигини кўнглидан ўтказиш кифоя қилади. Яъни ғусл учун: *«Ният қилдим Аллоҳ ризоси учун Шофиъий (ёки Моликий) мазҳабига кўра ғусл олишга»*- жумласини қалбидан ўтказадиган кимсанинг ғусли саҳиҳ бўлади, жунубликдан қутилади, покиза бўлади. Шофиъий ёки Моликий мазҳабини тақлид этгани учун, таҳорати ҳам ўқийдиган намозлари ҳам саҳиҳ бўлади. Бу кимса сунъий тиши ва пломбаси бўлмаганларга ҳам

имомлик қила олади. Шофиъий мазҳабини тақлид этадиган кимсанинг қуйидаги нарсаларга эътибор бериши керак:

Имомнинг орқасида Фотиҳа сурасини ўқиши; ўзининг ёки ўзганинг аврат аъзоларига қўлнинг ич қисми, яъни кафти билан текканида ва никоҳ билан олиши ҳаром бўлган 18та аёлдан (маҳрамларидан) ўзга аёлнинг терисига очиқ териси билан текканида янгидан таҳорат олиши; таҳоратда албатта ният қилиш ва озгина нажосатдан ҳам тозаланган бўлиш керак.

Қуръони каримни қўлига олмоқчи бўлганида ҳам Шофиъий мазҳабига кўра таҳоратли бўлиши даркор. Ҳанафий мазҳабидаги сафарийнинг зарурат туфайли Шофиъий мазҳабини тақлид этган ҳолда Пешин билан Асрни ва Шом билан Хуфтон намозларини тақдим (илгари олиб) ёхуд таъхир (кечиктириб) этган ҳолда жам қилиб бирликда ўқий олиши учун, яна Шофиъий мазҳабига кўра таҳорат олган бўлиши керак.

Моликий мазҳабини тақлидда
диққат қилинадиган хусуслар:

Тиш пломбаси ёки идрор (сийдик) ва ел тутолмаслик, ёхуд бирон оқувчи узр туфайли Моликий мазҳабини тақлид этган кимса нималарга диққат қилиши керак?

Моликий мазҳабини тақлид этган Ҳанафий фақатгина ғуслда, таҳоратда ва намозда ўз мазҳабининг шартларига қўшимча қилиб, Моликий мазҳабининг фарзларини бажариб муфсидларидан тийилиши керак. Ҳанафийдан фарқли тарафлари қуйидагилардир:

1. Ғуслда ният, далк ва муволот фарздир.

Ғусл, таҳорат ва намоз учун ниятда Моликий мазҳабига уйишга ният қилиш керак. [Таҳорат ёки ғусл олгандан ёхуд намоз ўқиб бўлгандан кейин юқоридагидай ният қилмаганини хотирласа, *“бу таҳорат, ғуслни Моликийга кўра олдим, намозни Моликийга кўра ўқидим”* деса, бошқатдан таҳорат, ғусл олиши ва намоз ўқиши шарт бўлмайди.]

Муволот: ҳар аъзони орасида ортиқча ҳаялламасдан орқама-орқа ювиш демакдир. Нормал шартларда, бир аввал ювилган аъзо қуриб қоладигандай миқдор танаффус қилмасликдир.

Далк: ювилаётган аъзоларни қўл ёки сочиқ билан ишқалаш демакдир. Қўл билан силаш ҳам далк ўрнига ўтади.

Ғуслда сочни, соқолни ва бошқа узун тукларни ҳилоллаш [соч орасига икки қўл бармоқларини худди тароқдек суқиб таҳлил қилиш, яъни тараш] фарздир. Сочни тароқ билан тараш ҳам ҳилоллаш ўрнига ўтади.

Аёл киши ғуслда, сочларининг тагига, яъни бош терисига сув етиб борадиган бўлса, соч ўримини очиши шарт бўлмайди. Яъни ўрилган сочнинг таги ҳўлланса, ўрилган қисмини ювиш керак эмас. Соч таги ҳўлланмаса, ўримни очиш шарт бўлади. Ўрилмаган сочнинг тамомини ювиш фарздир. [Ҳанафийда ҳам худди шундай]

2. Таҳоратда ният, муволот, далк, бошнинг тамомини масҳ қилиш фарздир.

а) Бошнинг қулоқ орқасидаги қулоққача бўлган сочсиз тери ҳам масҳ қилинади.

б) Аёл, сочининг тамомини масҳ қилади. Ўрилган сочини очмайди. Ўримнинг устидан масҳ тортади.

3. Хонимига ёхуд бегона бир аёлга [терисига ёки сочига] шаҳват билан теккан эр кишининг ва эркакка шаҳват билан теккан аёлнинг таҳорати бузилади. Шаҳватсиз тегса, таҳорат бузилмайди. [Ўз олд аврат жойига қўлининг ичи, яъни кафти билан теккан эркакнинг таҳорати бузилади.]

4. Таяммум намоз вақти киргандан кейин олинади.

5. Маҳсининг усти ва таги тамоман масҳ қилинади.

Маҳсини оёқни ювиш ташвишидан қутулиш нияти билан кийиш саҳиҳ бўлмайди. Суннатга амал қилиш ёки совуқдан сақланиш нияти билан кийиш керак. Маҳси чармдан ва шунга ўхшаш нарсалардан бўлиши керак. Жундан бўлмайди.

Моликийда маҳсининг масҳ қилиш муддати бўлмайди. Жунуб бўлгунча ечмаса ҳам бўлади. Фақат жума кунлари ғусл олиш учун ечиш суннатдир. Лекин Моликийни тақлид қилаётган Ҳанафий маҳсини 24 соатдан ортиқ киёлмайди.

6. Намозда ҳар ракатда Фотиҳа ўқиш, икки сажда орасида ўтириш, рукуда, саждаларда тумонинат, яъни бир муддат сокин туриш ва намоз сўнгида салом бериш фарздир. [Жамоат имомнинг орқасида фотиҳа ўқимайди. Айни Ҳанафийлар каби ҳаракат қилсалар, бу фарзлар ҳам адо этилган бўлади.]

Бир мазҳабни тақлид қилиш, ўз мазҳабидан чиқиб ўша мазҳабга кириш дегани эмас. Ўша мазҳабдаги тақлид қилинган масаланинг фақат фарзи ва муфсидларигагина амал қилинади. Ҳанафийда суннат бўлган бир амал Моликийда макруҳ бўлса ҳам ишланади. Масалан:

а) Ҳанафий мазҳабида намозда, фотиҳадан аввал аъузу-бисмиллоҳ айтиш суннат, Моликийда эса, макруҳдир. Моликийни тақлид этган кимса аъузу-бисмиллоҳни айтади.

б) Моликийда Субҳонака (Сано) ўқиш макрух, Ҳанафийда суннат. Моликийни тақлид этган кимса, субҳонакани ўқийди.

в) Сафарда кириш-чиқиш кунларидан бошқа 4 кун ёхуд ундан кўпроқ қолишга ният қилган Моликий кимса, муқим бўлади. 3 кун ёки ундан оз қоладиган бўлса, сафарий бўлади. 4 кундан аввал битади деб гумон қилган иши учун борган манзилида, ҳар галида балки эртага кетарман деган ўй билан 18 кундан ортиқ қолгандагина муқим бўлади.

Сафарда 10 кун қолган кимса, Ҳанафийда сафарий ҳисобланса ҳам, Моликий бўйича муқимдир. Агар Ҳанафийга уйиб намозларини 2 ракат қилиб ўқиса, намози саҳиҳ бўлмайди. Чунки Моликийда муқимликда

4 ракат ўқиш фарздир. Ҳанафийда эса, сафарда 4 ракат қилиб ўқиш макруҳдир. У ҳолда, тақлид қилинаётган мазҳаб фарз дегани учун фарзга амал қилиб 4 ракат ўқиш керак бўлади.

г) 80 км лик масофага борилганда Моликий бўйича сафарий бўлса ҳам, Ҳанафийга кўра сафарий бўлолмайди. Бу ҳолдаги кимса, Моликийга уйиб 2 ракат ўқиса, Ҳанафийга кўра намози саҳиҳ бўлмайди, 4 ракат қилиб ўқиши фарздир.

д) Бир аёлнинг муайян ҳоли 13 кун давом этадиган бўлса, бу аёлнинг Ҳанафийга кўра 10чи кунидан кейингилари узр ҳисоблангани учун ғусл олиб намозларини адо этади. Моликийда эса, муайян ҳол 15 кунгачадир. Яъни, 15 кунгача қон тўхтамасдан намоз ўқиб бўлмайди. Тақлид этган аёл, 15 кунгача қон тўхтамаса, кутади. 16 чи куни ғусл олиб намозини бошлайди. Ҳанафийнинг фарз деган 10 кунидан кейингиларни ҳам қазо қилиб ўтайди. Мана шу тариқа ҳар икки мазҳабнинг фарзларига амал қилиниб, муфсидларидан сақланган бўлади.

Моликийда ҳайз ва нифоснинг шартлари қуйидагича:

1- Ҳайзнинг энг оз миқдори йўқ. Бир томчи келса ҳам, ҳайз қабул қилинади. Энг кўпи эса 15 кундир. 15 кундан ортиқ келса, истиҳоза [узр] бўлади. [Ҳанафийда ҳайзнинг энг ками 3, энг кўпи 10 кундир. Бундан ози ва кўпи истиҳозадир.]

2- Иккинчи ҳайзнинг бошланиши учун, орадан энг камида 15 кун ўтган бўлиши керак. 15 кун ўтмай туриб қон келса, бу ҳайз эмас, истиҳоза бўлади, яъни бурундан келган қон кабидир. Бу ҳолда ғусл олинмасдан ҳам намоз ўқишга бўлади.

3- Оисадан, яъни 70 ёшидан кейин келган қон ҳайз эмас, истиҳоза бўлади. [Ҳанафийда оиса ёши 55 дир.]

4- Ҳомиладан ва кўзи ёришдан аввал келадиган қон ҳайздир. [Ҳанафийда истиҳозадир]

5- Кесерово сечение, яъни қорин ёрилиб чақалоқ олинганда келадиган қон нифос бўлмайди. [Ҳанафийда нифос бўлади.]

6- Нифоснинг энг узун муддати 60 кундир. [Ҳанафийда 40 кундир.]

7- Нифос пайтида узлуксиз 15 кун ҳеч қон келмаса, нифос

ҳоли битиб, тоза кунлари бошланган бўлади. Ўша 15 кунлик тозаликдан кейин такрор қон келса, бу қон нифос эмас, ҳайз қонидир.

8- Нифос кунлари орасидаги тоза кунлари 15 кундан оз бўлса, ҳаммаси нифос бўлади. Орадаги тоза кунлар ҳисобдан чиқарилиб қон кунлари йиғиндиси 60 кунга етса, аёлнинг нифоси ниҳоясига етган бўлади. Масалан 20 кун қон, 7 кун тоза, кейин 17 кун қон, 10 кун тоза, такрор 23 кун қон кўрилса, қон кўрилган кунларнинг йиғиндиси 60га етгани учун, нифос тугади демакдир. 15 кун ўтмай яна қон келгудек бўлса, истиҳоза бўлади. 15 кундан кейин келса, ҳайз бўлади.

Моликийдаги бошқа алоҳида хусуслар:

1- Қон, йиринг, сариқ сув агар касаллик оқибатида чиқса, таҳоратни бузмайди.

2- Соч олдирганда, тирноқ кесилганда таҳорат бузилмайди. Соқол олинганда бузади деган олимлар ҳам бўлгани учун, устара ва лезвия билан соқол қиринилса, орқасидан таҳорат олиш яхши бўлади.

3- Таҳорати бузилганини билиб, кейин таҳорат олганидан шубҳаланса, таҳорат олиши керак бўлади. Таҳорат олдимми олмадимми, таҳоратим бузилдими бузилмадими - деб шубҳаланган кимсанинг таҳорати бузилган бўлади. Агар таҳорат олганини ва бузилганини хотирламаса, таҳорати бузилмаган бўлади.

4- Ҳанафийда ёнбошлаб, бирон нарсага суяниб ухлаш таҳоратни бузади, лекин Моликийда уйқу оғир бўлмаса, бузмайди. Масалан таҳҳиётда ўтирганда ухлаб қолса таҳорати бузилади, бироқ енгил ухлаб дарров уйғонса таҳорати бузилмайди. Ҳанафийда оғир уйқу бўлса ҳам намоз ичида ухлаш таҳоратни бузмайди.

5- Узрсиз асрни шомгача, хуфтонни бомдод вақтигача кечиктириш гуноҳ.

6- Сафарда икки намозни жам этиш жоиздир. Моликийни тақлид қилаётган киши бир машаққат қаршисида намозларини жам қилиши мумкин.

Ҳайз ва нифос

Динимизда ғуслнинг ўн бир тури бўлиб, булардан бештаси фарздир. Фарз бўлган бешидан иккитаси, аёлларнинг ҳайз ва нифос ҳолларидан тозаланиш мақсадида олган ғуслларидир.

Ибни Обидин ҳазратларининг **«Манҳал-ул-Воридин»** асарида айитилишича: *«Ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга илмиҳол ўрганиш фарз эканлигини фиқҳ олимлари иттифоқ билан билдирганлар. Ҳар бир муслима хонимга ҳайз ва нифос илмини ўрганиш фарздир. Ҳар бир мусулмон эр уйланадиган чоғида, аёлларнинг ҳайз ва нифос ҳолларини ўрганиши ва уйлангач аёлига ҳам ўргатиши керак.»*

Ҳайз деб, тўққиз ёшга тўлган соғлом бир қиз болада ёки ҳайз ҳолининг сўнгги дақиқасидан ўн беш кун ўтган аёлдан келадиган ва энг кам уч кун давом этадиган қонга айтилади. Оқ рангдан бошқа ҳар хил рангли ва аралаш қонга, ҳайз қони дейилади. Бир қиз бола илк ҳайзини кўргандан бошлаб балоғат ёшига етган бўлади. Ва аёл ҳукмида бўлиб, динимизнинг бутун амр ва тақиқларидан жавобгар бўлади.

Қон кўрилган пайтдан тўхтаган пайтгача (кунгача) бўлган муддатга «**одат вақти**» ёки «**ҳайз вақти**» дейилади. Бу вақтнинг энг ками уч кун, энг кўпи эса ўн кундир. Ҳар бир заифа, ўз ҳайзининг кун сонини ва соатини билиши лозим. Саккиз ёшга тўлган қиз болага онасининг, онаси бўлмаса, бувиси, опалари, аммалари, холаларининг ҳайз ва нифос илмини ўргатишлари фарздир.

Нифос - янги туққан, кўзи ёриган аёлдан келадиган қонга айтилади. Бу қоннинг энг оз вақти бўлмайди. Шунинг учун, қон тўхтаган заҳоти дарҳол чўмилиб, ғусл олиши керак бўлади. Нифоснинг энг кўп муддати, қирқ кун бўлиб, бу қирқ кун тамом бўлганида тўхтамаса ҳам, ғусл олиб тозаланиб, намозларга бошлаш керак бўлади. Чунки, қирқ кундан кейин келадиган қон -истиҳоза, яъни узр бўлади. Аёлларнинг, нифос кунларини ҳам ёдда тутишлари шартдир.

Истиҳоза - уч кундан (яъни етмиш икки соатдан) беш дақиқа бўлса ҳам кам бўладиган; Ҳайзи янги бошланганларда эса, ўн кун давом этадиган; Ҳайз кўришлари бир неча бор такрорланганларда ҳайз қони одатдагидан кўпроқ давом этадиган, ўн кунни ҳам ошадиган; Ҳомилалардан; Эллик беш (55) ёшдан ўтган аёллардан; Тўққиз (9) ёшдан кичик бўлган қиз болалардан келадиган қонга - истиҳоза қони [узр қони] дейилади. Бу қон, касаллик белгисидир. Узун муддат оқиши хавфли бўлиб, врачга кўриниш лозим.

Истиҳоза кунларида бўлган аёл, тез-тез бурни қонайдиган одамга ўхшайди. Бу ҳолда намоз ўқиши ва рўза тутиши мумкин.

Ҳайз ва нифос ҳолида бўлган аёллар, намоз ўқимайдилар ва рўза тутмайдилар. Тоза бўлганларида эса, тутмаган рўзаларининг қазосини тутишади. Лекин намозларининг қазоларини ўқишмайди. Бу кунларда, тиловат ва шукр саждаси қилиш, Қуръони каримга қўл текказиш, жомеъ ва масжидга кириш, ҳаромдир. Ҳаромга тушмаслик учун ҳар бир мўмина аёл ҳайзнинг бошлаганини эрига билдирмоғи лозим.

Пайғамбаримиз «саллалоҳу алайҳи вас-саллам» ҳазратлари: ***«Ҳайзининг бошлангани ва тугаганини эридан яширадиган хотин малъундир*** *[яъни лаънатлидир]***»**-деганлар. Ҳайз ва нифос тўхтаган заҳоти тезда ғусл олиш фарз бўлиб, Аллоҳу таолонинг амридир.

Никоҳнинг бузилишига, яъни оила риштасининг узилишига сабаб бўладиган жуда кўп сўзлар бордир. Киши иймоннинг кетишидан қўрққани каби никоҳнинг бузилишидан ҳам қўрқиши керак. [**Том Илмиҳол «Саодат-и Абадийя»** 585-бетга қаранг]

ТАЯММУМ

Таяммум - тупроқ билан покланиш демакдир. Таҳорат ёки ғусл олиш учун сув топилмаса ёки сув бўлса ҳам ундан фойдаланишнинг имкони бўлмаган тақдирларда, тоза тупроқ, қум, тупроқ юқи, шўрхок каби тупроқ жинсидан бўлган тоза моддалар билан таяммум қилинади.

Таяммум - қийин аҳволларда таҳорат ва ғусл учун бир қулайликдир. Динимизда, тупроқ билан таяммум қилиш худди сув билан покланишдек айни вазифани ўтайди. Динимиз, кўпгина нопокликларнинг тупроқ билан ҳам тозаланиши мумкин эканлигини билдирмоқда.

Таяммум қачон олинади?

1. Таҳорат ва ғусл олиш учун пок сув топилмаса; (шаҳарда, қишлоқда ҳамма вақт сув ахтариш фарздир.)

2. Сувдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи бирор касаллик ёки совуқдан ўлиш ёхуд касалланиш хавфи бор бўлса;

3. Сув ёнида душман, йиртқич ёки заҳарли ҳайвон бўлса;

4. Сувга эҳтиёжи бўлган кимса қамоқда бўлиб, сувдан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлса;

5. Сув ишлатган тақдирда, бирон зўравон тарафидан ўлим билан таҳдид қилинадиган бўлса;

6. Сафарда ёнида ичимлик сувидан зиёда суви бўлмаса;

7. Қудуқдан [сафарда] сув чиқаришнинг имкони бўлмаса, таяммум олинади.

Таяммумнинг фарзлари

Ҳам таҳорат, ҳам ғусл учун таяммумнинг қилиниш тартиби бир хил бўлиб, фақат ниятлари фарқлидир. Таҳорат ниятида қилинган таяммум билан ғусл ҳам олинган бўлмайди. Айни таяммумнинг ғуслни ҳам таъминлаши учун, таҳорат билан бирга ғуслга ҳам ният этилмоғи лозим. Таяммумнинг фарзи 3 дир:

1. Ният қилмоқ.

2. Икки кафтни тупроққа уриб, юзнинг тамомини масҳ этмоқ.

3. Кафтни тоза тупроққа уриб, аввал ўнг, сўнгра чап қўлни тирсаклари билан бирга масҳ этмоқ.

Таяммумнинг фарзига иккита деган олимлар ҳам бор. Бу олимлар, юқоридаги иккинчи ва учинчи фарзларни бир фарз деб ҳисоблаганлар. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам тўғридир.

Таяммумнинг суннатлари

1. Бисмиллоҳ билан бошламоқ;
2. Тупроққа кафт, ҳовучнинг ичини қўймоқ;
3. Кафтни тупроқда олдинга кейинга ҳаракат эттирмоқ;
4. Тупроқли кафтни пастга қаратиб, қўллар очиқ ҳолатда, тупроқ тамоман тўкилгунча, бош бармоқларни бир бирига тўқнаштирмоқ;
5. Қўлни тупроққа қўяётганда, бармоқ ораларини очмоқ;
6. Аввал юзни, кейин ўнг қўлни, сўнгра чап қўлни масҳ этмоқ;
7. Таяммумни худди таҳорат олаётгандек тез-тез олмоқ;
8. Юзда ва қўлларда масҳ этилмаган жой қолдирмаслик;
9. Таяммум қилишдан аввал умид қилган жойлардан сув ахтармоқ;
10. Қўлни тупроққа қўяётганда кафтни зарб билан қўймоқ;
11. Қўлларга юқорида билдирилгандай қилиб масҳ тортмоқ;
12. Бармоқларнинг орасини масҳ этмоқ ва ўша аснода узугини ўйнатмоқ суннатдир.

Таяммумда диққат қилинадиган хусуслар

1. Таҳоратсиз кимса, ўргатиш мақсадида қилган таяммуми билан намоз ўқий олмайди.

2. Таяммум билан намоз ўқий олиш учун ёлғиз «таяммумга» ният этиш кифоя қилмайди. «Таяммум олиб намоз ўқишга»- деб ният этмоқ лозим.

3. Бир жойдаги тупроқдан бир неча киши таяммум қилиши мумкин. Чунки таяммум қилинган тупроқ, қум ва шағал каби жинслар мустаъмал, яъни ишлатилган, кирланган бўлмайди. Бироқ таяммумдан кейин юздан ва қўллардан тўкилган тўз-заррралар мустаъмал бўлади.

4. Шофеъий ва ҳанбалийда таяммум фақат тупроқ билан қилинади. Қолган икки мазҳабда (ҳанафий ва моликий) юзасида тўз-чанги бўлмаса ҳам, тупроқ жинсидан бўлган ҳар пок нарса билан таяммум қилинади. Ёниб кул бўладиган ва иссиқда эрийдиган моддалар тупроқ жинсига ётмайди. У ҳолда, дарахт, ўт-ўлан, тахта, темир, гуруч, ёғли бўёққа (эмульция) бўялган девор, мис, олтин, ойна-жом билан таяммум саҳиҳ бўлмайди. Қум таяммум воситасидир, лекин чанг босган инжу-маржон бунга доҳил эмас. Оҳак ва гипс билан ювилган мармар, цемент, сайқалланмаган кафель, силлиқланмаган чинни буюмлар ва лой билан бўлади. Таяммум учун лойдан бошқа ҳеч нарса топилмаса, таркибида сув яримдан кам бўлсагина, таяммум қилинади.

Таяммум олишга ярайдиган моддалар билан ярамайдиган моддалар аралаш бўлса, у ҳолда қаралади, қайси модда кўпроқ бўлса, ўшанинг исми қоришмага берилади.

5. Битта таяммум билан ҳар қандай намоз ўқишга бўлади.

6. Мусофир кимса 2км дан кам масофада сув борлигини белгиларидан фаҳмласа ёки ақлли, болиғ ва одил бир мусулмоннинг дарак бериши орқали сув борлигига умид қилса, ҳар тарафга 200 метргача бориб ёки бир кимсани юбориб сув ахтармоғи фарз бўлади. Агар умид қилмаса, сув ахтармоғи лозим бўлмайди.

7. Бир кимса, сув борлигини суриштирмасдан таяммум олиб намозга бошласа-ю сўнгра ёнидаги биронта одил, тўғрисўз шахсдан сувнинг борлигини эшитса, таҳорат олиб намозни иёда этади, яъни бошқатдан ўқийди.

8. Икки километрдан узоқда сув бўлган тақдирда ҳам таяммум олиб намоз ўқиш жоиздир. (Сафарий учун)

9. Ашёлари орасида йўл учун олинган сувининг борлигини унутган кимса, агар шаҳар ёки қишлоқ ташқарисида бўлса, таяммум олиб намоз ўқиши мумкин.

10. Сувнинг тугаганини тахмин қилган мўмин, таяммум билан намоз ўқиса-ю кейин сувнинг тугамаганини кўрса, таҳорат олиб, намозини иёда қилади. (бошқатдан ўқийди)

11. Мусофир кимсага, ёнидаги йўлдошларидан сув истамоғи вожибдир. Сув беришмаса, таяммум билан намозини ўқийди. Агар йўлдоши сувни ўз нархига сотадиган бўлса, ортиқча пули бўлган мусофир уни сотиб олиши керак. Эгаси сувни ўз баҳосидан жуда қиммат нархга сотадиган бўлса, мусофирнинг таяммум этмоғи жоиз бўлади. Сувни ўз нархига оладиган пули ҳам бўлмаса, у ҳолда яна таяммум олади.

12. Чўлдан ўтадиган йўлларда ёнида ичимлик суви мавжуд бўлса ҳам таяммум олишга бўлади.

13. Сув кам бўлиб, мусофирлар орасида бир жунуб йўловчи, бир маййит ва ҳайзли хотин бўладиган бўлса, энг аввал жунуб йўловчи ғусл олиши керак. Сувнинг эгаси ҳаммадан аввал ювиниш ҳуқуқига эга. Бу вазиятда, бир неча кишига тегишли бўлган сувлар бир жойга тўплатилса, аввал маййит ювилади.

14. Жунуб (булғанган) кимса, таяммум олгандан кейин таҳорат бузувчи бирор ҳодиса рўй берса, ўша кимса яна жунуб бўлиб қолмайди. Балки фақат таҳорати бузилган бўлади. Ва агар ёнида ғуслга етмайдиган даражада оз миқдор суви бўлса, фақатгина таҳорат олади, холос.

15. Жунуб кимса баданининг ярмидан кўпи яра, чечак ёки бошқа, сув тегизиши зарарли бўладиган яра билан қопланган бўлса, таяммум олади. Агар баданнинг ярмидан кўпи соғлом бўлса ва яра бўлган қисмларга сув теккизмасдан чўмилишнинг имкони бўлса, фақат ўша соғ қисмини ювиб ғусл олади. Агар ярага сув теккизмасдан чўмилишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда таяммум олади.

Таяммум қандай олинади?

1. Аввал жунубликдан ёки таҳоратсизликдан покланиш учун ният қилинади.

Таяммум билан намоз ўқий олиш учун ёлғиз *таяммумга* деб ният қилиш етмайди. Ибодат саналадиган бирор амални, масалан *жаноза намози, тиловат саждасини адо этиш учун* ёки *ғусл ва таҳорат учун таяммумга,* деб ният қилиш керак.

Таяммум ниятида, *таҳорат* ёки *ғусл учун* - деб, ажратиб айтиш ҳожат эмас. Чунки, таҳорат учун ният қилинганда, айни вақтда жунуб бўлса, жунубликдан ҳам покланган бўлади. Ғусл учун ният қилиниб, олинган таяммум билан намоз ўқиш мумкин. Бу таяммумдан кейин *«Таҳорат олишга»* - деб, иккинчи марта таяммум олиш ҳожат эмас.

2. Енглар, тирсакдан юқорироққача шимарилиб, икки қўл кафти пок тупроққа, тошга, тупроқ ёки оҳак билан шувалган деворга суркалади ва энг камида уч бармоқ тегадиган қилиб, икки кафт билан юзга бир марта масҳ тортилади. Кафт, юзнинг зарра қадар жойига тегмасдан ўтса, таяммум олинган бўлиб ҳисобланмайди.

Юзни тамоман масҳ эта олиш учун ҳовуч очиқ ҳолда, тўртта бармоқ бир бирига ёпиштирилган ва икки қўлнинг энг узун (ўртанча) бармоқлари бир бирига текказилган ҳолатда, иккала кафт билан сочнинг тугаган жойидан жағларга қараб секин силаб тушилади. Бунда, бармоқлар кўндаланг вазиятда пешонани, қовоқларни, буруннинг икки ёнини ва лабнинг уст қисми билан лабнинг ўзини ва юзни яхшилаб силаб ўтиши керак. Бу аснода, кафтнинг ичи ҳам чакка (янoқ)ларни силаб ўтади ва масҳ том (тўлиқ) тортилган бўлади.

3. Кейин яна икки кафт тупроққа сурилиб, бир бирига тўқнаштирилиб тупроқлари қоқилгач, аввал чап қўлнинг тўртта бармоғининг ичи билан ўнг қўлнинг ост тарафи бармоқ учидан тирсаккача силанади. (Бу пайтда ўнг қўлнинг кафти кўкка қараб туриши керак). Ундан кейин, ўнг қўлнинг ич тарафи чап қўлнинг ички тарафи билан тирсакдан бармоқ учларига қараб силанади. Охирида чап бош бармоқнинг ичи билан ўнг бош бармоқнинг ташқариси силанади. Бу вақтда, узук бармоқдан чиқарилган бўлиши керак. Кейин яна худди ўша тартиб ва ўша шаклда ўнг қўл билан масҳ қилинади. Кафтлар тупроққа суркалиши шарт. Сурилгандан кейин кафтларга албатта тупроқ ёпишган бўлиши шарт эмас. Таҳорат учун ҳам, ғусл учун ҳам таяммум бир хилда олинади.

Таяммумни бузадиган сабаблар

Таяммумни ижоб эттирадиган, яъни зарур қилиб қўядиган узр ҳоли йўқолганида; сув топилганида; таҳоратни ва ғуслни бузгувчи ҳодисалар содир бўлганида, таяммум ҳам бузилади.

Таҳорат, ғусл ва таяммумнинг фойдалари

Ибодат мақсадида қилинадиган ҳар иккала тозалик ҳам бадан соғлигимиз нуқтаи назаридан жуда кўп фойдаларни ихтиво қилмоқда. Бунинг ёнида руҳ соғлигимизга ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Илмий тажрибалар натижасида аниқланган беҳисоб фойдалардан баъзиларини қуйида билдиришни афзал кўрдик:

1. Кундалик ҳаётимизда қўлимиз тегмаган жой қолмагани каби қўлимизга ёпишмаган микроб ҳам қолмайди. Таҳорат олаётганда, қўл, юз ва оёқларни ювиш, ҳар турли тери-таносул касалликлари ва йиринглашнинг олдини олиш учун энг чиройли тадбир ва муҳофаза бўлмоқда. Чунки, микроблар ва паразит бактериялар инсон баданига асосан тери орқали дохил бўлади.
2. Нафас олиш системамизнинг посбони бўлган бурунни ювиш билан, у ердаги чанг ва микроб йиғиндиларини ҳам вужудимизга киритмасдан, бартараф қилган бўламиз.
3. Юзнинг совуқ сув билан ювилиши эса, юз терисини мустаҳкам ва соғломлаштириб, бошдаги оғриқ ва ҳорғинликни ҳам камайтмоқда. Айни пайтда, асаб ва қон томирларини ҳам ҳаракатга келтириб, баданни ҳамма вақт тетик тутмоқда. Давомли таҳорат олиб юрадиган қарияларнинг юзларидаги чирой ва гўзалликнинг кетмаслик боиси ҳам, шундадир.
4. Жинсий алоқа ва бошқа жунублик сабабларида, инсон вужуди катта энергия йўқотади. Сарфланган энергия натижасида, юрак уриш ва қон айланиш тезлиги ортади, нафас олиш ҳам кучаяди. Йўқотилган қувват билан бирга ҳорғинлик, ҳаракатсизлик ва ҳолдан тойиш каби дармонсизлик ҳис қилинади. Бунинг оқибатида кўпинча зеҳний фаолиятларнинг секинлашгани қайд қилинади. Бу вазиятда, ғусл олиш билан вужуд ўзининг дастлабки ҳолига эришиб, тикланиш жараёнига киради. Баданни маълум оралиқларда ювиб туриш, вужуднинг таянч ва ўзини ҳимоя қилиш хусусиятларини ортиради.
5. Инсон организми нормал ҳолатда бир электростатик майдон билан ўралган бўлиб, ўша билан салбий оқимларга қарши ҳимояланиб туради. Вужуд соғлиги бу майдоннинг мувозанати билан бевосита боғлиқдир. Ўша мувозанат, психологик ҳолларда, иқлим ўзгаришлари,

кийим-ашёлар, кундалик ҳаёт шартлари, иш жойларидаги шароит ва жунублик натижасида бузилади. Ўша электростатик юк, инсоннинг асаби бузилганда тўрт баравар кучаяди. Жунубликдан кейин эса, нормал ҳолатдагидан ўн икки марта ошиб, руҳга салбий таъсир кўрсата бошлайди. Замонамизда, инфра-қизил нурлар ёрдамида текшириш натижасида, инсоннинг жинсий алоқадан кейинги ҳолати суратга туширилган ва натижа қуйидагича:

Бу ҳолатда олинган суратларда вужуднинг бутун юзасида ортиқча статик электрик табақалари вужудга келгани кўрилган. Ўша табақа, организмнинг тери орқали кислород алмашинишига тўсқинлик қилгани каби тери рангининг бузилиши ва тезда буришиб, қариб қолишига ҳам сабаб бўлиши аниқланган. Зарядланган бундай зарарли электрик табақасидан қутулиш учун вужудда игна учидек қуруқ жой қўймасдан ювиниш керак бўлади. Ана ўшанда сув зарралари вужуддаги электр майдонини олиб уни тупроқлайди ва танани янгидан нормал ҳолатга қайтаради. Бу нуқтаи назардан ғусл - тиббий жиҳатдан албатта бажарилиши керак бўлган вазифадир.

6. Таҳорат ва ғуслнинг организмдаги қон айланиш ва модда алмашиниш системалари устида ҳам каттагина мусбат таъсири аниқланган. Бу тур ибодатлар, яъни ғусл ва таҳорат амаллари, қон томирларидаги торайиш ва қаттиқлашишнинг олдини олмоқда. Таҳоратда, баданимизнинг ҳаётий муҳим нуқталарига тегиб, ўша нуқталарни уйғотувчи ва қўзғатувчи ҳаракатлар бор. Масалан: Лимфатик системанинг энг муҳим марказларидан бўлган бурун ичи (орқаси) ва ангина яъни муртак безлари, таҳорат ёки ғусл олинаётганда сув тегиши натижасида ҳаракатга келади ва фаолияти активлашади. Бундан ташқари бўйин ва чеккаларнинг ювилиши ҳам лимфа системасига ижобий таъсир кўрсатади. Таҳорат ва ғусл олиш орқали фаолияти тезлашадиган ва осонлашадиган лимфа натижасида лейкоцит деган ҳужумчи қон ҳужайралари вужудни зарарли унсурлардан муҳофаза қилади ва баданнинг чидамлилигини орттиради.
7. Сув топилмаган пайтларда тупроқ билан олинадиган таяммум ҳам вужуддаги ортиқча зарарли кучланиш ва зарядларни йўқ этмоқда, уни тупроқламоқда.

2. НАЖОСАТДАН ТАҲОРАТ

Бадан, либос ва намоз ўқиладиган жойни нажосат ва кирлардан тозалашга - нажосатдан таҳорат, дейилади. Рўмол, салла, бош кийим, маҳси ва оёқ кийим ёки пайпоқ ҳам либосдан саналади. Салладан осилиб турадиган ва икки курак ўртасига ташлаб қўйиладиган ўрамнинг учи ҳам намозхон билан бирга ҳаракат қилиб тургани учун, либосдан ҳисобланади ва ўша жой ҳам тоза бўлмаса, намоз қабул бўлмайди. Жойнамознинг оёқ босиб туриладиган жойи билан бош қўйиладиган жой пок бўлса бас, намоз қабул бўлади. Бошқа жойларда нажосат бўлса ҳам, унинг намозга зарари йўқ. Чунки жойнамоз, салланинг осилиб турган учи каби инсоннинг баданига ёпишган ҳолда эмас. Лекин иложи борича тамоман покиза бир сажжода (жойнамоз) устида намоз ўқишга ҳаракат қилиш керак. Оғзи ёпиқ шишада ёки целофан халтада сийдигини ташиб юрадиган касалларнинг намозлари жоиз бўлмайди. Чунки шиша ёки целофан халта, сийдик ҳосил бўладиган жой эмас, балки сийдик, дастлаб организм ичида ҳосил бўлиб, сўнгра ўша халта ёки шишага келади. [Демак бундан шуни ҳам тушунса бўладики: чўнтакда спирт ва таркибида спирт бўлган ҳар хил суюқликларнинг шишаси ёки ёпиқ бир қутида қонга булғанган даструмол ёхуд нажосат артилган бўз бўлса, у ҳолда намоз жоиз бўлмайди.] Демак, икки оёқ босадиган жой, шунингдек сажда қилинадиган маҳал тоза бўлса, кифоя. Агар намоз ўқиладиган жойда нажосат бўлса, устига бўз, ойна, клёнка ва шунга ўхшаш нарсаларни тўшаб қўйиб устида намоз ўқиш мақбулдир. Саждага энгашганда этак ёки балоқ қуриган нажосатга тегса, намозга зарари бўлмайди.

Баданда, либосда ва сажжодадаги бутун майда-чуйда нажосатлар бир жойга тўпланса-ю уларнинг йиғиндисининг оғирлиги, ҳовуч ичига сиғадиган ўртача катталикдаги юмалоқ темир танга (**дирҳам**) **миқдори**дан кам бўлса, ўша ҳолатда ўқиладиган намоз қабул бўлади. Агар аҳвол, бунинг акси бўлса, қабул бўлмайди. Агар ўша оғир нажосатнинг оғирлиги дирҳам миқдорига тенг бўлса, таҳриман макруҳ бўлиб, ювиб поклаш вожиб бўлади. Агар дирҳам миқдоридан кўп ва катта бўлса, у ҳолда ювиш фарз бўлади. Дирҳам миқдоридан кам нажосат теккан бўлса, тозалаш суннат бўлади. Шароб ва спиртли моддаларнинг бир томчиси теккан бўлса ҳам уни ювиб кетказиш фарздир. Имомайнга кўра ва нариги уч мазҳабда, оғир нажосат саналадиган моддаларнинг заррасини ҳам ювиш фарздир. «Нажосат миқдори» деганда, нажосатнинг кийимга баданга ва жойнамозга юққан вақти эмас, балки намозга туриладиган пайтдаги нажосат юққан майдоннинг катта-кичиклиги инобатга олинади.

Дирҳам миқдори – қуюқ, қотган нажосатларда бир мисқол, яъни 4 грам ва 80 сантиграм оғирликдир. Суюқ нажосатларда эса, очиқ ҳолатда

турган кафт ўртасидаги чуқурда оқмасдан тура оладиган сув кўлмагининг юза кенглиги қадар кенгликдир. Оғирлиги бир мисқолдан кам бўлган қуруқ нажосат, кийимда кафт чуқуридан кенгроқ юзага ёйилган бўлса ҳам намозга монеълик (тўсқинлик) қилмайди. Чунки, қуруқ нажосат учун чекланган ўлчов бирлиги - бир мисқол оғирликдир. Кафт чуқурининг кенглиги билан ўлчаш бирлиги эса, суюқ нажосатларга хос.

Нажосатлар икки турли бўлади:

1. **Оғир нажосат:** Инсон баданидан чиқиб, таҳорат ёки ғусл олишга сабаб бўладиган ҳар нарса; гўшти еийлмайдиган ҳайвонлар ва болаларининг (кўршапалакдан бошқа) шилинган, ишлов берилмаган терилари, гўшти, тезаги бавл (сийдик)и; инсон ва бутун ҳайвонларнинг қонлари ва шароб (спирт); ўлакса, чўчқа-тўнғиз гўшти; уй ва юк ҳайвонларининг тезаги, қўй ва эчкининг нажосатлари - ғализдир, оғир нажосатдир.

2. **Енгил нажосат:** Гўшти еийладиган ҳайвонларнинг бавли (сийдиги) ва гўшти еийлмайдиган паррандаларнинг тезаги енгил нажосат ҳисобланади. Кабутар ва чумчуқ каби гўшти еийладиган қушларнинг тезаги тоза ҳисобланади. Енгил нажосатлар, бир аъзомизга ёки либосимизнинг бир қисмига юқса, кирланган жой ўша аъзо ёки ўша қисмнинг тўртдан бир қисмидан кичик бўлса, намозга зарар бермайди.

Узумни ва бошқа меваларни ачитиш йўли билан ҳосил қилинадиган рақи, спирт каби алкоголь ичимликлар оғир нажосат бўлиб, уларни истеъмол қилиш шароб ичиш каби ҳаромдир. Намоз ўқишдан аввал либос ва бадандаги одеколон, лосьон, дезодорант, гель, қон ва бошқа спирт аралашган малзамалар ювиб тозаланиши шарт. Бу хил моддаларнинг баданда ёки либосда қуришлари, учиб кетишлари, кийимнинг ва баданнинг тоза эканлигига далолат қилмайди. Албатта сув билан ювилиши шарт. Намоздан аввал юқорида санаб ўтилган оғир нажосатлар ва ўхшашлари, оғзи берк идишда бўлса ҳам, уларни чўнтакдан олиб бир четга қўйиш керак бўлади.

Нажосатни ҳар турли пок сув билан, таҳорат ва ғуслда ишлатилган сув билан, сирка ва гул суви билан, оқувчи суюқликлар билан тозаласа бўлади. Таҳорат ва ғуслда ишлатилган сувга **“мустаъмал сув»** дейилади. Бу сув тоза бўлиб, ёлғиз нажосатни тозалашда ишлатилиши мумкин. Лекин ҳадасдан покланишда, яъни таҳорат ва ғуслда ишлатила олмайди.

ИСТИНЖО: Олддан ва орқадан нажосат чиққач, ўша аъзоларнинг покланишига истинжо дейилади. Истинжо (ич таҳорат) - суннати муаккададир. Яъни, эркак ёхуд аёлнинг Хожатхонада таҳорат бузгандан кейин тош, кесак ёки сув билан икки махражни тозалаб, бавл ва нажосатни кетказишлари суннатдир. Лекин, ёнида одамлар бўлиб ёлғиз қолишнинг имкони бўлмай, уларнинг ёнида авратини очиб истинжо қилолмаса,

нажосат кўп бўлса ҳам, сув билан ич таҳорат қилишни тарк этади. Авратини очмайди. Намозини истинжосиз ўқийди. Агар ёнида атиги бир кимса бўлса ҳам, унинг кўз олдида авратини очиб истинжо қилса, фосиқ (гуноҳкор) бўлади. Ҳаром ишлаган бўлади. Танҳо бир жой топса, ўша жойда истинжо қилиб, таҳоратланиб намозини иеда (бошқатдан) этади. Чунки, **бирон амрни бажо келтириш, ҳаром ишлашга сабаб бўлса, унда амрнинг адоси кейинга қолдирилади ёки тарк этилади.**

Суяк, таом, тезак, ғишт, ойна парчалари, кўмир, ҳайвон еми, бегонанинг моли билан, мухтарам яъни пулга чақиладиган қийматли ашёлар, масалан: ипак билан, масжиддан отилган нарсалар билан, замзам суви билан, барг билан, қоғоз билан истинжо - таҳриман макруҳдир. Ёзув ёзилмаган оппоқ қоғозга ҳам ҳурмат кўрсатиш керак. Махсус туалет қоғозлари, мухтарам бўлмаган исмлар, динга ярамайдиган ёзувлари бўлган газета ва қоғозлар билан истинжо жоиздир. Аммо, Ислом (араб) ҳарфлари билан ёзилган қоғоз билан, нима ёзилганидан қатъий назар, истинжо - жоиз эмас. Олд ва орқани Қиблага қаратиб, тикка туриб, узрсиз яланғоч ҳолда таҳорат ушатиш макруҳдир. Оёқ тагида бавл кўлмак ҳолида йиғиладиган бўлса, ўша жойда ғусл олиш жоиз бўлмайди. Агар, бавл тўпланмасдан оқиб кетадиган бўлса, ғусл жоиз бўлади. Истинжода ишлатилган сув нажс бўлиб, уни кийимга сачратмаслик керак. Шунинг учун истинжо, танҳода ва аврат жойи очилиб қилинади. Ариқ ёки чашма ёнига бориб, қўлни иштонга тиқиб, бавл аъзосини ҳовучидаги сувга ювиш билан истинжо бўлмайди. Бир томчи бавл томган заҳоти, ҳовучдаги сув нажс бўлади ва ўша сув томган кийим ҳам ифлос бўлади. Кийимга томган томчиларнинг йиғиндиси агар кафт чуқури юзасидан кенгроқ юзага ёйилган бўлса, бу либос билан ўқилган намоз қабул бўлмайди.

ИСТИБРО: Эркакларга, бавлдан кейин бироз юриш, йўталиш ёки чап тарафини босиб бироз ётиш орқали **истибро**, яъни бавл йўлидаги томчиларни чиқаришлари вожибдир. Бавл томчилари қолмаганига ишонч ҳосил қилмасдан аввал таҳорат олмаслик керак. Агар, таҳоратдан кейин бир томчи сизиб чиқса ҳам таҳорат бузилади, яна ич кийим ҳам ифлосланади. Агар, ич кийимга кафт чуқури юзасидан оз миқдорда бавл сизадиган бўлса, таҳорат олиниб бу кийим билан ўқилган намоз макруҳ бўлади. Кўп сизадиган бўлса, намоз қабул бўлмайди. Истиброда қийналадиганлар, авратига (бавл йўлига) арпадай келадиган пахтани юмалоқлаб суқишлари керак. Ўшанда, сизаётган бавлни пахта шимиб олади. Лекин, пахтанинг бир учи ташқарига чиқиб қолмаслиги шарт. Агар, ташқарига озгина учи чиқиб қолгудек бўлса, бавлни шимганида, ташқаридаги учи ҳам ҳўлланади ва бавл бадандан ташқарига чиққани учун таҳоратини бузади.

3. САТРИ АВРАТ

(Аврат ва мўминаларнинг ҳижоблари ҳақида)

Бир кимсанинг бошқа бирига кўрсатиши ва бошқаларнинг ҳам қараши ҳаром бўлган жойга - **аврат жойи** дейилади.

Эркакларда аврат киндикдан тизза кўзининг тагигачадир. Тизза авратдан ҳисобланади. Ҳанафий мазҳабида ўша жойлари очиқ ҳолда ўқилган намоз қабул бўлмайди. Намозда вужуднинг бошқа қисмларини ҳам беркитиш, масалан: қўлларни, бошни ёпиш ва пайпоқ кийиб намоз ўқиш Ҳанафийда эркакларга суннат. Бу аъзоларни ҳеч қанақа заруратсиз очиб, намоз ўқиш макруҳдир.

Хоним (хотин-қиз)ларнинг юзи ва кафтларидан бошқа бутун аъзолари, қўлларнинг усти, соч, оёқлар тўрт мазҳабда ҳам аврат ҳисобланади. Аёлларга юз ва кафтдан бошқа бутун узвларини ёпишлари фарздир. Аврат аъзоларидан бирининг тўртда бир қисми, бир рукн бўйича (миқдорида) очиқ қолса, намоз бузилади. Агар ундан кам муддат очиқ қолса, макруҳ бўлади. Ва намоз бузилмайди. Либос ёки рўмол юпқа бўлиб ичидаги аъзонинг шакли кўринадиган, ёхуд либос шаффоф бўлиб тананинг ранги билинадиган бўлса, динимизда бундай либоснинг ҳукми - кийилмаган, яъни очиқ бўлиб ҳисобланади.

Аёлларга ёлғиз пайтларида намоз ташқарисида, киндик билан тизза оралиғини ёпишлари фарздир. Орқани ва қоринни ёпиш эса, вожиб; бошқа узвларнинг ёпилиши-да одобдандир.

Расулуллоҳ «саллолоҳу алайҳи ва саллам» айтдиларки:

«Бегона аёлга шаҳват билан қараган кимсанинг кўзларига олов тўлдирилиб, дўзахга ташланади. Бегона аёл билан қўл олишган кимсанинг қўллари энсасидан боғланиб, дўзахга ташланади. Бегона аёл билан заруратсиз шаҳват-ла гаплашганлар, ҳар бир сўзлари учун минг йил дўзахда азоб чекишади.»

Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***«Қўшнининг хонимига (аёлига) ва дўст-биродарларнинг хонимларига шаҳват билан қараш, бегона хотинларга қарашдан ўн марта баттар гуноҳдир. Турмушга чиққан жувонларга қараш, қизларга қарашдан минг карра ортиқроқ гуноҳдир. Зино гуноҳининг даражалари ҳам юқоридагидай бўлади.»*** - дейилди.

Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" буюрдиларки: ***«Ё Али! Тиззангдан юқорисини очма ва хоҳ тирик, хоҳ ўлик ҳеч кимсанинг тиззасидан юқорисига қарамагин!»***

«Аврат жойларингизни зинҳор очмангиз! Чунки ёнингизда сиздан ҳеч қачон ажралмайдиган кимасалар бор. Улардан ҳаё қилинг ва ҳурмат кўрсатинг.» [Улар ҳафаза, яъни елкадаги малаклардир.]

«Авратингни ёпгин. Жуфти ҳалолинг ва канизагингдан (қул, чўри) бошқа ҳеч кимга кўрсатма. Ёлғиз қолганингда эса, Аллоҳу таолодан ҳаё қилгин.» «Ўзини аёлларга ўхшатадиган эркакларга ва эркакларга ўхшатадиган аёлларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин.»

«Бир қизнинг гўзаллигини кўрган кимса, дарҳол кўзларини ундан олиб қочса, Аллоҳу таоло унга бир ибодатнинг лаззатини эҳсон этадики, ўша кимса бу лаззатни дарров ҳис қилади.» «Аврат жойини очганлар ва бошқасининг авратига қарайдиганларга Аллоҳу таолонинг лаънати бўлсин.»

«Ўзини бир қавмга ўхшатган кимса ўшалардан бўлади»

Демак ахлоқини, юриш-туришини, ишларини ва ибодатларини бошқаларга ўхшатадиган кимса, ўшалардан бўлар экан. Модага, кофирларнинг одатларига эргашадиганлар, ҳаром ишларга “санъат асари”, ҳаром ишни касбга айлантирганларга эса “санъаткор”, дейдиганлар бу ҳадиси шарифлардан ибрат олишлари, қўрқишлари ва бу ғафлатдан уйғонишлари лозим.

Эркак эркакнинг, аёл ҳам аёлнинг аврат аъзоларига қарамаслиги керак. Бундан кўриниб турибдики, эркакнинг аёлга ва аёлнинг ҳам эркакни аврат жойига қараши ҳаром бўлганидек, эркакка эр кишининг, хотинга ҳам аёл кишининг аврат жойига қараши ҳаромдир.

Эркакнинг эркак учун ва аёлнинг аёл учун қараши ҳаром бўлган аврат маҳалли - тизза билан киндик орасидир. Эркакнинг, бегона аёл учун ҳам аврат маҳалли - тизза билан киндик ораси бўлиб саналади. Аёл кишининг, бегона эркак учун аврат жойи эса, кафтлари ва юзидан бошқа бутун баданидир. Бегона аёл (қиз)нинг аврат жойига шаҳватсиз қараш ҳам ҳаромдир.

Кўрпа тагида яланғоч ётган касал, бошини кўрпага буркаб ётган ҳолда намоз ўқиса, намозни яланғоч ўқиган бўладики, бу жоиз эмас. Бошини кўрпадан чиқариб ўқиса, кўрпа билан баданини ёпиб ўқиган бўлиб, жоиз бўлади.

Бир эр киши, уйланиш абадиян ҳаром бўлган ўн саккизта **маҳрам** аёл ва қизнинг бошига, юзига, бўйнига, қўлларига, тиззадан паст болдирига агар шаҳватсиз қарай олишга кўзи етса, қараши мумкин. Бу қариндош аёлларнинг кўкракларига, қўлтиқларига, сонларига, тиззаларига ва орқаларига қарашга бўлмайди. Қараши мумкин бўлган аъзоларига агар шаҳватсиз қарай олмаса, қарамаслиги керак.

Бир аёл киши (қиз) учун, ўзининг тоға, амаки, амма ва холасининг ўғиллари ҳам бегона, яъни номаҳрам ҳисобланади. Почча ва қайинлари ҳам бегона - номаҳрам ҳукмидадир. Улар билан гаплашиши, ҳазиллашиши ва ёлғиз қолиши ҳаромдир. Ўғил бола учун ҳам ўз тоға, амаки, амма ва

холасининг қизлари билан, болдизи ва янгаси билан узрсиз гаплашиши ҳаромдир.

Бир эркак ҳаёти бўйича қуйидаги ўн саккизта [маҳрам] хотин-қизга уйлана олмайди. Бу ўн саккиз аёл унинг маҳрами, яъни қариндошидир. Улар билан гаплашиши, ёлғиз қолиши мумкин. Бир аёл киши учун ҳам ўн саккизта эркак абадиян ҳаром бўлиб, буларга маҳрам дейиладики, шахснинг ақраболаридир:

НАСАБ ОРҚАЛИ ҚАРИНДОШ БЎЛГАНЛАР:

ЭРКАКЛАР	АЁЛЛАР
1. Ота.	1. Она.
2. Боболар (ота ва онанинг оталари)	2. Бувилар. (ота ва онанинг оналари)
3. Ўғли ва ўғлининг ўғли. (невара)	3. Қизи ва қизининг қизи. (невара)
4. Ака-укалари.	4. Опа-сингиллари.
5. Ака ёки уканинг ўғли.	5. Опа ёки сингилнинг қизи.
6. Опа ёки сингилнинг ўғли.	6. Ака ёки уканинг қизи.
7. Амаки ва тоға.	7. Амма ва хола.

СУТ ОРҚАЛИ ҚАРИНДОШЛИК:

ЭРКАКЛАР	АЁЛЛАР
8. Сутота. Эмчакдошининг отаси.	8. Сутона. Эмчакдошининг онаси.
9. Сутота ва сутонасининг оталари. (боболари)	9. Сутона ва сутотасининг оналари. (бувилари)
10. Сут ўғли, сут ўғли ва сут қизининг ўғиллари.	10. Сут қизи, сут қизи ва сут ўғлининг қизлари.
11. Эмчакдош ака-укалари.	11. Эмчакдош опа-сингиллари.
12. Эмчакдош опа-сингилининг ўғиллари.	12. Эмчакдош опа-сингилининг қизлари.
13. Эмчакдош ака-укасининг ўғиллари.	13. Эмчакдош ака-укасининг қизлари.
14. Сут амаки ва тоғалари.	14. Сут амма ва холалари.

НИКОҲ ОРҚАЛИ ҚАРИНДОШЛИК:

ЭРКАКЛАР	АЁЛЛАР
15. Қайнота.	15. Қайнона.
16. Ўгай ўғли.	16. Ўгай қизи.
17. Ўгай ота.	17. Ўгай она.
18. Куёви.	18. Келини.

Аврат маҳаллари очиқ ҳолда ташқарига чиқадиган ва бошқаларнинг аврат жойларига қарайдиган эркак ва аёллар, Жаҳаннамнинг шиддатли оловларида азобга дучор қилинадилар.

4. ИСТИҚБОЛИ ҚИБЛА
(Қиблага юзланиш)

Истиқболи қибла - намозни қиблага қараб ўқиш деганидир. Макка-и Мукаррама шаҳрида жойлашган Каъба биносига **«Қибла»** дейилади. Қибла, авваллари **Қудус** шаҳри эди. Ҳижратдан ўн етти ой ўтгач, Шаъбон ойининг ўртасида сешанба куни Қудусдан Маккадаги Каъбага ўгирилиш буюрилди.

Қибла - Каъбанинг биноси эмас, балки унинг арсосидир. Яъни, Каъба биносининг энича келадиган устунни ер қаърига ва осмону фалакка давом эттирганимизда, ҳосил бўладиган улкан ўққа айтилади. Бошқача қилиб айтганда, ердан Аршгача бўлган ўша бўшлик Қибладир. Шунинг учун денгизларда, жарларда, қудуқ-ғорларда, баланд тоғларда ва тайёраларда намоз, ўша тарафга қараб ўқилади. Кўз қири нервининг қиялаб кетадиган истиқомати орсидаги бурчак, Қиблага тўғри келадиган бўлса, намоз қабул бўлади. Фақат:

1. Касаллик сабаби,
2. Молнинг ўғирланиш хавфи,
3. Йиртқич ҳайвон хавфи,
4. Душманни сезмай қолиш хавфи,
5. Уловидан тушгандан кейин, ёрдамсиз такрор мина олмайдиган бўлса, намозини кучи етган, ўгирила оладиган тарафига қараб ўқийди.

Кемада, поездда ва тайёрада бу хавфлар ва узрли ҳоллар бўлмагани учун Қиблага ўгирилиш фарздир. Енгил автомобилда намоз бўлмаслиги ҳақида илгарида баён қиламиз.

5. НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

Расули Акрам “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” бир ҳадиси шарифларида айтдиларки: «***Жаброил “алайҳиссалом” Каъбанинг эшиги ёнида менга икки кун имом бўлди. Иккаламиз, шарқ тараф оқара бошлаган пайтда БОМДОД намозини, Қуёш тик вазиятдан бироз оғганида ПЕШИН намозини, ҳар жисмнинг сояси ўз бўйига тенглашган пайтда АСР намозини, Қуёш тўлиқ ботган заҳоти ШОМ намозини ва ғарбда уфқ қорайгандан бошлаб ХУФТОН намозини ўқидик. Иккинчи куни эса, Бомдод намозини атроф (ҳамма нарса бемалол кўринадиган бўлиб) ёришганида ўқидик. Пешин намозини,***

ҳар жисмнинг сояси ўз бўйининг икки бараварига тенглашганида; Аср намозини ҳам дарров унинг орқасидан; Шом намозини, рўза (ифтор вақти) очадиган пайтда ва Хуфтон намозини эса, кечанинг учда бири ўтгач ўқидик. Ундан кейин, “Ё Муҳаммад “алайҳиссалом”, Сенинг ва ўтган пайғамбарларнинг намоз вақтлари мана шу бўлди. Умматинг беш вақт намоздан ҳар бирини, мана шу икки вақт орасида адо этсин”***-деди».*** Ҳар куни ўқилиши амр қилинган намоз сонининг бешта эканлиги ушбу ҳадиси шарифдан ҳам англашилмоқда.

Бомдод намозининг вақти: Субҳи содиқ яъни шарқ тараф уфқининг ранги ўзгаргандан (оқара бошлагандан) эътиборан, қуёшнинг бир чеккаси чиққунчадир.

Пешин намозининг вақти: Соялар қисқариб, яна узая бошлагандан эътиборан, жисмнинг бўйи баравар ёки жисмнинг бўйи икки баравар келадиган паллагача давом этади. Булардан биринчиси, икки имомга, яъни имоми Абу Юсуф ва имоми Муҳаммадга кўра; иккинчиси эса, имоми Аъзам Абу Ҳанифага “раҳматуллоҳи алайҳим” кўрадир.

Аср намозининг вақти: Пешин вақти битгандан бошланади. Бу ҳам:

1. Имоми Абу Юсуф ва имоми Муҳаммадга кўра, жисмнинг сояси ўз бўйи баравар бўлганида бошланади ва то қуёш кўздан ғойиб бўлгунча давом этади.
2. Имоми Аъзамга кўра эса, жисмнинг сояси ўз бўйининг икки бараварига тенглашганида бошланиб, қуёш ғойиб бўлгунча давом этади.

Лекин, қуёш ботишига бир найза бўйи қолганида (ўша куннинг аср намозининг фарзидан бошқа) ҳар қандай намозни ўқишга киришмоқ ҳаром бўлади. Аср намозини ўша вақтгача кечиктириш ҳам ҳаромдир. Аср намози, ўша вақтгача кечиктирилган бўлса, қуёш ботмасдан туриб ўқиб олиш лозим бўлади. Чунки намозни ўз вақтидан кейинга кечиктириш, ундан каттароқ гуноҳ бўлади.

Шом намозининг вақти: Қуёш тамоман ботгандан бошлаб, уфқда қирмизилик йўқолгунча, яъни уфқ қорайгунча давом этади.

Хуфтон намозининг вақти: Шом намозининг вақти чиққандан бошлаб, Субҳ-и содиққачадир**.**

Имоми Аъзам “раҳматуллоҳи алайҳ”га кўра, Хуфтон вақти - осмон тамоман қоронғи бўлганда, яъни шарқ ва ғарб уфқларининг фарқи билинмай қолган паллада бошланади. Бу худди аср намозининг вақтидагидек икки ижтиҳод билан билдирилган бўлиб ҳар иккаласи ҳам тўғридир. Имомайнга кўра (Имоми Абу Юсуф ва имоми Муҳаммад), Хуфтон вақти - ғарбда қизиллик йўқолганда киради. Ана ўша вақтдан ярим соат ўтказилиб кейин намозга турилса, бутун имомларнинг ижтиҳодига мувофиқ намоз ўқилган бўлади. Хуфтон намозини, узрсиз ва сабабсиз туннинг иккинчи ярмига кечиктириш макруҳдир.

Ёлғиз нофила намоз ўқиш макруҳ бўладиган икки вақт бордир. Булар: Бомдоднинг фарзини ўқигач, қуёш чиққунгача ва Асрнинг фарзини ўқигач, Шом намози вақти киргунгача бўлган вақтлардир.

Намоз ўқиш таҳриман макруҳ, яъни ҳаром бўладиган учта вақт бўлиб, бу уч вақтда бошланган фарз намозлари саҳиҳ бўлмайди. Қуёш чиқаётганда, тепага келганда ва ботаётганда. Бу уч вақтда аввалдан тайёрланган жанозанинг намози, сажда-и тиловат ва сажда-и саҳв ҳам жоиз бўлмайди. Қуёш ботаётганда фақатгина ўша куннинг Аср намози фарзини ўқиса бўлади.

ИЗОҲ: Қутбларда намоз ва рўза

Ҳар бир мамлакатнинг намоз вақтлари, ўша мамлакатнинг экватордан узоқлиги ва мавсим (фасл)ларга қараб ўзгариб туради.

67ºС даражадан юқорида, шимолий қутб доирасининг яъни, 67ºС градус паралелдан юқорида жойлашган совуқ ўлка ва мамлакатларда, қуёшнинг горизонтал қиялиги ортган пайтда, оқшом уфқ қораймасдан туриб Субҳ-и содиқ (Имсок, Фажр) бошланади. Шунинг учун Болтиқ (Балтика) денгизининг шимолий чеккасида ёз бўйича тун бўлмайди. Шу сабабдан хуфтон ва бомдод намозларининг вақти ҳам кирмайди. Ҳанафий мазҳабида, вақт - намознинг сабаби ҳисобланади. Агар сабаб мавжуд бўлмаса, намоз ҳам фарз бўлмайди. У ҳолда, ўшанга ўхшаш мамлакатларда истиқомат қилаётган мусулмонларга бу икки вақтда намоз фарз бўлмайди. Жанубий ярим шарда ҳамма тараф уммон билан қоплангани учун унақа мамлакат ҳам мавжуд эмас.

Шаъбон ойининг ўттизинчи куни ер куррасининг хоҳлаган бир шаҳрида ҳилол (янги ой) кўринса, бутун дунёда рўза тутишга бошланиши фарз бўлади. Кундуз кўринадиган ҳилол, келаётган кечанинг ҳилоли бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун динига содиқ мусулмонлар Рамазон ойининг кирганини, мазҳабсиз мамлакатларнинг бесавод масхарабозларидан эмас. Илмий китоблар раҳбарлигида ҳилолни кузатиш орқали ўрганишлари керак.

[Қутбларга ва Ойга сафар қилган мусулмон, агар сафарийликка ният қилмаган бўлса, Рамазон ойи кирди дегунча ҳар куни рўза тутиши лозим бўлади. Кундузи 24 соатдан узун бўладиган ўлкалардаги мусулмонлар Рўза [саҳарлик ва ифтор]ларини соатга қараб тутишади. Улар кундузи узун бўлмайдиган шаҳарлардаги тақвимлардан фойдаланишади. Агар рўза тутмасалар, кундузи узун бўлмаган шаҳарларга қайтиб келишганларида, қазосини тутишади.]

АЗОН ва ИҚОМАТ

Азон - хабар бериш, халққа билдириш деганидир. Беш вақт намоз учун, қазо намозлари учун ва Жума намозларида эркакларнинг азон айтишлари - суннати муаккададир. Аёл кишиларга, азон ёки иқомат айтиш макруҳдир. Азон - бошқаларга билдирмоқ мақсадида юксакроқ жойга чиқиб, бевосита ўз жонли овози билан айтиш орқали адо этиладиган ибодатдир. Азон айтаётганда муаззиннинг, икки қўлини қулоқларига кўтариб, бармоқларининг биттаси билан қулоқ тешикларини беркитиши мустаҳабдир. Иқомат айтиш, азон айтишдан афзалроқдир. Азон ҳам, иқомат ҳам Қиблага қараб айтилади. Азон ва иқомат айтаётганда гапирмаслик ва бири салом берса, муаззин алик олмаслиги керак.

Азон ва Иқомат қандай шароитда айтилади?

1. Қирда, далада ёлғиз ёки жамоат билан қазо ўқишда, эр кишиларнинг овоз чиқариб азон ва иқомат айтиши суннатдир. Ўша азонни эшитадиган инсонлар, жинлар ва тошлар қиёмат куни гувоҳлик қилишади. Бир нечта қазо намозини бир вақтда ўқимоқчи бўлган мўмин, энг аввало азон ва иқомат айтади. Кейинги қазо намозлари учун азон айтиб ўтирмасдан, ҳар бирига алоҳида иқомат келтириб ўқийверади.

2. Уйда ёлғиз ёки жамоат билан вақт намоз ўқиш учун азон ва иқомат айтиш шарт эмас. Чунки маҳалла масжиди ва жомеларида айтилган азон ва иқомат уйда ҳам айтилган бўлиб ҳисобланади. Уйда азон ва иқомат ўқимаслик учун масжидларда азон тўғри ўқилиши шарт. Масалан: Азоннинг микрофонсиз, инсоннинг ўз табиий овози билан айтилиши, ҳар қандай вазиятда ҳам масжиднинг ташқарисида ўқилиши мақсадга ва суннатга мувофиқдир. Акс ҳолда унга азон дейилмайди. Масжидларда азон тўғри ўқилган бўлса ҳам уйдаги намозхоннинг, ҳар намоз учун азон айтиш афзалдир.

Маҳалла масжидларида ва жамоати аҳолига маълум бўлган масжидларда азон ва иқомат айтилиб, вақт намозларидан бири жамоат билан ўқилгандан кейин, ўша маконда ёлғиз намоз ўқимоқчи бўлган кимса, азон ва иқомат ўқимайди.

Йўл ёқасида жойлашган ёки имоми ва муаззини бўлмаган ёхуд жамоати маълум бўлмаган масжидларда, келган ҳарбир намозхон ёки жамоат алоҳида азон ва иқомат айтади. Улардан кейин ташриф этганлар ҳам алоҳида айтишади. Бу шартларга молик масжидларда ёлғиз намозхон ҳам азон ва иқоматни ўзи эшитадиган овозда айтади.

3. Мусофир инсонлар, ўзаро жамоат намозида ҳам ёлғиз намозда ҳам азон ва иқоматни тарк этишмайди. Ёлғиз ўқимоқчи бўлган намозхоннинг ёнида намоз ўқиётган ёки бошламоқчи бўлиб турган бири бўлса, азонни тарк этиши уйғун бўлади. Сафарий кимса, намозини бир уйда ёлғиз ўқимоқчи бўлса ҳам, азон ва иқомат айтади. Чунки масжидда айтилган азон ва иқомат сафарийлар учун ўтмайди. Сафарийлардан баъзилари бир маконда азон айтгач, ёнидаги йўлдошлари намозларини кейинроқ ўқишса ҳам алоҳида азон айтишлари шарт бўлмайди.

Ақлли бола, кўр, валад-и зино (ҳароми) ва азон айтишни биладиган саводсизнинг, азон айтиши кароҳатсиз жоиздир. Жунуб кимсанинг азон, иқомат айтиши; таҳоратсиз азон айтиш; аёл киши, маст, фосиқ ва ақлсиз боланинг азон айтишлари - ҳаромдир. Ўтириб азон айтиш ҳам ҳаром ҳисобланади. Агар охирги санаб ўтганларимиздан бирортаси азон айтиб қўйган бўлса, ўша азон такрор ўқилади. Азоннинг саҳиҳ, тўғри ва ҳаққоний бўлиш учун муаззин, мусулмон ва ақлли бўлиши шарт. Азонни микрофон ва карнай орқали ўқиш саҳиҳ бўлмайди. Ибодатларда ва гувоҳликларда фосиқ, яъни очиқ-ойдин гуноҳ ишлайдиган кимсаларнинг сўзи қабул қилинмайди. Шунинг учун бу тоифанинг айтган азони ҳам саҳиҳ бўлмайди. Фосиқ инсон тарафидан айтилган азонга қараб вақтнинг кирганига ишонмаслик ва унинг айтган азони, гапи ёки ишорати билан рамазонда оғиз очмаслик керак. Одил кишиларга ёки шахсий тажрибага асосланиб ҳаракат қилиш керак.

Азонга ҳурмат кўрсатадиганлар ва уни ардоқлаб ҳарфларини, сўзларини ўзгартирмасдан, бузмасдан, куйга солмасдан минорага ёки бир баландроқ жойга чиқиб ўз овози билан суннатга риоя қилган ҳолда айтадиганлар, албатта катта мартаба ва савобларга ноил бўлгайлар.

Агар азон, суннатга хилоф равишда ўқилаётган бўлса, Масалан; баъзи ҳарф ёки сўзлари ўзгартирилиб, таржима қилиниб, бузиб ёхуд баъзи жойлари ашулага монанд қилиниб ўқилаётган бўлса, ёки микрофон ва овоз юксалтгич каби карнай-сурнайдан чиқарилмоқчи бўлиб уринилаётган бўлса, (Чунки микрофондан чиқадиган овоз, имом ёки муаззиннинг овози бўлмайди. Уларнинг овози электро-магнетик тўлқинларга айланади ва ўша электр ва магнитдан ҳосил бўлган тебранишлар эшитилади.) уни эшитган ҳеч қайси мўмин унинг битта ҳарфини ҳам ичида қайтармайди. Чунки Пайғамбаримизга амр қилинган ва мўминларга мерос қолган азон унақа эмас эди.

ИЗОҲ: Азон микрофон орқали ўқиладими?

Миноралarга ва гумбазларга ўрнатилган овоз юксалтгич карнайлар, муаззинлар учун дангасалик воситаси бўлиб хизмат қилиб келаяпти. Карнайлар, муаззинларнинг азонни қоронғи хоналарда ўтириб олиб, суннатга риоя қилмасдан масжиднинг ичида айтишларига сабаб бўлаяпти. Асрлар давомида кўкларга бўй чўзиб турган маънавий безагимиз бўлган миноралар, ўша чиркин бидъат дастидан, худди радиокарнай учун қурилган устунга айлангандек, гўё.

Ислом олимлари фан-технологиядаги янгиликларга яхши муносабат билдирганлар. Масалан, матбаанинг қурилишини ташвиқот қилганлар, фойдали китобларнинг чоп эттирилиб, илмнинг ёйилишини истаганлар. Радио ва микрофонга ўхшаш асбоблар билан ҳархил фойдали насиҳатлар, эшиттиришлар уюштириб туриш, Исломият ёқтирадиган ва хайрли хизматларда ишлатиладиган бир кашфиёт эканлиги шубҳасиздир. Лекин, мусулмонларни азоннинг мулойим, ёқимли овозидан жудо қилиб, микрофон ва карнайларнинг мияни тирнайдиган хирилдоқ овози билан ибодат қилиш, жуда ҳам зарарли бўлмоқда. Микрофон ва овоз юксалтгич қурилмаларни жомеъ ва масжидларга ўрнатиш кераксиз бир исрофдир.

[Қуръони Каримнинг ўн тўртта жойида сажда оятлари бўлиб, бу оятларни ўқиган, эшитган ҳар мусулмоннинг бир марта тиловат саждаси қилиши вожибдир. Агар ушбу оятлар, бир тоғдан акс-садо бўлиб қайтиб келса ёки қуш ўқиса, у ҳолда тиловат саждаси вожиб бўлмайди. Чунки, тиловат саждасининг вожиб бўлиши ёки умуман айтганда динимизда эътиборга олиниши учун ўқилган оят, дуо ёхуд азоннинг инсон овози бўлиши шартдир. Тоғ-тошдан қайтиб келган акс-садо, табиий бўлишига қарамасдан инсон овози деб қабул қилинмас ва эътиборга олинмас экан, карнайдан чиқадиган овозга инсон овози дейиш, албаттаки ақлли инсоннинг оғзига ярашмайдиган бир бемаънилик бўлади.

Намоз ўқиётганда, намоз ташқарисидаги бир амрга ёки овозга итоат қилиш ёхуд жавоб бериш - намозни бузадиган омиллардан бири эканлиги кўпгина биродарларимизга маълумдир.]

Иймон тўла қалбларга илоҳий таъсирлар ўтказадиган, солиҳ муаззинлар овозининг ўрнига, худди черков қўнғироғи каби зириллайдиган асбоблар масжидларга кирмаган пайтларда миноралarда, баланд супаларда айтилган азонлар у масжидлардан эшитилган такбирларнинг чин қалбдан отилиб чиққан наволари, ажнабий ва ғайри динларнинг ҳам юракларини юмшатиб, кўзларига ёш келтирарди. Ҳар маҳалладан самоларга юксалган азон овозларидан маст бўлиб, масжидларни тўлдирган жамоат, Пайғамбаримиз ва Асҳоб-и Кором замонидагидек намозларини хушуъ билан, берилиб адо этишарди. Ҳозирги аҳвол ҳаммага аён, карнай билан

бошланаётган намозлар, жанжал билан тугаяпти. Азоннинг мўминларни ҳаяжонга келтирувчи илоҳий таъсири, микрофон ва карнай-сурнайнинг хирилдоқ овозларига айланиб, ғойиб бўлмоқдадир.

Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» ҳазратлари бир ҳадиси шарифларида: ***«Ҳар ким азон овозини эшитганида, муаззин билан бирга паст овозда такрорлаб турса, ҳар бир ҳарфига мингта савоб берилади, мингта гуноҳи кечирилади.»***-деб марҳамат қилганлар.

Азонни эшитган кимса, Қуръони карим ўқиётган бўлса ҳам эшитганларини ичида такрорлаши суннатдир. *Хайяало...* лар айтилаётганда, уларнинг ўрнига *«Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ»* - дейилади. Азон битгач, саловат келтирилиб сўнгра азон дуоси ўқилади. *"Ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ"* калимаси иккинчи бора айтилаётганда, иккита бош бармоқнинг тирноқларини ўпиб икки кўз устига суриш, мустаҳабдир. Иқомат айтилаётганда эса ундай қилинмайди.

Азоннинг ўқилиши

Аллоҳу акбар	4 марта
Ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳ	2 марта
Ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ	2 марта
Ҳайя алас-салоҳ	2 марта
Ҳайя алал-фалоҳ	2 марта
Аллоҳу акбар	2 марта
Ло илоҳа иллаллоҳ	1 марта

Ёлғиз, бомдоднинг азонида *"Ҳайя алал-фалоҳ"*дан кейин икки марта *"Ас-салоту ҳайрун минан-навм"* калимаси айтилади. Иқоматларда эса, *"Ҳайя алал-фалоҳ"*дан кейин икки марта *"Қад қоматис-салоту"* дейилади.

Азон дуолари

Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Азон ўқилаётганда, қуйидаги дуони ўқинг: Ва ана ашҳаду анло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарикалаҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ ва радиту биллоҳи роббан ва бил исломи динан ва би Муҳаммадин саллаллоҳу алайҳи ва саллам расулан набийё»***

Яна бошқа бир ҳадиси шарифларида айтдиларки: ***«Эй менинг умматим, азондан кейин бу дуони ҳам ўқинг: Аллоҳумма робба ҳо зиҳид-даъватит-томмати вас-салотил-қоимати оти Муҳаммаданил-василата вал-фазилата вад-даражатар-рафиата ва бъасҳу мақоман Маҳмуданил-лазий ва адтаҳу иннака ло тухлифул-миёд».***

Азон калималарнинг маънолари

АЛЛОҲУ АКБАР: Аллоҳу таоло буюкдир. Унинг ҳеч кимга ва ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ. Қулларнинг ибодатларига ҳам муҳтож бўлишдан покдир. Ибодатларимизнинг Унга ҳеч қанақа фойдаси йўқдир. Бу муҳим маъно зеҳнларга яхшилаб жойлашсин деб, буни тўрт марта айтишади.

АШҲАДУ АНЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ: Буюклиги билан ҳеч кимнинг ибодатига муҳтож бўлмагани каби ибодат қилинишга ва сиғинилишга Ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ эканлигига ҳам гувоҳлик қиламан ва албатта ишонаман. Ҳеч нарса Унга асло ўхшамайди.

АШҲАДУ АННА МУҲАММАДАН РАСУЛУЛЛОҲ: Муҳаммад «алайҳи ва ало олиҳиссалоту вас-салом» Аллоҳнинг элчиси ва юборган Пайғамбари эканлигига ва Аллоҳу таолога фақат Пайғамбаримиз билдирган, кўрсатган ибодатларгина ярашишига гувоҳлик қиламан. Ва албатта шунга ишонаман.

ҲАЙЯ АЛАС-САЛОҲ, ҲАЙЯ АЛАЛ-ФАЛОҲ: Мўминларни саодатга, нажотга, қутулишга чақирадиган калималардир.

АЛЛОҲУ АКБАР: Ҳеч кимса, Унга лойиқ ибодат қила олмайди. Ким бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай банданинг қилган ибодати, Аллоҳу таолога лойиқ бўлишдан узоқдир. Аллоҳу таолонинг улуғлиги, буюклиги Унга лойиқ ибодатнинг бажо келтирилишидан покдир, муназзаҳдир.

ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ: Ибодат учун ҳузурида таъзим қилинишга мустаҳақ, яъни ҳаққи бўлган ёлғизгина Удир. Унга лойиқ ибодатни ҳеч ким қилолмагани каби, Ундан ўзга ҳеч ким ўзига ибодат қилинишга ҳаққи йўқдир.

Намознинг шарафини, улуғлигини, уни халойиққа хабар қилиш учун танланган ушбу калималарнинг буюклигидан ҳам тушунса бўлади.

6. НИЯТ

Намозга бошлашдан, яъни ифтитоҳ ёки таҳрима (қулоқ қоқиш) такбиридан аввал ният қилинади. Намозга ният қилиш дегани, намознинг исмини, вақтини, қиблани, имомга иқтидони дил (кўнгил)дан ўтказиш деганидир. Таҳрима такбиридан, яъни «Аллоҳу акбар» деб намозга кирилгандан кейин қилинган ният саҳиҳ бўлмайди ва намоз ҳам қабул бўлмайди. Фарз ва вожиб намозларига ният қилишда, қайси фарз ёки вожибни ўқимоқчи эканлигини билиши шарт. Ракъатларнинг сонига ният қилиш ҳожат эмас. Суннат намозларда ёлғиз, **«намоз ўқишга»**- деб ният қилиш етарлидир. Жаноза намозида эса, **«Аллоҳ учун намозга, маййит учун дуога»**- деб ният қилинади.

Имомнинг, эркакларга имомлик қилишга деб ният этиши шарт эмас. Имом **«ҳозир бўлган жамоатга имом бўлишга»-**деб ният қилмаса, жамоат савобидан ўзи маҳрум бўлади. Имомлик қилишга ҳам ният қилса, бу савобга эришади. Агар жамоатда аёл кишилар ҳам бўлса, имомнинг **«аёлларга имомлик қилишга»**-деб алоҳида ният қилиши лозим бўлади. Аёллар учун ният қилмаса, жамоат ва имомнинг намози саҳиҳ бўлади-ю лекин аёлларнинг намози бўлмайди.

Ибодат учун ёлғиз оғиз билан айтиб қўяқолиш, ният бўлмайди. Дилдан, қалб билан ният қилинмаса, ибодатлар қабул бўлмайди.

7. ТАҲРИМА ТАКБИРИ

Намозга бошлашда **"Аллоҳу акбар"**- дейиш фарз бўлиб, унга **«таҳрима»** ёки **«ифтитоҳ»** такбири дейилади. Бунинг ўрнига ўтадиган бир бошқа калима йўқдир. Таҳрима такбири намознинг шартларидан ҳисобланади, рукнига кирмайди.

НАМОЗНИНГ РУКНЛАРИ

Намознинг ичидаги фарзларига **«рукн»** дейилади. Рукнлар ҳаммаси бўлиб беш донадир:

1. ҚИЁМ: Намоздаги бешта рукндан биринчиси бўлиб, оёқда тик туриш деган маънони англатади. Тик туролмайдиган хаста, намозини ўтириб ўқийди. Ўтира олмайдиганлар эса, чалқанча ётган ҳолда боши билан имо-ишора қилиб ўқишади. Бу вазиятда касалнинг юзи осмонгамас, Қиблага қараб туриши учун, бошининг тагига ёстиқ қўйилади. Оёқларни Қиблага узатиб ётмаслик учун, тиззаларни букиб ётиш керак.

Тик туриб ўқиёлмайдиган касал, ўтириб ўқиётганида, рукуъда бироз эгилади. Саждада эса бошини ерга қўяди. Ерга сажда қилолмайдиган касал, саждада рукуъдагидан кўпроқ эгилади. Бу касалнинг сажда учун эгилиши, рукуъ учун эгилишидан камроқ бўлса, намози қабул бўлмайди. Олдига тош, тахта ёки шунга ўхшаш сал баландроқ нарса қўйиб устига сажда қилса, намоз қабул бўлса-да гуноҳ ишлаган, яъни таҳриман макруҳ бўлади.

2. ҚИРОАТ: Суннат ва витр намозларининг ҳар ракаъатида, фарз намозини ёлғиз адо этаётганда, илк икки ракъатида тик турган ҳолда Қуръони каримдан бир оят ўқиш фарздир. Қисқа суралардан тиловат қилиш афзалдир. Қироат – ўқиш демакдир.

Бу ерда қироат сифатида Фотиҳа ўқиш, суннат ва витр намозларининг ҳар ракаъатида, фарз намозларининг илк икки ракъатларида Фотиҳадан

кейин бир сура ёки уч оят ўқиш вожибдир. Фарзларда, Фотиҳани ва замми сурани илк икки ракъатда ўқиш вожиб ёки суннатдир. Фотиҳани замми сурадан аввал ўқиш вожиб ёки суннатдир. Фотиҳани замми сурадан аввал ўқиш ҳам вожиб. Намознинг қироат рукнида бу бешта вожибдан биттаси унутилса, саждаи саҳв керак бўлади. Қироатда Қуръони каримнинг таржимасини ўқиш асло жоиз эмас. Имомнинг Жума ва Байрам нмозларидан бошқа жамоат билан ўқиладиган бутун намозларда биринчи ракъатда, иккинчи ракъатда ўқийдиганидан икки марта узун сураларни ўқиши суннатдир. Ёлғиз ўқиётганида ҳар ракъатда бир хил узунликдаги суралярни тиловат қилиши мумкин. Имомнинг маълум намозларнинг, маълум ракъатларида маълум сураларни ўқишни одат қилиб олиши, макруҳдир. Биринчи ракъатда ўқиганини иккинчи ракъатда ҳам ўқиши, танзиҳан (ҳалолга яқин) макруҳ бўлади. Сураларни Қуръони каримда жойлашган тартибининг терсига ўқиш, баттарроқ макруҳ бўлади. Иккинчи ракъатда, биринчисида ўқиган сурадан кейин келадиган сурани ташлаб ундан кейин сурани ўқиш ҳам макруҳдир. Сураларни Қуръони каримдаги навбатига кўра ўқиш ҳамма вақт вожибдир. Агар бирортаси ташланиб ундан кейингиси ўқилмоқчи бўлса, у ҳолда орада ташлаб ўтилган сураларнинг сони камида икки дона бўлиши керак.

3. РУКУЪ: Қиёмда қироатдан кейин такбир айтиб эгилиш фарз бўлиб, бунга «**рукуъ**» дейилади. Рукуъда эркаклар, бармоқ ораларини бироз очишиб, тизза кўзининг устига қўйишади, орқаларини ва бошларини бир текисликда тутишади. Рукуъда энг кам уч марта **"Субҳона роббиял озыйм"**-дейилади. (З ҳарфи қалин ўқилиши учун, орқасига ы ҳарфи қўйилиб ифода этилди.) Жамоат уч марта айтишга улгурмасдан имом қаддини рукуъдан кўтарса, жамоат ҳам рукуъдан туради. Рукуъда қўллар ва оёқлар букилмайди. Аёл кишилар рукуъда бармоқ ораларини очишмайди, орқаларини, тизза ва қўлларини текис тутишмайди. Рукуъдан қад тиклаётганда **"Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ"** дейиш, имомга ва ёлғиз намозхонга суннатдир. Жамоат эса буни демайди. Қад ростлангач **"Робана лакал ҳамд"** дейилади. Кейин **"Аллоҳу акбар"** дейилиб, саждага борилади. Саждага аввал ўнг тизза кейин чап, сўнгра ўнг кафт кейин чап кафт, кейин навбат билан бурун ва пешона қўйилади.

4. САЖДА: Саждада қўл бармоқларининг ораси ёпиқ ҳолда қулоқларнинг ҳизосига қўйилади. Яъни саждага қўйилган кафтлар, қулоқларнинг тўғрисига қўйилган бўлиши керак. Бош эса, икки кафтнинг орасига қўйилади. Пешонани тозароқ жой; тош, тупроқ, тахта, мато устига қўйиш фарз бўлиб, бурунни ҳам саждага қўйиш вожиб, дейилди. Сабабсиз, узрсиз ёлғиз бурунни саждага қўйиш жоиз эмас. Ёлғиз пешонанинг ўзини қўйиш ҳам макруҳ бўлади.

Икки оёқни ёхуд ҳеч бўлмаганда ҳар бирининг биттадан бармоғини ерга қўйиб туриш фарз ёки вожибдир. Яъни бунга фарз деган олимлар ҳам, вожиб деган олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Яна икки оёқ

ерга тегмай турса, намоз қабул бўлмайди ёки макруҳ бўлади. Саждада оёқ бармоқларини букиб Қиблага қаратиб туриш суннатдир.

Эркаклар саждада, қўл ва оёқларини қорин ва биқинларига текказмасдан айри тутадилар. Тирсаклар ерга тегмайди. Кафт ва тиззани ерга қўйиш суннатдир. Тўпиқларни, қиёмда бирбиридан тўрт энлик узоқ тутиш, рукуъ ва саждада бирлаштириб тутиш, суннатдир. Саждага бораётганда шим каби либосларнинг балоғини, этагини юқорига тортиш макруҳдир. Намоздан аввал кўйлак ва шимнинг енг ва балоқларини шимариб қўйиб намозга киришиш ҳам макруҳ бўлади. Енг, балоқ ва этаги қисқа либослар билан намоз ўқиш макруҳ. Бундан енги калта кўйлак билан намоз ўқишнинг макруҳ эканлиги келиб чиқади. Эринчоқлик қилиб ёки бош кийим ёхуд енги узун кўйлак кийиб намоз ўқишнинг аҳамиятини ўйламасдан бош ва қўл очиқ ҳолда намозга киришиш макруҳдир. Агар бош ва қўл очиқ намоз ўқишининг сабаби намозга аҳамият бермасликдан бўлса, дарҳол кофир бўлади. Чунки намозга аҳамият бермаслик куфрдир. Ифлос ва иш кийими билан намоз ўқиш макруҳдир.

5. ҚАЪДАИ ОХИРА: Сўнгги ракъатда бир **аттаҳиёту** миқдори ўтириш фарз бўлиб, бунга «қаъда-и охира» дейилади. Бир аттаҳиёту дуосини ўқишга кетадиган вақт қадар ўтирганда бармоқлар билан ишорат қилинмайди. Эркаклар чап оёқларини, бармоқ учлари ўнг тарафга узатилган ҳолда ерга тўшаб устига ўтиришади. Ўнг оёқ тик ҳолатда тутилиб, бармоқлари Қиблага қаратилиб букилади. Бу ўтириш суннатдир.

Аёл кишилар думбаларини ерга қўйиб, сонларини бир-бирига яқинроқ қилиб ўтиришади. Ўнг оёқ ўнг тарафдан ташқарига чиқарилади, чап оёқ эса, бармоқ учлари ўнгга қаратилган ҳолда тагда қолади.

НАМОЗ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ?

ЁЛҒИЗ ЎҚИЙДИГАН ЭР КИШИНИНГ НАМОЗИ

МАС: БОМДОД СУННАТИНИНГ ЎҚИЛИШИ

1. Аввало қиблага қараб турилади. Оёқ ораси бир-биридан тўрт бармоқ энида бўлиб, параллел тутилади. Қўлнинг бош бармоғи қулоқ юмшоғига текказилиб, ҳовуч ичи қиблага қаратилади. Бармоқ оралари озмунча очиқ тутилади.

«Аллоҳ ризоси учун Қиблага ўгирилдим ва бугунги Бомдод намозининг суннатини ўқишга ният қилдим»-деб кўнгилдан ўтказилгач, “Аллоҳу акбар” деб, қўллар киндик узра, ўнг қўлни чап қўл устига қўйиш билан боғланади. Ўнг қўлнинг бош ва кичик бармоқлари чап билакни ҳалқа қилиб ўраб туради. Нариги учта бармоқ эса чап билакнинг устига қўйилади.

2. Кўзлар сажда жойига қараб турган ҳолда;

а) **Субҳонака** ўқилади.

б) Аъузу-бисмиллодан кейин **фотиҳа** ўқилади.

в) Фотиҳадан кейин «омин» дейилиб, бир Замми сура ўқилади. [Шофиъий мазҳабида фотиҳа билан замми сура орасида бисмилло айтилади.]

3. Замми сурадан кейин **“Аллоҳу акбар”**- деб, рукуъга борилади. Рукуъда кафтлар билан тизза кўзлари қопланиб ушланади. Бел, орқа ва бош бир текис ҳолда тутилади. Кўзлар оёқ учига қараб туради. Бу вазиятда уч марта **“Субҳона роббиял озым”** дейилади. Беш ёки етти марта ҳам айтилиши мумкин.

4. Кейин **“Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ”**- деб қад ростланади. Бу пайтда шимнинг балоғи тортилмайди ва кўзлар сажда жойидан узилмайди. Қад ростлаб бўлгач, **“Роббана лакал ҳамд”**-дейилади. [Қад ростлаб тик туришга қавма дейилади.]

5. Сўнгра дарров **“Аллоҳу акбар”** дейилиб саждага борилади.

Саждага бораётганда навбат билан:

а) Ўнг тизза, чап тизза, ўнг қўл, чап қўл, бурун ва пешона ерга қўйилади.

б) Оёқ бармоқлари қиблага қараб букилади.

в) Бош икки қўлнинг орасига олинади.

г) Қўл бармоқларининг ораси ёпиқ бўлади.

д) Ҳовуч ичи ерга текис теккизилади.

е) Кўзлар буруннинг икки ёнига қараб туради.

ж) Тирсак биқиндан, сон қориндан узоқ тутилади.

з) Бу вазиятда камида уч марта **«Субҳона роббиял аъло»** дейилади.

6. Сўнгра **“Аллоҳу акбар”** дейилиб, чап оёқ учи ўнг тарафга ётқизилади. Ўнг оёқ тик ҳолатда бармоқ учлари Қибла истиқоматида букилган бўлади. Чап оёқ устига ўтирилади. Қўл бармоқлари учлари тиззанинг букилган жойига тўғри келтирилиб, оралари бироз очиқ ҳолда сон устига қўйилади. [Бу вазиятда бир марта **«Субҳоналлоҳ»** дейдиган миқдор жим ва қимирламасдан турилади. Бу ҳаракатсизлик таъдил-и аркондан бўлиб, вожибдир.]

7. Кўп кутилмасдан **“Аллоҳу акбар”**- деб иккинчи саждага борилади. [Икки сажда орасидаги ўтиришга жалса дейилади.]

8. Саждада яна энг кам уч марта **“Субҳона роббиял аъло”** дейилгач, **“Аллоҳу акбар”**- деб қад ростланади. Ўриндан турилаётганда қўллар билан ерга таянилмайди; Оёқлар ўрнидан ўйнатилмайди. Саждадан туришда навбат билан аввал пешона, сўнгра бурун, кейин чап қўл ва ўнг қўл, чап тизза ва ўнг тизза ердан кўтарилади. Бу ҳаракатлар давомида бошқаларнинг диққатини жалб қилмайдиган, сезиларсиз ҳаракат қилиш яхши.

9. Қиёмда яна кўзлар сажда жойида бўлиб, аввал **Бисмиллоҳ** сўнгра **Фотиҳа**, ундан кейин замми сура ўқилади. Кейин **“Аллоҳу акбар”**- деб рукуъга эгилинади.

10. Иккинчи ракъат ҳам, худди биринчи ракъатда таъриф қилинганидек адо этилади. Фақат, иккинчи саждадан кейин **“Аллоҳу акбар”**- деб туриб кетилмасдан чап оёқ устига ўтирилади ва кўзлар ўнг тиззада бўлган ҳолда;

а) **“Аттаҳиёту”**, **“Аллоҳумма солли”**, **“Аллоҳумма борик”** ва **“Роббана отина”** дуолари ўқилиб аввал ўнг елкага кейин чап елкага алоҳида алоҳида **“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”**- деб, намоз тугатилади.

б) Салом бергандан кейин **“Аллоҳумма антассалом ва минкассалом таборакта ё зал жалоли вал икром”** дейилади ва ҳеч бир ортиқча нарса қўшимча қилинмасдан, гапирмасдан ва ортиқча ҳаракат қилинмасдан бомдод намозининг фарзига киришилади. Чунки Оловуддин Ҳаскафий ҳазратларининг **“Дурр-ул-мухтор”** исмли китобларида *«Суннат билан Фарз намози орасида гапириш, ўқилган суннатни бузмаса ҳам савобини кетказади. Бу орада дуо (ёки сура) ўқиш ҳам бидъатдир. Баъзи олимлар: «Бу ҳолда суннат намози қабул бўлмайди бошқатдан ўқиш лозим бўлади»- дедилар.»*- деб ёзилган.

Фарз намозини ҳам битиргач, уч марта **“Астағфируллоҳ”** деб кейин **“Оятал-курси”** ва 33 (ўттиз уч) тасбиҳ [Субҳоналлоҳ], 33 таҳмид [Алҳамдулиллоҳ], 33 такбир [Аллоҳу акбар] ва бир таҳлил [Ло илоҳа иллаллоҳ ваҳдаҳу ло шарикалаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува аъло кулли шай’ин қодийр] ўқилади. Уларнинг тамомини ҳар бир намозхон

ўзи мустақил, овоз чиқармасдан ўқиш керак. Ким бўлишидан қатъий назар бу тасбиҳ дуоларини баланд овозда ўқиш бидъатдир.

Тўрт ракъатлик суннатларнинг ва фарзларнинг иккинчи ракъатида ташаҳҳудга ўтирилиб “Аттаҳиёту” ўқилгач, ўрнидан турилади. Суннат намозларининг учинчи ва тўртинчи ракъатларида Фотиҳадан кейин замми сура ўқилади. Фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракъатларида фақатгина Фотиҳа ўқилади, Замми сура ўқилмайди. Шом намозининг фарзи ҳам шу тариқа ўқилади. Яъни учинчи ракъатда Замми сура ўқилмайди. Витр намозининг ҳар учала ракъатида ҳам Фотиҳадан кейин Замми сура ўқилади. Кейин қўллар қулоққа кўтарилиб такбир айтилади. Қўл боғлангач “Қунут дуолари” ўқилади. Суннати ғайри муаккада бўлган Аср ва Хуфтон намозининг тўрт ракъатлик аввалги суннатлари ҳам, нариги суннатлар каби ўқилади. Фақат, уларнинг иккинчи ракъатларидан кейинги ўтиришда “Аттаҳиёту” билан бирга “Аллоҳумма солли” ва “Аллоҳумма борик” дуолари ҳам ўқилади.

ЁЛҒИЗ ЎҚИЙДИГАН АЁЛ КИШИНИНГ НАМОЗИ

Мас: БОМДОД СУННАТИНИНГ ЎҚИЛИШИ

1. Вужуднинг шакли билинмайдиган, сезилмайдиган қилиб кенг ва узун либос кийилади. Кафтлар ва юздан бошқа бутун аъзолар аврат бўлгани учун ёпилади. Намозда ўқиладиган дуо ва суралар эр ва хотин кишиларга қараб ўзгармайди, яъни бир хилда ўқилади. Фарқ қиладиган тарафлар эса қуйидагича:

а) Қўллар қулоққа кўтарилмайди, балки елка ҳизосига кўтарилиб, бармоқлар жипс ҳолда, кафт ичи Қиблага қаратилиб, ният қилиб такбир олинади. Қўллар кўкрак узра бармоқ оралари ёпиқ ҳолатда, ўнг қўл чап қўл устига қўйилади. Шу тариқа намозга кирилган бўлади.

б) Аёл киши рукуъда 90°С даража эгилмайди ва орқасини бир текисда тутмайди.

в) Саждада тирсаклар ерга қўйилади. Қўллар биқинга ва сон ҳам қоринга тегиб туради

г) Ташаҳҳудда чап ва ўнг оёқ, ўнг тарафдан чиқарилиб чап оёқ устига ўтирилади.

Намоздан кейинги дуо қисмида, кафтлар кўкка кўтарилиб бир-бирига параллел вазиятда тутилади. Эркаклар каби олдинга узатилмайди, балки тирсак зиёдароқ букилиб, кафтлар юзга қарши эгик тутилади.

Аёл киши эркакларга имом бўлолмайди. Хотин кишининг ҳотинларга имомлик қилиши ҳам макруҳдир.

НАМОЗНИНГ ВОЖИБЛАРИ

1. Имомнинг ва ёлғиз намозхоннинг ҳар ракъатда Фотиҳа сурасини бир дафъа ўқиши – вожибдир.

2. Фотиҳадан кейин бир сура ёки камида уч қисқа оят ўқиш.

3. Фарз намозларининг илк икки ракъатида ва бошқа бутун намозларнинг ҳар ракъатида Фотиҳадан кейин бир Замми сура ўқиш вожиб.

4. Фотиҳани Замми сурадан аввал ўқиш;

5. Саждаларни кетма-кет адо этиш;

6. Фотиҳани суннат ва вожиб намозларининг ҳар бир ракъатида бир марта ўқиш;

7. Уч ва тўрт ракъатлик намозларнинг иккинчи ракъатидан кейин ўтириш;

8. Намозда таъдил-и арконга риоят қилиш ҳам вожибдир. Яъни рукуъда, рукуъ билан сажда орасида, икки саждада ва икки сажда орасида бир дафъа “Субҳоналлоҳ” дейдиган вақт миқдорида ҳаракатсиз туриш – вожиб бўлиб, бунга “Таъдили аркон” дейилади.

9. Иккинчи ракъат охирида ташаҳҳудга ўтирилганида, бир “Аттаҳиёту” ўқишга кетадиган вақт миқдоридан кўпроқ ўтирмаслик вожибдир. Бу аснода янглишиб саловат ўқилгудек бўлса ёки “Аллоҳумма”- деб қўйилган бўлса, вожиб тарк этилган бўлиб, саждаи саҳф лозим бўлади.

10. Саждада ҳам пешона, ҳам буруннинг ерга қўйилиши;

11. Қаъдаи охирада, яъни сўнги ўтиришда **«Аттаҳиёту»** дуосини ўқиш;

12. Намозни **«Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ»** калимаси билан битириш;

13. Витрнинг учинчи ракъатида Қунут дуоларини ўқиш,

14. Байрам (Ҳайит) намозларида байрам такбирларини такаллум қилиш;

15. Имомга Бомдод, Жума, Ҳайит, Таровиҳ, Витр намозларида ва Шом билан Хуфтоннинг илк икки ракъатларида овоз чиқариб қироат қилиш, вожибдир. (Ёлғиз намозхон бу ҳолларда ихтиёрий равишда ҳаракат қилади).

16. Имом ва ёлғиз намозхонга, Пешин ва Аср намозининг фарзларида, Шомнинг учинчи, Хуфтоннинг охирги икки ракъатларида овоз чиқармасдан қироат қилишлари, вожибдир. (Овоз чиқармай ўқиётган намозхонни ёнидаги бир-икки кишининг эшитиши макруҳ бўлмайди. Чунки овоз чиқариб қироат қилиш дегани - кўпчиликка эшиттириб ўқиш деганидир.)

Қурбон байрамининг арафа куни Бомдод намозидан, ҳайитнинг тўртинчи куни Аср намозигача адо этиладиган 23 та фарз намознинг орқасидан **«Ташриқ такбири»** ўқиш вожибдир.

[**Ислом ахлоқи** китобидан]:

НАМОЗДА ТАЪДИЛИ АРКОН

Намознинг бешта жойида [Рукуъда, рукуъ ва сажда орасида, икки саждада ва ораларида] қаршимизга чиқадиган Таъдили аркондан бирортаси унутилмасдан била туриб тарк этилса, имоми Абу Юсуфга кўра «раҳима-ҳуллоҳу таоло» намоз фосид бўлади. Тарафайнга кўра: фосид бўлмайди-ю лекин вожибнинг тарки туфайли намознинг иёдаси (бошқатдан ўқилиши) лозим бўлади. Агар унутилиб тарк этилса, у ҳолда саждаи саҳв лозим бўлади. [Тарафайн - имоми Аъзам ва имоми Муҳаммаддир.]

Таъдили Аркон деб, намознинг беш жойида **бир дафъа «Субҳоналлоҳ» дейишга кетадиган вақт** мобайнида ҳаракатсиз, қимирламай туришга айтилади.

ТАЪДИЛИ АРКОННИ ТАРК ЭТИШДАН ҲОСИЛ БЎЛАДИГАН ЗАРАРЛАР

1. Фақирлик (камбағаллик)ка сабаб бўлади.

2. Охират уломаси у кимсага буғз (гина) қилишади.

3. Адолатдан маҳрум бўлади, гувоҳлиги қозиликда қабул қилинмайди.

4. Намоз ўқиган макони, ундан шикоятчи бўлади.

5. Бир кимса таъдили арконсиз намоз ўқиётганида бошқа бири уни кўрса-ю огоҳлантирмаса, гуноҳига шерик бўлади.

6. Ўша намозни бошқатдан ўқиш вожиб бўлади.

7. Иймонсиз жон беришга олиб боради.

8. Намоздан ўғирлаб, унвони «намоз ўғриси» бўлади.

9. Ўқиган намози, қиёмат куни эски латтага айланиб юзига урилади.

10. Аллоҳу таолонинг марҳаматидан маҳрум бўлиб қолади.

11. Аллоҳу таолога ибодат қилишда суи адаб (беадаблик) қилган бўлади.

12. Намоз учун бериладиган қўшимча савоблардан маҳрум қилинади.

13. Бошқа ибодатлари учун оладиган савобларидан ҳам айрилиб қолишига сабаб бўлади.

14. Жаҳаннамга мустаҳақ бўлади.

15. Жоҳиллар ундан ўрнак олиб, таъдили арконсиз намоз ўқишларига сабаб бўлади. Шунинг учун, дин одамининг, яъни имом ва дин аҳлининг гуноҳ иш қилиши, бошқаларга ўрнак бўлгани учун шиддатли азобга гирифтор қилинади.
16. Имомига муҳолафат (рақиблик) қилган бўлади.
17. Интиқолат (накл, ўтиш)да бўлган суннатларни тарк этган бўлади.
18. Аллоҳу Озийм-уш-шоннинг ғазабига дучор бўлади.
19. Шайтонни мамнун қилган бўлади.
20. Жаннатдан узоқлашган бўлади.
21. Дўзах [Жаҳаннам]га яқинлашган бўлади.
22. Ўз нафсига зулм қилган бўлади.
23. Нафсини мулаввас (ифлос, кир) қилган бўлади.
24. Ўнг ва чап тарафидаги малакларга азият қилган бўлади.
25. Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» ҳазратларини маҳзун (хафа) қилган бўлади.
26. Бутун махлуқотга зарари тегади. Зеро, ўша бадбахт кимсанинг гуноҳи, яъни таъдил-и арконни тарк этиши дастидан ёғингарчилик камайиб қурғоқчилик бўлади, ерда экин унмайди ва бевақт ёмғир ёғиб фойда ўрнига зарар келтиради.

["Ислом ахлоқи"дан олинган қисм тугади.]

САЖДАИ САҲФ

Намозхон намознинг фарзларидан бирини билиб туриб ёки унутиб тарк этса, намоз бузилади. Буни қайтадан ўқиши фарз бўлади. Агар бирорта вожибни унутиб тарк этадиган бўлса, намоз бузилмайди. Лекин, саҳф саждаси вожиб бўлади. Агар намознинг вожибларидан бирортасини қасддан тарк айласа, намоз бузилмайди, саҳф саждаси ҳам вожиб бўлмайди. Чунки намозда нуқсонлик содир бўлгани учун, уни янгидан ўқиши вожиб бўлади. Бу намозни иёда этмаса, гуноҳкор бўлади. Намознинг суннатларидан бирортасини қасддан тарк айласа, гуноҳкор бўлади. Лекин, намоз бузилмагани каби иёда ва саждаи саҳф ҳам лозим бўлмайди. Суннатлар унутилиб тарк этилган тақдирда ҳам саждаи саҳф керак бўлмайди.

Намозда, фарзларидан бирортаси кечиктирилса ва вожибларидан бирортаси унутилиб тарк этилса, Саҳф саждаси вожиб бўлади.

Бир намозда бир неча бор саҳф саждасини ижоб эттирадиган камчиликларга йўл қўйилса, барчасининг талофиси учун бир маротаба саждаи саҳф қилиш, кифоя қилади.

Жамоат намозида, имомнинг хатоси жамоатга сажда-и саҳфни вожиб қилади. Имомга иқтидо қилганлардан бирининг хатоси эса ҳеч кимга бу саждани вожиб қилмайди.

Саҳф саждасининг бажоси учун охирги ўтиришда «Аттаҳиёту» дуоси ўқилгандан кейин ўнг тарафга салом берилиб икки марта сажда қилинади. Кейин яна «Аттаҳиёту», «Аллоҳумма солли ва борик», «Роббана отина» дуолари ўқилиб намоз тугатилади. Бир ёки икки тарафга салом бериб ёки ҳеч салом бермасдан ҳам саҳф саждасини қилса бўлади.

Саждаи саҳфни керак қиладиган хусуслар:

1. Ўтириш керак бўлган жойда туриб кетиш.
2. Туриш керак бўлган жойда ўтириш.
3. Овоз чиқариб қироат қилиш керак бўлган жойда паст овоз билан ўқиш. (Имом)
4. Ичида ўқиш керак бўлган жойда баланд овоз билан ўқиш.
5. Дуо ўқиш керак бўлган жойда Қуръони каримдан ўқиш.
6. Сура ўқиш керак бўлган жойда дуо ўқиш. Масалан: Фотиҳанинг ўрнига Аттаҳиёту дуосини ўқиш каби. Бу ҳолда Фотиҳа тарк этилган бўлади.
7. Намоз тугамасидан салом бериб қўйиш. (Бу вазиятда намоздан чиқилган бўлмайди. Лекин, саҳф саждаси вожиб бўлади.)
8. Фарз намозларининг учинчи ва тўртинчи ракъатларида Замми сура ёки бирор оят ёхуд ортиқча бир калима ўқиш.
9. Фарзларнинг биринчи ва иккинчи ракъатларида Фотиҳадан кейин Замми сура ўқимаслик.
10. Ҳайит намозидаги такбирларни тарк этиш.
11. Витр намозида Қунут дуосини тарк этиш, Саждаи саҳфни керак қилади.

ТИЛОВАТ САЖДАСИ

Қуръони Каримнинг ўн тўртта жойида сажда ояти мавжуд бўлиб, булардан бирортасини ўқиган ёки эшитган кимсага, маъносини тушунмаса ҳам бир маротаба сажда қилиши вожиб бўлади. Ушбу оятларни бирор жойга ёзган ёки ҳижжалаб ўқиган кимса сажда қилмайди.

Тоғ-тошдан, чўл ва бошқа жойлардан акс садо бўлиб қайтиб келган сажда оятини ва қушдан бу оятни эшитган кимсага тиловат саждаси вожиб бўлмайди. Тиловат саждасининг вожиб бўла олиши учун бевосита инсон овози бўлиши шарт. Радиодан ва карнайдан чиқадиган овозларнинг ҳеч қайсиси инсон овози эмаслиги, балки инсон овозига ўхшаш электро-

магнит тўлқинлар эканлиги аввалги мавзуларда ҳам билдирилди. Шунинг учун радио, телевизор, магнитофон ва овоз юксалтгичлардан эшитилган сажда оятлари учун сажда қилиш вожиб бўлмайди.

Тиловат саждасининг ижроси учун таҳоратли ҳолда Қиблага қараб турилади ва қўлни қулоққа кўтармасдан «Аллоҳу акбар»- деб саждага борилади. Саждада уч марта «Субҳона роббиял аъло» дейилгач, «Аллоҳу акбар»- деб саждадан турилади. Шу тариқа тиловат саждаси тамомланган бўлади. Аввало ният қилиш лозим. Ниятсиз қабул бўлмайди.

Сажда ояти намозда ўқилса, дарров алоҳида бир рукуъ ва сажда қилиб, турилиб намоз давом эттирилади. Намозда сажда ояти ўқилгандан кейин яна икки оят ўқилса-ю сўнгра рукуъга борилса ва тиловат саждасига ният қилинса, намознинг ўша рукуъ ва саждаси, тиловат саждаси ўрнига ўтади.

Жамоат намозида имом сажда ояти ўқиса, жамоатдан баъзилари эшитишмаса ҳам, имом билан бирга алоҳида рукуъ ва сажда қилишади. Бироқ жамоат, тиловат саждаси учун рукуъда ният қилиши лозим. Яна тиловат саждасини намоздан кейинга кечиктириш ҳам жоиздир.

ШУКР САЖДАСИ

Шукр саждаси ҳам тиловат саждаси каби бажо келтирилади. Ўзига бирор неъмат берилган ёки бирор дарду балодан ва ғамдан халос бўлган кимсанинг Аллоҳу таоло учун шукр саждаси қилиши мустаҳабдир. Саждада аввало **«Алҳамдулиллоҳ»** дейилади, сўнгра сажда тасбиҳлари айтилади. Намоздан кейин, намоз ўқигани учун сажда қилиш макруҳдир.

НАМОЗНИНГ СУННАТЛАРИ

1. Таҳрима такбири ва Қунут такбирида эркаклар қўлларини қулоққа, аёллар эса кўкракка кўтариши суннатдир.
2. Такбирда кафтни қиблага қаратиб туриш.
3. Такбирдан кейин қўл боғлаш.
4. Ўнг қўлни чап қўлнинг устига қўйиш.
5. Эркаклар қўлларини киндик тагида, аёллар эса кўкрак устида боғлашлари суннатдир.
6. Такбирдан кейин **“Субҳонака”** ўқиш.
7. Имом ва ёлғиз намозхоннинг **“Аъузу..”** ўқиши суннатдир.
8. Фотиҳадан аввал **“Бисмиллоҳ”** ўқиш.
9. Имом фотиҳани тугатганида имом ва жамоатнинг, ёлғиз намозхон Фотиҳани тугатганида эса, ўзи паст овозда **«омин»** дейиши суннатдир.

10. Имомнинг Жумъа ва Байрам намозларидан бошқа жамоат билан адо этиладиган барча намозларда, иккинчида ўқийдиганидан икки марта узунроқ сура ёки оят ўқиши суннатдир.
11. Қиёмдан рукуъга эгилаётганда такбир айтиш.
12. Рукуъда қўлларни тизза кўзининг устига қўйиб, бармоқ ораларини очиш суннатдир.
13. Рукуъда уч марта “**Субҳона роббиял озыйм**” дейиш.
14. Рукуъда бел билан бошнинг бир текис туриши.
15. Имом ва ёлғиз намозхоннинг рукуъдан тураётганда “**Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ**” дейиши.
16. Жамоатнинг ва ёлғиз намозхоннинг рукуъдан қад ростлагач **“Роббана лакал ҳамд”** дейиши.
17. Қиёмдан саждага бораётганда такбир айтиш.
18. Саждада қўл бармоқларини бирлаштириш.
19. Оёқ бармоқларини букиб, учларини Қиблага қаратиш.
20. Саждада эркаклар, тиззаларини ерга қўйиб сонларини қориндан, тирсакларини ердан ва биқиндан узоқ тутиши суннатдир. Аёлларга эса сонларини қоринга, тирсакларини ерга ва биқинларига текказиб туришлари суннатдир.
21. Саждада уч марта **“Субҳона роббиял аъло”** дейиш.
22. Иккинчи саждадан туришда такбир айтиш.
23. Эркаклар ўнг оёқларини тикиб, чап оёқларини ётқизиб устига ўтириш.
24. Қада-и охирада, яъни охириги ўтиришда саловот дуоларини ўқиш.
25. Ўнгга ва чапга салом бераётганда бошни ҳам буриш.
26. Ташаххудда қўл учларини тизза учларига тенг тутиб, бармоқ ораларини ўз ҳолича қўйиш.
27. Саждада қўл ва оёқ бармоқларини Қиблага қаратиб тутиш.
28. Саждада қўлни қулоқ тўғрисида тутиш.
29. Еттита аъзо узарига сажда қилиш. [Пешона, бурун, икки кафт, икки тизза ва ўнг оёқнинг бош бармоғи].
30. Қиёмда, тўпиқларни тўрт энлик масофада, рукуъ ва саждада эса бирлаштириб тутиш суннатдир.
31. Тўрт ракъатлик фарз намозларининг охирги икки ракъатида ёлғиз Фотиҳани ўқиш.
32. Азонни суннатларига риоя этган ҳолда ўқиш.
33. Хоҳ жамоат, хоҳ ёлғиз бўлсин фарз намозларида эркакларга иқомат айтиш суннатдир.
34. Намозларни бош кийим, узун енглик либос ва пайпоқ кийиб ўқиш суннатдир.

НАМОЗНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ

1. Қиёмда, сажда ўрнига қараб туриш.
2. Рукуъда оёқ учларига қараб туриш.
3. Саждада бурун қўйилган жойга қараб туриш.
4. Ташаҳҳудда тизза устига қараб ўтириш.
5. Фотиҳадан кейин ўқиладиган оятнинг Бомдод ва Пешин намозларида узунроқ, бошқа намозларда қисқароқ бўлиши мустаҳабдир.
6. Таҳрима ва Қунут такбирларида, эркакларнинг бош бармоқларини қулоқ юмшоқларига текказишлари мустаҳабдир.
7. Имомга иқтидо қилган киши такбирларни сассиз айтиши.
8. Рукуъ ва саждаларда, тасбиҳларни учдан зиёда айтиш.
9. Саждада аввал ўнг, кейин чап тиззани ерга қўйиш.
10. Саждада бурундан кейин пешонани ерга қўйиш.
11. Намозда эснаганда кафтнинг орқаси билан оғизни ёпиш.
12. Уч дафъа тасбиҳ ўқишга кетадиган вақт миқдори рукуъда ва саждада туриш.
13. Саждадан аввал бош, кейин қўлларни кўтариш. Қўллардан кейин тиззаларни кўтариш.
14. Салом бераётганда елка учларига қараш.
15. Имомнинг, салом бераётганда елкадаги Ҳафаза малаклари ва жамоатга ният қилиши; жамоат йўқ бўлса, ёлғиз ҳафаза малакларига ният қилиши, мустаҳабдир.
16. Намоз ичида оққан терларни артмаслик.
17. Намозда келган йўтални ва эснoқни тарк этиш.
18. Намоздан кейин, имомнинг жамоатга ўгирилиб ўтириши мустаҳабдир.

НАМОЗНИНГ МАКРУҲЛАРИ

1. Кийимни киймай елкага ташлаб қўйиб намозга киришиш.
2. Саждага бораётганда этакни ёки шим балоғини юқорига тортиш.
3. Кийимларнинг енг ва балоқларини шимариб қўйиб намозга киришиш.
4. Намозда ортиқча ва фойдасиз ҳаракатлар қилиш.
5. Иш кийими ва катталарнинг олдига кийиб чиқила олмайдиган кийимлар билан намозга туриш.
6. Оғизда қироат қилишга тўсқинлик қилмайдиган бирор нарса билан намозга туриш. Агар оғиздаги нарса қироатга тўсқинлик қилаётган бўлса, намоз бузилади.

7. Бош очиқ, калта енглик кўйлак билан ва яланг оёқ ҳолда намоз ўқиш, макруҳдир. [Ҳаж мавсумида эҳромга кирилгач, баъзи нарсаларнинг ишланиши тақиқланади. Масалан: Бош кийим, пайпоқ ва тикилган либос кийиш, эҳромга кирган эркакка жоиз бўлмайдиган хусуслардан атиги бир нечасидир. Бу фақатгина ҳаж ибодатига хос. Бу ердаги фарқни яхшилаб тушуниб олиш керак.]
8. Таҳорати қистаб турган ҳолда намозга бошлаш.
9. Намозда сажда қилинадиган жойдаги тош-тупроқни тозалаш, супуриш.
10. Намозда бармоқларни шиқиллатиш.
11. Намозда қўлларни биқинга қўйиш.
12. Намозда бош ва юзни атрофга ўгириш, кўзлар билан аланглаш. Агар кўкрак ҳам бошқа тарафга ўгирилса, намоз бузилади.
13. Ташаҳҳудда итга ўхшаб оёқларни тикиб ўтириш.
14. Эркакларнинг саждада тирсакларини ерга қўйиши.
15. Намозни инсоннинг юзига ёки баланд овозда гаплашиб ўтирганларга қарши ўқиш макруҳдир.
16. Бирининг саломига қўли ёки боши билан алик олиш.
17. Намозда ва намоз ташқарисида эснаш.
18. Намозда кўзларни юмиш.
19. Намозда имомнинг меҳроб ичига тўлиқ кириб туриши.
20. Имомнинг ёлғиз ўзи жамоатдан ярим метр баландроқда туриши, танзиҳан макруҳдир.
21. Имомнинг ёлғиз ўзи жамоатдан пастроқда туриши ҳам танзиҳан макруҳдир.
22. Олд сафларда бўш жой бўлган ҳолда орқа сафларга туриш; Олд сафда бўш жой бўлмаганида орқада ёлғиз туриш, макруҳдир.
23. Эгнида жонли расми бўлган либос билан намозга туриш.
24. Намоз ўқиладиган маконнинг тепасида, олдида, ўнг ва чап тарафида жонли расмнинг бўлиши, макруҳдир. Хоч (крест) ишорати ҳам жонли расмга киради.
25. Ёниб турган оловга қараб намоз ўқиш.
26. Намозда оят ва тасбиҳларни бармоқ билан санаш.
27. Бошдан-оёқ узун, яхлит бир матога ўралиб намоз ўқиш.
28. Бошга салла ўраб, салланинг тепаси очиқ ҳолда намоз ўқиш.
29. Оғиз ва бурунни ёпиб олиб намоз ўқиш.
30. Намозда узрсиз, бўғиздан балғам чиқариш.
31. Қўлни бир икки марта ҳаракат эттириш. [Чунки уч ва ундан кўп ҳаракат эттириш, намозни бузади- дейилди.]
32. Намознинг суннатларидан бирини тарк этиш.
33. Заруратсиз, гўдакни кучоғига олиб намозга туриш.
34. Қалбни жалб қилувчи, диққат билан ва берилиб туриб намоз ўқишга тўсқинлик қилувчи нарсалар ёнида, масалан: чиройли ашёлар

қошида, ўйин-кулги, чолғу ёнида ва яхши кўрган таомлар ёнида намоз ўқиш макруҳдир.

35. Фарз намозларининг адоси асносида узрсиз, бирор нарсага ёки деворга суяниш.

36. Рукуъга эгилаётиб ва рукуъдан туришда қўлларни қулоқларга кўтариш.

37. Қироатни рукуъда ёки эгилиш жараёнида тугаллаш.

38. Рукуъ ва саждаларга имомдан аввал бориш ва имомдан аввал бош кўтариш.

39. Нажс бўлиш эҳтимоли бўлган жойларда намозга туриш.

40. Қабрга қарата намоз ўқиш.

41. Ташаҳҳудда суннатга хилоф ўтириш

42. Иккинчи ракъатда биринчисидагидан уч оят миқдори узун сура ўқиш, макруҳдир.

Намоз ташқарисидаги макруҳлар

1. Хожатхона ёки хоҳлаган бир маконда таҳорат ушатишда олд ва орқанинг қиблага тўғри келиши.

2. Истинжода олд ва орқанинг Қибла истиқоматига тўғри келиши. Ой ва қуёшга қараб таҳорат бузиш.

3. Кичкина болаларни ўша жиҳатларга қаратиб ҳожат қилдириш, катталарга макруҳ бўлади. Шунинг учун кичикларга бирор ҳаром иш қилдирилганда, гуноҳ уни ишлатган каттага ёзилади.

4. Оёқларни узрсиз, сабабсиз Қиблага узатиш ва ҳатто биттасини ҳам узатиш макруҳдир.

5. Қуръони каримга ва ҳақиқий диний китобларга оёқ узатиш, макруҳдир. Агар китоблар баландроқда бўлса, макруҳ бўлмайди.

НАМОЗНИНГ МУФСИДЛАРИ

1. Намозда узрсиз, бекордан бекорга йўталиш ёки тамоқ қириш, намозни бузади.

2. Бири аксирганда, намоз ўқиётган кимсанинг "Ярҳамукаллоҳ" дейиши, намозни бузади.

3. Ёлғиз намоз ўқиётган кимса, яқинидаги жамоатдан имомнинг янглишганини сезса-ю уни огоҳлантирса, ўзининг намози бузилади.

4. Бир кимса, намозда **"Ло илоҳа иллаллоҳ"**- деса ва мақсади жавоб бериш бўлса, намози бузилади. Агар мақсади билдириш, дарак бериш бўлса, бузилмайди.

5. Намозда аврат жойини очиш, намознинг муфсидларидандир.

6. Намозда оғриқ, дард ва қайғу туфайли йиғланса, намоз бузилади. Аллоҳдан қўрқиб, Жаннат ва Дўзах хотирга келиб йиғланса, намоз бузилмайди.

7. Намозда қўл ва тил билан алик олиш, намозни бузади.

8. Қазога қолган намозларининг йиғиндиси бешдан кўп бўлмаса, у ҳам намозда хотирига тушса, намоз бузилади.

9. Намозда шундай бир ҳаракат қилса-ю кўрганлар унинг намозда эканлигидан шубҳа қилишса, ўша намоз бузилган бўлади.

10. Намозда таом ейиш ва ичиш.

11. Намозда гапириш.

12. Намозда имомидан бошқасини хатоси учун огоҳлантириш.

13. Намозда кулиш.

14. Инграш ёки оҳ уриш.

15. Уҳ тортиш намозни бузади.

16. Намозда Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда бўлмаган дуони ўқиш.

17. Жамоат намозида, имомидан бошқасининг ўқиган сура ёки дуоси учун "Омин" дейиш, намозни бузади. Ёлғиз ўқиётган намозхон, намоз ташқарисидаги ҳеч бир товушга аҳаммият бермайди. Ташқи овоз ва сигналларга итоат қилиш, муфсиддир. [Шунинг учун баъзи масжидларда имом микрофон орқали Фотиҳани тугатганида жамоатнинг «Омин» дейиши ёки микрофон орқали «Аллоҳу акбар»- дейилганида, жамоатнинг шунга қараб ҳаракат қилиши, жамоатнинг намозини бузиши мумкин. Чунки карнайдан чиқадиган овоз, акс садо каби жонсиз жисмдан ҳосил бўлган товуш ҳисобланади.]

18. Қуръони каримга, китобга ёки қоғозга қараб намоз ўқиш намозни бузади.

Ҳар қандай намозни бузишни мубоҳ қиладиган сабаблар

1. Илонни ўлдириш учун намозни бузиш, мубоҳдир.

2. Бўшалиб кетган молини ёки уловини тутиш учун

3. Сурувни йиртқичлардан ҳимоя қилиш учун.

4. Ўт устидаги тошиб тўкилаётган таомни олиш учун.

5. Вақтнинг ўтиб кетиш, жамоатнинг тарқаб кетиш андишаси бўлмаган пайтларда, бошқа мазҳабда намозни бузадиган бирор ҳодисани, гумондан ҳолис бўлиш мақсадида бартараф қилиш учун, (масалан: дирҳамдан кичик бўлган нажосатни ёки бегона бўлган аёлнинг баданига бадани билан текканини эслаб, янгидан таҳорат олиш учун) намозни бузиш, жоиздир.

6. Таҳорат ва ел қисташидан фориғ бўлиш учун намозни бузиш, мубоҳдир.

Ҳар қандай намозни бузишни фарз қиладиган сабаблар

1. "Дод" - деб қичқирган бир кимсани қутқариш учун, чуқурга тушиб кетган ёки тушиши мумкин бўлган кўр кимсага ёрдам бериш учун, куйиб қолиш ёки чўкиб кетиш эҳтимоли бўлган инсонларни қутқариш учун ва ёнғинни ўчириш учун ҳар қандай намозни бузиш фарздир.

2. Ота, она, бобо ва бувидан бири чақирганида намозни бузиш вожиб эмас, балки жоиз бўлса ҳам эҳтиёж бўлмаса, бузмаслик керак. Нофила (Суннатлар ҳам киради) намозларда бузса бўлади. Агар бу яқинлардан бирортаси «Дод»- деб ёрдамга чақиргудек бўлса, фарз намозларни ҳам бузиш лозим бўлади.

ЖАМОАТ БИЛАН НАМОЗ

Намозда, энг кам икки кишидан бирининг имом бўлиши билан жамоат ҳосил бўлади. Беш вақт намознинг фарзларини жамоат билан адо этиш, эркаклар учун суннатдир. Жума ва Байрам намозларида эса, жамоат – фарздир. Жамоат намозларига кўп-кўп савоб берилиши ҳадиси шарифларда билдирилган. Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» марҳамат қилдиларки: ***«Жамоат намозига, ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти марта кўп савоб берилади.»*** Бошқа бир ҳадиси шарифда эса: ***«Чиройли таҳорат олиб, масжидлардан бири сари, жамоат билан намоз ўқиш мақсадида йўлга тушадиган кимсанинг ҳар қадамига Аллоҳу таоло бир савоб ёзади ва ҳар бир қадамида амал дафтаридан бир гуноҳ ўчирилади ва яна Жаннатдаги даражасини бир марта юксалтади.»***- деб, марҳамат қилинди.

Жамоат билан ўқиладиган намозлар – мусулмонлар орасида бирлик, ҳамдўстлик, ҳамжиҳатлик ва жамият ҳаётини таъминлаб туради. Севги ришталарини мустаҳкамлаб, меҳр-оқибат деган қадриятларни орттиради. Жамоат сабабли, мўминлар тўпланишиб, суҳбат қилишади. Масжидга келолмаганлар, дард-қайғуси бўлганлар, бошига иш тушган ва қийин аҳволда бўлган кимсалар ва касалликка чалинганлар, ўша суҳбатлар натижасида маълум бўлади. Оқибатда, намоздан кейин жамоатдан баъзилари касал кўришга, баъзилари муҳтожларга ёрдам беришга, яна бошқа бирилари эса кўнгил олиш учун кетишади.

Жамоат – мусулмонларнинг бир тан-у бир жон эканликларига энг чиройли далил ва мисолдир. Бу бирликни бузадиган инсонсурат, шайтонсифат, мазҳабсиз бўлган мол-дунё жинниси мунофиқ тўполончиларга Аллоҳу таоло инсоф берсин!

Касал ва шол бўлган кимсалар, бир оёғи кесик бўлган ногиронлар, ўзи юролмайдиган қариялар ва кўзлари кўрмайдиган узрлиларнинг жамоатга иштирок этиши шарт эмас.

Жамоатда, намоз учун иқтидо қилинган кимсага, **Имом** дейилади. Имом бўлиш, унга иқтидо қилиш ва жамоат ташкил қилишнинг ўзига хос бир неча шартлари бордир.

ИМОМЛИКНИНГ ШАРТЛАРИ

Имом бўла олиш учун олтита шарт тўкис бўлиши керак. Булардан лоақал биттасига эга бўлмаган кимсанинг орқасида намоз дуруст бўлмайди. Шартлар эса қуйидагича:

1. Мусулмон бўлиш. Абу Бакр ва Умарнинг «родияллоҳу анҳума» ҳалифа эканликларига, меъреж ҳодисасига ва қабр азобига ишонмайдиган кимса имом бўла олмайди.
2. Балоғат ёшига етган бўлиш.
3. Ақли жойида бўлиш. Маст ва эси паст кимса имом бўлолмайди.
4. Эр киши бўлиш. Хотин киши эркакларга имом бўла олмайди. Аёлнинг аёлларга имом бўлиши эса, макруҳдир.
5. Ҳеч бўлмаганда, Фотиҳа ва яна бир оятни тўғри қироат қила олиш шарт. Ёддан битта ҳам оят билмайдиган, билганда ҳам тажвид билан ўқий олмайдиган ва нуқул нағма қилиб ашулага ўхшатадиган кимсалар, имом бўлолмайдилар.
6. Диний бир узр соҳиби бўлмаслик, шарт. Узрли кимса узри бўлмаганларга имом бўлолмайди.

Имомнинг қироати чиройли бўлиши, Қуръони каримни тажвид билан ўқиши лозим. Мақомга ва мусиқа пардаларига солиш, катта гуноҳдир. Намознинг шартларига ва суннатларига аҳамият бермайдиган имомларнинг орқасида намоз ўқилмайди.

«Солиҳ ва фожир кимсаларнинг орқасида намоз ўқингиз.» - деган ҳадиси шариф масжид имомлари учун эмас, балки жума намозини ўқитадиган амирлар ва ҳокимлар учундир.

Имом бўлишга энг лаёқатли кимса – суннатни, яъни дин илмлари-ю аҳкомларини (мазҳаб ҳукмларини) яхши биладиган кимсадир. Юқорида билдирилган имомлик шартларида, икки мўмин тенг бўлиб қолгудек бўлса, у ҳолда имомлик ҳаққи, Қуръони каримни яхшироқ ўқийдиганига берилади. Агар бу мавзуда ҳам тенг бўлсалар, ичларидан тақводори, яъни ҳаромлардан кўпроқ тийиладигани имом бўлади. Тақвода ҳам тенг бўлишса, ёши улуғроғи имомликка ўтади.

Қул (малай), бадавий, фосиқ, кўр ва ҳароми (никоҳсиз туғилган) кимсанинг имом бўлишлари макруҳдир.

Имомнинг намозни, жамоатни қийнайдиган даражада узун ўқитиши, макруҳдир. Аёл кишиларнинг ўзаро жамоат қилишлари ҳам макруҳдир.

Жамоат бир кишидан иборат бўлса, имом уни ўнг тарафига олади. Чап тарафига туриши макруҳдир. Икки киши бўлишса, имом уларнинг бир метр қадар илгарисига ўтиб туради. Эркакларнинг аёл кишига ва ёш болаларга иқтидо қилишлари жоиз эмас. Жамоатда, имомнинг орқасига аввал эркаклар, сўнгра болалар, кейин эса аёллар саф тортишади. Имом, аёлларга ҳам имом бўлишга ният қилган бўлиб, ўша жамоатда бир эркак билан бир аёл киши бир сафда ёнма-ён туриб қолган бўлса, эркакнинг намози бузилади. Агар имом аёллар учун алоҳида ният қилмаган бўлса, аёлнинг ёнига туриб қолган эркакнинг намозига ҳеч қанақа зиён келмайди, намози бузилмайди. Чунки бу вазиятда, аёл киши намозда, деб ҳисобланмайди. Имом аёлларга ният қилмагани учун аёл кишининг намози жоиз бўлмайди. Тик туриб ўқий оладиганларнинг, ўтириб ўқийдиган кимсага иқтидо қилишлари, жоиздир. Фарз ўқиётган кимса, нофила ўқиётган кимсага иқтидо қилолмайди. Бунинг акси эса, жоиздир. Имом билан бирга намозини адо этган кимса, имомнинг бетаҳорат эканлигини фаҳмласа, ўша намозини иёда этади.

Рағойиб, Барот ва Қадр каби кечаларга хос бўлган намозларни жамоат билан адо этиш макруҳдир. Жамоат хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам, имомнинг намоздаги қироат ва тасбиҳларни суннат миқдоридан ошириб ўқиши таҳриман макруҳдир.

Кеч келиб, жамоатга рукуъда улгура олмаган кимса, ўша ракъатни имом билан ўқиган бўлиб ҳисобланмайди. Имом рукуъда турганида жамоатга келган кимса, ният қилади ва тик турган ҳолатда такбир олиб намозга киргач, дарров эгилиб рукуъ ҳолатига ўтади. Агар рукуъга эгилаётганида имом рукуъдан бош кўтаргудек бўлса, ўша ракъатга етишолмаган бўлади.

Жамоатда имомдан аввал рукуъ ёки саждага бориш ёхуд қад ростлаш, таҳриман (ҳаромга яқин) макруҳдир. Фарз намозлар битгач сафларни бузиш, мустаҳабдир.

Бир мўмин беш вақт намозини ҳар куни жамоат билан адо этиш учун ғайрат қилса, бутун пайғамбарлар билан адо этгандек савобга ноил бўлади. Бунча савоб ва фазилатларнинг берилиши, имом ўқитган намознинг қабул бўлишига боғлиқ.

Бир кимса, жамоатни узрсиз тарк этса, жаннатнинг ҳидини ҳам туёлмайди. Жамоатни узрсиз тарк этадиганларга ҳар тўрттала китобда ҳам “малъун” деб хитоб қилинган.

Беш вақт намозни жамоат билан адо этишга тиришиш керак. Қиёмат куни Хақ таоло ҳазратлари етти қават ер ва етти қават осмонни, Аршни, Курсини ва бутун махлуқотни тарозининг бир палласига қўйса-ю иккинчи палласига эса, шартларига ва суннатларига риоят қилган ҳолда ўқилган битта жамоат намозининг савобини қўйса, жамоат билан адо этилган намознинг савоби оғир босади.

Имомга иқтидо саҳиҳ бўлиши учун ўнта шарт мавжуд

1. Намозга тураркан такбир айтмасдан аввал, имомга иқтидо қилишга ният қилмоқ шарт. *«Уйдим ёки иқтидо қилдим ҳозир бўлган имомга»* - деб қалбдан ўтказиш керак. Такбир олиб, намозга киргандан кейин қилинган ният, саҳиҳ бўлмайди.

2. Жамоатда аёллар ҳам бўлса, имомнинг *«аёлларга имомлик қилишга»* - деб алоҳида ният этмоғи ҳам даркор. Эркаклар учун имоматга ният қилиш, шарт эмас. Агар ният этса, имом ҳам жамоат савобидан баҳраманд бўлади. Ният этмаса, намоз саҳиҳ бўлади лекин, имом худди ёлғиз ўқигандек савобга эришади холос.

3. Жамоатнинг тўпиғи, имомнинг тўпиғидан орқароқда бўлиши шарт.

4. Имом ҳам жамоат ҳам бир хил фарз намозига ният қилган бўлишлари шарт.

5. Имом билан жамоат орасида аёллар сафи бўлмаслиги шарт.

6. Имом билан жамоат орасида қайиқ ўта оладиган кенгликда арик ёки ирмоқ ва арава ўта оладиган даражада йўл бўлмаслиги шарт.

7. Жамоатнинг орасида, имомни кўришга ёки имомни кўриб турган жамоатни кўришга ёхуд табиий овозларини эшитишга имкон бермайдиган туйнуксиз ва деразасиз деворнинг қатъиян бўлмаслиги шарт.

8. Имом билан жамоат, бир-бирига боғланмаган ёки тегмай турган икки кемада бўлмасликлари шарт.

9. Ўзга мазҳабдаги имомга иқтидо қилган жамоатнинг намози саҳиҳ бўлиши учун иккита қавл воқиъдур:

Биринчи қавлга кўра: Жамоат, ўз мазҳабларида намозни бузадиган сабаблардан ҳеч бирини имомда кўрмаслиги ва тополмаслиги шарт.

Иккинчи қавлга кўра: Ўз мазҳабида намози саҳиҳ бўлган имомга бошқа мазҳабдаги мўминлар ҳам иқтидо қилишлари мумкин. Бу қавлга кўра, қоплама тиш солдирган ёки тиш ковагини тўлдиртган (пломба) имомларга ҳам иқтидо қилиш жоиз бўлади. (Аҳл-и суннатнинг тўртта, яъни Ҳанафий, Моликий, Шофиъий, Ҳанбалий мазҳабидан бошқа гуруҳ ёки фирқаларга мансуб кимсаларга иқтидо қилиш жоиз эмас.)

Жамоат бир кишидан иборат бўлган ҳолларда бу кимсанинг, имомнинг чап ва орқа тарафида туриши макруҳдир. Бу кимса, имомнинг ўнг тарафида жой олади ва тўпиғи имомнинг тўпиғидан салгина орқароқда турса, намози саҳиҳ бўлади. Жамоат икки ёки ундан кўп кишидан иборат бўлса, имомнинг орқасига ўтиб туришлари керак бўлади.

Имомга иқтидо қилган кимса, **“Субҳонака”**ни ўқийди. Имом, овоз чиқариб ўқиса ҳам, ичида ўқиса ҳам жамоат ҳеч нима ўқимайди.

[Шофиъий мазҳабида, жамоат ҳам имом билан бирга ичларида қироат қилишади.] Имом жаҳран [овоз чиқариб] ўқиётганида, Фотиҳани битиргач жамоат ҳафиян [ичида] **"омин"**- дейди. Рукуъдан тураётиб, имом **"Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ"** деганида, жамоат фақатгина **"Роббана лакал ҳамд"**- дейди. Такбирларни жамоат ҳам ичида айтади. Рукуъ, сажда ва ташаҳҳудлардаги дуоларни бутун жамоат ичида ўқийди.

Витр намози, ёлғиз Рамазон ойида жамоат билан адо этилади. Бошқа вақтларда мустақил ўқилади.

Масбуқнинг Намози

Имомга иқтидо қиладиган кимсалар тўрт тоифага бўлинади. Булар: **«Мудрик», «Муқтадий», «Масбуқ»** ва **«Лоҳиқ»**дир.

Мудрик: Намозда таҳрима такбирини имом билан бирга олган, намозга имомла бирга кирган кимсага айтилади.

Муқтадий: Таҳрима такбирига улгуролмаган, намозга қироатда етишган кимсага айтилади.

Масбуқ: Имомга биринчи ракъатдан кейин етишиб иқтидо қилган кимсага айтилади.

Лоҳиқ: Таҳрима такбирини имом билан бирга олгану фақат намозда таҳорат бузувчи бирор иш содир бўлиб, шу сабаб-ла таҳоратини янгилаб келиб, имомга қайтадан иқтидо қилган кимсага айтилади. Бу кимса, яна худди аввалгидек қироатсиз, рукуъ ва сажда тасбиҳларини ўқиб намозини адо этади. Агар таҳорат янгилаш жараёнида дунё сўзи сўзламаган бўлса, имомнинг орқасида турган бўлиб ҳисобланаверади. Лекин, масжиддан чиққач энг яқин жойда таҳорат олиш лозим. Зеро, кўп узоққа кетса, намози бузилади - дейилди.

Масбуқ, яъни имомга биринчи ракъатда етишолмаган кимса, имом салом бергандан кейин, салом бермасдан ўрнидан туриб, намозининг нуқсон ракъатларини тамомлайди. Қироатларни биринчи, кейин иккинчи, ундан кейин учинчи ракъатларни ўқиётгандек қилиб, бошдан бошлайди. Ўтиришларда эса тўртинчи, учинчи ва иккинчи ракъатдан, яъни намознинг охиридан бошлагандек қилиб ҳаракат қилади.

Масалан: Хуфтоннинг охириги ракъатида жамоатга етишган кимса, имом салом бергандан кейин ўрнидан туради ва худди биринчи ракъатдагидек «Субҳонака, Аъузу-бисмилло, Фотиҳа ва Замми сура» ўқийди. Рукуъ ва сажда қилгач, туриб кетмасдан ташаҳҳудга ўтиради. Чунки, имом билан ўқиган бир ракъат ва ўзи алоҳида ўқиган бир ракъати икки ракъатни ташкил қилган бўлади. Ҳар икки ракъатда бир ташаҳҳудга ўтириш, вожибдир. Масбуқ, «Аттаҳиёту»ни ўқигач, ўрнидан туради ва бу сафар худди иккинчи ракъатни ўқиётгандек қилиб «Бисмилло, Фотиҳа ва Замми сура» қироат қилади. Рукуъ ва саждадан кейин ўтирмасдан қиёмга туради. Бу ракъатда эса худди учинчи ракъатдагидек «Бисмилло ва Фотиҳани»ни ўқиб, намозини тугатади.

Бешта нарсани имом тарк қилса, жамоат ҳам тарк этади:

1. Имом, Қунут дуосини ўқимаса, жамоат ҳам ўқимайди.
2. Имом, Байрам намозида такбирларни айтмаса, жамоат ҳам айтмайди.
3. Имом, тўрт ракъатлик намознинг иккинчи ракъатидан кейин ўтирмаса, жамоат ҳам ўтирмайди.
4. Имом сажда оятини ўқиса ва тиловат саждаси қилмаса, жамоат ҳам қилмайди.
5. Имом саҳф саждасини қилмаса, жамоат ҳам қилмайди.

(Албаттаки бу хусусларга, намоз асносида амал қилинади)

Тўртта нарсани имом қилса ҳам, жамоат тарк этади

1. Имом икки мартадан кўп сажда қилса, жамоат сажда қилмайди.
2. Имом, Байрам намозининг такбирини бир ракъатда уч мартадан кўп айтиб қўйса, жамоат ортиқчасини айтмайди.
3. Имом, жаноза намозида тўрттадан кўп такбир айтса, жамоат ортиғини айтмайди.
4. Имом, адашиб бешинчи ракъатга туриб кетса, жамоат турмайди, балки имомни кутиб, бирга салом беришади.

Ўнта нарсани имом тарк этса ҳам, жамоат тарк этмайди.

1. Ифтиҳоҳ (таҳрима, бошлаш) такбирида қўл кўтариш.
2. Субҳонакани ўқиш.
3. Рукуъга эгилаётиб такбир айтиш.
4. Рукуъда тасбиҳ ўқиш.
5. Саждага бориш ва туришда такбир айтиш.
6. Саждаларда тасбиҳ ўқиш.
7. Имом «Самиъ аллоҳу лиман ҳамидаҳ» демаса ҳам «Роббана лакал ҳамд» дейиш.
8. Аттаҳиётуни охиригача ўқиш.
9. Намоз сўнгида салом бериш.
10. Қурбон байрамида йигирма учта фарз намози (яъни арафа куни бомдод намозидан, ҳайитнинг тўртинчи куни аср намозигача бўлган 23 намоз)дан кейин салом бергач, ташриқ такбирини айтиш.

ИФТИҲОҲ (ТАҲРИМА) ТАКБИРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Бир кимса, ифтиҳоҳ такбирини имом билан олса, кузда шамол дарахт баргларини қандай тўкадиган бўлса, ўша кимсанинг гуноҳлари ҳам худди шундай тўкилади.

Бир куни Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» бомдод намозини ўқиётганларида, саҳобадан бир кимса ифтиҳоҳ такбирига етишолмаган эди. Сўнгра бир қулни озод этиб келиб Пайғамбаримизга савол бердилар: "Ё Расулаллоҳ! Мен бугун таҳрима такбирига улгуролмадим. Эвазига бир қул озод этдим. Ажабо, ифтиҳоҳ такбирининг савобига ноил бўла олдимми?" Расулуллоҳ секин ҳазрати Абу Бакрга юзландилар ва ***«Сиз бу ифтиҳоҳ такбири ҳақида нима дейсиз?»*** - деб сўрадилар. Абу Бакр Сиддийқ «родияллоҳу анҳ» айтдилар: *«Ё Расулаллоҳ! Агар менинг қирқ туям бўлса ва уларнинг ҳар бирининг юки жавоҳир бўлса, буларнинг ҳаммасини фақирларга садақа қилсам ҳам, имом билан олинган ифтиҳоҳ такбирининг савобига қовуша олмайман".* Ундан кейин Расулуллоҳ ҳазратлари: ***«Ё Умар! Сиз нима дейсиз бу ифтиҳоҳ такбири ҳақида?»*** - деганларида, ҳазрати Умар «родияллоҳу анҳ»: *«Ё Расулаллоҳ! Мадина билан Макка орасини тўлдирадиган даражада жуда кўп туям бўлса, барчасининг юклари жавоҳир бўлса ва мен уларни бева-бечораларга улашиб чиқсам ҳам, имом билан олинган ифтиҳоҳ такбирининг савобига ноил бўлолмайман»* - деб жавоб бердилар. Ундан кейин Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам», ҳазрати Усмондан сўрадилар: ***«Ё Усмон! Сиз бу ҳақда нима дейсиз?»*** Ҳазрати Усмони зиннурайн «родияллоҳу анҳ»: *«Ё Расулаллоҳ! Кечаси икки ракъат намоз ўқисам-у ҳар бир ракъатида Қуръони каримни бошдан оёқ хатм қилиб чиқсам ҳам имом билан олинган ифтиҳоҳ такбирининг савобига эришолмайман.»* - деб жавоб бердилар. Сўнгра Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» ҳазрати Алини сўроққа тутдилар: ***«Ё Али! Ифтиҳоҳ такбири ҳақида сиз нима дейсиз?»*** Ҳазрати Али-ул-Муртазо «карамаллоҳу важҳаҳ» бундай деб жавоб бердилар: *«Ё Расулаллоҳ! Мағриб билан Машриқнинг ораси кофирлар билан лиқ тўла бўлса, Раббим менга қувват берса-ю ҳаммасини қиличдан ўтказсам. Яна имом билан олинган ифтиҳоҳ такбирининг савобига ноил бўлолмайман.»* Бу жавобдан кейин Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» ҳазратлари: ***«Эй менинг умматим ва асҳобим! Етти қават осмон ва етти қават ер қоғоз бўлса, дарё-ю денгизлар сиёҳ бўлса бутун дарахтлар қалам бўлса ва бутун малаклар котиб бўлиб қиёматгача ёзсалар ҳам, имом билан олинган ифтиҳоҳ такбирининг савобини ёзиб тугатолмайдилар.»*** - деб марҳамат қилдилар.

Манқиба: Саройга қурилган масжид

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларининг талабаларидан бўлмиш имоми Абу Юсуф, Хорун ар-Рашид замонида қози эди. Бир куни имоми Абу Юсуф, Хорун ар-Рашиднинг ҳузурида ўтирганларида бир кимса, биттаси устидан даъвогар бўлиб шикоят қилди. Хорун ар-Рашиднинг вазири, даъвогар кимсага гувоҳлик қилишга ваъда берди. Имоми Абу Юсуф вазирнинг гувоҳлигини қабул қилмадилар. Халифа таажжубланиб: *«Нимага вазирнинг гувоҳлигини қабул қилмадингиз?»*- деганларида, қози бундай деб жавоб берди: *«Бир куни Сиз вазирингизга битта иш буюрган эдингиз. Ўшанда вазирингиз, "Қулингизман тақсир"- деб амрингизни бажарган эди. Агар ўша пайтда вазирингиз тўғри гапирган бўлса, динимизда қул (малай)нинг гувоҳлиги мақбул бўлмайди. Агар ёлғон гапирган бўлса, ёлғончининг ҳам гувоҳлиги инобатга олинмайди.»* Буни эшитган халифа: *«Мен гувоҳлик қилсам-чи? У ҳолда, ҳайнаҳой қабул қиларсиз?»* - деб сўради.

- Йўқ, қабул қилмайман, - деди имоми Абу Юсуф.

- Нима учун? - ҳайрон бўлди халифа.

- Чунки Сиз намозингизни жамоат билан ўқимайсиз! Менга мусулмонларнинг масалалари билан шуғулланишдек жуда оғир ва маъсулиятли ишни ишониб топширганлар. Холиққа (яратганга) тоат қилинаётган жойда, махлуққа (яратиққа) итоат қилинмайди, - деб жавоб берди қози. Халифа пушаймон бўлиб:

- Тўғри айтасиз, эй имом, - деди ва саройга масжид қуришларини амр қилди. Масжид битгач, унга имом ва муаззин тайин этган халифа ўшандан кейин бутун намозларини жамоат билан ўқиди.

ЖУМА НАМОЗИ

Аллоҳу таоло, жума кунини мусулмонларга хос кун қилди. жума куни пешин намози вақтида жума намозини ўқиш, Аллоҳнинг амридир.

Жанoби Ҳақ "Жума" сурасининг охирида маолан бундай деб буюрмоқда: **«Эй иймон келтириш билан шарафланган қулларим! Жума кунлари пешин азони айтилганида, хутба тинглаш ва жума намозини адо этиш учун масжидларга ошиқинг! Савдо-сотиқни тўхтатинг! Жума намози ва хутба, сизга бошқа барча ишларингиздан зиёдароқ савоб келтиради. Жума намозини адо этгач, масжидлардан чиқиб ишларингизга тарқалишингиз мумкин. Аллоҳу таолодан ризқингизни тилаб меҳнат қилгайсиз. Аллоҳу таолони кўп ёдга олингки, қутулишингиз осон бўлгай!»**

Намоздан кейин хоҳлаганлар ишига бориб ишлайди, хоҳлаганлар масжидда қолиб намоз, Қуръони карим ва дуо билан машғул бўлади. Жума намозининг вақти кирганда савдо-сотиқ қилиш гуноҳдир.

Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» айтдиларки: ***«Бир мусулмон жума куни ғусл олиб, жума намозига борадиган бўлса, бир ҳафталик гуноҳи кечирилади ва ҳар қадами учун савоб ёзилади.»***

«Жума намозини ўқимайдиганларнинг қалбларини Аллоҳу таоло муҳрлайди. Улар ғофил бўладилар.»

«Кунлар орасида энг афзали жума кунидир. Жума куни, Ҳайит ва Ашура кунидан ҳам қийматлироқдир. Жума - дунёда ва жаннатда мўминларнинг байрамидир.»

«Бир кимса, ҳеч қандай сабабсиз уч марта жума намозини ўқимаса, Аллоҳу таоло қалбини муҳрлаб қўяди. Ўша кимса, ҳеч қачон яхшилик қиломайдиган бўлиб қолади.»

«Жума намозидан кейин етти марта Ихлос ва Муъаввизатайн ўқиган мўминни, Аллоҳу таоло бир ҳафта қазо-балодан ва ёмон ишлардан сақлайди.»

«Шанба яҳудийларга, якшанба христианларга берилгани каби жума куни ҳам мусулмонларга берилди. Бу кунда мусулмонларга хайр, барака ва яхшилик бордир.»

Жума куни қилинган ибодатларга бошқа кунларда қилинганларга нисбатан камида икки марта кўп савоб берилади. Жума куни қилинган гуноҳлар ҳам икки баравар қилиб ёзилади.

Жума куни руҳлар тўпланишади ва бир бирлари билан танишишади. Қабрлар зиёрат қилинади. Бу кунда қабр азоби тўхтатилади. Баъзи ривоятларга қараганда, мусулмон маййитларга бошқа азоб берилмайди. Кофир маййитларга эса фақат жума куни ва Рамазон ойида азоб берилмайди. Бошқа кунларда азоб берилади ва бу ҳол қиёматгача шу тариқа давом этади. Жума куни ва кечасида вафот этган мўминлар, қабр азоби кўрмайдилар. Дўзахда ҳам жума кунлари оловнинг ҳарорати пасайиб туради.

Одам «аллайҳиссалом» жума куни яратилдилар. Жума куни жаннатдан чиқарилдилар. Жаннат аҳли Аллоҳу таолони жума кунлари кўришади.

Жума намозининг фарзлари

Жума куни пешин вақтида ўн олти (16) ракъат намоз ўқилади. Булардан икки ракъати фарз бўлиб, бу ўша куннинг пешин намозидан ҳам қувватлироқ фарздир. Жума намозининг фарз бўлиши учун икки турли шарт бор:

1. Адо шартлари.
2. Вужуб шартлари.

Адо шартларидан бири нуқсон бўлса, намоз қабул бўлмайди. Вужуб шартларидан бири нуқсон бўлса ҳам намоз қабул бўлади.

Адо шартлари
(Жуманинг саҳиҳ бўлиши учун шартлар)

1. Намозни шаҳарда ўқиш шарт. (Шаҳар - деб, жамоати энг катта масжидига сиғмайдиган аҳоли пунктига айтилади.)

2. Давлат раҳбари ёки ҳокимнинг рухсати билан ўқиш. Ёхуд ўшалар тайинлаган хатиб ёки хатибнинг вакили ўқитиши мумкин.

3. Пешин намозининг вақтида ўқиш.

4. Вақт ичида хутба ўқиш. [Олимлар:*«Жумъа хутбасини ўқиш, ифтиҳоҳ такбири каби муҳимдир»*-деганлар.

Яъни ҳар иккала хутбани ҳам араб тилида ўқиш керак. Хутба ўқийдиган хатиб аввал ичида Аъузу-Бисмиллони ўқиб, кейин баланд овоз билан ҳамд-у сано, калима-и шаҳодат ва салоту салом ўқийди. Кейин ваъз, яъни азобга, савобга сабаб бўладиган хусусларни хотирга солиб ўтади. Ояти карималар ўқийди. Орада бир марта ўтириб туради. Иккинчи хутбани ўқиётганда, ваъз ўрнига мўминларга дуо қилади. Хутбада тўрт халифанинг исмини зикр этиш, мустаҳабдир. Хутбага дунё масалаларини аралаштириш ҳаромдир. Хутбани нутқбозлик ёки конференцияга айлантирмаслик керак. Хутба ўқиш суннат бўлса ҳам ҳаддан зиёд узун ўқиш макруҳдир.]

5. Хутбани намоздан аввал ўқиш.

6. Жума намозини жамоат билан ўқиш.

7. Масжиднинг эшикларини барчага очиқ тутиш, Жуманинг адо шартларидандир.

Вужуб шартлари

1. Шаҳарда, қасаба ва катта қишлоқда яшаш шарт. Сафарий, яъни мусофирга Жума ўқиш фарз эмас.

2. Сиҳҳати жойида бўлиши шарт. Хасталарга, беморни ташлаб кетолмайдиган боқувчига ва жуда ҳам кексайиб қолганларга фарз эмас.

3. Ҳур (озод) бўлиш.

4. Эр киши (ўғил) бўлиш. Аёлларга фарз эмас.

5. Оқил (ақлли) ва болиғ (балоғатга етган) бўлиш.

6. Кўр бўлмаслик. Йўлида йўлдоши, ёрдамчиси бўлса ҳам кўзи кўрмайдиганларга фарз эмас.

7. Ўзи юра олиши шарт. Элтувчи ёрдамчиси ёки воситаси бўлса ҳам шол ёхуд чўлоқ бўлган кимсага фарз эмас.

8. Қамоқда, зиндонда бўлмаслик шарт. Душман ва ҳукумат тақиқи, золимнинг хавфи бўлмаслиги керак.

9. Шиддатли бўрон, қор, ёмғир, довул, лой, ботқоқлик ва аёз бўлмаслиги шарт.

Жума намози қандай ўқилади?

Жума куни Пешин азони айтилгач 16 (ўн олти) ракъат намоз ўқилади. Булар навбати билан қуйидагича:

1. Аввал жума намозининг тўрт ракъатлик **илк суннати** ўқилади. Бу суннат, худди пешин намозининг илк, яъни дастлабки суннатидек ўқилади. Бу тўрт ракъат учун *«Аллоҳ ризоси учун жума намозининг илк суннатини ўқишга ният қилдим. Юзландим қиблага»* - деб ният қилинади.

2. Сўнгра, масжид ичида иккинчи азон ва хутба ўқилади.

3. Хутба тугагач, иқомат айтилиб жамоат билан жума намозининг икки ракъат **фарзи** ўқилади.

4. Фарз адо этилгач, жума намозининг тўрт ракъатлик **охирги суннати** ўқилади.

5. Ундан кейин, *«зиммамга фарз бўлиб, ўқиёлмаган энг охирги пешин намозининг фарзини ўқишга»*- деб ният қилиниб [халқ орасида *Эҳтиёти пешин* деб юритиладиган] **зуҳри охир**, яъни охирги пешин намози ўқилади.

[Бу намоз жума намозининг баъзи шартларида аҳён-аҳён зоҳир бўлган гумон ва шубҳаларга тадбир сифатида минг йиллардан бери ўқиб келинаётган намоздир. Бошқача исми «эҳтиёт-и пешин» бўлса ҳам ниятда «эҳтиёти пешин»- деб эмас, балки «зиммамга фарз бўлган..»-деб ният қилиш, мақсадга мувофиқдир.

«Зиммамга фарз бўлган охирги пешин...» - деб ният қилинганда, жума қабул бўлмаса, ўша намоз жума кунги пешин намозининг ўрнига ўтади. Лекин шояд, жума қабул бўлган бўлса, шу куннинг пешин намози ҳам ўқилган бўлиб, жума қабул бўлгани учун, бу намоз соқит бўлади. У ҳолда бу намоз нофилага, яъни фарз бўлмаган бир намозга айланади. Чунки фарзга ният қилиб суннат ўқиш жоиздир. Лекин бу намоз, ўтган қазо намозларининг ўрнига ўтмайди.

Қазо намозларининг ўрнига ўтиши учун, ниятда: ***«Зиммамга фарз бўлиб, ўқиёлмаган охирги пешин намозининг фарзига...»*** - дейиш, афзал ва уйғундир. Фақатгина мана шу ният билан адо этилган намоз, ҳам қазо ўрнига, ҳам пешин фарзи ўрнига ўтиши, ҳам-да нофилага айланиши мумкин. Аммо, ҳеч қанақа қазо намози бўлмаганлар, охирги пешиннинг ҳар ракъатида замми сура ўқишлари даркор.

Шояд, жума қабул бўлмасдан бу намоз ўша кунги пешиннинг ўрнига ўтгудек бўлса, у ҳолда фарз намозларнинг ҳар ракъатида сура ўқишнинг ҳеч қандай зарари бўлмайди. Пешин қазоси бўлган кимса, ҳар ракъатда замми сура ўқимайди. Чунки, жума қабул бўлмаган тақдирда бу намоз пешин ўрнига ўтади. Қабул бўлса, қазо ўрнига ўтади.].

6. Энг охирида икки ракъат **вақтнинг суннати** ўқилади.

7. Намоз битгач ҳар ким ўз ичида алоҳида **оятал курси, тасбиҳ ва дуоларни** ўқиб, имомни кутиш адабдандир. Иши бўлган мўмин кутмаслиги мумкин.

Жума кунининг суннат ва адаблари

1. Муборак жума кунини пайшанба кунидан кутиб олиш.
2. Жума куни ғусл олиш.
3. Сочни қисқартириш. Соқолнинг бир тутамдан узунини қирқиш. Тирноқ олиш. Оқ либослар кийиш.
4. Жума намозига мумкин қадар эртароқ чиқиш.
5. Масжидда олд сафларга ўтиш учун жамоатнинг елкасидан ошиб ўтмаслик.
6. Масжидда намоз ўқиётганларнинг олдларидан ўтмаслик.
7. Хатиб ёки имом минбарга чиққандан кейин лом-мим демасдан жим ўтириш. Ҳатто гаплашиб ўтирган бир кимсага ишора ҳам қилмаслик керак. Ич азонни оғиз билан такрорламаслик ва қўл очиб дуо қилмаслик. Намозга киришмаслик. Хатиб дуо қилаётганда «омин»- демаслик. Салавот ва дуоларни тил билан эмас, дил билан ўқиш жуманинг адабларидандир. Хутба ўқилаётганда, юқоридагиларга хилоф иш қилиш ҳаромдир.
8. Жума намозидан кейин Фотиҳа, Кофирун, Ихлос, Фалақ ва Нос сураларини етти мартадан ўқиш.
9. Асргача масжидда қолиб ибодат билан машғул бўлиш.
10. Аҳли Суннат олимларининг китобларидан берилаётган ёки ўқилаётган дарс ва ваъзларга иштирок этиш[1].
11. Жума кунини тамоман ибодат билан ўтказиш.
12. Бу кунда кўп-кўп салавоти шарифа келтириш.
13. Қуръони карим ўқиш. «Каҳф» сурасини ўқиш катта савоб.
14. Садақа бериш.
15. Ота-онани ёхуд қабрларини зиёрат қилиш.
16. Уйда таомларни ҳар кунгидан кўпроқ ва мазалироқ қилиб пишириш.
17. Кўпроқ намоз ўқиш. Қазоси бўлган кимсанинг қазо ўқиши.

[1] Аҳли суннат деб мавжуд ва машҳур тўрт мазҳабга айтилади. Ўзини аҳли сунна деб тақдим қилаётган ҳар гуруҳга ишонавермаслик керак. Айниқса Ҳанбалийни баҳона қилган мазҳабсизларга алданмаслик керак. Чунки Туркистон диёрида ҳақиқий ҳанбалийлар йўқ. Бу исм тагига кўпинча ваҳҳобий ва салафий деган ислом душманлари яширинишади.

БАЙРАМ (ҲАЙИТ) НАМОЗЛАРИ

Шаввол ойининг биринчи куни – фитр, яъни Рамазон ҳайитнинг; Зулҳижжанинг ўнинчи куни эса – Қурбон ҳайитнинг биринчи куни бўлиб ҳисобланади. Бу икки кунда, қуёш чиққандан кейин эркакларнинг икки ракъат байрам намози ўқишлари – вожибдир.

Байрам намозининг шартлари худди жума намозининг шартлари кабидир. Бироқ ҳайит намозида хутба ўқиш суннат бўлиб, намоздан кейин ўқилади.

Рамазон байрамида намоздан аввал ширинлик (хурмо ёки қандалот маҳсулоти) тановвул қилиш, ғусл олиш, мисвок қўлланиш, энг яхши, чиройли кийимларини кийиш, фитр садақасини намоздан аввал бериш, йўлда паст овоз билан такбир ўқиш - мустаҳабдир.

Қурбон байрамида эса намоздан аввал ҳеч нарса емаслик, намоздан кейин дастлаб қурбонлик гўштидан ейиш, намозга кетаётганда овоз чиқариб такбир айтиш (узрли кимса, паст овозда айтади) - мустаҳабдир.

Ҳайит намозлари икки ракъатдан иборат бўлиб, фақатгина жамоат билан адо этлади.

Байрам намози қандай ўқилади?

1. Дастлаб *«Ният қилдим вожиб бўлган байрам намозини ўқишга. Уйдим (иқтидо қилдим) ҳозир бўлган шу имомга»* - деб ният қилиниб, намозга кирилади. Кейин «Субҳонака» ўқилади.

2. Субҳонакадан кейин, ҳар бирида бир такбир айтилиб, қўллар уч марта қулоққа кўтарилади. Биринчи ва иккинчи такбирларда қўллар боғланмасдан икки ёнга туширилади. Учинчисида киндик тагига боғланади. Имом аввал Фотиҳа кейин бир Замми сура ўқийди ва биргаликда рукуъга эгилинади.

3. Иккинчи ракъатда имом аввал Фотиҳа, кейин бир сура ўқийди. Кейин ҳар бирида бир такбир айтилиб, қўллар уч марта қулоққа кўтарилади ва учаласида ҳам боғланмасдан ёнга ташланади. Тўртинчи такбир айтилганда, қўллар қулоққа кўтарилмасдан рукуъга эгилинади. Осон эсда қолиши учун қисқача: ***Икки ташла бир боғла; уч ташла бир эгил***- деб ёдланади.

ТАШРИҚ ТАКБИРЛАРИ

Қурбон ҳайитнинг олдидаги арафа куни Бомдод намозидан эътиборан, тўртинчи куни Аср намозигача, ҳожилар ҳам дохил, эркак-аёл барча мусулмоннинг ёлғиз ёки жамоат билан ўқишидан қатъий назар, ҳар бир фарз намозидан кейин дарҳол бир марта Ташриқ такбирини айтиши, вожибдир.

Жаноза намозидан кейин айтилмайди. Масжиддан чиққандан ёки орада гапириб қўйгандан кейин, ташриқ такбирини айтиш лозим эмас.

Имом, ташриқ такбирини айтишни унутса ҳам, жамоат тарк этмайди. Эркаклар баланд овозда айтишлари мумкин. Аёллар паст овозда айтишади. **Ташриқ такбири:**

«АЛЛОҲУ АКБАР, АЛЛОҲУ АКБАР. ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲУ ВАЛЛОҲУ АКБАР. АЛЛОҲУ АКБАР ВА ЛИЛЛОҲИЛ-ҲАМД».

ЎЛИМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ўлимни хотирлаш – энг аъло насиҳатдир. Ҳар бир мўмин кимсанинг ўлимни тез-тез эсга олиб туриши, суннатдир. Ўлимни эслаш – амрларни бажаришга ва гуноҳлардан тийилишга сабаб бўлади. Ҳаром ишлашга жасорат камаяди. Севгили Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» айтдиларки: ***«Лаззатларни бўғадиган, ўйин кулгиларга чек қўядиган ўлимни тез-тез эслаб туринг!»***

Авлиёуллоҳдан баъзилари ўлимни ҳар куни бир марта эслашни одат қилган эдилар. Авлиёнинг улуғларидан бўлган Муҳаммад Баҳовуддин Бухорий «қуддиса сирруҳ», ҳар куни ўзларини йигирма маротаба ўлган ва қабрга қўйилган деб фараз қилардилар.

Узун амал - узун яшашни орзу қилиш деганидир. Ибодат ва динга хизмат мақсадида, кўп яшашни орзу қилиш – узун амал бўлмайди. Узун амал соҳиблари ибодатларини ўз вақтларида адо этиша олмайди. Тавбани тарк этишади. Қалблари қаттиқлашади. Ўлимни хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ваъз ва насиҳатлардан ибрат олишмайди. Узун амал касаллигига мубтало бўлганлар, нуқул дунёнинг мол ва мансабига, мақом ва мавқеига эришиш учун умрларини ҳароб қилишади. Охиратни унутишади. Фақатгина завқу сафосини ўйлайдиган бўлиб қолишади.

Ҳадиси шарифларда марҳамат қилиндики: ***«Ўлмасдан аввал ўлинг. Ҳисобга тортилмасдан аввал ўз-ўзингизни ҳисобга тортинг.»***

«Ўлимдан кейин бўладиганлар ҳақида, сизнинг билганларингизни ҳайвонлар ҳам билсаларди, ейишга биронта семиз ҳайвон тополмаган бўлардингиз.»

«Кеча кундуз ўлимни эслаб юрадиган кимса, қиёмат куни шаҳидларнинг ёнида бўлади.»

Узун амалнинг сабаблари: дунё лаззатларига тушкун бўлиш, ўлимни унутиш, соғлиги ва ёшлигига ишониб алданишдан иборатдир. Бу касалликдан қутулиш учун, ўша сабабларни йўқотиш керак. Ажалнинг ҳар сонияда келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Узун амалли бўлишнинг зарарларини ва ўлимни эслаб туришнинг фойдаларини ўрганиш лозим. Бир ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: ***«Ўлимни кўп хотирланг! Уни хотирлаш, инсонни гуноҳ ишдан сақлайди ва охиратда зарарли бўлган нарсалардан тийилишга сабаб бўлади».***

ЎЛИМ НИМА?

ЎЛИМ – йўқ бўлиш эмас, балки руҳнинг баданга бўлган боғлилигининг тугашидир. Яъни руҳнинг бадандан айрилишидир. Ўлим, инсоннинг бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтиши, айланишидир. Бу, бир уйдан бошқа бир уйга кўчишга ўхшайди. Умар бин Абдулазиз ҳазратлари айтдиларки: «Сизлар абадий яшаш учун яратилгансиз. Лекин маълум бир вақтларда бир уйдан бошқа уйга кўчиб турасизлар.» Ўлим, мўминларга ҳадя ва неъмат, гуноҳкорларга эса ғам ва мусибатдир. Ҳеч кимса ўлишни хоҳламайди. Лекин, ўлим фитнадан хайлироқдир. Инсон яшашни хоҳлайди. Ҳолбуки, ўлим ҳаётдан хайрлироқдир. Солиҳ бўлган мўмин ўлим воситасида, дунёнинг азият ва хорғинлигидан фориғ бўлади. Золимларнинг ўлими туфайли, мамлакатлар, халқлар ва қуллар зулмдан нажот топишади. Бир золимнинг ўлими муносабати билан битилган байт:

На ўзи қилди роҳат, на оламга берди ҳузур,
Ўтди дунёдан, зулмига чидасин аҳл-и қубур.

Мусулмон руҳининг бадандан айрилиши, асир одамнинг қамоқдан қутулишига ўхшайди. Мўмин кимса вафот этгач, қайта дунёга келишни истамайди. Фақатгина шаҳидлар дунёга қайтишни ва яна бир марта шаҳид бўлишни орзу қилишади. Ўлим ҳар бир мўмин учун совғадир. Бир кимсанинг динини ёлғиз қабри ҳимоя қила олади. Мозордаги, қабрдаги ҳаёт, мавтонинг амалларига қараб, ё жаннат боғларидан бир боғчада, ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чакалакзорда ўтиши мумкин.

ЎЛИМ ҲАҚ

Ўлимдан қочиб қутулишнинг иложи борми? Албаттаки йўқ! Ҳеч кимсанинг муддатидан бир сония ҳам ортиқроқ яшашга имкони йўқ. Ажали етган мутлақо ўлади. Бу вақт кўз очиб юмгунча ўтадиган бир ондир. Қуръони каримдаги бир ояти каримада маъолан**: «Ажаллари келган вақтда, уни бир соат илгари ёки бир соат кейинга ололмайдилар» -** дейилган.

Аллоҳу таоло бир кимсанинг ўлимини қаерда ихтиёр қилган бўлса, ўша кимса бор-будини, бола чақасини ташлаб ўша жойда жонини таслим қилади.

Аллоҳу таоло бизнинг кунда қанча нафас олиб берганимиздан хабардордир. У билмайдиган, унинг хабари бўлмайдиган ҳеч нарса йўқдир. Агар умримиз давомли иймон, ибодат ва тоат билан ўтадиган бўлса, охири саодат бўлади. Аллоҳу таоло Азроил «алайҳиссалом»га буюрдики: ***«Дўстларимнинг жонини осонлик-ла ол, душманларимнинг жонини эса, қийноқ билан ол!»*** Иймонли қалбларга бу қандай катта суюнчи ва қандай катта бахт. Иймонсизлар учун эса, қандай катта фалокат ва қандай катта залолатдир.

ЖАНОЗА НАМОЗИ

Бир мўминнинг вафот хабарини олган эркакларга, эркаклар бўлмаса, аёлларга жаноза намози ўқиш фарзи кифоядир. Жаноза – деб, Аллоҳ учун намозга, маййит (ўлик) учун дуога айтилади. Аҳамият бермайдиганларнинг ва масхара қиладиганларнинг иймони кетади.

Жаноза намозининг шартлари

1. Маййит мусулмон бўлиши керак.
2. Ғасл қилинган, яъни ювилган бўлиши шарт. Ювилмасдан кўмилаётган бўлса, қаралади, агар устига тупроқ ташланмаган бўлса, чиқарилиб ювилиб, намози ўқилиб кейин кўмилади. Жанозада маййит ва имом турган жойлар тоза бўлиши керак.
3. Маййитнинг бадани, агар парчаланган бўлса, тананинг ярми билан боши ёхуд бадан бошсиз бўлса, тананинг ярмидан кўпроғи имомнинг олдида бўлиши шарт.
4. Маййит ерда ёки ерга яқинроқ, ёхуд қўлда кўтарилиб турган ҳолда ёки тош устида бўлиши шарт. Жанозанинг боши имомнинг ўнг, оёғи эса, чап тарафига келиб туриши керак. Маййитни имомнинг олдига тескари қилиб қўйиш гуноҳ бўлади.
5. Маййит ва имомнинг аврат жойлари ёпиқ бўлиши керак.

Жаноза намозининг фарзлари

1. Тўрт маротаба такбир келтириш.
2. Тикка туриб оёқда ўқиш.

Жаноза намозининг суннатлари

1. Субҳонака ўқиш.
2. Саловат ўқиш.
3. Ўзига, маййитга ва барча мусулмонларга авфу мағфират учун билдирилган дуолардан бирини ўқиш.

Жаноза намози масжиднинг ичида ўқилмайди. Туғилганида тирик бўлиб, кейин ўлган чақалоққа исм қўйилади, ювилади, кафанланади ва намози ҳам ўқилади.

Жаноза кўтарилиши керак бўлган пайтда тобутнинг тўртта учидан тутилади. Аввал жанозанинг бош тарафи ўнг елкага, кейин оёқ тарафи ўнг елкага, Ундан сўнгра бош тарафи чап елкага, кейин оёқ тарафи чап елкага қўйилиб, ҳар бирида ўн қадамдан кўтариб юрилади. Яъни ҳар бир инсон жанозанинг тўртала тарафини тутиб ўн қадам ташимоғи суннатдир. Қабристонга борилгач, жаноза елкадан туширилмагунча ўтирилмайди. Дафн қилинаётганда иши бўлмаганлар ўтиришади.

Жаноза намози қандай ўқилади?

Жаноза намозининг тўртта такбиридан ҳар бири худди бир ракъат кабидир. Бу такбирлардан фақат биринчисида қўллар қулоққа кўтарилади. Кейинги учтасида қўллар кўтарилмайди.

1. Биринчи такбир келтирилиб қўллар боғлангач, **“Субҳонака”** ўқилади ва бу орада, **“ва жалла саноука”** ҳам қўшиб ўқилади. Фотиҳа сураси эса ўқилмайди.
2. Иккинчи такбирдан кейин ташаҳҳудда ўтирилганда ўқиладиган **“салавот”**лар, яъни **“Аллоҳумма солли”** ва **“Борик”** дуолари ўқилади.
3. Учинчи такбирдан кейин жаноза дуоси ўқилади. [Жаноза дуосининг ўрнига **“Роббана оти-на..”** ёки фақатгина **“Аллоҳуммағфирлаҳ”** дейиш ёхуд дуо нияти билан **“Фотиҳа”**ни ўқиш кифоя қилади.]
4. Тўртинчи такбирдан кейин дарров ўнгга ва чапга салом берилади. Салом берилаётганда жанозага ва жамоатга ният қилинади.

Имом фақат тўрт такбирни ва икки елкага бериладиган саломни овоз чиқариб, қолганларини ичида ўқийди.

Жаноза маросими тугагач, тобутнинг ёнида дуо қилиш жоиз эмас. Макруҳ бўлади.

ТАРОВИҲ НАМОЗИ

Таровиҳ намози эркак ва аёллар учун суннатдир. Рамазони шарифнинг ҳар оқшомида ўқилади. Таровиҳни жамоат билан ўқиш суннати кифоядир. Ўқилиш вақти – витрдан аввал, хуфтондан кейин бўлиб, витрдан кейин ҳам ўқилиши мумкин. Масалан: Таровиҳнинг бир қисмига етишиб, имом билан витрини ҳам адо этган кимса, таровиҳнинг улгуролмаган ракъатларини витрдан кейин ўқийди.

Вақтида адо этилмаган таровиҳ намозининг қазоси бўлмайди. Агар қазоси ўқилган бўлса, у таровиҳ эмас, балки нофила бўлади.

Таровиҳ намози йигирма ракъатдан иборат.

Таровиҳ намози қандай ўқилади?

Таровиҳ намозини ҳар икки ракъатда бир салом ва ҳар тўрт ракъатда тасбиҳ ўқиш йўли билан адо этиш мустаҳабдир. Қазо намози бўлган кимса, беш вақт намознинг суннатлари ва таровиҳ намози ўрнига қазо нияти билан қазо намозларини ўқиб битириши, ана ундан кейин суннат ва нофилалар билан машғул бўлиши лозим.

Таровиҳ намози жомеларда, масжидларда жамоат билан ифо этилаётган бўлса, бошқалари уйларида ёлғиз ўқишлари ҳам мумкин, гуноҳ бўлмайди. Фақат жамоат савобидан маҳрум бўлиб қолишади. Уйда бир ёки бир неча киши билан жамоат бўлиб адо қилишса, ёлғиз ўқигандан йигирма етти марта кўп савоб қозонилади. Ҳар бир ифтиҳоҳ такбирида алоҳида алоҳида ният қилиш афзалроқдир. Хуфтонни жамоат билан ўқиёлмаганлар, таровиҳни ҳам жамоат билан ўқишолмайди. Хуфтонни бир жойда бир жамоат билан ўқимаганлар, яъни хуфтонни бошқа-бошқа жамоатларда адо этганлар ҳам битта жойда тўпланишиб, таровиҳни жамоат билан ўқишолмайди. Чунки хуфтондаги жамоат билан таровиҳдаги жамоат бир бўлиши керак. Агар бир кимса, хуфтон намозини у ёки бу жамоат билан ўқимаган бўлса, фарзни ёлғиз ўзи адо этиб келиб, таровиҳни жамоат билан адо этиши мумкин.

Бешинчи Бўлим

САФАРДА НАМОЗ

Ҳанафий мазҳабида бўлган бир кимса, ўн беш кундан оз қолиш нияти билан 104 (юз тўрт) километр ёки ундан ҳам узоқроқ бир манзилга сафар қилса, мусофир, яъни "сафарий" бўлади. Сафарий ёки мусофир, йўловчи демакдир. Сафарий бўлган кимса, тўрт ракъатлик фарзларни икки ракъат қилиб ўқийди. Муқим (сафарий бўлмаган) имомга иқтидо қилса, яна тўрт ракъат қилиб ўқийди. Сафарий имом бўлса, икки ракъатдан кейин салом бериб намоздан чиқади. Унга иқтидо қилган муқим жамоат эса, уч ва тўртинчи ракъатларни ўқиб, тўртга тамомлайди.

Сафарий, махси устига уч кеча-кундуз масҳ торта олади. Рўзасини буза олади. Лекин сафарда қийналмаётган бўлса, рўзасини бузмаган афзалроқдир. Сафарийга қурбонлик сўйиш вожиб эмас. Жума намозини ўқиш ҳам фарз бўлмайди.

Тўрт ракъатлик намоз вақтининг охирида сафарга чиққан кимса, ҳали намозини ўқимаган бўлса, икки ракъат қилиб ўқийди. Бироқ намоз вақтининг охирида ватанига қайтган сафарий, ўша намозини йўлда ўқимаган бўлса, ватанига киргани учун тўрт ракъат қилиб тўлиқ ўқийди.

«Неъмати ислом» деган мўтабар китобда: *«Нофила намозларини оёқда ўқишга қурби етган ҳолда, ўтириб ўқиш, ҳамма вақт ва ҳамма жойда жоиздир. Ўтириб ўқиётганда рукуъ учун гавдани эгиш, сажда учун эса, бошни ерга қўйиш керак. Лекин ҳеч қандай узри бўлмаган кимса, нофилаларни ўтириб ўқиса, оёқда ўқиганларга нисбатан икки баравар кам савоб олади. Беш вақт намознинг суннатлари ва таровиҳ намози ҳам нофила намоздир. Йўлда, яъни шаҳардан ва қишлоқдан ташқарида нофила намозларни улов устида ўқиш, жоиздир. Қиблага ўгирилиш, рукуъ ва сажда қилишнинг ҳожати йўқ. Имо билан ўқилади. Яъни рукуъ учун бироз эгилиб, сажда учун эса рукуъдагидан кўпроқ эгилади. Уловининг устида ёки ўз баданида кўпроқ нажосат бўлиши намозга монеълик қилмайди. Ерда нофила ўқиётган кимса, чарчаса ёки мажолсизлашса, ҳассага, деворга, ҳамроҳига суяниб ўқиши жоиздир. Пиёда юриб кетаётиб, намоз ўқиш саҳиҳ эмас.»*

Фарз ва вожиб намозларини зарурат бўлмагунча, улов устида ўқиш жоиз эмас. Фақат, узрли ҳоллардагина ўқилиши мумкин. Зарурат бўлган узрлар:

1. Жони, моли ва улови учун қандайдир бир хавф туғилса;
2. Уловдан тушган тақдирда йўлдошларининг уни кутмасдан кетиб қолиш хавфи бўлса;

3. Уловдан тушган тақдирда уловининг йўқолиш, уловдаги ашёнинг ёки ёнидаги молнинг ўғирланиш хавфи бўлса;
4. Касалманд бўлсаю, уловдан тушиш-миниш касаллигини орттирадиган бўлса;
5. Тушгандан кейин уловига қайтадан минолмайдиган бўлса;
6. Ҳамма тараф лой, ёмғир бўлиб, ҳеч намоз ўқийдиган жой тополмаса;
7. Душман хавфи бўлса, узрли бўлиб ҳисобланади. Юқоридаги сабаблардан бири билан намозини улов устида ўқишга мажбур бўлган кимса, иложи бўлса, уловини Қиблага қаратиб тўхтатиб қўйиб ўқиши керак. Иложи бўлмаса, қайси тарафга кетаётган бўлса, ўша тарафга қараб ўқийди. Улов устига ортилган катта сандиқ каби маҳмил дейиладиган катта кутилар устида намоз ўқиётганда ҳам юқоридаги шартларга риоя ва қулайликлардан истифода қилинади. Улов тўхтатилиб ҳалиги маҳмил дейиладиган сандиқнинг тагига тирак қўйиладиган бўлса, супа ёки стол ҳукмига ўтади ва устида ўқиладиган намоз, ерда ўқилган бўлиб ҳисобланади. Бу шартларда қиблага қараб, оёқда ўқилиши керак. Уловидан туша оладиган кимса, фарз намозларини маҳмилда ўқиши жоиз эмас.

Жаъфар Тайёр ҳазратлари Ҳабашистонга кетаётганларида Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» ҳазратларидан кемада намоз ўқиш хусусида қуйидагиларни ўрганган эдилар:

Ҳаракат ҳолидаги кемада фарз ҳам, вожиб ҳам тарк этилмасдан ўқилади. Кемада жамоат билан ўқилса ҳам бўлади. Сузиб кетаётган кемада имо-ишорат билан намоз ўқиш жоиз эмас. Ҳар намознинг рукуъ ва саждаси тўлиқ бажарилиши, Қиблага қараб ўқилиши шарт. Намоз бошида Қиблага қаралиб турилади. Намоз давомида кема Қибла истиқоматидан буриладиган бўлса, намозхон ҳам намоз ичида аста секин Қибла тарафга бурилади. Кемада нажосатдан таҳорат ҳам албатта лозим. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ҳазратларига кўра, ҳаракат ҳолидаги кемада фарз намозларни узрсиз бўлганда ҳам, ўтириб адо этиш жоиз.

Денгиз ўртасида тўхтаб турган кема кўп чайқалаётган бўлса, ҳаракат ҳолидаги кема ҳукмида бўлади. Билинар-билинмас чайқалаётган бўлса, соҳилда тўхтаб турган кема ҳукмида бўлади. Соҳилда турган кемада эса фарз намозларини ўтириб ўқиш асло жоиз бўлмайди. Агар қуруқликка чиқиш имкони мавжуд бўлса, фарзларини оёқда ўқиш ҳам саҳиҳ бўлмайди. Қуруқликка чиқиб ўқиш шарт бўлади. Моли, жони ёки кеманинг кетиб қолиш хавфи бўлса, кемада тик туриб ўқиш, жоиз бўлади.

Ибни Обидин ҳазратлари айтадиларки: *«Икки ғилдиракли бўлиб, уловга боғланмагунча текис туролмайдиган аравалар ҳам улов бўлиб ҳисобланади. Бу араваларда тўхтаб турганда ҳам, кетаётганда ҳам намоз ўқишнинг ҳукми, улов устида ўқиш кабидир. Тўрт ғилдиракли арава тўхтаб турганида супа ёки стол ҳукмидадир. Ҳаракат ҳолида эса, улов учун керакли юқорида билдирилган узрлар бўлгандагина, фарз ўқилиши мумкин. Бу шартларда аравани тўхтатиб қўйиб, Қиблага қараб ўқийди.*

Тўхтатолмаса, сузаётган кемадагидек қилиб ўқийди.» Ҳаракат пайтида Қиблага қараб туролмайдиган мўмин, Шофиъий мазҳабини тақлид қилиб, икки намозини жам (бир вақтда бирлаштириб) қилиб ўқийди. Бунинг ҳам иложи бўлмаса, истиқболи қибла (қиблага ўгирилиш) фарзи соқит бўлади. Стулда, креслода, ўриндиқ ва шунга ўхшаш ўтиришга мосланган нарсаларда ўтириб, имо-ишорат билан намоз ўқиш ҳеч кимга жоиз эмас. Автобусда, учоқда (тайёра), автомобилда намоз ўқиш, аравада ўқиш деганидир. Демак, аравада намоз ўқиш учун қанақа рухсат ва енгиллик берилган бўлса, автобус, поезд, учоқ ва енгил автомобилда ҳам ўша шартларга риоя қилиш керак. Ўша воситаларда юқоридаги шартларга риоя қилиб, яъни тик туриб ўқишнинг имкони бўлмаслиги, ўтириб ўқишни ҳеч қачон ва ҳеч кимга жоиз қилмайди, ўтириб ўқишга баҳона бўлолмайди.

Фарз ва вожиб намозларини сафарда иложи борича уловда; восита (транспорт)да ўқимаслик керак. Зарурат бўлган пайтда воситаларни тўхтатиб, Қиблага қарши тик туриб ўқиш керак бўлади. Шунинг учун воситага минмасдан аввал керакли тадбирларни олиш, керакли инсонлар билан келишиб олиш даркор.

Автобусда, поездда, тайёрада, тўлқинли денгиздаги кемада намоз ўқиётган кимсанинг кўкраги Қибла томондан ўгирилса, намози бузилади. Шунинг учун бу кимса, сажда жойининг ёнига компас қўйиши ва шунга қараб Қибла тарафига ўгирилиб туриши керак. Булар фарз ва вожиб намозларига тегишли ҳукмлардир. Автобусда, поездда, автомобиль ва тўлқинли денгизда Қиблага ўгирила олмайдиганларнинг фарз намозлари жоиз бўлмагани учун булар сафар давомида Қиблага қараб ўқиш имконини топган вақтларда Шофиъий мазҳабини тақлид қилган ҳолда, пешин билан асрни алоҳида ва шом билан хуфтонни алоҳида жам этиб ўқишлари мумкин. Яъни сафарда бу икки жуфт намозни, ўз жуфти билан кетма-кет ўқишлари мумкин. Чунки, Шофиъий мазҳабида, 80 кмдан узоқ давом этадиган сафарларда, асрни пешин намози вақтига хуфтонни шом намози вақтига тақдим қилиб (илгари олиб) ўқиш, ёхуд пешинни аср вақтига, шомни хуфтон вақтига та'хир қилиб (кейинга олиб) ўқиш жоиз. Шунинг учун ҳанафий мазҳабида бўлган кимса, йўлда Қиблага ўгирила олмайдиган бўлса, йўлга чиққач кундуз бирон жойга тўхтаганларида пешин вақтида пешин намозини ўқиб бўлгач, дарров аср намозини ҳам ўқиши керак. Кечаси тўхтаганида эса, хуфтон вақтида аввал шомни кейин хуфтонни ўқиб олади. Бу тўртта намозга ният қиларкан: ***«Шофиъий мазҳабини тақлид қилиб адо этишга, ўқишга...»*** - деб қалбидан ўтказади. Йўлга чиқмасдан аввал ёки сафардан кейин икки намозни бир вақтга жамлаш жоиз эмас.

ХАСТАЛИКДА НАМОЗ

Таҳоратни бузадиган нарсалардан бирортаси давомли равишда содир бўлиб турса, бунга **“Узр”** дейилади. Бавл, ич суриши, ел тутолмаслик, бурун қонаши ва ярадан қон, сариқ сув оқиши, шишдан, оғриқдан кўз ёши оқиши каби ҳолатлар бир намоз вақтида тўхтовсиз бўлиб турса, ўша кимса ва истиҳоза қони оқаётган аёл, узрли бўлишади. Устини беркитиш билан, дори-дармон билан ёки намозини ўтириб ёхуд имо билан ўқиш орқали юқоридаги узр ҳолини кетказиш керак. Бавлини (сийдик) тутолмайдиган эр киши, бавл йўлига арпадек пахтани юмалоқлаб тиқади. Бу пахта кам сизаётган бавлни шимиб олиб бадандан ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади. Шу йўсин таҳорат бузилмайди. Тиқилган пахта хожатга борганда чиқиб кетади. Агар бавл кўп сизаётган бўлса, ортиғи пахтадан ўтиб, ташқарига сизади ва таҳорат бузилади. Пахтадан сизаётган бавл, ич кийимни кирлатмаслиги лозим. Аёллар олдиларига китобларда ***курсуф*** деб юритиладиган бирон латта қўйишлари лозим. Бавл сизишини тўхтата олмасалар, ҳар бир намоз учун алоҳида таҳорат олиб, намозларини шундай адо этишади. Узрли кимса, бу таҳорат билан вақт чиққунча Қуръони карим ушлаши, фарз, нофила ва қазо ўқиши мумкин. Намоз вақти чиққанида таҳорат ўзлигидан бузилади. Вақт чиқмасдан аввал, узрдан бошқа, бирон таҳорат бузувчи ҳодиса рўй берса, таҳорат бузилади. Масалан: Бурун тешикларининг биридан қон оқаётгани баҳона қилиниб узр билан таҳорат олингандан кейин иккинчи тешикдан ҳам қон кела бошласа, таҳорат бузилади. Чунки, биринчи тешикдан келаётган қон узр сифатида қабул қилинган эди. Иккинчи тешикдан оққан қон эса узр ташқарисида, ўзга таҳорат бузувчи ҳодисадир. Узр соҳиби бўлиш учун таҳорат бузувчи бир ҳодиса, бир намоз вақти бўйича тўхтамасдан содир бўлиб туриши керак. Таҳорат олиб, ўша вақтнинг фарзини ўқишга етадиган маълум вақт қадар сақлай оладиган кимса, узрли ҳисобланмайди. Моликий мазҳабининг бир қавлига кўра, таҳорат бузувчи ҳодисалардан битта томчи оқса ҳам узрли бўлишга кифоя қилади. Узрли бўлгач, яъни таҳорат бузадиган сабаблардан бири, намоз вақти давомида ҳеч узликсиз такрорланиб турган кимса, кейинги намоз вақти ичида узр жойидан бир томчи бўлса ҳам оққанини кўрса, узр ҳоли ҳамон давом этаётган бўлади. Бу кимса, узрлилар учун билдирилган қулайликлардан бемалол фойдаланиши мумкин. Бир намоз вақти давомида ҳалиги жойидан ҳеч қанақа томчи чиқмаса, узр ҳоли тугаган бўлиб ҳисобланади. Узрдан оққан нажосат, кийимга бир дирҳам миқдоридан кўпроқ юқса ва яна юқишининг олди олиниши мумкин бўлса, ҳалиги нажосат теккан жойни ювиш керак бўлади.

Ғусл олганида, хасталанишдан ёки касалининг оғирлашишидан ёхуд соғайиш муддати узайиб кетишидан хавотирланган кимса, таяммум қилади. Бу хавфсираш, кишининг ўз тажрибаси билан ёки мусулмон, ишонарли докторнинг кўрсатмаси бўлгандагина, эътиборга олинади. Фисқи, гуноҳи ва алдамчилиги овоза бўлмаган доктор ёки табибнинг кўрсатмалари ҳам инобатга олинади. Совуқ бўлиб, турар жойи, бошпанаси бўлмаслик, сув иситадиган имконларга эга бўлмаслик ва шаҳарда ҳаммом учун пул тополмаслик каби хусуслар хасталанишга сабаб бўлиши мумкин. Ҳанафий мазҳабида бир марта қилинган таяммум билан хоҳлаганча фарз намози ўқилиши мумкин. Шофиъий ва Моликийда эса, ҳар бир фарз намози учун алоҳида таяммум қилиш керак.

Таҳорат аъзоларидан ярми яра бўлган кимса, таяммум олади. Яра, таҳорат аъзоларининг ярмидан камроғини қоплаган бўлса, у ҳолда соғлом аъзолар ювилиб, яралар устига масҳ тортилади. Ғуслда бутун бадан битта аъзо бўлиб ҳисоблангани учун, бутун баданнинг ярми яра ва жароҳат бўлган тақдирдагина, таяммум олинади. Яра жой баданнинг ярмидан кам бўлса, соғлом аъзолар ювилади ва яра устига масҳ тортилади. Масҳ ҳам ярага зарар берадиган бўлса, яра боғланиб, бинт устига масҳ тортилади. У ҳам зарарли бўлса, масҳ тарк қилинади. Таҳоратда ва ғуслда бошни масҳ қилиш зарар берса, бошга масҳ тортилмайди. Қўлсиз бўлгани ёки шол бўлгани учун сув ишлата олмайдиганлар, таяммум олишади. Юзини, қўлларини ерга ёки [оҳакли, тупроқли, тошли деворга] суришади. Қўл-оёғи бўлмаган кишининг юзи ҳам яра бўлса, намозини таҳоратсиз ўқийди. Таҳорат олишга ёрдамчи тополмаган кимса ҳам таяммум қилади. Бу кимсага фарзанди, хизматкори ва ёллаган одами таҳорат олдиришга мажбурдир. Бошқа инсонларни ҳам ёрдамга чақириши мумкин, лекин улар ёрдам беришга мажбур эмас. Эр-хотин ҳам бирбирларига таҳорат олдиришга мажбур эмаслар.

Қон олдириш ёки зулукка сўрдириш натижасида ҳосил бўлган ярага дока, мато боғланса ёки малҳам қўйилса; бу ярага совуқ сув ҳам, иссиқ сув ҳам текказиш мумкин бўлмаса ёки масҳ тортиш мумкин бўлмаса, таҳорат ва ғуслда ўша жойнинг ярмидан кўпроғига масҳ тортилади. Яра устидаги бинтни очиш зарарли бўлса, тагида қолган соғлом жойлар ювилмайди. Ўралган бинт орасидан кўриниб турган соғлом жойларга масҳ тортилади. Бинт ўрашдан аввал таҳорат олиш шарт эмас. Масҳ тортилгандан кейин бинт алмаштирилгудек бўлса ёки устидан янгиси боғланса, янгиси устига масҳ тортиш ҳам шарт эмас.

Оёғида туролмайдиган даражада касал бўлган ёки тик турганида касаллигининг ортишидан ёхуд соғайиш муддатининг узайишидан хавфсираган кимса, намозини ўтириб ўқийди. Рукуъ учун бироз эгилади. Кейин қоматини тиклаб олиб, сўнгра сажда қилади. Шунақа узрли одамлар ўтиришда, ўзларига қулайроқ бўлганини танлашади. Чўккалаб ўтириш, чордона қуриб ўтириш, иҳтибо, яъни думбаси билан ўтириб тиззаларини

юқорига кўтариб, қўллари билан қучиб ўтириш жоиздир. Бош, тизза ва кўз оғриғи ҳам, хасталик ҳисобланади. Тик турганида душманга кўриниб қолиш хавфи ҳам узр ҳисобланади. Оёқда намоз ўқиганида рўзаси ёки таҳорати бузиладиган узрли кимса, намозини ўтириб ўқийди. Бирор нарсага суянган тақдирдагина оёқда тура оладиган одам, намозини суянган ҳолда оёқда ўқийди. Яъни рукуъ учун бироз, сажда учун рукуъдагидан кўпроқ эгилади. Баданини энгаштиролмайдиган намозхон, ёлғиз бошини эгади. Бирор нарсанинг устига сажда қилиш дуруст эмас. Агар бирор баландроқ нарса устига сажда қилса ва сажда учун рукуъдагидан кўпроқ эгилса, намоз саҳиҳ бўлади, лекин макруҳдир. Суяниб ўтиришга қудрати етган ҳолда, ётиб имо қилиш жоиз эмас. Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам», бир касални зиёрат қилдилар. Касалнинг ёстиқни кўтариб, устига сажда қилганини кўриб, ёстиқни олдилар. Касал олдига тахта қўйиб устига сажда қилди. Уни ҳам олдилар ва ***«Агар кучингиз етадиган бўлса, ерга сажда қилинг! Кучингиз етмаса, имо қилинг ва сажда учун рукуъдан кўпроқ эгилинг! Ерга энгашолмасангиз, олдингизга бирор нарса қўйиб, устига сажда қилманг!»***,- деб буюрдилар. **«Баҳр-ур-роиқ»** китобида билдирилганидек, Оли Имрон сураси 191-ояти каримасида маъолан: **«Намозни кучи етадиганлар оёқда, ожизлар ўтириб ўқишади. Ундан ҳам ожиз бўлганлар эса, ётиб ўқишади»** дейилган. Имрон бин Ҳусан хаста бўлганларида Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» у кишига ***«Намозингизни туриб ўқинг! Кучингиз етмаса, ўтириб ўқинг! Унга ҳам мажолингиз етмаса, ён ёки чалқанча ётиб ўқинг!»*** – деб, буюрдилар. Бундан кўриниб турибдики, тик туролмайдиган хаста ўтириб ўқийди, ўтиролмайдиган эса ётиб ўқийди. Лекин стулда, курсида, ўриндиқда ўтириб намоз ўқишга рухсат берилмаган. Хаста одамнинг ёки автобус, поезд, тайёра ва автомобилда кетаётган одамнинг стулда, курсида, ўриндиқда ўтириб намоз ўқиши Исломиятга уйғун эмас. Масжидга борадиган бўлса, ҳолдан тойиб намозини тик туриб ўқий олмайдиган кимса, масжидга бормай уйда намозини тик туриб адо этади.

Қуйидаги 20та шартдан бирининг кам бўлиши жамоатга ёки масжидга бормаслик учун узр ҳисобланади:

Ёмғир; қаттиқ совуқ ва иссиқ; жонига ёки молига ҳужум қиладиган душман хавфи; йўлдошларидан ажралиб ёлғиз қолиш хавфи; жудаям қоронғу бўлиш; камбағал қарздорнинг ҳибсга олиниш хавфи; кўрлик; шол бўлиш; бир оёғи кесик бўлиш; касалликка; оёқ ва қўлнинг қувватсиз бўлиши; йўлнинг ботқоқ бўлиши; ўзи юра олмаслик узри; юролмайдиган даражада қария бўлиш; муҳим ва кам насиб бўладиган фиқҳ дарсини ўтказиб юбориш хавфи; яхши кўрган таомига кўз қиёлмаслик; сафарга отланиш; ёлғиз ташлаб кетишнинг иложи бўлмайдиган оғир касалга қаровчи одамнинг ўрнига қўйиб кетиш учун ёрдамчи тополмаслиги; қаттиқ шамол бўлиши (хуфтон ва бомдодда); ҳожати қистаб туриш.

Касаллигининг ортишидан ёки соғайиш муддатининг узайишидан хавфсираган кимсалар; дармонсизликдан ёки қариликдан юриши қийин бўлган кимсалар жума намозига бормасликлари мумкин. Юқорида саналган 20 та сабаб ҳам, жума намозига бормаслик учун узр ҳисобланади.

Жамоатга ёки масжидга пиёда бориб-келиш, воситада бориб келишдан афзалдир. Масжидда курсида, стулда ўтириб имо билан ўқиш жоиз эмас. Исломда билдирилмаган ёки рухсат берилмаган тарзда ибодат қилиш **“Бидъат”**дир. Бидъат аралаштириб ибодат қилишнинг не чоғли катта гуноҳ эканлиги бутун фиқҳ китобларида очиқча билдирилган.

Бирор нарсага суяниб ўтиролмайдиган касал, чалқанча ётган ҳолда; чалқанча ёта олмаса, ўнг тарафи билан ётиб, боши ила имо қилиб ўқийди. Қиблага ўгирила олмайдиган кимса, қайси тарафга ўгирилиши осон бўлса, ўша тарафга қараб ўқийди. Чалқанча ётган одамнинг боши тагига бирон нарса қўйиб, юзини Қиблага қаратиш керак. Ўша кимсанинг, оёқларини Қиблага узатиб ётмаслик учун тиззаларини букиб ётиши яхширок бўлади. Бошини қимирлатиб имо қилолмайдиган касалнинг намозларини кўзи билан имо қилиб ўқиши мумкин эмас. У кимса намозини қазога қолдиради. Намоз ўқиётганда касал бўлиб оғирлашиб қолган намозхон кучи етган тарзда намозини давом эттиради. Ўтириб ўқиётган хаста, намозда ўзини яхши ҳис қилгудек бўлса, ўрнидан туриб давом этади. Ақли-шуури, ҳушидан кетган кимса, намоз ўқимайди. Бешта намоз вақти ўтмасдан аввал ўзига келса, намозларининг қазосини ўқийди. Агар ҳушдан кетганидан ёки ақлдан, шуурдан озганидан кейин олтита намоз вақти ўтсаю сўнгра ўзига келса, қазога қолган намозларини ўқимайди. Уламодан кўпчилиги: *«Қазо намози бўлганларга, қазоларини имо билан (бўлса-да) тезда ўташлари фарздир. Қазолари тугамасдан аввал ўлим ҳоли муқаррар бўлиб қолса, қарз намозларининг исқоти (соқит бўлиши) учун ўз молидан фидя берилишини васият қилиши вожиб бўлади. Васият қилмаса, меросхўри ёки ҳатто бегона одам ҳам ўз молидан исқот қилиши жоиз бўлади»*- дейишган.

ҚАЗО НАМОЗЛАРИ

Намоз - бадан билан бажо келтириладиган ибодат бўлгани учун уни бири ўрнига бошқаси ўқиёлмайди. Ҳар ким бевосита ўзи ўқиши керак. Намозларнинг ўз вақтида ўқилишига **“Адо”** дейилади. Ўша намозни ўз вақтида ёки бошқа вақтларда бошқатдан ўқишга **“Иёда”** дейилади. Масалан, макруҳ аралаштирилиб ўқилган намозни вақти чиқмасдан аввал ёки иложи бўлмаса, вақти чиққач иёда (такрор) қилиш вожибдир. Фарз ва вожиб намозларини ўз вақтидан бошқа вақтларда ўқишга **“Қазо”** дейилади.

Бир кунлик беш вақт фарз ва витр намозларини адо этаётганда, тартибга риоя қилиш фарздир. Қазолари бештадан кўп бўлмаган кимсага **“Тартиб соҳиби”**, яъни тартиб эгаси дейилади.

Жума намози ўша куни пешин намози вақтида ўқилади. Жума куни бомдодга уйғона олмаган тартиб соҳиби кимса буни хутба ўқилаётган пайтда ҳотирласа, дарҳол қазосини ўқиб олиши керак бўлади. Бир намозни ўқимагунча, ундан кейин келадиган бешта намозни ўқиш жоиз бўлмайди. Ҳадиси шарифда: ***«Бир намозни уйқуда ёки унутиб ўтказиб юборган кимса, кейинги намозни жамоат билан адо этаётганда, (аввалгиси) эсига тушиб қолса, имом билан намозини битиргач, аввалги намозининг қазосини ўқисин! Ундан кейин имом билан ўқиганини бошқатдан ўқисин!»***- деб, марҳамат қилинди. Бу шартлар жами қазо намозларининг адади бештадан кам бўлган тартиб саҳиблари учунгина тааллуқлидир.

Ўтказиб юборилган фарзнинг қазосини ўқиш фарздир. Вожибнинг қазоси вожибдир. Суннатларнинг қазоси эса, амр қилинмади. Ҳанафий мазҳабининг олимлари иттифоқ билан билдирдиларки: намозларини билиб туриб ва узрсиз тарк этиш катта гуноҳ эканлиги билдирилган бўлиб, бундай ўтказиб юборилган намозларнинг қазосини ўқиш ҳам фарздир. Фарз ва вожиб намозларии билиб туриб қазога қодира олиш учун иккита узр мавжуд бўлиб, биринчиси, душман билан юзма-юз бўлиш, иккинчиси эса, сафардаги кимса ёки сафарий бўлмаса ҳам йўловчи кимсага, йиртқич ҳайвон, ўғри-қароқчи, сел, тошқин ва бўрон хавфи бўлишидир. Бу кимсалар, ўтириб ва хоҳлаган тарафга ўгирилиб ёки от-улов устида имо билан ҳам ўқий олмайдиган пайтлардагина, намозларини қазога қолдиришлари жоиз бўлади. Ўша икки узр ва уйқи ёки унутиш сабаби билан намозларини қазога қолдириш гуноҳ бўлмайди. **“Ашбоҳ”** китобининг шарҳида: *«Бўғилаётган, чўкаётган ва шунга ўхшаш хатарли вазиятдаги кимсаларни қутқариш билан машғул бўлиб, намозларини вақтидан кейин ўқиш ҳам саҳиҳ бўлади..»*-дейилган. Табиб, доктор жарроҳ ва доянинг мана шунга ўхшаш узрлар натижасида намозларини ўз вақтидан кечиктиришларига динимиз ҳам изн берган. Лекин, узр ҳоли битгач, тезда қазосини ўқиш фарз бўлади. Ҳаром бўлган уч вақтдан бошқа бутун вақтларда ўқиш нияти билан, бола-чақасининг ризқини ва эҳтиёжларини таъминлаш учун меҳнат қилиниши керак бўлган вақтлардагина, қазо намозларини ўқишни кечиктириш мумкин. Бу қулайликдан, иш вақтида фарзларини қазога қолдириш мумкин экан деган хулоса чиқармаслик керак. Зеро, севгили пайғамбаримиз Ҳандак жангининг шиддатидан ўқий олмаган тўрт намозни Асҳоби киромнинг ярадор ва хорғин эканликларига қарамай ўша кечасиёқ жамоат билан ўқиган эдилар. Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» айтдиларки: ***«Икки фарзни бир орага келтириш, катта гуноҳ ҳисобланади.»*** Яъни бир намозни ўз вақтида ўқимасдан бошқа вақтга

кечиктириш катта гуноҳдир. Бир ҳадиси шарифда хабар берилдики: ***«Бир намозни вақти чиққандан кейин ўқиган кимсани Аллоҳу таоло саксон ҳуқба дўзах азобига маҳкум қилади».*** Бир ҳуқба - саксонта охират йилига тенг. Охиратнинг бир куни эса, дунёнинг минг йилича келади. Бир вақт намозни ўз вақтидан кейин ўқишнинг жазоси бу бўлса, ҳеч ўқимайдиганларнинг ҳоли нима кечади?

Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» марҳамат қилдиларки: ***«Намоз диннинг таянчидир. Намозини ўқийдиган кимса динини тиклаган, тарк этадиган эса, вайрон қилган бўлади.»*** Бошқа бир ҳадиси шарифда айтилдики: ***«Қиёмат куни иймондан кейин биринчи сўроқ намоздан сўралади».*** Ўшанда, Аллоҳу таоло буюрадики: **«Эй қулим! Намознинг ҳисоб-китобидан ўта олсанг бас, нажот сеникидир. Бошқа ҳисобларингни осонлаштираман».** Анкобут сураси 45-оятининг мазмунида: **«Қусрсиз тўғри адо этиладиган намоз, инсонни чиркин, ифлос ишлардан ҳимоя қилади» -** дейилган. Пайғамбаримиз «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» яна марҳамат қилдиларки: ***«Инсоннинг Раббига энг яқин пайти, намоз ўқиётган пайтидир».***

Бир мусулмоннинг хоҳлаган бир намозни ўз вақтида адо этмай, қазога қолдириши икки хил бўлади:

1. Узр сабаби билан;
2. Фарз эканини, вазифа эканини била туриб, аҳамият бера туриб, дангасалик билан ўқимаслик.

Фарз намозини узрсиз, сабабсиз ўз вақтидан кейин ўқиш, яъни қазога қолдириш - ҳаромдир, катта гуноҳдир. Бу гуноҳ, қазо ўқилган ҳолда ҳам кечирилмайди. Қазо ўқилганида, фақатгина намозини ўз вақтида ўқимаганнинг гуноҳи кечирилади. Намозини кечиктиргани учун эса, алоҳида тавба керак бўлади. Бир кимсанинг қазолари бўлсаю уларни ўтамасдан, ёлғиз тавба қилса, гуноҳи кечирилмайди. Қазоларини ўқиб бўлгач, тавба қилса кечирилиши умид қилинади. Тавба қилаётганида ўқимаган қарз намозларини ҳам ўташи керак. Қазо ўқишга имкони бўла туриб ўқимаган кимса, яна-да катта гуноҳ қилган бўлади. Ўша катта гуноҳ, ҳар намоз ўқигулик вақт ўтган сайин икки баравар ортиб боради. Чунки, қазоларни бўш вақт топган заҳоти ўқиш ҳам фарздир. Ҳарбир фарзнинг тарки, ҳаром ва гуноҳ бўлгани учун, бу гуноҳ, қарз ўталмагунча ортаверади. **“Умдат-ул-ислом”** ва **“Жомиъ-ул-фатово”** исмли фиқҳ китобларида: *«Душман билан юзма-юз келганда, бир фарзни ўқишнинг имкони бўлган ҳолда, (душман баҳона қилиниб) бу фарзни тарк этишнинг гуноҳи, етти юз катта гуноҳга тенг бўлади»* - дейилган.

ИЗОҲ: Сунатлар ўрнига қазо ўқиш мумкинми?

Ғавс-ул-аъзам Абдулқодир Гейлоний (Гийлоний ёки Ғилоний) ҳазратлари **“Футуҳ-ул-Ғайб”** китобида ёзадиларки: «Мўмин, аввало, фарзларни бажо келтириш керак. Фарзлар битгач, суннатларни адо этади. Ундан кейин нофилалари билан машғул бўлади. Фарз ибодатидан қарзи бўлган кимсанинг, суннатлар билан вақт ўтказиши аҳмоқликдир. Фарз қарзи [қазолари] бўлган кимсанинг суннатлари қабул бўлмайди. Али ибн Абу Толиб «родияллоҳу анҳ» ривоят қиладилар: Расулуллоҳ «саллаллоҳу алайҳи ва саллам» марҳамат қилдиларки: ***«Зиммасида фарз қарзи бўлган кимса, қазони қўйиб нофила амал ишласа, бекорга заҳмат чеккан бўлади. Бу кимса, қазосини ўтамагунча Аллоҳу таоло унинг нофила намозларини қабул қилмайди».*** Ғавс-ул-аъзам Абдулқодир Гейлоний ҳазратлари билдирган бу ҳадиси шарифни Ҳанафий мазҳаби олимларидан бўлмиш Абдулҳақ Деҳлавий ҳазратлари қуйидагича изоҳ, яъни шарҳламоқдалар: *«Бу хабар, фарз қарзи* [қазоси] *бўлган кимсанинг суннат ва нофила ибодатлари қабул бўлмаслигини билдирмоқда. Суннат намозлари, фарзларни тамомлашини биламиз. Лекин бу, «суннат фарзнинг ўрнига ўтади», - деган маънога келмайди. Балки, фарз адо этилаётганда, “намоз ичида тарк этилган суннат ва адабларни тамомлаш”- деган маънони билдиради. Демакки, суннатларни ўқишдан мақсад, фарз намозининг ичидаги камчиликларни тўлдириш учундир. Бироқ, фарз қарзи бўлганларнинг суннат ўқишларидан ҳеч қанақа наф тегмайди.»*

Қудуси шариф [Иерусалим] шаҳрининг қозиси Муҳаммад Содиқ афанди **“Наводир-и фиқҳийя фи мазҳаб-ил-аиммат-ил Ҳанафия”** номли фиқҳ китобида, фоита намозининг қазолари қисмида қуйидагиларни билдирмоқдалар: *«Буюк олим Ибни Нужайм ҳазратларидан “Бир кимсанинг қазога қолган намозлари бўлса-ю, у кимса бу намозларини бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон суннатлари ўрнига қазо нияти билан ўқиса, суннатларни тарк этган ҳисобланадими?”- деб, сўралди. Бу сўроққа Ибни Нужайм ҳазратлари: «Суннатларни тарк этган ҳисобланмайди. Чунки, беш вақт намознинг суннатларини ўқишдан мақсад, ўша вақтларда фарздан бошқа бирон намоз ўқишдир. Шайтон инсонга ҳеч намоз ўқитишни хоҳламайди. Фарзнинг ёнида бошқа бир истаган намозни ўқиш натижасида шайтон шарманда қилинган бўлади. Суннатларнинг ўрнига қазо ўқиш билан суннатлар ҳам бажо келтирилган бўлади. Қазо намози бўлган мўминлар ҳар вақтнинг суннатида қазога ният қилишлари лозим. Бу билан, ўша вақтнинг фарзидан бошқа бир намоз ўқилгани туфайли, ҳам суннат бажо келтирилади, суннатга қазо нияти*

билан киришилгани учун, ҳам қазо қарзи ўталган бўлади. Замонамизда жуда кўп кимсалар фарз қазоларини ўтамасдан, суннатлар билан овуниб юришибди. Булар жаҳаннамга кетишади. Ҳолбуки, суннат намозларини қазо нияти билан ўқиётганлар эса, жаҳаннам азобидан халос бўлишади»- деб, жавоб бердилар.»

Қазо намозлари қандай ўқилади?

Қазо намозлари бўлган мусулмонлар, катта жазодан, азобдан қутулишлари учун тез кунлар ичида бутун қарз намозларини қазо этмоқлари ва бу гуноҳни қилганлари учун алоҳида тавба, истиғфор қилмоқлари керак. Бунинг учун суннатларини қазо нияти билан адо этишлари лозим. Дангасалик қилиб намоз ўқимаганлар, йилларча қазо намози бўлганлар, намозга тураётганларида, суннат намозларининг ниятида, ўша вақтнинг энг аввал қазога қолган намозини қазо этишга деб, ният қилишлари даркор. Қазо намозлари бўлган кимсанинг суннат намозларини қазога ният қилиб ўқиши, 4 мазҳабда ҳам лозимдир.

Ҳанафий мазҳабида намозни узрсиз қазога қолдириш акбари кабоир, яъни катта гуноҳдир. Бу катта гуноҳ, ҳар бир тўрт ракъат намоз ўқишга кетадиган вақт ўтган сайин икки марта ортиб бораверади. Чунки, намозни бўш вақт топган заҳотиёқ қазо этиш фарздир. Мана шундай ҳисобга, сонга сиғмайдиган ва дақиқа сари ортиб бораётган бу даҳшатли гуноҳдан ва унинг азобидан халос бўлиш учун, қазоларни қуйидагича ўқиш керак.

Пешин намозининг аввалги суннатида; *“энг аввал қазога қолган пешиннинг қазосига”* деган ният билан ўқиш керак. Пешиннинг охирги суннатини эса, *“энг аввал қазога қолган бомдоднинг фарзига”* деб ният қилган ҳолда ўқиш керак.

Асрнинг олдидаги тўрт ракъат суннатини, “*энг аввал қазога қолган асрнинг қазосига”* деб ният қилиб ўқиш керак.

Шомнинг суннатида *“энг аввал қазога қолган шомнинг фарзини ўқишга”* деб уч ракъат қилиб ўқиш керак.

Хуфтоннинг олдинги суннатини *“энг аввал қазога қолган хуфтоннинг фарзини ўқишга”* деб ният қилган ҳолда ўкиш керак. Хуфтоннинг охирги суннатида *«энг авволо қазога қолган Витри вожибнинг қазосига»* деб ният қилиш керак. Мана шу тарзда ўқийдиган кимса, бир кунда, ортиқча овора бўлмасдан, ҳам ўша куннинг намозини, ҳам-да бир кунлик қазо намозини ўтаган бўлади. Таровиҳ намозини ҳам қазо нияти билан ўқиш, мақсадга мувофиқдир. Фарз қазоси қанча йиллик бўлса, шунча йил юқоридагидек ибодат қилиш керак. Қазолар битгач яна суннат нияти билан давом этиш мумкин. Агар бўш вақт кўп бўлса, суннатларни кутиб ўтирмасдан бошқа пайтларда ҳам қазоларни ўқиб, қарз ва гуноҳлардан бир соат бўлса-да олдинроқ қутулишга ҳаракат қилиш керак. Ўталмаган қазоларнинг гуноҳи кун сайин ортиб бораётганини унутмаслик керак.

Олтинчи Бўлим

НАМОЗ ЎҚИМАЙДИГАНЛАР ҲАҚИДА

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ «родияллоҳу анҳум» айтадиларки: «Беш намознинг вақтлари кирганда, малаклар: «Эй Одам ўғиллари, туринг! Инсонларни ёқиш учун тайёрланган оловни намоз ўқиб, сўндиринг!»- деб ҳайқирадилар».

Бир ҳадиси шарифда: ***«Мўмин билан кофирни ажратувчи фарқ - намоздир»*** дейилди. Яъни мўмин, намоз ўқийди, кофир эса ўқимайди. Мунофиқлар баъзан ўқишади, баъзан тарк этишади. Мунофиқлар дўзахда қаттиқ азобга дучор бўлишади. Муфассирларнинг шоҳи бўлган Абдуллоҳ ибн Аббос «родияллоҳу анҳумо» айтадиларки: «Расулуллоҳдан (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшитдим. Айтдиларки: ***“Намоз ўқимайдиганлар Қиёмат куни Аллоҳу таолонинг ғазабнок ҳолида ҳузурига чиқишади.”***»

Ҳадис имомлари иттифоқ билан билдирдиларки: *«Бир намозни вақтида атайлаб ўқимаган, яъни намоз вақти ўтаётганида, адо этмагани учун ачинмаган кимса, кофир бўлур»*. Ёки ўлаётганида иймонсиз кетади. Намоз ўқимагани учун ачинмаганнинг оқибати бу бўлса, намоз ўқиш хаёлига ҳам кириб-чиқмайдиган ва намозни вазифа деб тан олмайдиганнинг ҳоли нима кечади?

Аҳли суннат олимлари иттифоқ билан: *«Ибодатлар иймондан бир парча-жуз эмас!»* - деб билдирганлар. Фақат намоз мавзусида иттифоқ бўлмади, икки хил ижтиҳод зоҳир бўлди. Фиқҳ имомларидан Имоми Аҳмад ибни Ҳанбал, Исҳоқ бин Раҳовайҳ, Абдуллоҳ ибни Муборак, Иброҳийм Наҳоий, Ҳоқам бин Утайба, Айюб Саҳтиёний, Довуд Тоий, Абу Бакр ибни Шайба, Зубайр бин Ҳарб ва яна кўпгина буюк олимлар ***бир намозни қасддан тарк этган кимса кофир бўлади***, - дедилар. У ҳолда эй мўмин биродар! Ҳеч бир намозингизни оқсатманг ва парвосизча ўқиманг! Жони дилингиз билан ўқинг! Аллоҳу таоло Қиёмат куни, ўша олимларнинг ижтиҳодларига кўра жавобга тортса, нима қиласиз?

Ҳанбалий мазҳабида бир намозни узрсиз тарк этган кимса, муртад яъни кофир каби қатл қилинади. Бу кимса ювилмайди, кафанланмайди ва жасадига жаноза ҳам ўқилмайди. Мусулмон қабристонига ҳам кўмилмайди. Бир тоғдаги чуқурга ташланади.

Шофиъий мазҳабида намоз ўқимаган мўмин муртад бўлмаса ҳам, жазоси - қатлдир. Моликий мазҳабининг ҳукми ҳам, худди мана шундай.

Намоз ўқимаган кимса, Ҳанафий мазҳабида қайтадан намозга бошлагунга қадар зиндонга ташланади. Ёки қон чиққунча калтакланади.

Кўриб турганигиздек, мазҳаблар инсонларнинг абадийян дўзахда қолмасликлари учун мана шундай тадбирлар олишган.

Беш нарсанинг тарки, беш нарсадан маҳрум бўлишга сабаб бўлади:

1. Мол-мулкининг закотини бермаган кимса, бойликнинг хайрини кўрмайди.

2. Ушр бермаган кимса, полизнинг баракатидан маҳрум бўлади.

3. Садақа бермаган кимсанинг вужудида сиҳҳат қолмайди.

4. Дуони тарк этган кимса, орзуларига эриша олмайди.

5. Намоз вақти кирганида, ўқишни хоҳламаган кимса, охирги нафасда калимаи шаҳодат келтира олмайди. Калима айтмасдан ўлган кимса, абадиян дўзахдадир.

Бир ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: ***«Намозини узрсиз ўқимаган кимсага, Аллоҳу таоло ўн бешта мусибат беради. Булардан олтитаси дунёда, учтаси ўлим тўшагида, учтаси қабрда ва учтаси эса қабрдан тураётганда арз қилинади.***

Дунёда бериладиган олтита азоб:

1. Бенамознинг умрида баракат бўлмайди.

2. Юзида, Аллоҳнинг севгили қулларида бўладиган гўзаллик ва нур қолмайди.

3. Ҳеч қандай яхши амалига савоб берилмайди.

4. Дуолари қабул бўлмайди.

5. Уни ҳеч ким ҳурмат қилмайдиган бўлади.

6. Мусулмонлар унга ҳар қанча хайр дуо қилсалар ҳам фойдаси бўлмайди.

Ўлим тўшагида чекадиган азоблари:

1. Ёмон, қўрқинч ва жирканч ҳолда жон беради.

2. Очлик азоби чекиб, қийналиб ўлади.

3. Кўп сув ичса ҳам ташналик азоби билан ўлади.

Қабрда тортадиган азоблари:

1. Қабр уни шунчалик сиқадики, суяклари бир-бирига кириб кетади.

2. Қабри олов билан тўлдирилади. Кеча-кундуз оловлар ичида қолади.

3. Аллоҳу таоло ўша бадбахтнинг қабрига жудаям катта бир илон юборади. У дунё илонларига ўхшамаган бўлиб, ҳар куни ҳар намоз вақти кирганида уни чақиб туради ва асло ўз ҳолига қўймайди.

Қиёматда дучор бўладиган азоблар:

1. Дўзахга судрагучи ҳодим малаклар, унинг ёнидан бир зум ҳам айрилмайди.

2. Аллоҳу таоло уни дарғазаб ҳолида кутиб олади.

3. Ҳисоби шиддатли бўлиб, натижада дўзахга ташланади.

НАМОЗ ЎҚИЙДИГАНЛАРНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Намоз ўқишнинг фазилатларини баён қилувчи ва уларга бериладиган савоблардан суюнчилар берувчи ҳадиси шарифлар беҳисобдир. Абдулҳақ бин Сайфуддин Деҳлавий ҳазратларининг **“Ашиъот-ул-ламаъот”** исмли китобларида намознинг аҳамиятини билдирувчи ҳадиси шарифлар нақл қилинган бўлиб, уларда бундай деб марҳамат қилинган:

1. Абу Ҳурайра «родияллоҳу анҳ» ривоят қиладилар. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” айтдиларки: ***«Беш вақт намоз ва Жума намози келажак Жумагача бўладиган гуноҳларга; Рамазон рўзаси эса келажак Рамазонгача қилинадиган гуноҳларга каффоратдир. Бу ибодат, катта гуноҳдан тийиладиган кимсаларнинг кичик гуноҳларининг кечирилишига сабаб бўлади»***. Бу ибодатлар орасида қилинган гуноҳлар ичида қул ҳаққи бўлмаганлари, ўша ибодатларнинг ҳурматига ювилиб кетади. Кичик гуноҳлари ювилиб бўлгач, катта гуноҳларга бериладиган азобларнинг енгиллатилишига сабаб бўлади. Катта гуноҳларнинг кечирилиши учун алоҳида тавба қилиш ҳам керак. Катта гуноҳлари бўлмаса, унда бу ибодатлар унинг даражасининг ортишига сабаб бўлади. Бу ҳадиси шариф **“Саҳиҳи Муслим”**да билдирилган. Беш вақт намози қусурли бўлганларнинг кечирилишига, Жума намозлари сабаб бўлади. Жума намозлари ҳам қусурли бўлганларниг кечирилиши эса, Рамазон рўзасига боғланади.

2. Абдуллоҳ ибни Масъуд “родияллоҳу анҳ” баён қиладилар, Аллоҳу таолонинг энг кўп қайси амални ёқтиришини Расулуллоҳдан сўрадим. ***«Ўз вақтида ўқилган намоз»*** - деб жавоб бердилар. Баъзи ҳадиси шарифларда эса: ***«Вақтнинг аввалида ўқилган намозни ёқтиради»*** - деб марҳамат қилганлар. Ундан кейин қайси амални ёқтиришини сўрадим. ***«Ота-онага яхшилик қилишни»*** - дедилар. Ундан кейин-чи? деб сўраганимда, ***«Аллоҳ йўлида қилинган жиҳодни»*** - деб марҳамат қилдилар. Бу ҳадиси шариф, икки саҳиҳ китоб бўлмиш **“Бухорий”** ва **“Муслим”**да келтирилган. Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***«Амалларнинг энг яхшиси таом едирмоқдир»*** - дейилди. Бошқа биттасида эса: ***«Салом беришни ёйиш»***. Яна бошқасида: ***«Кечаси ҳамма ухлаётганда намоз ўқиш»***. Бошқа бир ҳадиси шарифда эса, ***«Энг қийматли амал, қўлингдан ва тилингдан ҳеч кимнинг озор кўрмаслигидир»*** - дейилди. Яна бир неча ҳадиси шарифда: ***«Энг қийматли амал жиҳоддир»***, ***«Аллоҳу таолони зикр этмоқдир»***, ***«Давомли бўлган амалдир»*** ва ***«Энг қийматли амал ҳажжи мабрурдир»***, - деганлар, яъни гуноҳ аралаштирмасдан бажо келтирилган ҳаждир, деганлар. Албатта бу ҳадиси шарифлар турли

маконларда, турли хил инсонларнинг саволларига ёки замонларига уйғун тарзда берилган жавоблардир. Масалан, Исломиятнинг бошларида энг қийматлик амал жиҳод эди. [Замонамизда, амалларнинг энг афзали - ёзув билан, нашриёт билан кофирларга, мазҳабсизларга тегишли жавоблар бериш ва Аҳли суннат эътиқодини ёйиш бўлиб ҳисобланади. Мана шу йўл билан жиҳод қилаётганларга пул билан, бадан билан, хайр дуолари билан ёрдам берадиганлар, савобларга шерик бўлишади. Ояти каримамалар, ҳадиси шарифлар, намознинг закотдан ва садақадан устунроқ эканлигини исботлаб турибди. Лекин, ўлим тўшагида ётган кимсага бирон нарса бериб, уни ўлимдан қутқариш намоздан ҳам устунроқдир. Демакки, шартларига ва ҳолларига қараб амалларнинг бир-биридан устунлик даражаси ўзгариб турар экан].

3. Убода бин Сомитнинг "родияллоҳу анҳ" хабар беришларича, Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Аллоҳу таоло беш вақт намоз ўқишни амр этди. Бир кимса, яхшилаб таҳорат олиб, бу намозларни вақтида рукуъларига ва хушуъларига риоя қилган ҳолда адо этса, Аллоҳу таоло ўша кимсани афв этишга ваъда берди. Намозларини тарк этадиганларга ҳеч қанақа ваъда берилмади. Уларни Аллоҳу таоло хоҳласи кечиради, хоҳласа озор беради.».*** Бу ҳадиси шарифни **Имоми Аҳмад**, **Абу Довуд** ва **Насоий** ҳазратлари билдирганлар. Кўриниб турибдики, намознинг шартларига рукуъ ва саждаларига риоя қилиш жудаям муҳим. Аллоҳу таоло ваъдасида тургучидир. Тўғри намоз ўқийдиганларни, албатта, кечиради.

4. Асҳоби кироmнинг машҳурларидан Бурайда Асламийнинг "родияллоҳу анҳ" хабар беришича, Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Менинг сиз билан қилган аҳдномам - намоздир. Намозни тарк этадиган кимса, кофир бўлади.»*** Бундан намоз ўқийдиганларнинг мусулмон эканликлари маълум. Намозга аҳамият бермайдиган, намозни биринчи вазифа сифатида қабул қилмагани учун адо этмайдиган кимса, кофир бўлади. Бу ҳадиси шарифни **Имоми Аҳмад**, **Термизий**, **Насоий** ва **Ибни Можа** ҳазратлари билдирганлар.

5. Абу Зар Ғифорий ривоят қиладилар, куз кунларининг бирида Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" билан кўчага чиқдик. Япроқлар тўкилаётган мавсум эди. Пайғамбаримиз дарахтдан иккита новдани узиб олгандилар, барглари тўкилиб кетди. Бунга қараб ***«Ё Або Зар! Бир мусулмон, Аллоҳ ризосини кўзлаб намоз ўқиса, гуноҳлари мана шу япроқ мисоли тўкилади.»***, - деб марҳамат қилдилар. Бу ҳадиси шарифни **Имоми Аҳмад** ҳазратлари хабар берганлар.

6. Зайд бин Холид Жуҳаний ривоят қиладилар. Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Бир мусулмон хушуъ билан икки ракъат намоз ўқиса, қилган гуноҳлари афв қилинур»***. Яъни Аллоҳу таоло унинг жами кичик гуноҳларини кечиради. Бу ҳадиси шарифни ҳам **Имоми Аҳмад** ҳазратлари билдарганлар.

7. Абдуллоҳ бин Амр ибни Ос бундай дейди: Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Бир кимса, намозини адо этса, бу намоз Қиёмат куни нур ва бурҳон бўлур ва Жаҳаннамдан озод бўлишига сабаб бўлур. Намозини муҳофаза қилмаса, нур ва бурҳон бўлмайди ва нажот ҳам бўлмайди. Қиёматда эса Фир'авн, Қорун, Ҳомон ва Убай бин Халаф билан бирга бўлади».***

Бундан кўриниб турибдики, бир кимса намозни фарзларига, вожибларига, суннатларига ва адабларига риоя қилган ҳолда адо этса, бу намоз қиёматда унинг нур ичида бўлишига сабаб бўлади. Мана шундай намоз ўқишга давом этмаса, қиёматда ҳадисда билдирилган кофирлар сафида бўлади. Яъни Жаҳаннамда шиддатли азобга маъруз қолади. Убай бин Халаф, Макка кофирларининг ашаддийларидан эди. Уҳуд жангида Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" муборак қўллари билан уни жаҳаннамга юбордилар. Бу ҳадиси шарифни **Имоми Аҳмад** ва **Доримий** ҳазратлари билдирганлар. Бейҳақий деган олим ҳам бу маълумотларни **"Шуаъбул-иймон"** исмли китобларида билдирганлар.

Тобеъиннинг буюкларидан бўлмиш Абдуллоҳ бин Шақиқ ҳазратлари айтадиларки: *«Асҳоби кироm "родияллоҳу анҳум" ибодатлар ичида фақатгина намознинг таркидан куфр содир бўлишини билдирдилар».* Буни **Термизий** ҳазратлари билдирганлар. Абдуллоҳ бин Шақиқ Умар, Усмон, Али ва Оиша ҳазратларидан "родияллоҳу анҳум" кўпгина ҳадиси шариф ривоят этган бўлиб, ҳижратнинг юз саксонинчи йилида вафот этганлар.

8. Абуддардо "родияллоҳу анҳ" айтдиларки, жонимдан ҳам кўп яхши кўрадиган инсоним "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" менга буюрдиларки: ***«Қийма-қийма бўлсанг ҳам, ўтда ёқилсанг ҳам Аллоҳу таолога ҳеч нарсани шерик қўшма! Фарз намозларини тарк этма! Фарз намозларини билиб туриб тарк этган кимса, мусулмонликдан чиқади. Шароб ичма! Шароб бутун ёмонликлапрнинг онасидир!»*** Бу ҳадиси шарифни **Ибни Можа** ҳазратлари билдирганлар. Кўриниб турганидек фарзларга эътибор бермасдан тарк этган кимса, кофир бўлади. Танбаллик қилиб тарк этадиган кимса, кофир бўлмаса ҳам катта гуноҳ қилган бўлади. Намозни Исломият билдирган бешта узрдан бири бўлсагина фавт [тарк, кечиктириш] этиш гуноҳ бўлмайди. Шароб ва спиртли ичимликларнинг барчаси ақлни кетказади. Ақлсиздан ҳар нарса кутиш мумкин.

9. Абдуллоҳ ибни Умар "родияллоҳу анҳ" хабар бердилар. Расулуллоҳ "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" айтдиларки: ***«Намозларини вақтлар кирганда тезда ўқийдиганлардан Аллоҳу таоло рози бўлади. Вақтининг охирида ўқийдаганларни эса кечиради».*** Бу ҳадиси шарифни **Термизий** ҳазратлари билдирганлар.

10. Умми Фарва "родияллоҳу анҳо" хабар берадилар: Расулуллоҳдан "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" қайси амалнинг афзал эканлиги ҳақида сўралди. ***«Амалларнинг афзали вақтнинг бошида ўқиладиган намоздир»***

- деб жавоб бердилар. Бу ҳадиси шарифни имоми **Аҳмад Термизий** ва **Абу Довуд** ҳазратлари билдирганлар. Намоз ибодатларнинг энг устунидир. Вақти кирар-кирмас адо этилганида, устунлиги янаям ортмоқда. Ҳазрати Оиша "родияллоҳу анҳо" айтдиларки: *"Расулуллоҳнинг, намозларини вақтининг охирида ўқиганларини икки марта қайта кўрмадим."* Яъни бутун умрлари бўйича намозларини атиги бир марта вақтининг охирида ўқиганлар.

11. Оиша "родияллоҳу анҳо" хабар бердиларки, «Расулуллоҳнинг "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" ҳеч тарк этмасдан давом этадиган нофила ибодатлари, бомдод намозининг суннати эди.» Бу хабар ҳам **"Бухорий"**да, ҳам-да **"Муслим"**да билдирилган. Бундан кўриниб турибдики, Оиша "родияллоҳу анҳо" беш вақт намознинг фарзлари ёнида бирга ўқиладиган суннат намозларига ҳам нофила намози демоқдалар.

Буюк Ислом олими, Аллоҳ ошиқларининг етакчиси бидъатчиларга, мазҳабсизларга қарши Аҳли суннатнинг энг қувватли ҳомийси, Аллоҳу таолонинг севган динини бутун оламга ёйган, бидъатларни ва хурофаларни йўқ этган улуғ мужоҳид Имоми Раббоний мужаддиди алфи соний Аҳмад бин Абдул-Аҳад Форуқий Сарҳандий "раҳматуллоҳи алайҳ" ҳазратлари, Ислом динида мисли йўқ **«Мактубот»** исмли китобларининг 1-жилд, 29-мактубларида айтадиларки:

Аллоҳу таолонинг ризосига сабаб бўлгучи ишлар - фарзлар ва нофилалардир. Фарзлар ёнида нофилаларнинг ҳеч қандай қийматлари йўқдир. Бир фарзни ўз вақтида адо этмоқ, минг йил тинмасдан нофила ибодат қилмоқдан қийматлироқдир. Намоз, закот, зикр ва фикр каби ибодатларнинг нофилалари ҳам мана шу ҳукмга тобеъдир. Ҳатто, бир фарз ибодатни бажо келтираётганда, таркибидаги суннат ва адабларидан бирортасини ишлаш ҳам, бошқа нофилаларни адо этишдан юзларча марта афзалроқдир. Амирул-мўминин Умар-ул-Форуқ "родияллоҳу анҳ" бир куни бомдод намозларини ўқитганларида, жамоат ичида бир кимсани учрата олмадилар. У кишининг қаердалигини сўраганларида, "У ҳар кеча нофила ибодат билан машғул бўлади. Балки ухлаб қолиб жамоатга кела олмагандир,"- деган жавоб олдилар. Буни эшитган Умар-ул-Форуқ ҳазратлари: «Кошки, бутун кеча ухлаб, бомдод намозини жамоат билан ўқиса эди, қандай яхши бўлар эди», - дедилар. Кўриниб турибдики, бир фарзни адо этаркан, унинг ичидаги суннат ва адабларидан бирортасини бажо келтириш ва бир макруҳдан тийилиш, зикр, фикр ва муроқабадан ҳам афзалроқдир. Ҳа, бу нофила ибодатлар ўша адабларга риоя қилиш ва макруҳлардан тийилиш каби амаллар билан бирга адо этилса, албаттаки жудаям қийматли бўлади. Акс ҳолда, яъни фарзлар ва фарз ичидаги суннат ва адабларга риоя қилинмаган ҳолда нофила билан машғул бўлинса, унинг ҳеч қанақа қиймати бўлмайди. Шунинг учун, бир тийин закот бериш, мингларча сўм нофила садақа беришдан устун ва яхшироқдир. Закот сифатида берилган ўша бир тийинни бериш асносида, униг адабларига

риоя қилиш, масалан яқин қариндош-уруғлардан бирига бериш амали ҳам, ҳалиги мингларча сўм нофила садақадан қат-қат даража устундир.

[Таҳажжуд намози ўқишни ният қилган кимсанинг кечаси қазо нияти билан қарз намоз ўқишининг афзалроқ эканлиги, бу мисолдан ҳам очиқча англашилмоқда]. **«Мактубот»** китоби форисийдир. Имоми Раббоний ҳазратлари 1034 [м.1624]йилда Ҳиндистоннинг Сарҳанд (Сирҳинд) шаҳрида вафот этганлар. Ҳол таржималари **"Ҳақ сўзнинг васиқалари"**, **"Саодати Абадийя"** ва **"Асҳоби Киром"** ва форисий **"Баракот"** исмли мўтабар китобларда батафсил ёритилган.

НАМОЗНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Буюк ислом олими Абдуллоҳ Деҳлавий "раҳматуллоҳу алайҳи" **"Макотиби шарифа"** китобининг 85-мактубида бундай демоқдалар:

*«Намозни жамоат бирлан **"Тумонийнат"**иға, рукуъ сўнграси **"Қавма"**сига ва икки сажда орасидаги **"Жалса"**сига риоя қилғон ҳолда ўқимоқ, бизларга Аллоҳу таолонинг пайғамбари тарафидин билдирилди. Қавма ва жалсанинг аҳамиятига биноан, унга "фарз"- деган олимлар ҳам бўлғон. Ҳанафий мазҳабининг азиз муфтийларидан бўлмиш **Қодихон*** (Қозихон) *ҳазратлари, бу иккаласининг вожиб эканлигини; намозда унутғонда, **саждаи саҳв** қилмоқ ва қасддан тарк этилғонида эрса, намозни янгидан ўқимоқ кераклигини билдирмишдур. Муаккад суннат бўлғонини сўйлаган олимлар ҳам буни, "вожибга яқин суннат"- деб таъриф қилмишлар. Суннатни менсинмасдан тарк этиш куфрдир. Намознинг қиёми, рукуъи, қавмаси, жалсаси, саждалари-ю ташаҳҳудида, руҳга ҳузур бергучи, алоҳида-алоҳида ва ўзгача кайфиятлар, ҳоллар ҳосил бўлур. Бутун ибодатлар, намоз ичинда жамланмишдир. Қуръони карим ўқимоқ, тасбиҳ айтмоқ, саловат келтирмоқ, гуноҳларга тавба истиғфор қилмоқ, ва эҳтиёжларни ёлғиз Аллоҳу таборак ва таолодин истайиб, фақат Анга дуо қилмоқ каби ибодатлар ҳам намозда жам қилинмишдур. Табиатда дарахтлар ва ўт-ўланлар, худди қиёмдагидек тик турубдирлар. Ҳайвонлар рукуъ ҳолинда, жонсизлар эрса намознинг **қаъда**сида ўтирғон янглиғ ерга узанмишлар. Намоздаги мўмин эрса, уларнинг жами ҳаракатларини, намозда мужассам қилиб, адо этмоқда. Намоз, меъраж кечасинда фарз қилинди ким, ўшал кеча меърожға чиқмоқ шарафига муяссар бўлғон Аллоҳнинг севгили Пайғамбариға эргашмоқни ният қилиб, намоз ўқиғон бир мусулмон, ўшал буюк Пайғамбардек, Аллоҳға яқлаштиргучи мақомларга юксалур. Аллоҳу таоло ва Унинг севгили Пайғамбарига қарши адаб бирлан, хушуъ бирлан намоз ўқигучи кимасналар бу мартабаларга юксалмиш бўлғонларини ҳис қилгайдурлар. Аллоҳу таборак ва таоло ва Пайғамбари, бу умматға раҳм қилиб, намозни*

фарз қилмишлар. Анинг учун Раббимизга ҳамд ва шукурлар бўлсин! Унинг севгили Пайғамбарига салавот, таҳийёт ва дуолар бўлсин! Намоз ўқиётганда ҳосил бўладурғон сафо ва ҳузурнинг қаршисинда ҳайрон қолмасликни ҳеч иложи йўқ. Устодим Мазҳари Жон-и Жонон ҳазратлари айтғонларки: "Намозда Аллоҳу таолони кўриш мумкин бўлмаса-да, худди Ани кўраётган каби бир ҳолат ҳосил бўлмоқдадур." Бу ҳолнинг ҳақиқат эканлигини тасаввуф улуғлари иттифоқ бирлан билдирмишдур. Исломиятнинг бошларинда, намоз Қуддус тарафға қараб ўқилур эрди. Байтул-муқаддас (Қуддус)ни қўюб, Иброҳийм алайҳиссаломни қибласига (Каъба) ўгирилмоқ амр қилинғон пайтда, Мадинада яҳудийлар ғазаб қилдилар: "Байтул-Муқаддасга қараб ўқиғон намозларинг эмди нечук бўлгай?" Бақара сурасининг 143-ояти каримаси келубон: **«Аллоҳу таоло иймонларингизни зое қилмас»**, *- деб намозларнинг савобсиз қолмаслиги билдирилди. Ушбу ояти каримада намоз, «Иймон» калимаси бирлан таъбир қилинди ким, мундин «Намозларни суннатлариға риоят қилмасдан ўқимоқ, Иймонни зое қилмоқ турур», маъниси англашилмиш бўлди. Расулуллоҳ жанобимиз "саллаллоҳу алайҳи ва саллам":* ***«Кўзимнинг нури ва лаззати намоздадур»***,*- дебон марҳамат қилғонлар. Бу ҳадиси шариф, «Аллоҳу таоло, намозда зоҳир ва мушоҳада бўлинур. Андоқ бўлғоч, кўзимға роҳатлик келмоқда.» маъносиға келур. Бир ҳадиси шарифда:* ***«Ё Билол! Мени бир роҳатлантир»***,*- дебон марҳамат қилмишлар. Бу эрса, «Эй Билол, Азон ўқиб, иқомат келтуриб менинг кўнглимни шод айлагил»-маъносини англатур. Намоздин ўзга нимарсаларда ҳузур-ҳаловат ахтарғон киши, мақбул қул эрмас. Намозни зое қилғон, қўлдан бой берган кимасна, бошқа бутун ибодатларини, тағи дин ишларини ҳам бой бермиш, ҳароб қилмиш саналур».*

НАМОЗДАГИ УСТУНЛИКЛАР

Имоми Раббоний "раҳматуллоҳи алайҳ" ҳазратлари. **"Мактубот"** исмли китобларининг 1-жилд, 261-мактубида бундай деганлар:

«Шул нарса муҳаққақ билинмоғи керакки, намоз Исломнинг бешта шартидан иккинчисидир. Бутун ибодатларни ўзида мужассам қилмишдир. Исломнинг бешда бири бўлишига қарамай, мана шу жам қилувчи хусусияти туфайли, намоз дейилганда, бутун Исломият тушуниладиган ҳолга келмишдур. Инсонни Аллоҳу таолонинг севгисига қовуштирадиган сабабларнинг энг биринчиси бўлмишдир. Оламларнинг сарвари ва бутун пайғамбарларнинг "алайҳи ва алайҳимуссолавоту вассалом" энг буюклари бўлган Муҳаммад Мустафога "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" меърож ҳодисасида Жаннатда насиб бўлган ру'ят шарафи, дунёга қайтганларида дунёнинг шартларига уйғун қилиниб, намоз ибодати ичида берилди. [Яъни Пайғамбаримизнинг меърожда

кўрган ру'ят (кўриш) ҳоллари дунёнинг шартларига тўғри келмагани учун, ерда бевосита берилмади. Яъни дунёнинг гуноҳ ва зулмат қоплаган курраси каби паст ва Илоҳий ҳолларга муносиб бўлмаган жойларда, бу ҳол пайғамбаримизга меърождагидай очиқча кўрсатилмади. Бу ру'ят ҳолати, инсоннинг Аллоҳга энг яқин пайти бўлган намоздагина, ўшанга хос қилиб берилди.] Шунинг учун ҳадиси шарифда: ***«Намоз - мўминнинг меърожидир»***,- деб марҳамат қилмишдур. Яна бир ҳадиси шарифда: ***«Инсоннинг Аллоҳу таолога энг яқин ҳоли намоздадур»***, - деб хабар берилмиш. Ул ҳазратнинг йўлларидан илгариламоқда бўлган дин буюкларимизга ҳам ўша ру'ят давлатининг дунёдаги улуши, фақатгина намозда насиб бўлмоқдадур. Ҳа, бу олчоқ дунёда Аллоҳу таолони кўриб бўлмайди. Дунё олчоқлиги, ифлослиги туфайли бу давлатга лойиқ ва муносиб эмас. Лекин шундай бўлишга қарамай, пайғамбаримизга "саллаллоҳу алайҳи ва саллам" астойдил кўнгил қўйиб, уларга боғланиб, ихлос билан йўлларидан юришга уринадиган буюкларга, намоз ичида ру'ят давлатидан баъзи ҳоллар насиб бўлмоқдадур. Намоз ўқиш амр қилинмаса эди, ошиқлар маъшуқни қандай топишарди? Намоз-ғамгин руҳларга лаззат бергучи малҳамдир. Намоз - касалларнинг кўнгулларига фароғат берадиган шифодур. Руҳнинг озиғи намоздур. Қалбнинг шифоси намоздур. ***«Эй Билол Менга роҳатлик бер»*** - деб, азон айтишни амр қилган ҳадиси шарифлар ҳам, намознинг ҳар дардга даво эканлигини кўрсатиб турибди. ***«Намоз кўзимнинг нури, дилимнинг қувончидир»*** - ҳадиси шарифи ҳам ўша устунликка ишорат қилиб турибди. Завқлар, важдлар, маълумотлар, маърифатлар, мақомлар, нурлар, ранглар, қалбдаги талвин ва тамкинлар, тушуниладиган ва тушуниб бўлмайдиган тажаллийлар, сифатли ва сифатсиз зуҳурлардан қай бири намоз ташқарисида ҳосил бўлаётган бўлса ва намознинг ҳақиқатидан ҳам ҳеч нарса англашилмаётган бўлса, ўша ҳосилотларнинг барчаси қуруқ аксдан ва суратдан ҳосил бўлмишдур. Балки-да булар вахм ва хаёлдан бошқа нарса эмасдур. Намознинг ҳақиқатини англаган бир комил инсон, намозга тургач, худди бу дунёдан чиқиб охират ҳаётига кирган ва охиратга хос баъзи неъматлардан тотгандай бўлади. Бундай одам намозда турарканг, орага ҳеч қанақа акс ва хаёлни аралаштирмасдан, ҳақиқий бўлган аслдан завқ ва улуш олишга муяссар бўлади. Чунки дунёдаги бутун камолот, неъматлар аксдан, суратдан ва кўринишдан ҳосил бўлмоқдадур. Акс ва кўринишдан бўлмай, балки тўппа-тўғри аслдан ҳосил бўлиш неъмати - охиратга хос бўлган ҳодисадур. Дунёда аслдан бирор нарса қўлга кирита олиш учун, меърож деган ҳодиса бўлиши шарт. Ўша меърож - мўминнинг намозидир. Бу неъмат, ёлғиз бу умматга хос бўлиб, улар ўз пайғамбарларига тобеъ бўлиш даражасида, ушбу неъматларга ноил бўлишади. Чунки бу умматнинг Пайғамбари "саллаллоҳу алайҳи ва саллам", Меърож кечасида дунёдан чиқиб, охиратга сафар қилдилар. Жаннатга кириб, ру'ят саодати ва неъмати билан шарафландилар. Ё

Рабби! Сен ўша улуғ пайғамбарга “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” бизнинг тарафимиздан, Ул ҳазратнинг шанларига ярашадиган эзгуликлар насиб айла! Инсонларни Сенинг динингга ва розилигингга чақирганлари ва сен ёрлиқаган йўлни қулларингга кўрсатганлари учун жами пайғамбарларга “аъло набиййина ва алайҳимуссаловоту ваттаслимот” ҳам яхшиликлар ва хайрлар эҳсон айла!

Тасаввуф йўлида бўлган кимсаларнинг кўпчилигига намознинг ҳақиқати билдирилмагани ва шунга хос бўлган камолот танитилмагани учун, улар дардларининг давосини бошқа нарсалардан ахтаришди. Мақсадларига етиш учун, намоздан ўзга нарсаларга кўнгил боғлашди. Ҳатто баъзилар намозни, тасаввуфнинг ташқарисидаги ва мақсад била алоқаси бўлмаган нарса деб ўйлашди. Рўзани намоздан устун деб билишди. Намознинг ҳақиқатини тушуна олмаганлардан баъзилари эса, изтиробларини таскин этиш ҳамда руҳларини рохатини симоъ ва нағмада, яъни мусиқада, важдга келишда, бехуш бўлишда, жодугарликда ва шунга ўхшаш бемани ишларда ахтаришди. Улар мақсадларини, маъшуқларини, яъни Аллоҳу таолони мусиқа пардаларининг орқасида деб ўйлашди. Шунинг учун рақсга ва куйга муҳаббат қўйдилар. Ҳолбуки улар, ***«Аллоҳу таоло ҳаром нарсаларда шифо таъсирини яратмаган»*** - ҳадиси шарифини эшитишганди. *Сузишни билмаган, сув илондан мадад кутар* - деганларидек, улар ҳам охират неъматларини ва Жаннатни ҳаромларда ахтариш билан овора бўлишяпти. Лекин нажот дея осилган нарсаларининг, дўзахга элтгучи восита эканлигини, ўжарликлари туфайли, тушунгилари ҳам келмайди. Ишқ оташи ошиқни ҳам кўр, ҳам кар қилади, - деган гап бежиз айтилмаган. Агар ўша кимсаларга намознинг камолотидан озгина тотдирилса эди, у ҳолда симоъ ва нағмани [мусиқа] оғизларига ҳам олишмаган, важдга ва жунбушга келишни хаёларига ҳам келтиришмаган бўлардилар.

Эй биродар! Эй қардош! Намоз билан мусиқа орасида қанчалик фарқ бўлса, намоздан ҳосил бўладиган камолат билан мусиқадан ҳосил бўладиган та’ассур ҳам бир-биридан шунчалик узоқдир. Ақли-хуши жойида бўлган инсон, бунча ишоратдан кўп нарса тушунади ва ибрат олади.

Ибодатлардан завқ олиш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ қилишда ҳеч қийналмаслик ва эринмаслик, ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайдиган, Аллоҳу таолонинг энг улуғ неъматларидандир. Намоз ҳақиқатининг мазасини татиб кўриш бахти, бу йўлнинг ниҳоятига етмаганларга насиб бўлмайди. Фарз намозининг лаззатини, завқини, мазасини руҳи билан туйиш, яъни ҳис қилиш, ниҳоятга етганларгагина насиб бўлади. Чунки уларга нофила намозларининг лаззати тотдирилади. Тасаввуф йўлининг ниҳоятида, ёлғиз фарз намозлариниг лаззати, мазаси туюла бошлайди. Ўша мақомда, нофила намозлар ортиқ завқсиз бўлиб, фарзларнинг адо этилиши, катта фойда ва ютуқ, деб билинади.

[Нофила намоз деб, фарз ва вожибдан бошқа бутун намозларга айтилади. Беш вақт намознинг суннатлари ва бошқа вожиб бўлмаган намозларнинг барчаси нофиладир. Муаккад ва ғайри муаккад суннатлар ҳам нофиладир.]

Бутун намозларда ҳосил бўладиган лаззатдан, нафсимизга ҳеч қанақа улуш йўқдир. Бу лаззатни руҳимиз туяди. Инсон бу завқни олаётганда, нафс инграйди, фарёд қилади. Чунки ҳарбир нафс кофирдир. Нафс, ҳеч қачон ибодатга яқинлашишни истамайди. Шунинг учун бир мўмин бир ибодатни тўла-тўкис адо этганида, руҳи рохатланади. Нафси эса, бир бурчакка сиқилиб, кучсизлашиб қолади. Ё Рабби! Бу қандай аъло мартаба экан! Бизлардек руҳлари қисилиб, нафслари ғовлаб кетган бечораларнинг, мана шунақа илмларнинг борлигини эшитишга муяссар бўлишимиз ҳам, катта неъмат ва ҳақиқий саодатдир.

Шуни яхши билингизки, дунёда намознинг мартабаси ва даражаси, охиратда Аллоҳу таолони кўришнинг юксаклигига ўхшайди. Инсоннинг дунёда Аллоҳу таологa энг яқин пайти, намоз ўқиётган пайтидир. Охиратда энг яқин бўлган пайти эса, ру’ят, яъни Аллоҳу таолони кўрадиган пайтидир. Дунёдаги бутун ибодатлардан мақсад, инсонни намоз ўқий оладиган даражага келтиришдан иборатдир. Яъни, асл мақсад намоз ўқишдир! Саодати абадияга ва битмас-туганмас неъматларга қовушиш, фақатгина намоз ўқиш орқали амалга ошади. Намоз бутун ибодатлардан ва рўзадан ҳам қийматлидир. Намоз, хаста қалбларга малҳамдир. Шундай намоз бордирки, барча гуноҳларни ювиб кетади, инсонни ёмон ишлардан қайтаради ва сақлайди.

Ҳадиси шарифда: ***«Намоз-қалбимнинг қувончи ва севинч манбаидир»*** - деб марҳамат қилинди. Намоз ғамгин руҳларга лаззат беради. Намоз руҳнинг озиғи. Намоз қалбнинг шифосидир. Намозда шундай бир он бўладики, орифнинг тили Мусо “алайҳиссалом”га гапирган дарахтдек бўлади.»

НАМОЗНИНГ СИРЛАРИ

Имоми Раббоний “қуддиса сирруҳ” **“Мактубот”** китобининг биринчи жилд, 304-мактубида айтадиларки: «Аллоҳу таолога ҳамд этгандан ва пайғамбаримизга “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” салавот келтиргандан кейин, абадий саодатга қовушишингиз учун дуо қиламан. Аллоҳу таоло кўпгина ояти каримада, яхши амалларни ишлайдиган мўминларнинг жаннатга киришини билдирмоқда. Бу яхши амаллар нималар, яхши ишларнинг барчасими ёки бир нечтасими? Агар яхши ишларнинг барчаси бўлса, уларни ҳеч ким тўлиқ ишлай олмайдику, агар бир нечтаси бўлса, у ҳолда, қайсилари ояти карималарда айтилган? Ниҳоят, Аллоҳу таоло лутф қилиб билдирдики, яхши амаллар -Исломнинг

бешта рукни, устунидир. Исломнинг бу бешта рукнини, бир кимса тўла-тўкис, қусрсиз бажо келтирса, у кимсанинг жаҳаннамдан қутулишга катта ишонч билан умид қилинади. Чунки бу ишлар аслида яхши, солиҳ ишлар бўлиб, кишини гуноҳлардан ва чиркин ишлардан муҳофаза қилиб туради. Қуръони каримда Анкобут сураси, 45-оятида маъолан: **«Нуқсонсиз ўқилган намоз инсонни ёмон, ифлос ишларни қилишдан сақлайди»** - деб марҳамат қилинди. Бир инсонга, Исломнинг бешта шартини бажо келтириш, насиб бўлган бўлса, ўша кимса неъматларнинг шукрини ҳам адо этган бўлади. Чунки Аллоҳу таоло Нисо сураси 146-ояти каримасида маъолан: **«Иймон келтирадиган ва шукр этадиган бўлсангиз, азоб бермайман»** - деб билдирмоқда. У ҳолда киши Исломнинг бешта шартини адо этишга жонудили билан бел боғлаши керак.

Ўша бешта шартдан энг муҳими намоз бўлиб, Исломнинг таянчидир. Намоз ўқиётганда унинг адабларидан ҳеч бирини қўлдан чиқармасдан ҳаммасига риоя қилишга ҳаракат қилиш керак. Ўшанда ҳам намоз ҳеч бир нуқсонсиз, мукаммал адо этилган бўлса, Исломнинг асоси бўлган пойдевори қурилган бўлиб ҳисобланади. Мана шу иш туфайли жаҳаннамдан қутқарувчи нажот ипи ҳам қўлга киритилган бўлади. Аллоҳу таоло ҳаммамизга тўғри намоз ўқишни насиб айласин! Омин!

Намозга киришда **“Аллоҳу акбар”** демоқ, Аллоҳу таоло ҳеч бир махлуқнинг ибодатига муҳтож эмаслиги, ҳар тарафлама ҳеч ким ва ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқлигини ва инсонлар ўқиган намоздан Унга ҳеч қанақа фойда бўлмаслигини билдирмоқда. Намоз ичидаги такбирлар эса, Аллоҳу таолонинг буюклигига ярашадиган ибодатни адо этишга лойиқ эмаслигимиз ва кучимиз ҳам етмаслигини кўрсатади. Рукуъдаги тасбиҳларда юқоридаги маънолар мавжуд бўлгани учун, рукуъдан тураётганда такбир айтиш амр қилинмади. Ҳолбуки сажда тасбиҳларидан кейин такбир айтиш, амр қилинди. Чунки, сажда тавозеʼ ва камтарликнинг энг зиёдаси, зиллат ва кичикликнинг энг охирги даражаси бўлгани учун сажда қилган инсон Аллоҳу Азим-уш-шонга лойиқ ибодат қилдим деб ўйлайди. Мана шу ўйдан узоқ туриши учун саждалардан тураётганда такбир айтиш суннат бўлганидек сажда тасбиҳларда ҳам “аъло” дейиш амр қилинди. Намоз мўминнинг меърожи бўлгани учун намознинг сўнгида пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” меърож кечасида айтиб шарафланган калималарини, яъни **“Аттаҳийёту”-** ни ўқиш амр қилинди. У ҳолда ҳар бир мўмин намозини ўзига меърож ҳодисасидек қабул қилиши ва Аллоҳу таологa бўладиган яқинлигининг ниҳоясини намозда излаши керак. Пайғамбаримиз “алайҳи ва аъло алиҳиссалоту ва саллам” айтадиларки: ***«Инсоннинг Раббига энг яқин бўлган пайти, намоз ўқиётган пайтидир».*** Намоз ўқиган кимса, Рабби билан гаплашмоқда, Унга ёлвормоқда ва Унинг буюклигини, Ундан бошқа ҳар нарсанинг “ҳеч” эканлигини кўрмоқдадир. Шу боис намозда қўрқув, даҳшат ҳосил бўлиши сабабли, намозхоннинг тасалли олиши ва роҳат

бўлиши учун намознинг сўнгида икки марта салом бериш, амр қилинди.

Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” бир ҳадиси шарифда ***«фарз намозидан кейин 33 тасбиҳ 33 таҳмид, 33 такбир ва бир таҳлил»***ни амр қилганлар. Бунга сабаб, **тасбиҳ** (субҳоналлоҳ) намоздаги қусрларни беркитади. Яна лойиқ бўлган бенуқсон ибодатнинг адо этилмаганини изҳор қилади. **“Таҳмид”** (алҳамдулиллоҳ) билан, ўқиган намозини адо этишга Аллоҳу таолонинг ёрдами ва насиби орқали мушарраф бўлганлигини ўйлаб, бу катта неъматга шукр қилади, ҳамд этади. **“Такбир”** (Аллоҳу акбар) айтиш билан эса, Аллоҳу таолодан бошқа ибодатга лойиқ ҳеч бир маъбуд йўқлиги маълум қилинади.

Бир намоз юқоридагидай, шартларига ва адабларига уйғун ҳолда адо этилиб ва шунинг эвазига камчиликлари ҳам беркитилиб, ўқиш насиб бўлганига шукр қилиниб, ибодатга Аллоҳу таолодан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги чин қалбдан, самимий ва холис бир вазиятда калимаи тавҳид билан ўқилиб адо этилса, бу намоз қабул бўлиши мумкин. Бундай намозни адо этадиган мўмин иншоаллоҳ, намозхонлардан ва нажот топганлардан бўлгай. Ё Рабби! Пайғамбарларнинг энг улуғи бўлган икки жаҳон сарвари Муҳаммад Мустафонинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ҳурматлари учун бизларни намозхон ва нажот топган масъуд қулларингдан айла! Омин!»

НАМОЗДАН КЕЙИНГИ ДУО

Алҳамдулиллоҳи Роббил-оламийн. Вассолату вассалому аъло расулина Муҳаммадин ва алиҳий ва Соҳибиҳи ажмоъин. Ё Рабби! Ўқиган намозимни қабул айла! Охир ва оқибатимни хайр айла. Охирги нафасимда калимаи тавҳид айтишимни насиб айла. Ўтган-кетган аждодларимни, қариндошларимни афв ва мағфират айла! Аллоҳуммағфир вarchам ва анта хойрур-роҳимийн. Таваффани муслиман ва алҳиқни биссолиҳийн.

Аллоҳуммағфир-лий ва ли волидайя ва ли устозийя лил-муъминина вал муъминот явма яқумул ҳисоб.

Ё Раббий! Мени шайтоннинг тузоғидан, душманнинг шарридан ва нафс-и амморамнинг балосидан муҳофаза айла! Уйимизга яхшиликлар, ҳалол ва хайрли ризқлар эҳсон айла! Аҳли исломга саломат эҳсон айла! Ислом душманларини қаҳр-у паришон айла! Кофирлар билан жиҳод қилаётган мусулмонларга имдоди илоҳиянг билан имдод ва ёрдам айла! Аллоҳумма иннака афуввун каримун тухиббул-афва фаъфу анний.

Раббий! Касалларимизга шифо, дардлиларимизга даво эҳсон айла! Аллоҳумма инний асъалукас-сиҳҳата вал-офията вал-омоната ва ҳуснал-хулқи варридоа бил-қодари би-раҳматика ё арраҳамарроҳимийн. Онамга, отамга ва авлодларимга хайрли, ҳусни-хулқ ва ақли салим, сиҳҳат ва офият, рушд-у ҳидоят ва истиқомат эҳсон айла ё Раббий! Омин. Вал-ҳамдулиллоҳи роббил-оламийн!

Аллоҳумма солли ... Аллоҳумма борик ... Аллоҳумма роббана отина ... Вал-ҳамду лиллоҳи Роббил-оламийн. Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳал-озим ал-карийм аллазий ло илоҳа илло ҳув ал-ҳаййал-қайюма ва атубу илайҳ.

ИЗОҲ: (Дуонинг қабул бўлиши учун шартлар)

1. Мусулмон бўлиш.
2. Аҳли суннат эътиқодида бўлиш керак. Бунинг учун, тўрт мазҳабдан бирига тобе бўлиш керак.
3. Фарзларни адо этиш. Қазога қолган намозларнинг қарзини ҳам тунги намозлар, ҳам суннат намозларининг ўрнига қазо нияти билан ўқиб бир кун бўлсаям тезроқ ўташ керак.

Фарз намози қазога қолган кимсанинг суннат ва нофила намозлари ва дуолари қабул бўлмайди, яъни саҳиҳ бўлса ҳам савоб берилмайди. Шайтон, мусулмонларни алдаш учун, фарзларни аҳамиятсиз кўрсатиб унинг ўрнига кўп вақтни нофила ва суннатлар-ла банд қилади. Ҳар бир намозни, вақтининг кирганини билиб, вақтининг аввалида ўқимоқ даркор.

4. Ҳаромдан тийилиш керак Ҳалол луқма ейдиганнинг дуоси мақбулдир.
5. Авлиёи киромдан бирини восита қилиб дуо этиш керак.

Ҳиндистон олимларидан Муҳаммад бин Аҳмад Зоҳид **“Тарғиб-ус-салот”** китобининг 54-фаслида форисий лисон билан айтадиларки: Ҳадиси шарифда: ***«Дуонинг қабул бўлиши учун иккита нарса зарурийдир; Биринчиси: дуони ихлос билан қилиш. Иккинчиси: еган ва кийгани ҳалолдан келган бўлиши керак. Мўминнинг хонасида ҳаромдан келган битта ип бўлса ҳам, ўша хонада қилинган дуоси ҳеч қачон қабул бўлмайди.»*** -деб марҳамат қилинди. Ихлос Аллоҳу таолодан исташ, деганидир. Бунинг учун Аҳли суннат олимлари билдиргандек иймон этиш, шариатга, яъни ҳеч кимнинг ҳаққига тажовуз қилмаган бўлиш ва беш вақт намозни ўз вақтида ўқийдиган бўлиш керак.

ТАЖДИДИ ИЙМОН ДУОСИ
(Иймонни янгилаш)

Ё Раббий! Ҳини булуғимдан (балоғат ёшимдан) бугунгача, Ислом душманларига ва бидъат аҳлига алданиб, ўрганган бутун нотўғри ва бузуқ эътиқодимга, бидъат ва фисқ бўлган гапларимга, эшитган, кўрган ва қилганларимга нодим бўлдим, пушаймон бўлдим. Энди асло ундай нотўғри, бузуқ нарсаларга ишонмасликка ва қилмасликка азму жазму қасд айладим. Пайғамбарларнинг аввали Одам “алайҳиссалом” ва охири севгили пайғамбаримиз Муҳаммад “алайҳиссалом”дир. Бу икки

пайғамбарга ва бу иккаласи орасида келиб-кетган жами пайғамбарларнинг барчасига иймон келтирдим, ишондим. Барчаси ҳақдир ва содиқдир. Барчасининг билдирганлари тўғридир. Асло шак ва шубҳам йўқдир.

Оманту биллаҳ ва би-мо жоа мин индиллоҳ, аъло муродиллоҳ ва оманту би-Расулиллоҳ ва би-мо жоа мин инди Расулиллоҳ аъло муроди расулиллоҳ, Оманту биллоҳи ва Малоикатиҳи ва кутубиҳи ва Русулиҳи вал явмил-охири ва бил-қадари хайриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал-баъсу баъдал-мавти ҳаққун ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳ.

НАМОЗНИНГ ҲИКМАТЛАРИ
(Намоз ва соғлигимиз)

Мусулмон кимса, намозни Аллоҳу таолонинг амри бўлгани учун ўқийди. Раббимизнинг амрларида жуда кўп ҳикмат ва фойдалар бор. Тақиқлаган (ман этган) нарсаларида эса, беҳисоб зарарларнинг борлиги шубҳасиздир. Ўша фойда ва зарарлардан бир қисми бугун тиб мутахассислари тарафидан аниқланган. Исломиятнинг соғликка берган аҳамиятини ҳеч қайси дин ва мафкура бермаган. Динимиз, ибодатларнинг энг улуғи бўлган намозни то умримизнинг охиригача ўқиб юришимизни амр этган. Намозхон инсон, намознинг соғликка бўлган фойдаларига албатта эришади. Бу фойдалардан баъзиларини қуйида келтирамиз:

1. Намозда адо этиладиган ҳаракатлар секин, мулойим ва мўътадил бўлгани учун қалбга юк бўлмайди, чарчатмайди. Намоз ибодати куннинг маълум соатларида мунтазам бажарилгани сабабли инсонни давомли тинч ва сокин тутади.
2. Бир кунда бошини саксон марта ерга қўядиган кимсанинг миясига ритмик равишда кўпроқ қон бориши таъминланади. Қоннинг кўпроқ келиши натижасида мия ҳужайралари қониб озиқлангани учун, хотира ва шахсият бузуқлиги намозхонларда жудаям сийрак кўринади. Намозхон инсонлар бошқаларга нисбатан чидамли ва соғлом бўлиб, тинч ҳаёт кечирадилар. Бундай инсонлар бугун тиббиётда “demans senil” (деманс сенил) дейиладиган асаб касаллигига чалинмайдилар.
3. Намоз ўқийдиганларнинг кўзлари, мунтазам эгилиб, қад ростлаш натижасида янаям қувватли бир қон айланниш жараёнига молик бўлади. Бу сабабдан кўз ичи қон босимида ортиш бўлмайди ва кўзнинг олд қисмидаги кўз суюқлигининг давомли равишда алмашиниб туриши таъминланган бўлади. Бу эса кўзни “katarakt” (катаракт) ва “қора сув” касаллигидан сақлаб туради.
4. Намоз ибодатидаги изометрик ҳаракатлар, ошқозондаги озиқларнинг яхшигина аралашишига, ўтдан ҳазм қилувчи суюқликнинг осонлик билан ажралиб чиқишига ва шу туфайли ўтда суюқликнинг йиғилиб қолмаслигига, ўн икки бармоқ ичагига ҳазм қилувчи модда

етказиб турадиган панкреас безидан моддаларнинг осонлик билан ажралишига ёрдам беради. Ундан бошқа, ич қотишининг олди олиниб, оғриқсиз ва қийинчиликсиз ахлат чиқаришда ҳам катта роль ўйнайди.

Намоздаги ҳаракатлар натижасида буйрак ва сийдик каналларининг тўхтовсиз чайқалиши туфайли, буйракда тош ҳосил бўлишининг олди олинмоқда ва қовуқнинг осонлик билан бўшалишида ҳам ижобий таъсирлар вужудга келтирмоқда.

5. Кунда беш вақт ўқиладиган намоздаги ҳаракатлар, кундалик ҳаётда ҳеч қанақа эҳтиёж бўлмагани учун ишлатилмасдан заифлаган баъзи мускулларни ишга солиб, “artroz” (артроз) ва туз йиғилиши каби суяк бўғинларидаги касалликларни ва томир тортиб қолишини бартараф қилади.

6. Вужуднинг саломатлиги борасида тозаликнинг аҳамияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки таҳорат ва ғусл, ҳам моддий, ҳам маънавий тозалик ҳисобланади. Намоз ана шунинг учун ҳам, тозаликнинг ва покликнинг ўзигинасидир. Зеро ҳам бадан, ҳам руҳ тозалиги амалга ошмасдан намоз бўлмайди. Таҳорат вазифасини бажо келтирган кимса ибодатини тугатганда руҳан покланган ҳолатда бўлади.

7. Бадан соғлиги нуқтаи назаридан, муайян вақтларда қилинадиган ҳаракатлар, жудаям муҳимдир. Тиббиётда намоз вақтлари, қон айланишини янгилаш ва нафас олиш системасини жонлантириш учун энг мақбул вақтлар эканлиги аниқланган.

8. Уйқу жараёнини маълум бир тартибга солиб турадиган ўлчов ҳам намоздир. Ҳатто, вужудда бирикадиган статик электр оқими, сажда қилиш билан пешона орқали тупроққа (ерга) ўтказилади. Бу эса вужудимизнинг ортиқча ва зарарли электр кучланишидан фориғ бўлиб, қайтадан соғлом ва чидамли ҳолатга ўтишини таъминлайди.

Намознинг юқорида баён қилинган фойдаларидан истифода қила олиш учун, намозларни ўз вақтида адо этиш билан бирга тозаликка, кўп емасликка ва истеъмол қилинадиган озиқ-овқат, сабзавотларнинг тоза, ҳалол бўлишига ҳам диққат қилиш керак.

Банда, дунёда бутун ибодатларини фақатгина Аллоҳу таолонинг амри бўлгани учун бажо келтириши керак. Бадан соғлиги ва инсонлар орасида обрўли бўлиш нияти билан ибодат қиладиган бўлса, бунинг фойдаси дунёда қолади, охиратда зарра қадар нафи тегмайди. Чунки Ислом олимларининг хабар беришича, инсонларнинг кўпчилиги дунёда нотўғри ниятлари туфайли охиратда хароб бўлишади. Охиратда **«Эй қулим, дунёда ким ёки нима учун ибодат қилган бўлсанг савобини бор ўшандан ол!»** - хитобига рўпара келган қуллар ниятларига қараб жаҳаннам ёки жаннат йўлига равона бўлишади.

Ҳеч кимга боқий йўлдошмас, молу мулк, дунё ва зар,
Бир хароб бўлган кўнгилни таъмир этмоқдир ҳунар!

Еттинчи Бўлим

НАМОЗ ИСҚОТИ
Маййит учун исқот ва давр

“Нур-ул-изоҳ”да ва **“Таҳтовий”** китобининг ҳошиясида ва **“Ҳалабий”** билан **“Дурр-ул-мухтор”** китобларида, намоз қазоси баҳсининг охирида, **“Мултақо”** ва **“Дурр-ул-Мултақо”** исмли китобларда, ундан ташқари **“Виқоя”**, **“Дурар”** ва **“Жавҳара”** каби кўпгина қийматли китобларда рўза баҳсининг охирида, васият қилиб кетган маййит учун исқот ва давр қилишнинг шарт ва лозим эканлиги ёзилган.

Масалан **“Таҳтовий”** китобининг ҳошиясида бундай деб ёзилган: *«Тутилмаган рўзаларни фидя бериш орқали исқот қилиш ҳақида носс [яъни далил] бордир. Намоз рўзадан муҳимроқ бўлгани учун, шаръий бир узр билан қазога қолган ва қазосини ўқишни ният қилгану бироқ, ўлим касаллигига чалинган кимсанинг, қазо қилолмаган намозларини худди рўзада бўлганидек исқот қилдириши учун, барча олимларнинг иттифоқи бордир. Намознинг исқоти бўлмайди - деган кимса, ғирт жоҳилдир. Чунки мазҳабларнинг иттифоқли сўз бирлиги [фикрбирлиги]га қарши чиққан бўлади. Ҳадиси шарифда:* ***«Бир кимса бошқа библовнинг ўрнига рўзасини ва намозини адо этолмайди. Лекин, унинг рўзаси ва намози учун фақирларни тўйғазади»****- дейилган».* Аҳли суннат олимларининг буюкликларини тушуна олмаган ва мазҳаб имомларимизни ўзларига ўхшаб қисқа ақлу хаёли билан ҳукм чиқарган - деб ўйлайдиган баъзи кимсаларнинг *«Исломиятда давр ва исқот деган нарса йўқ! Исқот христианларнинг гуноҳ кечириш маросимларига ўхшайди»* - деган аҳмоқона гапларни айтиб юришганини эшитяпмиз. Бу гаплари уларнинг ўзларини хавфли ҳолатга тушириб қўймоқда. Чунки Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”: ***«Умматим ботил*** *[нотўғри, бузуқ]* ***йўлда иттифоқ этмайдилар!»*** - деб марҳамат қилганлар. Бу ҳадиси шариф умматнинг мужтаҳид олимлари учун айтилган, йўқса, қора ҳалқ учун айтилмаган. Мужтаҳидларнинг иттифоқ билан, фикрбирлиги ила билдирган ҳукмларининг албатта тўғри эканлиги бу ҳадиси шариф билан тасдиғини топган. Олимларнинг иттифоқларини қабул қилмайдиганлар бу ҳадиси шарифни ҳам рад этган бўлишади. Ибни Обидин ҳазратлари витр намозини баён қиларкан: *«Динда зарурий бўлган, яъни жоҳиллар ҳам биладиган ижмоъ илмларига ишонмайдиган кимса кофир бўлур»*

- деганлар. “Ижмоъ”-олимларнинг фикр ва сўзбирлиги (иттифоқи) деганидир. Исқотни, христианларнинг гуноҳ кечириш маросимларига ўхшатиш учун, ё кофир бўлиш керак, ёки сотқин. Ахир христиан папалари гуноҳ кечиряпмиз деб инсонларни талон-тарож қилишмоқда, чўнтакдаги пулларини шилмоқда. Ҳолбуки, Исломиятда исқот ишини имом, муфтий каби дин одамлари қилмайди! Исқот ишини фақатгина марҳумнинг яқини амалга ошира олади ва исқот учун бериладиган пул ҳам дин одамларига, яъни имомларга эмас, балки фақирларга, муҳтожларга берилади.

Бугун деярли барча мусулмон ўлкаларда исқот ва давр ишлари Исломиятга мос тарзда амалга оширилмаяпти. *“Исломда исқот йўқ”* - деб жар солиб юрган кимсалар, унинг ўрнига *“Сиз қилаётган исқот, Исломга кўра тўғри амалга ошмаяпти”* - десалар яхшироқ бўларди. Биз ҳам уларни қўллаб-қувватлаган бўлар эдик. Улар ҳам бу гаплари билан иймонларини хавф остига ташламаган бўлардилар ҳамда Исломиятга хизмат қилган бўлардилар. Исқот ва давр ишининг қандай қилиб Исломиятга кўра тўғри бажарилиши қуйида билдирилади. Ибни Обидин ҳазратлари, **“Радд-ул-мухтор”** асарларида қазо намози баҳсининг охирида айтадиларки: *«Фоита намозлари* [узр билан қазога қолган намозлари] *бўлган бир кимса, уларни имо-ишора билан қазо қилишга кучи етиб турган ҳолда ўқимаган бўлса, ўлим олдидан бу каффоратининг исқот қилиниши учун васият этмоғи вожибдир. Қазосини ўқишга қудрати етмаган бўлса, васият этмоғи лозим бўлмайди. Рамазони шарифда рўзасини бузган мусофир ва касал ҳам, қазосини тутишга вақт тополмасдан амри Ҳақ воқиъ бўлса, васият этишлари лозим бўлмайди. Аллоҳу таоло уларнинг узрларини қабул этади. Касалнинг каффорат исқоти, ўлимидан кейин яқинлари тарафидан ифо этилади. Киши ўлмасдан аввал, исқот қилинмайди. Ҳаётда бўлган кимсанинг ўзи учун исқот қилдириши жоиз эмас.»* **“Жило-ул-қулуб”** китобида эса: *«Зиммасида Аллоҳу таолонинг ҳақи ёки қул ҳақи бўлган кимсанинг, икки гувоҳ ёнида васият этмоғи ёки ёзган васиятини уларга эшиттириб ўқимоғи вожибдир. Бўйнида бегонанинг ҳақи бўлмаган кимсанинг васият этмоғи мустаҳабдир.»*-дейилган.

Каффорат исқотини марҳумнинг васият қилган яқини, яъни меросини керакли жойларга тақсим қилишини васият қилиб қолдирган одами ёки вориси (меросхўри) амалга оширади. Мероснинг учда бирида, ҳар бир вақт намоз учун ва витр намози учун қазо қилиниши лозим бўлган бир кунлик рўза учун бир фитра миқдори яъни ярим саъ [беш юз дирҳам ёки бир минг етти юз эллик грамм] буғдойни фақирларга [ёки яқинларига] фидя сифатида беришади.

Каффорат исқоти учун васият қилмаган маййитнинг меросхўри ёки яқини, Ҳанафий мазҳабида исқот қилишга мажбур эмас. Шофиъий мазҳабида, васият қилмаган бўлса ҳам, яқинлари маййитнинг исқоти билан шуғулланиши керак. Қул ҳақи васият қилинмаган бўлса ҳам, меросхўр маййитнинг молидан олиб қарзини узиши Ҳанафийда

заруриййдир. Ҳатто қарз олган одамлари мерос қўлга киргач, ҳақларини ҳеч қанақа маҳкамасиз олишлари ҳам мумкин. Қазога қолган рўзаларининг фидясини ўташни васият қилган бўлса, буни амалга ошириш вожибдир. Чунки Исломият буни амр қилмоқда. Ҳеч васият қилмаган бўлса, намоз фидясини бериш вожиб эмас, жоиз бўлади. Бу охирги иккаласи қабул қилинмаса, ҳеч бўлмаганда садақа савоби ҳосил бўлиб, маййитнинг гуноҳларини поклашга ёрдам беради. Имоми Муҳаммад ҳазратлари ҳам мана шундай деганлар. **“Мажмо-ул-анҳур”** китобида: *«Нафс ва шайтон етовида намозни тарк этиб, умрининг охирида бунга пушаймон бўлиб* [қазосини ўқий бошлаган] *кимсанинг, намозларини умр охиригача қазо этолмаса, буларни исқот учун васият этмоғи жоиз бўлмайди, - дейилган бўлса-да, бунинг жоиз эканлиги* ***“Мустасфо”*** *китобида мазкурдир.»*

“Жило-ул-қулуб” китобида: *«****Қул ҳақлари*** *деб –тўланадиган қарзлар, омонат, зўравонлик билан тортиб олинган мол, ўғирлик, иш ҳақи ва савдо туфайли қарзланиш, уриш, ялалаш, ноҳақ фойдаланиш каби бадан ҳақлари ва сўкиш, масхара қилиш, ғийбат, ифтиро ва бўҳтон каби қалб ҳақларига айтилади.»*- дейилган.

Васият қилган марҳумнинг молидан учда бири исқот қилиш учун етадиган бўлса, меросхўри ўша мол билан фидя бермоғи лозим. Агар етмайдиган бўлса, бутун мероснинг учда биридан кўпроғини меросхўр исқот мақсадида ишлатиши жоиздир. Бу фатво **“Фатҳ-ул-қодир”** китобидан олинди. Шунингдек, марҳум ўлими олдидан ёки аввалроқ фарз ибодати бўлган ҳажнинг адо этилишини васият қилган бўлса-ю унинг меросхўри ҳажга бориш ўрнига ажратилган пулни фақирларга садақа қилса, жоиз бўлмайди. Марҳум ўлмасдан аввал, васият қилмай туриб, меросхўри ўз пули билан ҳажнинг исқотини қилса ёки ҳаж ибодатини адо этса, марҳумнинг қарзи тўланган бўлади. Бу ишлар ворисдан бошқасининг пули билан амалга ошса, “жоиз бўлмайди”- деганлар бўлса ҳам, **“Дурр-ул-мухтор”**, **“Мароқил-фалоҳ”** ва **“Жило-ул-қулуб”** муаллифлари *“жоиз бўлур”* дедилар.

Каффорат исқоти, буғдой ўрнига ун ёки бир саъ арпа, хурмо, узум билан ҳам ҳисоб қилиниб, берилиши мумкин. [Чунки булар буғдойдан қимматроқ бўлгани учун, фақирларга нисбатан кўпроқ фойда келтиради.] Улар ўрнига ўша нархдан кам бўлмаган олтин ёки кумуш ҳам берилиши мумкин. [Қоғоз пул билан исқот бўлмайди] Саждаи тиловат учун фидя бермоқ лозим эмас.

ИСҚОТ ва ДАВР иши қандай бажарилади?

[Марҳум, ўлимидан кейин қарзларининг, яъни қазога қолган фарз ибодатларининг соқит бўлиши учун ўзига бир ишончли валий ёки вакил тайинлайди. Бу вакил марҳумнинг яқини ёки таниши ҳам бўлиши мумкин. Ишончли бўлган бу инсонга марҳум ўлишидан аввал бутун қазо (қарз) ибодатларини билдиради. Меросининг миқдорини ҳам билдиради ва исқот (қарз ибодатларининг соқит бўлиш) ишини адо этишларини васият қилади. Ўша васият қилинган кишига **Валий** дейилади. Валий исқот ишини юритаётганда марҳумнинг ибодатларини Исломда белгиланган мулк миқдорига айлантириб, ўша мулкни фақирларга садақа қилади. Бу мулкка **Фидя** дейилади. Валий, марҳум меросининг учдан бирини фидя сифатида садақа қилиш ҳақига эга.]

Фидя пули, мероснинг учда биридан ошиб кетса, ворислар рухсат бермагунча, валий мероснинг учда биридан ортиғини сарфлай олмайди. **"Қиня"** китобида: *«Бутун умри бўйича қазога қолган намозлари учун молининг учдан бирини беришни васият қилиб кетган марҳум, бир кимсага қарздор бўлса-ю қарз эгаси ҳақини олмай, аввало васиятнинг бажарилишига рухсат берса ҳам, васиятнинг бажарилиши жоиз бўлмайди. Чунки Исломият аввал қарзни тўлашни амр қилади. Қарз узишни, қарз эгасининг розилигига қараб кечиктириш мумкин эмас.»*- дейилади.

Жумла намозларининг исқот қилинишини васият қилган кимсанинг неча ёшда вафот этганлиги номаълум бўлса, қолдирган меросининг учдан бири намозларининг исқотига етмайдиган миқдорда бўлсагина, васият жоиз бўлади. Мероснинг учдан бири исқот учун етса ва ортса, васияти жоиз бўлмайди, ботил бўлади. Чунки молининг учдан бири исқотга етмаган тақдирда, ўша мол билан исқот қилинадиган намозлар сонини аниқлаш мумкин бўлганлигидан, васият бу намозлар учун саҳиҳ бўлади. Қолган намозлари учун қилган васияти лағв, яъни бўш гап бўлади. Мероснинг учдан бири намоз исқотидан кўп бўлган тақдирда, марҳумнинг умри номаълум бўлгани учун қарз намозларнинг сони ҳам номаълум бўлиб қолади. Бундай аҳволда васият ботил бўлади.

Намоз исқоти учун васият қилиб кетган марҳумнинг ҳеч ҳам моли бўлмаса ёки қолдирган меросининг учдан бири исқотга етмаса ёки васият қилмасдан кетган бўлса-ю, валий ўз истаги билан ва ўз моли билан исқот қилишни хоҳласа, **давр** қилиши мумкин. Лекин, мажбур эмас. Шояд бунга бел боғлаган бўлса, давр учун валий, бир ойлик ёки бир йиллик исқотга керакли бўлган олтин танга ёки билагузук, узук ёки кумушдан

ясалган, бозорда ўтадиган тангани вақтинчалик қарз олиб туради. Марҳум, эр киши бўлса, умридан ўн икки йилини, хотин киши эса, тўққиз йилини айриб, қолган ёшларига кўра неча йиллик қарзлари борлигини ҳисоблайди. **Бир кунлик олтита намоз учун 10 кило; бир қуёш йили учун 3660 кило буғдой бериш керак.** Масалан, бир кило буғдой 1 сўм 80 тийин бўлган пайтда, бир йиллик намоз исқоти 6588 сўм ёки қисқача 6600 сўм бўлади. Бир олтин танга (мас: 7 грамм 20 сантиграмм бўлиб) 120 сўм бўлган пайтда, **бир йиллик намоз исқоти учун 55 ёки эҳтиётан 60 танга** (олтин танга) **лозим бўлади.** Марҳумнинг валийси, қарзга бешта олтин олса ва дунёпараст бўлмаган, динини биладиган ва севадиган бир нечта, масалан тўртта фақирни топса [Бу инсонларнинг фитра беролмайдиган, яъни садақа оладиган даражада фақир бўлишлари шарт. Фақир бўлмасалар исқот қабул бўлмайди.] Марҳумнинг валийси, яъни васият қилинган одам ёки ворисларидан бири ёхуд ўша ворислардан бири тарафидан тайинланган вакили: *«Марҳум фалончи ўғли (қизи) фалоннинг исқоти салоти учун, бадал сифатида, бу бешта олтинни сенга бердим»* - деб, ўша беш олтинни биринчи фақирга садақа ният қилиб беради. Кейин фақир: *«Олдим, қабул этдим ва сенга ҳадя қилдим»* - деб олтинни қайтадан ворисга ёки вориснинг вакилига совға қилади ва ворис ҳам қабул қилади. Сўнгра ворис, ўша олтинни ҳалиги фақирга ёки иккинчи фақирга юқоридаги гапларни айтиб топширади ва унинг совғаси сифатида қайтиб олади. Мана шундай қилиб бир фақирга тўрт марта ёки тўрт фақирга бир мартадан садақа қилиб, кейин совға сифатида қайтиб олиш билан бир давр, яъни бир айланиш ҳосил бўлган бўлади. Бу бир даврда 20 олтинлик намоз каффорати исқот қилинган бўлади.

Марҳум, эр киши бўлса ва олтмиш ёшида вафот этган бўлса, ёшдан 12 йил олиб ташланади ва қолган 48 йиллик намози учун 48x60=2880 олтин бериш лозим бўлади. Бунинг учун 2880:20=144 марта давр, яъни айланиш ҳосил бўлиши керак. Агар олтин сони 10та бўлса, 72 давр; олтин 20та бўлса, 36 давр вужудга келтирилади. Фақирларнинг сони 10та ва олтин сони ҳам 10та бўлса 48 йиллик намоз каффоратининг исқоти учун 29 давр қилинади. Чунки:

Намоз ўқимаган йиллар х бир йиллик олтин сони = фақир сони х давр қилинадиган олтин сони х давр сонидир. Мисолимизга кўра тахминан:

48x60=4x5x144=4x10x72=4x20x36=10x10x29 бўлади.

Бундан кўриниб турибдики, намоз исқотида, давр сонини топиш учун бир йиллик олтин сони билан марҳумнинг намоз қарзи кўпайтирилади. Ундан ташқари давр қилинган олтин сони билан фақир сони ҳам кўпайтирилади ва биринчи кўпайтма, иккинчи кўпайтмага бўлинади. Чиққан бўлинма давр сонини келтириб чиқаради.

Буғдойнинг ва олтиннинг қоғоз пул баҳоси ҳамма вақт деярли бир хил миқдорда ўзгариб туради. Яъни олтиннинг баҳоси билан буғдойнинг

баҳоси ҳамма вақт бир хилда ошиб ёки камайиб туради. Шу сабабдан, исқот учун бир йиллик буғдой миқдори ўзгармаганидек, бир йиллик олтин сони ҳам, яъни юқорида ҳисоблаб топган 60 олтин ҳам ўзи бўйича қолади. Шунинг учун, (бир олтин танга оғирлиги 7,20 грамм бўлганда) исқот ҳисобида ҳамма вақт эҳтиётан:

Бир ойлик намоз исқоти беш олтин (36 грамм)

Бир ойлик Рамазон рўзасининг исқоти бир олтин (7гр 20сгр) деб қабул қилиняпти. Давр қиладиган, айланадиган олтин миқдори ва давр сони шу ердан топилади.

Намоз исқоти битгач, тутилмаган, қазо этилиши лозим бўлган рўзаларнинг исқоти учун, беш олтин тўртта фақирга уч марта давр қилинади. Чунки, бир йиллик, яъни ўттиз кунлик рўзанинг каффорат исқоти 52,5 кг буғдой ёки 5,25 грамм олтин, яъни 0,73 дона олтин танга бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики Ҳанафийда бир олтин (7,20гр) бир йиллик рўза каффоратини исқот қилади ва 48 йиллик рўза учун 48 дона олтин бериш керак бўлади. Беш дона олтин билан тўртта фақирга давр қилинса, 20 олтин берилган бўлиб ҳисобланади. Қазо қилиниши лозим бўлган рўзаларнинг исқоти ҳам битгач, марҳумнинг закоти учун, ундан кейин қурбонлиги учун бир неча давр қилинади.

Марҳум ҳаётлигида қасам қилиб, онт ичган ишларини бажара олмасдан кетган бўлса, унинг қасам каффорати ҳам берилиши керак бўлади.

Бир қасам каффорати учун, ҳар куни бир фақирдан ўн кунда ўн фақирни икки мартадан тўйдириш лозим. Ният қилиниб кейин бузилган бир кунлик рўзанинг каффорати учун бир кунда олтмиш фақирни тўйдириш керак бўлади ва бир фақирга бир кунда, ярим саъ (ярим саъ=1750гр) буғдойдан ортиғи берилмайди. Яъни бир неча қасам каффорати, бир кунда ўнта фақирга берилмайди. У ҳолда, қасам ва рўза каффоратлари учун бир кунда давр қилиш мумкин эмас.

Марҳумнинг қасам васияти бўлса, бир қасам каффорати учун бир кунда ўнта фақирдан ҳар бирига икки кг буғдой, ун ёки қиймати шунга тенг бўладиган хоҳлаган бир мол, олтин, кумуш берилиши мумкин. Буларни бир фақирга ўн кунда кетма-кет берса ҳам бўлади. Ёки бир фақирга қоғоз пул берилиб: ***«Сени вакил тайинладим. Бу пул билан ҳар куни икки марта эрталаб ва кечқурун бўлиш шарти билан ўн кун қорнингни тўйғазгин!»*** - деб айтса ҳам мақбул бўлади. Агар фақир қорнини ўн кун тўйғазмасдан туриб пулни қаҳва, газета ва шунга ўхшаш майда чуйдаларга сарфласа, жоиз бўлмайди. Энг яхшиси, бир ошпаз дўкондор билан келишиб, ўн кунлик пулни ошпазга бериб, фақир ҳам ўша дўкондан ҳар куни икки марта, эрталаб ва кечқурун қорнини тўйғазиши керак.

Ниятлангандан кейин бузилган рўза ва зиҳор каффоратлари ҳам мана шундай бўлиб, бу иккаласида бир кунлик каффорати учун, олтмиш

фақирга бир кун ёки бир фақирга олтмиш кун ярим саъ буғдой ёки айни қийматга тенг бўлган бошқа мол бериш ёки бўлмаса ҳар куни икки марта қорнини тўйғазиш лозим.

Васият қилинмаган закотнинг каффорати учун, исқот қилмоқ лозим эмас. Аммо ворислардан бирининг закот исқотини ўз хоҳиши билан давр қила олишига олимлар тарафидан фатво берилган.

Давр қилинаётганда валий, фақирларга олтинни ҳар садақа қилишида, қалбидан *“намоз ёки рўза исқоти учун”* деб ният қилмоғи даркор. Фақир ҳам қайтариб бераётганида *“ҳадя ёки совға қилдим”* - дейиши керак ва валий ҳам *“қабул қилиб олдим”*-дейиши лозим.

Валий исқот қила олмайдиган аҳволда бўлса, марҳумнинг исқотини қилиш учун бирини вакил сайлаб, вазифа берилади. Исқот ва даврни ўша вакил амалга оширади.

Имоми Биргивий ҳазратларининг **“Васиятнома”** деган китобларида ва шу китобнинг Қозизода Аҳмад афанди тарафидан ёзилган шарҳида айтиладики: «Фақирлар нисобга молик бўлмаслиги шарт. Марҳумнинг қариндош-уруғларидан бўлса, жоиздир. Фақирга каффоратни бераётганда *“фалончининг шунча намозининг исқоти учун шуни сенга бердим”*- дейиш керак. Фақир эса *“қабул этдим”*- дейиши лозим ва олтинларини олгач, бу олтинлар энди ўзиники бўлганини билиши керак. Агар билмаса, аввалдан ўргатиш керак. Ўша фақир ҳам лутф этиб ўз хоҳиши билан *«Фалончининг намозининг исқоти учун бадал сифатида шу олтинларни сенга бердим»* - деб бошқа фақирга беради. У фақир ҳам олтинларни олиб: *“қабул этдим”*- дейиши керак. Олтинларни олганида энди бу олтинларнинг ўз мулки бўлганига ишониши ва билиши керак. Агар буни омонат совға деб оладиган бўлса, давр қабул бўлмайди. Ўша иккинчи фақир ҳам *“олдим қабул этдим”*-дегандан кейин ўз истаги билан: *“ўша мақсад ва ўша важҳ билан сенга бердим”*- деб учинчи фақирга беради. Мана шу тариқа намоз, рўза, закот, қурбон, садақаи фитр, назр ва қул ҳақлари, ҳайвон ҳақлари учун давр қилиниши керак. Фосид ва ботил бўлган савдо-сотиқ ҳам қул ҳақларига киради. Қасам ва рўза каффоратлари учун давр қилмоқ жоиз эмас.

Энг охирида, олтинлар қайси фақирда қолса, ўша фақир лутф этиб, орзуси ва ризоси билан олтинларни валийга совға қилади. Валий олиб *“қабул қилдим”* дейди. Агар фақир совға қилишни хоҳламаса, зўравонлик билан тортиб олишга бўлмайди. Чунки олтинлар шариатга кўра ортиқ фақирнинг мулки бўлиб ҳисобланади. Фақир совға қиладиган бўлса, валий уларга бирон нарса бериб севинтириши мақбулдир. Валий маълум миқдор олтинини ёки қоғоз пулидан бир қисмини ёки бўлмаса, марҳумнинг ашёсидан бир қисмини ўша фақирларга бериб, ҳосил бўлган савобни ҳам, марҳумнинг руҳига совға қилади. Қарздор бўлган фақир ва балоғат ёшига етмаган бола, давр ишига қатнашмаслиги керак. Чунки ундай фақирга қўлига кирган олтин билан аввало қарзларини тўлаб

қутулиши фарз бўлади. Унинг ўша фарзни қўйиб, олтинларни марҳумнинг каффорати учун ёнидаги фақирга бериши жоиз бўлмайди. Давр қабул бўлса ҳам, ўзи савоб ололмайди. Ҳатто, аксинча, гуноҳкор бўлади.

Мол-мулки бўлмаган маййит, давр қилишни васият қилиб кетган бўлса, валийга давр қилиш вожиб бўлмайди. Маййитга, яъни марҳумга, каффоратларини исқот қиладиган пулнинг миқдори мероснинг учдан бирини ошмайдиган қилиб, васият қилиш вожибдир. Ана шу тақдирдагина даврга ҳожат қолмасдан, исқот иши амалга оширилади. Агар маййит, меросининг учдан бири исқотга етиб турган ҳолда ундан ҳам камроқ пул билан давр қилишни васият қилса, гуноҳкор бўлади.»

Ибни Обидин ҳазратлари **"Радд-ул-мухтор"** китобининг 5-жилд 273-саҳифасида айтадиларки:

«Ёш фарзандлари бўлган ёки фақир бўлиб, меросга муҳтож, солиҳ ва болиғ ўғил-қизлари бўлган касалнинг, мол-мулкини нофила ибодат бўлган хайр ва ҳасанот ишларига сарфлашни васият қилмай, молини солиҳ фарзандларига ташлаб кетиши афзалроқдир.»

Мўтабар **"Баззозия"** китобида совға мавзуси баён қилинаркан айтиладики: *«Мол-мулкни хайр-ҳасанот ишларига сарфлаб, фосиқ бўлган фарзандларга мерос қилиб ташлаб кетмаслик керак. Чунки фосиқ кимса, бу пулни гуноҳ ишларида сарфлайди. Берилган мерос ҳам ўша гуноҳ ишга ёрдамчи ва шериклик қилган бўлади. Фосиқ фарзандга нафақадан ортиқча мол берилмаслик керак.»*

Жуда кўп миқдорда намоз, рўза, закот, қурбон ва қасам қарзлари бўлган кимса, булар учун мероснинг учда биридан кам мол билан давр қилинишини ва қолган мол билан Қуръони карим, хатми таҳлил ва мавлид ўқитилишини васият қилса, бу жоиз бўлмайди. Чунки, буларни ўқиш ёки ўқитиш учун пул олиб-берадиган кимсалар, гуноҳкор бўлишади. Қуръони карим ўргатиш учун пул олиб-бериш жоиздир. Ўқиш ёки ўқитиш учун эса, жоиз эмас.

Маййитнинг қазога қолган намозларини ва рўзаларини, вориси ёки бошқа бир кимсанинг қазо қилиши, жоиз эмас. Лекин ўзи нофила намоз ўқиб, рўза тутиб, савобини маййитнинг руҳига ҳадя қилиши жоиз ва яхши бўлади.

Маййитнинг қарзи бўлмиш ҳаж ибодатини, васият қилинган кимсанинг қазо қилиши жоиздир Яъни маййитни қарздан қутқаради. Чунки ҳаж, ҳам бадан билан, ҳам мол билан бажариладиган ибодатдир. Нофила ҳаж ибодатини бошқаларининг ўрнига ҳамма вақт адо этса бўлади. Фарз бўлган ҳаж ибодати эса, умрида ҳажга боролмайдиган кимсанинг ўрнигагина вакили тарафидан адо этила олади.

"Мажма-ул-анҳур" ва **"Дурр-ул-мунтақо"** китобларида зикр этилишича: *«Маййитнинг исқотини дафндан аввал бажо келтириш керак».* Дафндан кейин ҳам исқот қилишнинг жоиз эканлиги **"Куҳистоний"** китобида мазкурдир.

Маййитнинг намоз, рўза, қурбон каффоратларининг исқоти асносида, бир фақирга нисоб миқдоридан кўп мол берилиши мумкин. Ҳатто, олтинларнинг ҳаммаси бир фақирга берилиши ҳам мумкин.

Ўлим тўшагида ётган кимсанинг ўқий олмаган намозлари учун фидя бериш жоиз эмас. Рўза тутолмайдиган даражада қари бўлган кимсанинг, тутолмаган рўзалари учун фидя бериш жоиздир. Касал ётган кимса, намозларини боши билан имо қилиб ўқиши керак. Мана шундай имо билан бир кундан кўп намоз ўқиёлмайдиган касалнинг адо этилмаган намозлари, кечирилади. Касал тузалган пайтида, уларни, қазо қилиши шарт эмас. Лекин тутолмаган рўзаларини, тузалганида тутиши керак бўлади. Тузалмасдан вафот этса, бу рўзалар ҳам кечирилади.

Саккизинчи Бўлим

ЎТТИЗ ИККИ ВА ЭЛЛИК ТЎРТ ФАРЗ

Болиғ бўлган бир бола ёки бир кофир, **“Калима-и тавҳид”** айтса, яъни **«Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ»** деса ва маъносини билиб ишонса, **Мусулмон** бўлади. Бу калимани айтиб мусулмон бўлган кофирнинг барча гуноҳлари ўша заҳотиёқ афв қилинади. Лекин у кимса, ҳар бир мусулмон каби, имкон топган заҳоти имоннинг олти шартини, яъни **“Оманту”**ни ёдламоғи ва маъносини ўрганиб, уларга ишонмоғи керак. Яна *«Исломиятнинг тамомини, яъни Муҳаммад “алайҳиссалом” ҳазратлари келтирган амр ва тақиқларнинг барчасини, Аллоҳу таолонинг амри деб, ишондим»* - дейиши керак. Кейин кун сайин аста-секин олдига чиқадиган бутун иш-ҳодисалардан фарз ва ҳаром бўлганларини, яъни амр ва ман қилинганларини ўрганиши ҳам фарздир. Буларни ўрганиш ва фарзларни бажариб, ҳаромлардан тийилишнинг фарз эканлигини инкор этса, рад этса, ишонмаса имони кетади. Ўша ўрганганларидан атиги биронтасини ёқтирмаса, қабул қилмаса муртад бўлади. (Муртад диндан қайтган демакдир) Муртад ўзини мусулмонман деб ўйлайди. Лекин муртад бўлганлар «Ло илоҳа иллаллоҳ» дейишса ҳам, ёки исломиятнинг баъзи амрларини бажо келтиришса ҳам, масалан намоз ўқишса, рўза тутишса, ҳажга боришса, хайр-ҳасанот қилишса ҳам, мусулмон бўлолмайдилар. Муртаднинг садақаси, ибодати ва яхшилиги худди кофирнинг яхшилигидек, охиратда ҳеч қанақа фойда бермайди. Муртад минг йил ибодат қилса ҳам, кофирлигича қолади ва абадий дўзахда ёнади. Қайта мусулмон бўлиш учун, Исломнинг қайси ҳукмини ёқтирмай ёхуд менсинмай диндан қайтган бўлса, худди шу қилмишига пушаймон бўлиб тавба қилиши шарт.

Ислом олимлари, ҳар бир мусулмонга ўрганиши, ишониши ва тобе бўлиб амал қилиши лозим бўлган фарзлардан муҳимроқ ўттиз икки ва яна эллик тўрт донасини танлаб чиқарганлар. (Мовароуннаҳрда булар 40 фарз атамаси билан юритилади. Фарз сонидаги фарқлиликлар бир фарз таркибидаги қисмларини алоҳида фарз санашдан юзага келган.)

ЎТТИЗ ИККИ ФАРЗ

Иймоннинг шарти: *олти* (6)
Исломнинг шарти: *беш* (5)
Намознинг фарзи: *ўн икки* (12)
Таҳоратнинг фарзи: *тўрт* (4)
Ғуслнинг фарзи: *уч* (3)
Таяммумнинг фарзи: *икки* (2)
Таммумнинг фарзи учта деган олимлар ҳам бор. Бу олимларга кўра, бу фарзларни тамоми ўттиз уч бўлади. Иккаласиям тўғридир.

ИЙМОННИНГ ШАРТЛАРИ (6)

1. Аллоҳу таолонинг борлигига ва бирлигига ишониш.
2. Малакларга (фаришталарга) ишониш.
3. Аллоҳу таоло юборган китобларга ишониш.
4. Аллоҳу таолонинг жумла пайғамбарларига ишониш.
5. Охират кунига ишониш.
6. Тақдирга ишониш.

ИСЛОМНИНГ ШАРТЛАРИ (5)

7. Калима-и шаҳодат келтириш.
8. Ҳар куни беш марта вақти кирганида намоз ўқиш.
9. Молининг закотини бериш.
10. Рамазон ойида ҳар куни рўза тутиш.
11. Кучи етган кишини умрида бир марта ҳажга бориши.

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ (12)

А) Ташқи фарзлари 7та, уларга “шартлари” дейилади.
12. Ҳадасдан таҳорат.
13. Нажосатдан таҳорат.
14. Сатри аврат.
15. Истиқболи қибла.
16. Вақт.
17. Ният.
18. Ифтитоҳ ёки таҳрима (кириш) такбири.

Б) Ички фарзлари бешта, уларга “рукн” дейилади.
19. Қиём.
20. Қироат.
21. Рукуъ.
22. Сажда.
23. Қаъдаи охира.

ТАҲОРАТНИНГ ФАРЗЛАРИ (4)

24. Таҳорат олаётганда юзни ювиш.
25. Қўлларни тирсаклари билан қўшиб ювиш.
26. Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш.
27. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

ҒУСЛНИНГ ФАРЗЛАРИ (3)

28. Оғизнинг ичини чайқалаш (мазмаза).
29. Бурунга сув тортиб қоқиш (истиншоқ).
30. Бутун баданни қуруқ жой қолдирмай ювиш.

ТАЯММУМНИНГ ФАРЗЛАРИ (2)

31. Жунубликдан ёки таҳоратсизликдан тозаланиш учун ният қилиш.
32. Икки кафтни тоза тупроққа уриб, юзни масҳ қилиш ва такрор икки кафтни тупроққа уриб, бу сафар икки қўлни тирсакдан ҳовучгача масҳ тортиш ёки силаш.

ЭЛЛИК ТЎРТ ФАРЗ

1. Аллоҳу таолонинг бир, яъни ягона эканлигига ишониш.
2. Ҳалол ейиш ва ичиш.
3. Таҳорат олиш.
4. Беш вақт намоз ўқиш
5. Жунубликдан ғусл олиш.
6. Ризқнинг Аллоҳу таолодан эканлигига ишониш.
7. Ҳалол ва тоза либос кийиш.
8. Аллоҳу таолога таваккул қилиш.
9. Қаноаткор бўлиш.
10. Берган неъматлари учун Аллоҳу таолога шукр қилиш.
11. Қазога розилик кўрсатиш.
12. Бало-қазоларга сабр қилиш.
13. Гуноҳлардан тавба қилиш.
14. Аллоҳ ризолигини кўзлаб ибодат қилиш.
15. Шайтонни душман деб билиш.

16. Қуръони каримнинг ҳукмига рози бўлиш.
17. Ўлимни ҳақ деб билиш.
18. Аллоҳнинг дўстларига дўст, душманларига душман бўлиш.
19. Отага ва онага яхшилик қилиш.
20. Амри маъруф ва наҳйи анил-мункар қилиш. (Яхшиликни амр қилиш, ёмонликни ман қилиш.)
21. Қариндош-уруғларни зиёрат қилиш.
22. Омонатга хиёнат қилмаслик.
23. Доимо Аллоҳу таолодан қўрқиб, фароҳни (эркалик ва осийликни) тарк этиш.
24. Аллоҳга ва Расулига итоат этиш.
25. Гуноҳлардан қочиб, ибодатлар билан машғул бўлиш.
26. Мусулмон амирларига итоат қилиш.
27. Оламга ибрат назари билан қараш.
28. Аллоҳу таолонинг борлигини тафаккур қилиш.
29. Тилини фуҳш (сўкиш) сўзлардан муҳофаза қилиш.
30. Қалбини (юрагини, кўнглини) тоза тутиш.
31. Ҳеч кимни масхара қилмаслик.
32. Ҳаром нарсага қарамаслик.
33. Мўмин кимсанинг ҳамма вақт сўзига содиқ бўлиши.
34. Қулоғини мункарот (ман қилинган нарсаларни) тинглашдан тийиш.
35. Илм ўрганиш.
36. Тарози ва ўлчов асбобларини ҳақ узра қўлланиш.
37. Аллоҳнинг азобидан амин бўлмасдан, (омон қоладиганига ишонмасдан) доимо қўрқиш.
38. Мусулмон фақирларга закот ва ёрдам бериш.
39. Аллоҳнинг раҳмат ва марҳаматидан умид узмаслик.
40. Нафсининг истакларига бўйсунмаслик.
41. Аллоҳ розилиги учун ош бериш.
42. Оиласига етадигандай ризқ топиш учун меҳнат қилиш.
43. Молининг закотини, хирмони (мева, сабзавот)нинг ушрини бериш.
44. Ҳайзли ва нифосли бўлган хонимига яқинлашмаслик.
45. Қалбини гуноҳлардан тозалаш.
46. Кибрли бўлишдан тийилиш.
47. Балоғатга етмаган етимнинг молини муҳофаза қилиш.
48. Ёш ўғлонларга яқинлик қилмаслик.
49. Беш вақт намозни ўз вақтида ўқиб, қазога қўймаслик.
50. Зулм ила ўзганинг молини тортиб олмаслик ва емаслик.
51. Аллоҳу таолога шерик (ширк) қўшмаслик.
52. Зинодан қочиниш.
53. Шароб, спиртли ичимликларни ичмаслик.
54. Бекордан бекорга ва ёлғон жойга қасам, онт ичмаслик.

КУФР БАҲСИ

Дунёда бадбахтликларнинг энг ёмони, Аллоҳу таолони инкор этиш, яъни даҳрийликдир (атеист). Ишониш керак бўлган хусусларга ишонмаслик, куфр бўлади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳу таолодан келтириб билдирган нарсаларининг барчасига қалб билан ишониб, тил билан тасдиқлашга **Иймон** дейилади. Тил билан айтишга бирон нарса моне бўлса, ёки гапиролмаслик каби узри бўлса, ундай ҳолда тил билан айтмаслик узр қабул қилинади. Иймоннинг ҳосил бўлиши учун, Ислом дини куфр деб билдирган нарсаларни айтишдан ва ишлатишдан тийилиш ва улардан узоқ туриш керак. Ислом аҳкомидан яъни буйруқ ва тақиқларидан бирортасини менсинмаслик, Қуръони карим билан, пайғамбарлардан бирортаси билан «алайҳимуссолавоту ваттаслимот» алоқали латифалар, аскиялар тўқиб, уларни масхара қилиш куфрлик аломатларидандир. Инкор деб, эшитгандан кейин ишонмасликка ва тасдиқ этмасликка айтилади. Шубҳаланиш ҳам инкор ҳисобланади.

Куфр уч турлидир: **жаҳлий**, **жуҳудий** ва **ҳукмий**.

I. Эшитмагани, тингламагани ва ўйламагани сабабли кофир бўлганларнинг куфри **куфри жаҳлий**дир. Жоҳиллик эса икки хил бўлиб, биринчиси оддий жоҳилликдир. Бу тоифадагилар, ўзларининг жоҳил ва илмсиз эканликларини билишади. Буларда бузуқ эътиқод бўлмайди. Худди ҳайвон кабидирлар. Чунки инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган нарса илм ва идрокдир. Буларнинг даражалари ҳайвондан ҳам паст бўлади. Чунки ҳайвонлар яратилишида, яъни ўзига хос дунёларида актив бўлишади.

Жоҳилликнинг иккинчи хили, мураккаб жоҳиллик бўлиб, залолат, бузуқлик, тўғри йўлдан оғган эътиқодни ўз ичига олади. Юнон (грек) фалсафачиларининг ва мусулмонлардан етмиш икки бидъат фирқаларининг динда очиқча билдирилган хусусларга хилоф бўлган тушунча ва эътиқодлари мана шу категорияга киради. Бу жаҳолат, аввалги оддий жаҳолатдан минг марта ёмонроқ бўлиб, давоси йўқ касалликдир.

II. Билиб туриб, ўжарлик қилиб кофир бўлганларнинг куфрига **куфри жуҳудий** дейилади. Бунга куфри инодий, яъни ўжарлик куфри ҳам дейилади. Ўжарлик куфри, кибрдан, мансабпарастликдан ва танқидга чидай олмасликдан ҳосил бўлади. Фиръавн ва йўлдошларининг, Византия қироли Ҳераклиюс [Геракл]нинг куфрлари бунга мисолдир.

III. Кофирликнинг учинчи тури к**уфри ҳукмий**дир. Исломиятга кўра **"иймонсизлик белгилари"** экани билдирилган гапларни айтган ва қилиқларни қилганлар қалбларида тасдиқ бўлса ҳам, иймонли

эканликларини айтса ҳам, кофир бўлишади. Чунки **Исломият таҳқирини амр этган нарсани таъзим, таъзимини амр этган нарсани таҳқир куфрдир.** Яъни динимиз ҳақоратлашни буюрган нарсани эъзозлаш ва эъзозлашни буюрган нарсани ҳақоратлаш куфрдир.

1- Аллоҳу таоло Аршдан ёки осмондан бизга қараб турибди, дейиш куфрдир.

2- *Менга зулм қилганингдек энди Аллоҳу таоло ҳам сенга зулм қиляпти,*- дейиш куфрдир. Аллоҳ зулм қилмайди.

3- *Фалон мусулмон менинг кўзимда худди яҳудийдек*,- дейиш куфрдир.

4- Ёлғон нарсага *Худо ҳаққи рост айтяпман*, - дейиш куфрдир.

5- Малаклар (фаришталар)га ярашмаган ва уларни аския қиладиган гаплар айтиш куфрдир.

6- Қуръони каримга лойиқ бўлмаган, ҳатто бир ҳарфига ярашмаган гап айтиш ва атиги бир ҳарфига бўлсаям ишонмаслик куфрдир.

7- Чолғу чалиб Қуръони карим ўқиган одам кофир бўлади.

8- Ҳақиқий бўлган Таврот ва Инжилга ишонмаслик, уларни ёмонлаш, кофир бўлишга сабаб бўлади. [Нозил бўлган пайтдаги ҳоли назарда тутилган йўқса, ҳозирги замонда ҳақиқий Таврот ва Инжил йўқ.]

9- Қуръон каримни шоз (хатоли) бўлган ҳарфлар билан ўқиб, *"мана шу Қуръон бўлади"* дейиш куфрдир.

10- Пайғамбарлар ҳақида латифа уйдириш, уларни ҳазил қилиш инсонни дарҳол диндан чиқаради.

11- Қуръон каримда исмлари билдирилган йигирма бешта Пайғамбардан "алайҳиссолавоту ваттаслимот" бирортасига ишомаслик кофирликдир.

12- Кўп яхшилик қиладиган бир одамга *"Пайғамбардан ҳам яхши экан"* деган кимса дарҳол диндан чиқади.

13- *"Пайғамбарлар бечора ва муҳтож эди"*- дейиш куфрдир. Чунки улар фақирликни Аллоҳу таолодан ўзлари тилаб олишган.

14- Биттаси чиқиб ўзини пайғамбар эълон қилса, айтган ҳам унга ишонган ҳам кофир бўлади.

15- Охиратда бўладиган ҳодисаларни латифа, аскияга қўшиб ўйин-кулги қилиш кофир бўлишга сабаб бўлади.

16- Қабрдаги ва қиёматдаги азобларга *"булар ақлга, фанга тўғри келмайди"* деб ишонмаганлар кофир бўлишади.

17- Жаннатда Аллоҳу таолонинг жамолини кўришга ишонмаслик, *"Менга жаннат эмас, Аллоҳ керак"*- дейиш куфрдир.

18- *"Фан илми ёки динсизликни тарғиб қиладиган билимлар дин илмидан афзалдир"*- дейиш куфрдир.

19- *"Намоз ўқисам ҳам ўқмасам ҳам барибир эмасми"* -дейиш диндан чиқаради.

20- Фарз бўлганида *“Закот бермайман”*- дейиш куфрдир.

21- *“Қани энди фоиз (рибо, процент) олиш ҳалол бўлса ёки бўлсайди”* - дейиш кофир бўлиш учун етади.

22- *“Қани энди зулм ҳалол бўлса,”*- дейиш куфрдир.

23- Бир кимса ҳаромдан топган пулини тиланчига ёки фақирга садақа бериб, савоб умид қилса, фақир ҳам пулнинг ҳаромлигини била туриб, берганга хайр дуо қилса, ўша заҳоти иккаласиям кофир бўлишади.

24- *“Имоми Аъзамнинг қиёс қилиб чиқарган ҳукмлари ҳам, қиёси ҳам тўғри эмас”*- деган одам аллақачон кофир бўлиб, ўзига жаҳаннамдан жой тайёрлаган бўлади.

25- Машҳур суннатлардан бирини ёқтирмаслик куфрдир.

26- ***“Қабрим билан минбарим ораси*** *[Ровдаи мутаҳҳара]* ***жаннат боғларидан бир боғдир”***- ҳадиси шарифини эшитган одам: *“Мен минбар билан қабрдан бошқа ҳеч нарса кўраётганим йўқ”*- деса кофир бўлади.

27- Исломий илмларга ишонмаслик, буларни ва ислом олимларини менсинмаслик ҳам куфр бўлади.

28- Кофир бўлишни истаган кимса, ният қилган пайтидан бошлаб кофир бўлади.

29- Бошқа бирининг кофир бўлишини истайдиган кимса, агар кофир бўлишни ёқтиргани учун истаётган бўлса, ўзи кофир бўлади.

30- Куфрга сабаб бўлишини билиб туриб, ўз орзуси билан куфр сўзларни айтган кимса кофир бўлади. Агар куфрга сабаб бўлишини билмасдан айтса, олимларнинг кўпчилигига кўра яна кофир бўлади.

31- Куфрга сабаб бўладиган бирор ишни билиб туриб қилиш куфр бўлади. Билмасдан қилса ҳам куфр бўлади, деган олимлар кўпчиликни ташкил қилади.

32- Белга зуннор дейиладиган христиан папалар ва роҳиблар боғлайдиган белбоғ ёки ипни боғлаш ёки ғайри динларнинг ўз динларида ибодат мақсадида киядиган кийимларини кийиш куфрдир. Мусулмон савдогарнинг кофир мамлакатида юрганда ҳам улардан кийиши куфр бўлади. Бу кийимларни масхарабозлик қилиш учун ёки бошқаларни кулдириш учун ёхуд ролъ ўйнаш учун киядиганлар ҳам кофир бўлишади.

33- Кофирлар, яъни ғайри динларнинг байрам кунларида, ўша кунга тегишли бўлган одатларни худди кофирлардек ижро этиш, ўша кунлар муносабати билан кофирлардек сайл қилиш, бир-бирига совға-салом юбориш мусулмонларнинг иймондан айрилишига сабаб бўлади.

34- Ақлли, билимдон эканлигини кўрсатиб қўйиш учун ёки инсонларни ҳайрон қолдириш, кулдириш, севинтириш ёхуд масхара, аския қилиш учун айтиладиган гапларда куфр-и ҳукмий бўлиш хавфи бор. Шунинг учун бунақа мажлислардан ва гаплардан узоқ туриш керак. Ғазаб, алам ва жаҳл билан айтиладиган гаплар ҳам мана шу категорияга киради.

35- Бирини ғийбат қилган одам: *“Мен ғийбат этмадим, фақатгина ундаги камчиликларни айтдим”*- деса кофир бўлади.

36- Кичиклигида никоҳ қилинган қиз булуғ ёшига етганда иймонни, исломни билмаса, сўралганда айтиб беролмаса, никоҳ бузилади ва ўзи ҳам муртад бўлади. Ўғил бола учун ҳам мана шу ҳукм ўтади.

37- Бир мўмин кишини [ноҳақ] ўлдирган ёки қатлини амр этган одамга *“яхши қилдинг”* деган кимса кофир бўлади.

38- Қатли вожиб бўлмаган кимса учун *“ўлдирилиши керак”* дейиш куфрдир.

39- Бир кимсани ноҳақ калтаклаган ёки ўлдирган золимга *“яхши қилибсан, ўзи шунга лойиқ одам эди”*- дейиш куфрдир.

40- Ёлғондан *“Худо гувоҳ, сени фарзандимдан ҳам яхши кўраман”*- каби гапларни айтиш куфрдир.

41- Мансабдор бир мусулмон аксирганда *“ярҳамукаллоҳ”* деган кишига *“Каттаконларга унақа дейилмайди”*- деб қарши чиқиш куфрдир.

42- Вазифа эканига, бўйнининг қарзи эканлигига ишонмасдан, менсинмасдан намоз ўқимаслик; рўза тутмаслик ва закот бермаслик куфрдир.

43- Аллоҳнинг раҳматидан умид узиш куфрдир.

44- Асли ҳалол бўлиб, қўлга киритиш шакли ҳаром бўлиши натижасида ҳаром бўлган молга, пулга **“ҳароми лиғайриҳи”** дейилади. Ўғирлик ва ҳаром йўллардан топиладиган мол-мулк ҳаром-и лиғайриҳидир. Буларга ҳалол дейиш куфр бўлмайди. Ўлакса, тўнғиз (чўчқа), шароб каби асли ҳаром бўлган нарсаларга **“ҳароми лиайниҳи”** дейилади. Буларга ҳалол дейиш куфр бўлади.

45- Ҳаром эканлиги қатиян маълум нарсаларга “ҳалол” дейиш куфрдир.

46- Азон, фиқҳ китоблари, масжид каби динимиз эъзозлаган нарсаларни ерга уриш, таҳқирлаш куфрдир.

47- Таҳоратсиз эканини билиб туриб, намозга киришиш куфрдир.

48- Қасдан Қибладан бошқа томонга қараб намоз ўқиш куфрдир. *“Намозни Қиблага қараб ўқиш шарт эмас”*- деган кимса кофир бўлади.

49- Бир мусулмонни ёмонлаш ниятида *“кофир”* дейиш куфр эмас, балки ўша мусулмоннинг кофир бўлишини истаб *“кофир”* деса, ўзи кофир бўлади.

50- Гуноҳлигига аҳамият бермасдан гуноҳ иш қилиш, куфрдир.

51- Ибодат қилишнинг керакли эканлигига ва гуноҳдан тийилиш кераклигига ишонмаслик куфрдир.

52- Олинган солиқларни султоннинг мулки бўлди деб билиш ва ишониш, куфрдир.

53- Кофирларнинг диний байрамларини ёқтириш, заруратсиз белга ***зуннор*** деган белбоғ боғлаш, куфр аломатларини ишлаш ва уларга муҳаббат қўйиш, қўл қовуштириб, ҳурматлаш куфрдир.

54- Гапига ишонтириш мақсадида, масалан: *“Фалон нарсани фалон киши олди. Ёлғон айтаётган бўлсам, кофир бўлай ёки яҳудий бўлай”*- деб ўз ризоси билан қасам ичган киши, рост гапираётган бўлса ҳам, ёлғон гапираётган бўлса ҳам кофир бўлади. Чунки ўзи хоҳиши билан кофир бўлишга розилик қилган бўлади.

55- Зино, ливота (бачабозлик), фоиз, ёлғон гапириш каби барча самовий динларда ҳаром қилинган нарсалардан бири учун: *“Қани энди ўша нарса ҳалол бўлса-ю мен ҳам ишласам”*, - деб орзу қилиш куфрдир.

56- *“Пайғамбарларни барчасига “алайҳиссолавоту ват-таслимот” ишонаман, бироқ шу Одам “алайҳиссалом” пайғамбарми ёки йўқми ўшани билмайман”*- дейиш куфрдир.

57- Муҳуммад алайҳиссаломнинг охир замон Пайғамбари эканликларини билмайдиган одам, кофир ҳисобланади.

58- Бир кимса: *“Агар Пайғамбарларнинг айтганлари тўғри бўлса, биз қутилдик,”*- деса кофир бўлади. [Бу гапни шубҳаланиб айтса ҳам кофир бўлади.]

59- Бир кимсага: “Кел, намоз ўқиймиз”- дейилганда, *“Йўқ ўқимайман,”*- деса кофир бўлади. Лекин нияти, *“сен айтган учун эмас, Аллоҳу таолонинг амри бўлгани учун ўқийман”*- бўлса, кофир бўлмайди.

60- Бир кимсага *“Соқолнинг бир тутамдан узунини қирқ ёки бир тутамдан қисқа қилиб қўйма, тирноқларингни ол, чунки, Расулуллоҳнинг суннатлари бўлади»* - дейишганда, *“Йўғэ, қирқмайман ёки олмайман”*- деса кофир бўлади. Бошқа суннатларда ҳам мана шундай. “*Сенинг гапинг билан олмайман, аммо Расулуллоҳнинг суннати бўлгани учун оламан”*,- дейиш куфр бўлмайди. Агар инкор мақсади билан айтса куфр бўлади.

61- Бир кимса мўйловини қирқиб қисқартса-ю, ёнидагиси *“яхши бўлмади”*, ёки *“нима бало қилдинг”*,- деса, ўша гапни айтган одамнинг кофир бўлиб қолишидан қўрқилади. [Чунки мўйловни қисқартириб туриш суннатдир. Суннатни менсинмаган бўлади.]

62- Эр киши бошдан-оёқ ҳарир (ипак) либос кийса, уни кўрганлар бу қиёфатига *“муборак бўлсин, буюрсин”* деса, куфридан қўрқилади.

63- Бир кимса, қиблага оёқ узатиш, қиблага қараб туфлаш ёки қиблага қараб ҳожат чиқариш каби макруҳ ишлардан бирини қилганида, унга бу қилмишининг макруҳ эканлиги айтилса-ю, у бўлса, *“Э-э, нима қилибди. Бир макруҳ билан осмон ўпирилиб ерга тушибдими?”*- деганда ўхшаш эътироз билдирувчи гаплар айтса, кофир бўлади. Чунки макруҳдек бир дин ҳукмини менсинмаган бўлади.

64- Бир кимсанинг хизматкори уйга кириб, хожасига салом берса, ичкаридагилардан бири: *“Э, ўчир! Ҳечам қул ўз хожасига салом берадими?”*- деса, кофир бўлади. Лекин нияти қандай салом беришни, яъни муносабат одобини ўргатиш бўлиб, *“саломни шалвирамай, чин кўнгилдан бериш керак эди.”*- деса кофир бўлмайди.

65- *“Иймон ортади ва камаяди”*- дейиш куфрдир. Лекин камолоти, мукаммалияти назарда тутилса, куфр бўлмайди.

66- *“Қибла иккита. Бири Каъба, иккинчиси Қудусдаги Масжиди Ақсо”*- деган киши кофир бўлади. *“Ҳозир иккита қибла бор”*- дейиш куфрдир. Лекин *“Байти муқаддас, яъни Масжиди Ақсо аввалари қибла эди, кейин Каъбаи шариф қибла бўлди,”*-дейилса, куфр бўлмайди.

67- Бир кимса Ислом олимига сабабсиз буғз қилса, нафратланса, гина қилса ёки сўкса, ёмонласа, ўша кимсанинг кофир бўлиб қолишидан қўрқилади.

68- Бир кимса: *“Овқат ейилаётганда гапирмаслик мажусий (оташпараст)ларнинг ёки русларнинг яхши одатларидандир”*-деса ёхуд “*ҳайзли ва нифосли бўлган жуфти ҳалоли билан бирга ётмаслик мажусийлар ёки яҳудийларнинг яхши одатларидан бўлади.”*- деса кофир бўлади.

69- Бир кимсадан “мусулмонмисан?”- деб сўралганда *“Худо хоҳласа...”*- деса-ю изоҳ этолмаса, кофир бўлади.

70- Бир кимсанинг фарзанди ўлса-ю, биттаси келиб отаси ё онасига юпатиш учун *“Ўғлингиз (қизингиз) Худога керак экан-да, ... ”*- деган гаплар билан тасалли берса, кофир бўлади.

71- Бир хотин белига қора ип боғласа-ю, *“бу нима?”*-деб сўраганларга, жиддий ё ҳазил аралаш *“Нима бўларди, зуннор-да!”*- деса, кофир бўлади.

72- Бир кимса, ҳаром ейишдан ёки қилишдан аввал “бисмиллоҳ” деса кофир бўлади. Бу ердаги ҳукм, ҳароми лиайниҳи бўлган, яъни ўлакса, тўнғиз, шароб каби асли ҳаром бўлган нарсалар учундир. Асли ҳалол бўлган, ҳаром ли ғайриҳи учун куфр бўлмайди. Асли ҳалол нарсани, масалан олмани ўғирлаб келиб “Бисмиллоҳ” айтиб ейиш куфр бўлмайди. Чунки олманинг асли ҳаром эмас, қўлга киритиш йўли, ўғирланиши ҳаромдир.

73- Бир кимсанинг кофир бўлишига рози бўлмоқ куфрдир. Бир кимсага баддуо қилиб: *“Аллоҳ жонингни кофир қилиб олсин”*-деса, айтган одамнинг куфри ҳақида олимлар ихтилоф қилишди. Яъни баъзилар “кофир бўлади” дейишди. Баъзилари эса “бўлмайди” дейишди. Куфрга ризо куфрдир. Лекин, зулмидан ва фисқидан *“азоби доим ва шиддатли бўлсин”*- деган ниятда айтиш куфр бўлмайди.

74- *“Худо гувоҳ, фалон ишни қилдим”* – деган кимса, ўша ишни қилмаганини жуда яхши билиб турган бўлса, кофир бўлади. Чунки Аллоҳу таолога жоҳиллик иснод қилган бўлади.

75- Бир кимса, бир хотинни гувоҳсиз никоҳига олса ва сўралганда ёки бир бирига: *“Гувоҳимиз Худо ва Пайғамбар!”*-десалар, ҳар иккаласи ҳам кофир бўлади. Зеро, Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ҳаёт чоғларида ғайбни билмасдилар. Улар ғайбни билади, дейиш куфрдир. [Ғайбни Аллоҳу таоло ва У кимга билдирган бўлса, ўшаларгина билишади.]

76- Бир кимса: *“Мен ўғирланган ва йўқолган нарсаларни, яъни ғайбни биламан”*- деса, ўша гапни айтган ҳам, унга ишонган ҳам кофир бўлади. Пайғамбарлар ва жинлар ҳам ғайбни билишмайди. [Ғайбни Аллоҳу таоло ва Унинг билдирганларигина билишади.]

77- Бир кимса Аллоҳ номига қасам ичмоқчи бўлса-ю, ёнидагиси: *“Худо номи билан қасам ичишинг кетмайди. Хотининг талоқ бўлиши учун, шарафинг учун, номусинг учун ёки калланг учун қасам ич!”* - деса, унинг кофир бўлишини ислом олимлари билдиришган.

78- Бир кимса: *“Аллоҳ, осмонда менинг гувоҳимдир”*- деса, кофир бўлади. Чунки, Аллоҳу таолога макон, жой иснод қилган бўлади. Ҳолбуки, Аллоҳу таоло макондан муназзаҳдир.

79- *“Худо(й) бобо ёки Аллоҳ бобо”*- деган кимса, кофирдир.

80- Бир кимса: *“Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” овқатдан кейин бармоқларини ялардилар”*- деса, буни эшитган одам: *“Шуям суннат бўлдими? Ахир бу адабсизлик-ку”*- деса, кофир бўлади.

81- Бир кимса: *“Пайғамбар “саллаллоҳу алайҳи ва саллам қоп-қора эди”*- деса, кофир бўлади. [Қора итларга “араб” деб от қўйиш, араб деб чақириш, қора қўнғизларга қора Фотма дейиш, баъзи ўсимликларнинг мевасига Худо(й) бобонинг нони, баъзи ялтироқ қўнғизларга ёки ойга “Худонинг қизи” дейиш кўпгина ўлкаларда одат ҳолига келганки, булардан тийилиш керак. Чунки буларнинг ҳаммаси кофир бўлишга сабаб бўлади.]

82- Ёмон кўрган одамига: *“Сенинг башарангга қараш менга худди жон суғураётгандай бўлиб туюлади”*- деса ёки шеър, қўшиқ, адабиёт баҳона *“жонимни ол”*, *“маъбудам”*, *“тангрим”* каби гапларни ишлатиш, кишининг иймонини кетказади. (Чунки жон олиш Азроил “алайҳиссалом”дек, улуғ фариштага хос. Уни баъзи хунук инсонларга ўхшатиш хавфли ишдир.)

83- Бир кимса: *“Намоз ўқимаган мазза, қандай роҳат”*- деса кофир бўлади. Бир кимсага *“Кел намоз ўқиймиз”* дейилганида, *“Менга шу намоздан оғир иш йўқ”*- деса кофир бўлишини ислом олимлари билдиришган.

84- *“Ризқ Аллоҳу таолодандир. Лекин қулдан ҳам ҳаракат керак”*- дейилса, бу сўз ширк бўлади. Чунки қулнинг ҳаракати ҳам Аллоҳу таолодандир.

85- Бир кимса: *“Христиан бўлиш яҳудий бўлишдан, Американ кофири бўлиш коммунист бўлишдан яхшироқ, афзалроқ.”*- деса кофир бўлади. Кофирнинг куфрига яхшироқдир дейиш иймоннинг кетишига, кофир бўлишга сабаб бўлади. Чунки *“кофир бўлиш афзал, яхши.”*- дейиш куфрдир. Кофирларни қиёслаётганда яхши, афзал каби калималарни ишлатмаслик керак. Масалан: *“Яҳудий бўлиш христианликдан, коммунист бўлиш эса Американ кофиридан ёмонроқдир.”*- дейиш керак.

86- *“Ҳар қандай хиёнат қилгандан кофир бўлган тузук”*-дейиш куфрдир.

87- *“Илм мажлисида (суҳбатида) нима ишим бор?”* ёки *“Ўша олимларнинг айтганини қилишга кимнинг ҳам кучи етарди”* ёхуд фатвони ерга ташлаган ва *“дин олимининг гапи ҳозир кимга керак? Уларнинг гапларидан нима фойда?”*- деган киши мусулмонликдан чиқади иймони кетади.

88- Бир кимса куфр гап айтса, уни эшитган одам кулса, айтганнинг ҳам кулганнинг ҳам иймони кетади. Агар кулишга мажбурлаган бўлса куфр бўлмайди.

89- *“Машойих ва авлиёларнинг руҳлари ҳар жойда ҳозир бўлишади ва ҳаммасини билишади”*- дейиш куфрдир. Фақатгина *“ҳозир бўлишади”* деса куфр бўлмайди. [Авлиёнинг руҳлари Аллоҳу таолодек ҳар жойда ҳозир бўла олмайди. Улар фақатгина ҳурмат билан тилга олинган, ёд этилган жойлардагина ҳозир бўлишади. Ёдга олинмасдан аввал ўша жойда йўқ эдилар. Аллоҳу таоло эса, ҳамма вақт ҳар жойда ҳозир ва нозирдир.]

90- *“Ислом нима билмайман, билишниям хоҳламайман”* - дейиш куфрдир.

91- Бир кимса: *“Одам алайҳиссалом тақиқланган мевани емаганда, биз ҳам ҳозир шақий бўлмасдик»* - деса кофир бўлади. Шояд:*“..., биз дунёда бўлмасдик”* - деса куфрида ихтилоф қилганлар.

92- *“Одам алайҳиссалом бўз тўқир эди”* - дейилганда, *“Ундай бўлса, биз бўзчидан тарқаган эканмизда”*- дейиш куфрдир. Пайғамбарга ҳақоратдир.

93- Бир кимса, кичик бир гуноҳ қилса-ю, ёнидаги одам *“Тавба қил”*- деганида, *“Нима қилибманки, тавба қиладигандек”*-деса кофир бўлади.

94- Бир кимсага *“Кел ислом олимининг суҳбатига борайлик ёки ҳақиқий олимларнинг фиқҳ, илмиҳол китобларидан ўқиб, илм ўрганайлик”*- дейилганда *“Нима қиламан илмингни”*- деса кофир бўлади. Зеро илмни ерга уриш, менсинмаслик куфрдир.

95- Ҳақиқий тафсир ва фиқҳ китобларини ҳақорат қиладиган, буларни ёқтирмайдиган, ёмонлайдиган кимса кофир бўлади.

96- Бир кимсадан кимнинг зурриётидансан, кимнинг миллатидансан, эътиқодда мазҳаб имоминг ким?, амалда мазҳаб имоминг ким? - деб сўралганида, билмаса кофир бўлади.

97- Ҳаром экани аниқ бўлган нарсага *“ҳалол”* деган кимса кофир бўлади. [Тамакига ҳаром дейиш хавфлидир.]

98- Зино, ливота, қорни тўйгандан кейин овқат ейиш, фоиз олиб-бериш каби бутун динларда ҳаром бўлган ва ҳалол қилиниши ҳикматга тўғри келмайдиган нарсаларнинг ҳалол бўлишини орзу қилиш куфрдир. Фақат шаробнинг ҳалол бўлишини орзу қилиш куфр бўлмайди дейилди. Чунки шароб, барча динларда ҳаром эмасди.

99- Қуръони Азим-уш-шонни лоф ва латифа орасида истеъмол қилиш [қўлланиш, ўқиш] куфрдир.

100- Яхё исмли бир кимсага: ***“Ё Яхё! Ҳуз-ил-китаба...”*** деб оят бўлган калималар билан хитоб қилиш куфр бўлади. Қуръон-и Карим билан ўйнаган бўлади. Чолғу, ўйин, қўшиқ орасида Қуръон-и Карим ўқиш ҳам куфрдир.

101- Зулм кўрган киши *“Ишқилиб Худонинг кўзи тўғри бўлсин”*- деса, куфрга тушиш хавфи бор. Бирон нарсани кўп кўрганида *“Моҳалақоллоҳ”*- деган кимса, гапининг маъносини билмаса кофир бўлади.

102- Бир кимса *“Осмонда Худо ерда фалон...”*–деса куфрдир.

103- Бир кимса: *“Нима бу, Азроилдек турқинг совуқ...”*- деса кофир бўлади. Чунки фариштани масхара қилган бўлади.

104- Валлоҳий, биллоҳий каби Аллоҳу таолониг отига ичиладиган қасамларни жоиз бўлмаган гапларга қўшиб айтиш, масалан: *“Валлоҳий ўғлимнинг боши учун”*- деса, куфр содир бўлишидан қўрқилади.

105- Қуръони Каримни, мавлидни, ҳикматларни, илоҳий шеърларни чолғу чалиб ўқиш, куй басталаб айтиш ёки чолғу чалинаётган жойда, мусиқа янграб турган жойда ўқиш куфрдир. Қуръони Каримни, мавлидни, ҳикматларни, салавоти шарифларни ва илоҳий шеърларни фисқ, яъни гуноҳ ишланаётган мажлисда ҳурмат билан ўқиш ҳаром бўлади. Кўнгил кўтариш учун, кайф учун, қизиқ бўлсин деб ўқиш, куфр бўлади.

106- Суннатларга уйғун ўқилаётган азон-и Муҳаммадийни тингламаган, қиймат бермаган одам дарҳол кофир бўлади.

107- Қуръони каримга ўз ақли билан маъно берадиган кимса кофир бўлади.

108- Қуръони каримда ва ҳадис-и шарифларда очиқча билдирилган ва мужтаҳид имомларнинг иттифоқ билан билдирган масалаларига ва мусулмонлар орасида ёйилган иймон масалаларига уйғун равишда ишонмаган, эътиқод қилмаган киши кофир бўлади. Бу куфрга **«Илҳод»**, мана шундай бузуқ йўл тутиб нотўғри ишонганларга **«Мулҳид»** дейилиб, бошқача исми кофирдир.

109- Кофирга ҳурмат билан салом бериш куфрдир.

110- Кофирга ҳурмат-эҳтиром билдирадиган гаплар айтиш, масалан “устодим”-дейиш куфрдир.

111- Бир инсоннинг кофир бўлишига рози бўлган киши кофир бўлади.

112- Қуръони карим ёзилган видео тасмалар, кассеталар, CD ва дисклар худди мусҳафи шарифдек қийматли бўлиб, уларга ҳурматсизлик куфр бўлади. Буларни ҳам белдан юқори жойларга қўйиш ва таҳоратли ҳолда ушлаш лозим.

113- Жин билан танишадиган фолбинлар ва юлдузномага қараб сўралган нарсаларга жавоб бериб ўтирадиганлар ҳамда сеҳргарларнинг ҳузурига бориб, айтганларига, қилаётганларига ишониш баъзан тўғри чиқса ҳам, Аллоҳу таолодан бошқасининг ҳар нарсани билишига ва

ҳар истаганини қилишига ишонилган бўлиб куфрдир. [Фан илмига ишонмаслик бунга кирмайди.]

114- Суннатни менсинмасдан, аҳамият бермасдан тарк этиш куфрдир.

115- Зуннор деган папалар белбоғини боғлаш, бутларга яъни хочга (крест), салиб деган тикка кесишган иккита новдага, ҳайкаллларга ва уларнинг расмларига сиғиниш, таъзим қилиш, шариатни билдирадиган китоблардан бирортасига ҳақорат қилиш, ислом олимларидан бирортасини масхара қилиш, куфрга сабаб бўладиган бирор гап айтиш ёки ёзиш, таъзим (ҳурмат) қилишимиз амр қилинган нарсаларни таҳқир қилиш ва таҳқир (ҳақорат) қилишимиз амр қилинган нарсаларга таъзим қилиш куфрдир.

116- *“Фалончи сеҳргар, сеҳр билан хоҳлаган нарсасини қила олади, сеҳри ҳам, албатта, таъсир қилади”* - деган ва бунга ишонадиган кимса кофир бўлади.

117- Бир мусулмон ўзига “кофир” деган одамга *“тақсир”*, *“домла”*, *“лаббай”* каби қабул билдирадиган калималар билан жавоб берса, кофир бўлади.

118- Ҳаром йўл билан топилгани аниқ бўлган мол-дунё билан масжид қурдириш, садақа бериш, бошқа хайр ишлар қилиш ва булардан савоб умид қилиш куфрдир.

119- Бир кимса қўлидаги ҳаромлиги аниқ бўлган пулдан садақа берса, фақир ҳам олган садақанинг ҳаромлигини била туриб: *“Аллоҳ рози бўлсин”*, *“Худо хайрингни берсин”* каби гаплар айтса, берган одам ёхуд эшитганлар: *“омин”* ёки *“айтганингиз келсин”*- деса, барчаси ҳам кофир бўлишади.

120- *“Никоҳига олиши ҳаром бўлган аёллардан бири билан уйланиш ҳалолдир”* - деган одам кофир бўлади.

121- Майхоналарда, ўйин-кулгу ерларида, гуноҳ қилинаётган мажлисларда, бозор-ўчарда радио билан ёхуд микрофон билан Қуръони карим ва мавлид ўқиб ёки тинглаб ҳордиқ чиқарадиган одам кофир бўлади.

122- Қуръони каримни куй билан, чолғу чалиб ўқиш куфрдир.

123- Қуръони каримнинг радиода ва микрофонда ўқиладиган ўхшашларига ҳам ҳурмат кўрсатмаслик куфр бўлади.

124- Аллоҳу таолодан бошқаси учун, нияти ва мақсадидан қатъий назар *“яратувчи”* ёки *“яратди”* калималарини ишлатиш куфрдир. Масалан: *“Шеър, қўшиқ, куй, роман яратди”* ёки *“ижод қилди”*, *“ихтиро қилди”* каби фақат Аллоҳга хос феълларни махлуқлари учун қўлланиш куфрдир. Бу гапларда маъжоз баҳона бўлмайди. Чунки бу феъллар йўқдан бор қилиш демакдир. Одамзот маъжозан ҳам бирон нарсани йўқдан бор қила олмайди.

125- Абдулқодир исмини *“Абдулқўйдир”* дейиш, агар қасд қилиб айтилса, куфр бўлади. Абдулазиз ўрнига *“Абдулузайз”*, Муҳаммад ўрнига *“Муха”*, Ҳасан ўрнига *“Ҳасо”* каби исломда мўтабар исмларни қасдан кулгили қилиб бузиб айтиш ҳам шу ҳукмга тобе. Бу исмларни фирма оти сифатида оёқ кийим, шиппакларга ёзган ва устига босадиганларнинг иймондан ажраб қолишларидан қўрқилади. Бундай исмдаги дин душманларини ёмонлаганда ҳам исмини масхара қилмаслик керак.

126- Таҳоратсиз эканлигини била туриб намозга киришиш ва суннат бўлган бирон ишни ёқтирмаслик куфрдир. Суннатга аҳамият бермаслик ҳам кофир бўлишга сабаб бўлади.

127- *“Жоҳил кимсалар авлиёларга сиғиниб кетмасин деб мақбараларни, мозорларни бузяпмиз”*- дейиш кофирликнинг ўзгинасидир.

128- Бошқа инсонларнинг ва ўз фарзандининг кофир бўлишига сабаб бўлиш, куфрдир.

129- Зинога, ливотага (бачабозлик) *“жоиз”*-дейиш куфрдир.

130- Носс билан (оят ҳадис билан) ва ижмоъ билан очиқланиб билдирилган ҳаромларга аҳамият бермаслик куфрдир.

131- Катта гуноҳларга давом этиш, тийилмаслик инсонни куфрга судрайди. Намозга аҳамият бермаслик куфрдир.

132- Устига Ислом ҳарфлари билан ёзилган ёзув, ҳатто битта ҳарф бўлган қоғозни, дастурхонни, жойнамозни ерга ёзиш [ҳақорат учун ёзиш ёки ишлатиш] куфр бўлади.

133- *“Абу Бакр Сиддиқ билан Умар-ул-Форуқ “родияллоҳу таоло анҳум”нинг хилофатга ҳақлари йўқ эди”*- дейиш куфрдир.

134- Аллоҳу таолодан бошқа, бирор ўликдан мадад ёки бирон нарса кутиш куфрдир.

135- Аллоҳу таоло учун *“Аллоҳ қозон ош бобо”* ёки *“Тез берадиган бобо”* - дейиш жудаям чиркин куфрдир.

136- Маййитни тупроққа кўмиш фарз бўлгани учун, ўша фарзга аҳамият бермай хизматдан, дафндан бош тортадиган одамнинг илму фанни, замонавийликни рўкач қилиб *“Ўлганларни кўмиш ибтидоийлик. Будда, брахман ва коммунистлардек ўликни ёқиш керак. Ёқиш кўмишдан яхши ва арзон”*- деса иймони кетиб, муртад бўлади.

137- Аллоҳу таолонинг авлиёларидан бирини тил ёки қалб билан инкор қилиш куфрдир. (Ҳозир мазҳабсизлар орасида расм.)

138- Авлиёларга ва илми билан амал қиладиганларга душманлик қилиш куфрдир.

139- *“Авлиёларда исмат сифати бўлади”* – дейиш куфрдир. [Исмат сифати фақатгина пайғамбарларда бўлади].

140- Ботиний илмдан насиби бўлмаганларнинг иймонсиз кетишларидан қўрқилади. Бу илмдан насибини олишнинг энг қуйи даражаси бу илмнинг ҳақ эканлигига ишонишдир. Ботин илми тасаввуфдир.

141- Қуръони каримни ислом олимларининг ҳеч қайсиси ўқимаган усулда ўқиш, маънони ва калималарни бузмаса ҳам, куфрдир.

142- Папаларнинг ибодатларига махсус бўлган кийим ва ашёларни, ҳар не мақсадда бўлсин, қўлланиш куфрдир.

143- Хоҳлаган бир ҳодисанинг ўз-ўзидан жараён этганига ишониш, жонзотларнинг бир ҳужайрадан кўп ҳужайрали организмларга ва ўз навбати билан янаям мураккаб тузилишли организмларга айланиш йўли билан ниҳоят бугунги кўринишларини олганлигига ишониш, инсон ҳам, эволюция назариясига кўра шаклланган ҳайвондан, яъни маймундан пайдо бўлганига ишониш куфрдир.

144- Намозни била туриб ўқимайдиган, қазосини ўқишни ўйлаб ҳам кўрмайдиган, бунинг учун азоб чекишдан қўрқмайдиган бадбахтлар Ҳанафий мазҳабида кофир ҳисобланади.

145- Кофирларнинг (ғайри муслимларнинг) ибодатларини, ибодат сифатида бажариш, масалан: черковларда чалинадиган пианога ўхшаган чолғуларни, қўнғироқларни масжидда чалиш ва шариат кофирлик белгиси деб ҳисоблаган нарсаларни зарурат ва жабр бўлмасдан қўлланиш куфр бўлади.

146- Асҳоби Киромдан бирига душманлик қилган ёки ёмонлаган ёхуд биронтасини лаънатлаган ва сўккан бадбахт, **мулҳид** бўлади. Мулҳид кофир демакдир.

147- Бирон расм, сурат, ҳайкалнинг эгасида ва салибда [хочда] ёки юлдуз, қуёш, сигир каби хоҳлаган бир жонли-жонсиз нарсада улуҳият сифати, яъни илоҳлик сифати борлигига ишониб, масалан: *“Хоҳлаганини яратади, хоҳлаганини қилади, касалга шифо беради ёки менга мадад беради”*- деб унга таъзим қилиш ва шу эътиқодда ҳурматига сукут сақлаб ҳурмат изҳор этиш куфр бўлади.

148- Ҳазрати Оиша онамизни қазф этадиган [ҳақорат қиладиган] ва оталарининг Саҳобий эканлигига ишонмайдиган кимса кофир бўлади.

149- Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда жаннатга киришлари муждаланган кимсаларга *“кофир”*- дейиш, куфрдир. [Асҳоби Киром буюкларимизнинг барчалари жаннат билан муждаланишган].

150- Исо “алайҳиссалом”нинг осмондан тушиши ҳам зарурий билиниши керак бўлган нарсалардан ҳисобланади. Бунга ишонмайдиган кимсалар, кофир бўлишади.

151- Фан ва тажрибага алоқаси бўлмаган ояти карималарни тафсир қилаётганда фан илмларига уйдириш учун ҳаракат қилиш, Салаф-и солиҳийн [**Асҳоби киром**, **тобеъин** ва **таба-и тобеъин** деган буюклар яшаган бошланғичдаги уч насл олимлари]нинг тафсирларини ўзгартириш катта жиноят бўлиб, мана шунақа тафсир ва таржима ёзадиганлар кофир бўлишади.

152- Мусулмон фарзанди бир қиз бола, оқил ва болиғ бўлганида мусулмонликни билмаса, кофир бўлади. Ўғил бола ҳам ана шу ҳукмга тобеъ.

153- Мусулмон аёлнинг боши, қўллари ва оёқлари очиқ ҳолда кўчага чиқиши, эркакларга кўрсатиши ҳаромдир, гуноҳдир. Агар бир гуноҳга аҳамият бермаса, писанд қилмаса иймони кетиб, кофир бўлади.

154- Пайғамбаримиз тарафидан билдирилган фарзлар ва ҳаромлар ҳам худди Қуръони каримда билдирилган фарз ва ҳаромлар каби муътабардир, яъни аҳамиятлидир. Уларга ҳам ишонмайдиган, эътибор қилмайдиган ёхуд қабул этмайдиган одам диндан чиқиб кофир бўлади.

155- Рукуъ тасбиҳида *«Зы»* билан ***"Озым"*** демоқ *"Раббим буюкдир"* деганидир. Агар юмшоқ *«Зе»* ҳарфи билан ***"Азим"*** дейилса, *"Раббим душманимдир"* деган маънога келади ва намоз бузилади. Бу ерда маъно ўзгаргани учун куфрга сабаб бўлади.

156- Қуръони каримни таҒанни билан [яъни товушларни мусиқа пардаларига, ноталарга солиб, ашулага ўхшатиб маъноларни бузадиган қилиб] ўқиган қорига *"Қандай яхши ўқидингиз!"*- деган кимсанинг иймони кетади. Ҳар тўрт мазҳабда ҳаром қилинган нарсага *"яхши"* деган одам кофир бўлади. "*Овозингиз яхши экан"*- демоқчи бўлган одамнинг иймони кетмайди, кофир бўлмайди.

157- Малаклар ва жинларнинг борлигига ишонмаслик куфрдир.

158- Қуръони каримнинг оятларига, ўша оятдаги калималарнинг энг очиқ ва энг машҳур маънолари берилади. Бу маъноларни ўзгартириб, ботинийларга (Исмоилий фирқасидагиларга) ўхшаганлар кофир бўлади.

159- Калласидаги фикрини дин ҳукмидек тарғиб қиладиганларнинг бу сафсаталарига далил кўрсатадиган ва ислом оламида ***илми билан адашган*** деб ном қозонган Ибни Таймияни шайхул ислом дейиш куфрдир.

160- Сеҳр қилинаётганда, куфрга сабаб бўладиган калима ёки иш зоҳир бўлса, куфр бўлади.

161- Бир мусулмонга *"Эй, кофир"* - деган одам [Ёки мусулмонга *масон, коммунист* деган одам] агар ўша мусулмонни кофир деб эътиқод қилса, ўзи кофир бўлади. [Бўлмаса, мусулмон эканини билиб туриб, унга ҳақорат бўлиши учун *"кофир, масон, коммунист"*- деган бўлса иймони кетмайди-ю, лекин бу қилиғи ҳам яхши эмас.]

162- Ибодатларини оқсатмай бажо келтириб юрадиган бир кимса иймоннинг бузилишида шубҳаланса ва *"Гуноҳим кўп, ибодатларим мени қутқара олмайди"*- деб ўйлайдиган бўлса, бу иймоннинг қувватли эканлигига далолат қилади. Агар иймоннинг давом этишидан шубҳаланса, кофир бўлади.

163- Пайғамбарларнинг сонини аниқ бир рақам билан айтиш, пайғамбар бўлмаганларга пайғамбарлик иснод қилиш ёхуд пайғамбарлардан баъзиларини инкор бўлиб қолиши мумкин. Бу эса, куфрдир. Чунки, пайғамбарлардан бирортасини танимаслик яъни инкор этиш, улардан ҳеч қайсисини танимаслик демакдир.

Мусулмон эр ёхуд аёл киши, олимлар тарафидан иттифоқ-ла билдирилган куфрга сабаб бўлувчи сўзлар ёки ишлардан бирортасини, куфрга сабаб бўлишини била туриб, ҳеч қанақа заруратсиз, қийноқсиз ва таҳдидсиз жиддий вазиятда ёки ҳазил билан, кулдириш учун айтса ва қилса, маъносини ўйлаб кўрмаган бўлса ҳам иймони кетади. **«Муртад»** бўлади. Бунга **куфри инодий** дейилади. Куфр-и инодий билан муртад бўлган одамнинг аввалги бутун ибодатларининг савоблари йўқ бўлади. Тавба қилса ҳам қайтиб келмайди. Агар ўша одам бой бўлса, яна ҳажга бориши керак бўлади. Муртад бўлган пайтларида ўқиган намозларини, тутган рўзаларини ва берган закотларини қазо этмайди. Лекин муртад бўлгунга қадар қилмаган ибодатлари, яъни қазога қолган ибодатларини қазо этади.

Тавба қилган бўлиб ҳисобланиш учун, ёлғиз калимаи шаҳодатни айтиш кифоя қилмайди. Тавба этган бўлиш учун, ўша куфрга сабаб бўлган гапи ёки иши учун ҳам тавба қилиши лозимдир. [Исломиятда қайси эшикдан чиқилган бўлса, ўша эшикдан қайта кирилиш керак. Бошқа эшиклардан кириб бўлмайди.]

Агар, куфрга сабаб бўлишини билмасдан айтиб қўйса, қилса ёки куфрга сабаб бўлиши олимлар орасида ихтилофли бўлган гапни билмасдан айтиб қўйса, иймоннинг кетиши ва никоҳнинг бузилиши шубҳали бўлади. У тақдирда ҳар эҳтимолга қарши эҳтиётан **таждиди иймон** ва **никоҳ дуолари**ни ўқиб иймонини ва никоҳини янгилаши, мақсадга мувофиқ бўлади.

Билмасдан айтиб қўйишга **Куфри жаҳлий** дейилади. Билмаслик узр эмас, катта гуноҳдир. Чунки ҳар бир мусулмоннинг, билиши керак бўлган нарсаларни ўрганиши фарздир. Куфрга сабаб бўладиган гапни хатолашиб, янглишиб ёхуд таъвилли, яъни изоҳ эта оладиган қилиб айтган одамнинг иймони ва никоҳи бузилмайди. Лекин, тавба-истиғфор, яъни таждид-и иймон этмоғи яхшироқ бўлади.

Бир кофир, бир калимаи шаҳодатни айтиш билан мусулмон бўлганидек, бир мусулмон ҳам бир гап билан ҳатто бир сўз билан диндан чиқиб, кофир бўлиши мумкин.

Бир мусулмоннинг бир гапида ёки бир ишида юзта маъно бўлса, яъни юзта нарса тушуниладиган бўлса, улардан фақатгина биттаси ўша кимсанинг иймонли эканини кўрсатиб турса-ю, қолган тўқсон тўққизи кофирлигига далолат қилиб турса, ўша одамнинг мусулмон эканлигини айтиш ва ишониш керак. Яъни, куфрни кўрсатиб турган тўқсон тўққизта маънога эътибор қилинмайди. Иймонни кўрсатиб турган бир маънога қаралади. Бу гапни тўғри тушуниш керак. Бунинг учун иккита нуқтага диққат қилиш керак. **Биринчиси**, гап ёки иш эгасининг мусулмон бўлиши лозим. Бир француз Қуръони каримга мақтовлар ёғдирса, бир инглиз, *"Аллоҳ бирдир!"*- деса, мусулмон бўп қолмайди ва уларга мусулмон дейилмайди. **Иккинчиси**, бир гап ёки ишнинг юзта маъноси бўлса,

дейилди. Йўқса, юзта сўздан ёки юзта ишдан биттаси иймонни кўрсатиб турса-ю, қолган тўқсон тўққизи куфрни билдириб турса, бунинг эгасига мусулмон дейиш билдирилмади.

Ҳар бир мусулмон, эрталаб ва кечқурун қуйидаги шу иймон дуосини ўқиши керак:

“АЛЛОҲУММА ИННИЙ АЪУЗУ БИКА МИН АН УШРИКА БИКА ШАЙ-АН ВА АНА АЪЛАМУ ВА АСТАҒФИРУКА ЛИМО ЛО-АЪЛАМУ ИННАКА АНТА АЛЛОМУЛ-ҒУЮБ.”

“АЛЛОҲУММА ИННИЙ УРИДУ АН УЖАДДИДАЛ ИЙМОНА ВАН-НИКОҲА ТАЖДИДАН БИ ҚАВЛИ ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ МУҲАММАДУН РАСУЛУЛЛОҲ.” деб тавба қилиш, таждиди иймон ва таждиди никоҳ қилиш (янгилаш) керак.

Иймоннинг бизда давомли бўлиши учун:

1. Ғойибга иймон этиш керак.
2. Ғайбни Аллоҳу таоло ва фақатгина У кимга билдирган бўлса, ўша одамларнинг билишига ишониш керак.
3. Ҳаром нарсага ҳаром- деб, эътиқод қилиш керак.
4. Ҳалол нарсага ҳалол- деб эътиқод қилиш керак.
5. Аллоҳнинг азобидан амин бўлмай доимо қўрқиш керак.
6. Аллоҳу таолодан умидни узмаслик керак.

Бир инсон муртад, яъни кофир бўлган бўлса, муртадлигига сабаб бўлган нарсани (гап ёки ишни) инкор қилса, тавба этган бўлиб ҳисобланади. Муртад киши тавба этмасдан ўлса, жаҳаннам оташида абадий қолиб азоб чекади. Шунинг учун куфрдан жудаям қаттиқ қўрқиш ва тийилиш керак. Оз гапириш керак. Ҳадиси шарифда ***«Ҳамма пайт фойдали ва хайрли нарсалардан гапирингиз. Ёхуд сукут сақлангиз!»***- деб буюрилди. Жиддий бўлиш керак, латифачи, ўйинчи бўлмаслик керак. Ақлга, инсонликка тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик, гапларни гапирмаслик даркор. Ўзини куфрдан муҳофаза қилиш учун Аллоҳу таолога кўп-кўп дуо қилиб, ёлвориш керак.

**Иймони бўлган ҳолда, келажакда
иймоннинг кетишига
сабаб бўладиган нарсалар:**

1. Аҳли бидъат бўлиш. Яъни бузуқ эътиқодда бўлиш. [Аҳли суннат олимлари билдирган эътиқоддан зарра қадар ажралган одам ё бузуқ эътиқодли, яъни бидъатчи ёки кофир бўлади.]
2. Заиф [шубҳали бўлган] иймон.
3. Тўққизта аъзосини тўғри йўлдан чиқариш.
4. Катта гуноҳларга давом этиш.

5. Ислом неъматларига шукр қилишни йиғиштириб қўйиш.
6. Охиратга иймонсиз кетишдан қўрқмаслик, бепарволик.
7. Ноҳақлик ва зулм қилиш.
8. Суннатга мос ўқиладиган азонни тингламаслик.
9. Отага ва онага осий, яъни оқ бўлиш.
10. Тўғри бўлса ҳам, ҳақ бўлса ҳам, кўп қасам ичиш.
11. Намозда таъдили арконни тарк этиш.
12. Намозни аҳамиятсиз билиб, яхши ўрганишга ва бола-чақасига ўргатишга аҳамият бермаслик.
13. Спиртли ичимликлар ичиш [пиво ҳам спиртлидир.]
14. Мўминларга азият бериш.
15. Ёлғондан авлиёлик қилиш, ўзини авлиё деб танитиб, инсонларга пул учун, шуҳрат учун дин илмини сотиш.
16. Гуноҳларини унутиш ёки писанд қилмаслик.
17. Кибрли бўлиш, ўз ўзини ёқтириш, катталик қилиш,
18. Ужб, илм ва амалим кўп деб ғурурланиш.
19. Мунофиқлик, икки юзламачилик.
20. Ҳасад қилиш, дин қардошини кўролмаслик
21. Ҳукуматнинг ва устодининг исломиятга терс тушмайдиган амрларини бажо келтирмаслик.
22. Бир инсонга уни синаб, тажриба қилиб кўрмасдан “яхши”- дейиш.
23. Ёлғон гапиришга давом этиш.
24. Уламодан узоқ юриш, қочиш.
25. Мўйловларини суннат миқдоридан кўп ўстириш.
26. Эркакларнинг ипак кийиши.
27. Ғийбат қилишдан тийилмаслик.
28. Кофир бўлса ҳам қўшнига азият қилиш.
29. Дунёлик учун қаттиқ ғазабланиш, жаҳли чиқиш,
30. Фоиз [процент] олиб-бериш. Судхўрлик.
31. Мақтаниш ва ғурурланиш учун либос енглари ва этакларини узун қилиб судраб юриш.
32. Сеҳрбозлик , сеҳр-жоду билан машғул бўлиш.
33. Мусулмон ва солиҳ бўлган яқин қариндош-уруғларни зиёрат қилишни тарк этиш.
34. Аллоҳу таолонинг суйган қулларини севмаслик, Исломиятни бузмоқчи бўлиб юрган хоинларга хурмат кўрсатиш.
35. Мусулмон қардоши билан уч кундан кўп аразлашиш.
36. Зинога давом этиш.
37. Ливота қилиб, тавба этмаслик.
38. Азонни фиқҳ китобларида билдирилган вақтларда ва суннатларга риоя қилган ҳолда ўқимаслик ҳамда суннатга уйғун ўқилаётган азонни эшитганда хурмат билан тингламаслик.

39. Мункарни қилаётган [ҳаром-ла банд] одамни кўрганда, кучи етиб турган ҳолда уни ширин сўз билан қайтармаслик, келажакда иймоннинг кетишига сабаб бўлади.

40. Келинининг, қизининг ва насиҳат бериш ҳаққига эга бўлган қўл остидаги хотин-қизларнинг бошлари, қўллари, оёқлари очиқ, безаниб, атир сепиб кўчага чиқишларига ва ёмон инсонлар билан кўришишларига рози бўлиш ҳам иймоннинг кетишига сабаб бўлади.

КАТТА ГУНОҲЛАРДАН ЕТМИШ ИККИТАСИ

1. Ноҳақ одам ўлдириш.
2. Зино қилиш.
3. Ливота қилиш (бачабозлик).
4. Шароб ва ҳар турли спиртли ичимликлар ичиш [пиво ичиш ҳам ҳаромдир.]
5. Ўғирлик қилиш.
6. Кайф учун гиёҳванд ва наркотик моддалар қўлланиш.
7. Ўзганинг молини зўрлик билан олиш, ғасб этиш.
8. Ёлғон шоҳидлик (гувоҳлик) бериш.
9. Рамазон кунида мусулмонлар олдида узрсиз овқат ейиш.
10. Фоиз олиб-бериш.
11. Кўп қасам ичиш.
12. Ота-онага осий бўлиш, қарши чиқиш.
13. Маҳрам ва солиҳ ақрабога, қариндош-уруғга сила-и раҳмни (зиёратни) тарк этиш.
14. Муҳорабада, жангда жанг майдонини тарк этиб душманнинг олдига тушиб қочиш.
15. Етимнинг молини ноҳақ ейиш.
16. Тарози ва бошқа ўлчов асбобларидан заррача бўлса ҳам уриб қолиш.
17. Намозни ўз вақтидан аввал ёки кейин ўқиш.
18. Мўмин биродарининг кўнглини ранжитиш [кўнгил синдириш Каъбани етмиш марта йиқитишдан ҳам каттароқ гуноҳдир.] Куфрдан кейин Аллоҳу таолони энг кўп ранжида қиладиган гуноҳ, мўминнинг кўнглини ранжитишдир.
19. Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ҳазратлари айтмаган гапларини айтиб, унга *“ҳадис”* деб, пайғамбаримизга иснод қилиш жудаям катта гуноҳлардандир. Ислом олимларидан ҳеч қайсининг китобида уйдирма ҳадис бўлмайди.
20. Пора олмоқ. ***«Пора олган ҳам, берган ҳам, ўртада турган ҳам гуноҳкордир».***

21. Ҳақ нарсага шаҳодат (гувоҳлик) беришдан қочиниш.
22. Мулкининг закотини ва ушрини бермаслик.
23. Кучи етган ҳолда мункарни, гуноҳ қилаётган одамни кўрганда ман этмаслик.
24. Жонли ҳайвонни ўтда ёқиш.
25. Қуръони каримни ўргангач, уни ўқишни унутиш.
26. Аллоҳу таолонинг марҳаматидан умидни узиш.
27. Хоҳ мусулмон, хоҳ кофир, инсонларга ҳиёнат қилиш.
28. Хинзир (чўчқа) этини ейиш.
29. Расулуллоҳнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” асҳобларидан “ридвонуллоҳи таоло алайҳим ажмоъин” бирортасини севмаслик, ҳурмат қилмаслик ва сўкиш.
30. Қорин тўйгандан кейин ҳам ейишга давом этиш.
31. Аёллар эрининг тўшагидан қочса, катта гуноҳ бўлади.
32. Аёлларнинг эрларидан рухсатсиз бирор жойга зиёратга кетишлари.
33. Номусли, иффатли аёлга ёки қизга *“фоҳиша”* дейиш.
34. Намима, яъни мусулмонлар орасида гап ташиш.
35. Аврат жойини ўзгага кўрсатиш. [Эркак кишининг киндик билан тизза ораси, хотин кишининг сочи, қўллари, оёқлари ҳам авратдир.] Ўзганинг аврат жойига қараш ҳам ҳаромдир.
36. Ўлакса ейиш ва инсонларга едириш. [Исломий усулга кўра сўйилмаган бутун ҳайвонлар ўлаксадир. Электр токи билан ўлдирилган ҳайвон ҳам ўлакса бўлиб, ейиш ҳаромдир.]
37. Омонатга хиёнат қилиш.
38. Мусулмонни ғийбат қилиш.
39. Ҳасад қилиш.
40. Аллоҳу таологa ширк келтириш.
41. Ёлғон гапириш.
42. Кибр, ўзини бошқалардан катта ва устун кўриш.
43. Ўлим тўшагида ётган одамнинг мулкини ворисларидан яшириши.
44. Бахиллик қилиш, хасис бўлиш.
45. Дунёга, молга муҳаббат қўйиш.
46. Аллоҳу таолонинг азобидан қўрқмаслик.
47. Ҳаром нарсага, ҳаром деб эътиқод қилмаслик.
48. Ҳалол нарсага, ҳалол деб эътиқод қилмаслик.
49. Фолбинлар фолига, ғайбдан хабар беришларига ишониш.
50. Динидан қайтиш, муртад бўлиш.
51. Узрсиз бегонанинг хонимига, қизига қараш.
52. Хотинларнинг эркак либоси кийиши.
53. Эркакларнинг хотин либоси кийиши.
54. Каъбада гуноҳ қилиш.

55. Вақти кирмасдан туриб азон айтиш, намоз ўқиш.
56. Давлат одамларининг амрларига, қонунларига қарши чиқиш, исён қилиш.
57. Хотинининг маҳрам жойларини онасининг маҳрам жойларига ўхшатиш.
58. Хонимининг онасини сўкиш.
59. Пичоқ, милтиқ каби қуроллар билан ҳазиллашиб бўлса ҳам бирбирини нишонга олиш, ўқталиш гуноҳдир.
60. Итдан қолган сарқитни еб-ичиш.
61. Қилган яхшиликларини миннат қилиш.
62. Эр кишиларнинг ипак либос кийишлари.
63. Жоҳилликда оёқ тираб туриш. [Аҳли суннат эътиқодини, фарзларни, ҳаромларни ва керакли бўлган маълумотларни ўрганмаслик.]
64. Аллоҳу таолодан ва Исломият билдирган исмлардан бошқа нарсалар билан қасам ичиш.
65. Илмдан қочиш.
66. Жоҳилликнинг мусибат эканлигини тушунмаслик.
67. Кичик гуноҳларни қайта қайта қилшда давом этиш.
68. Заруратсиз қаҳқаҳа билан кўп кулиш.
69. Бир намоз вақти муддатича жунуб ҳолда бўлиш.
70. Ҳайз ва нифос ҳолларида хонимига яқинлик қилиш.
71. Тағанний қилиш, ахлоқсиз ашулалар айтиш, мусиқа ва чолғу асбобларини чалиш.
72. Интиҳор, яъни ўз жонига қасд қилиш.

Мутъа никоҳи дейиладиган вақтинчалик никоҳ қатиъян ҳаромдир. Хотин-қизларнинг боши, сочи, қўллари, оёқлари ва болдирлари очиқ ҳолда кўчага чиқишлари ҳаром бўлганидек, шаффоф, юпқа, безакли, тор, хушбўй либослар билан кўчага чиқишлари ҳам ҳаромдир.

Қўпол аврат жойлари торгина либос билан беркитилган хотин-қизларга, шаҳватсиз қараш ҳам ҳаромдир. Бегона аёлнинг ич кийимларига шаҳват билан қараш ҳаромдир. Қўпол бўлмаган аврат жойлари ҳам, тор либос билан беркитилиб таранг тортилиб турса, ўша жойларга шаҳват билан қараш ҳаром бўлади. Шаҳватга, ҳаромга сабаб бўладиган расмлар чизиш, суратлар олиш, фильм тушириш, овозлар ва товушларни тасмага қайд қилиш, шеър, роман, ҳикоя, китоб, қўшиқ ёзиш ва уларни босиб чиқариш ҳаром бўлади. Ҳаром бўлган бирор нарсага *“Нима қипти?”*-деб менсинмаслик куфр бўлади.

Таҳорат ва ғуслда керагидан ортиқча сув ишлатиш исроф бўлиб, ҳаромдир.

Ўтган-кетган авлиёларга тил текказиш, орқаларидан ёмонлаш, уларга илмсиз, жоҳил - дейиш, уларнинг айтган гапларидан шариатга тўғри келмайдиган маънолар чиқариш, вафотларидан кейин каромат

кўрсатишларига ишонмаслик ва вафот этганларида авлиёликлари ҳам тугайди, деб ўйлаш ҳаромдир. Уларнинг қабрлари билан баракатланадиганларга тўсқинлик қилиш, мусулмонларга суи зан, яъни ёмон гумон қилиш, зулм қилиш, мол-мулкларини талон-тарож қилишдек ва ҳасад, ифтиро, бўҳтон ва ёлғон гапириш ва ғийбат қилишдек ҳаромдир.

ЎНТА НАРСА ОХИРГИ НАФАСДА ИЙМОНСИЗ КЕТИШГА САБАБ БЎЛАДИ:

1. Аллоҳу таолонинг амр ва тақиқларини ўрганмаслик.
2. Иймонини Аҳли сунат эътиқодига кўра тузатмаслик.
3. Дунё молига, мартабасига, шухратига мубтало бўлиш.
4. Инсонларга, ҳайвонларга ва ўзига зулм, азият қилиш.
5. Аллоҳу таолога ва неъматлар келишига сабаб бўлганларга ташаккур этмаслик.
6. Иймонсиз бўлишдан қўрқмаслик.
7. Беш вақт намозини ўз вақтларида адо этмаслик.
8. Фоиз (процент) олиб-бериш. Судхўрлик.
9. Динига боғли бўлган диндор, тоза мусулмонларни “фундаменталист, босмачи, хурофатчи, бузғунчи” – туҳматлари билан одам қаторида кўрмаслик ва уларга озор бериш.
10. Фаҳш сўзларни, ёзувларни ва расмларни: айтиш, ёзиш ва чизиш.

АҲЛИ СУННАТ ЭЪТИҚОДИДА БЎЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ХУСУСЛАРГА ДИҚҚАТ ҚИЛИШ КЕРАК:

1. Аллоҳу таолонинг сифатлари бор ва зотидан айридир.
2. Иймон кўпаймайдиям, камаймайдиям.
3. Катта гуноҳ қилиш билан иймон кетмайди.
4. Динда ғойибга иймон этиш асосдир.
5. Иймон бобида қиёс бўлмайди.
6. Аллоҳу таоло Жаннатда кўринади.
7. Таваккал иймоннинг шартидир.
8. Амаллар (ибодатлар) иймоннинг бир бўлаги эмас.
9. Тақдирга ишониш иймоннинг шартидир.
10. Амалда тўртта мазҳабдан бирига тобеъ бўлиш шарт.
11. Асҳоби киромнинг, Аҳли байтнинг ва пайғамбаримизнинг хонимларидан ҳаммасини яхши кўриш ҳурмат қилиш шарт.
12. Тўрт халифанинг бир-биридан буюкликлари хилофат тартибига кўра.

13. Намоз, рўза, садақа каби нофила ибодатларнинг савобини ўзгаларга ҳадя қилиш жоиздир.

14. Меърож ҳодисаси ҳам руҳан, ҳам жисмонан рўй берганига ишониш.

15. Авлиёнинг кароматИ ҳақдир.

16. Шафоат ҳақдир.

17. Маҳси устига масҳ тортиш жоиздир.

18. Қабр саволи бордир, ҳақдир.

19. Қабр азоби руҳ ва баданга берилади.

20. Инсонларни ҳам, уларнинг ишларини ҳам Аллоҳу таоло яратади. Инсонда ирода-и жузъия деган нарса бор.

21. Ризқ ҳалолдан ҳам, ҳаромдан ҳам бўлади.

22. Авлиёларнинг руҳлари восита қилиниб, дуо қилинади ва уларнинг ҳурмати учун тилаклар, орзулар тиланиши мумкин.

Овоз бериб муаззин турди қомат айлади,
Каъбага ўгирди юзин ҳам-да ният айлади.
Эшитиб аҳл-и иймон ҳурмат билан тинглади,
Сўнгра намозга туриб, Ҳаққа қуллик айлади.

ЁМОН ХУЛҚ-АТВОР

1. Куфр.

2. Жаҳолат.

3. Танқид қилинишдан қўрқиш. [Инсонларнинг ёмонлаганларига, танқидларига, айблашларига хафа бўлиб, ўжарлик билан ҳақ гапни, хатоларни қабул қилмаслик.]

4. Мақтовсуярлик. [Ўзини яхши деб билиш, мақталишни севиш.]

5. Бидъат эътиқод. [Бузуқ иймон.]

6. Ҳавои нафс. [Нафснинг истакларига, лаззатларига, шаҳватларига бўйин эгиш.]

7. Тақлид билан иймон этиш. [Билмаган, танимаган инсонларни тақлид қилиш.]

8. Риё [Хўжа кўрсинга, дунёда яхши мансабларни қўлга киритиш, инсонларга яхши кўриниш учун, охират амалларини, ибодатларини бажо келтириш.]

9. Тули амал. [Завқ ва сафо суриш учун узун умр кўришни орзу қилиш.]

10. Тамаъ. [Дунё лаззатларини ҳаром йўлда ахтариш.]

11. Кибр. [Ўзини бошқалардан устун кўриш.]

12. Тазаллул. [Ҳаддан ташқари камтарлик, тавозе кўрсатиш.]

13. Ужб. [Қилган ибодатларини ёктириш ва уларга орқа суяш.]

14. Ҳасад. [Қизғониш, кўролмаслик, неъматнинг бошқалардан кетишини хоҳлаш. Абуллайс Самарқандий ҳазратлари айтдиларки: *«Уч кимсанинг дуоси қабул бўлмас: Ҳаром ейдиганнинг, ғийбат қиладиганнинг ва ҳасадгўйнинг»*.]

15. Ҳиқд. [Бошқаларни хўр кўриш.]

16. Шамотат. [Ўзгаларга келадиган бало ва зарарларга севиниш.]

17. Ҳижр. [Дўстлигини бузиб, араз қилиш.]

18. Жубн. [Қўрқоқлик, шижоатнинг оз бўлиши.]

19. Таҳаввур. [Ғазабнинг ва қаттиққўлликнинг ҳаддидан ошиши ва зарарли бўлиши.]

20. Ғадр. [Аҳдида ва берган сўзида турмаслик.]

21. Хиёнат. [Мунофиқлик белгиси; Ишончни бузадиган сўз ва иш.]

22. Ваъдасини бузмоқ. [Берган сўзини бузмоқ. Ҳадиси шарифда: ***«Мунофиқликнинг белгиси учтадир: Ёлғон гапириш, ваъдасини адо этмаслик ва омонатга хиёнат қилиш.»***-дейилди.]

23. Суи зан. [Ёмон гумонда бўлиш ҳаромдир. Гуноҳларининг кечирилмаслигини гумон қилиш, Аллоҳу таолога қарши суи зан бўлади. Мўминларни гуноҳ қилгувчи, яъни фосиқ деб гумон қилиш суи зан бўлади.]

24. Мол-мулкка, дунёга муҳаббат қўйиш.

25. Тасвиф. [Хайрли ишни кечиктириш.] Ҳадиси шарифда: ***«Бешта нарса келмай туриб беш нарсанинг қийматини билингиз: Ўлмасдан аввал ҳаётнинг қийматини, касалликдан аввал саломатликнинг қийматини, дунёда охиратни қўлга киритишнинг қийматини, қаримасдан аввал ёшликнинг қийматини, фақирликдан аввал бойликнинг қийматини»***- деб марҳамат қилинди.

26. Фосиқларга ҳурмат кўрсатиш, уларни яхши кўриш. [Фисқнинг энг ёмони зулмдир. Очиқча ҳаромлар билан машғул бўладиганларга фосиқ дейилади.]

27. Олимларга душманлик қилиш. [Ислом илмлари ва олимларини масхара қилиш куфрдир.]

28. Фитна. [Инсонларни ёмон аҳволга, балога гирифтор қилиш. Исён кўтариб, ҳукуматнинг халққа зулм қилишига сабаб бўлиш. Ҳадиси шарифда: ***«Фитна уйқудадир, уни уйғотганга лаънат бўлсин!»***-дейилди.]

29. Мудоҳана ва мудора [Кучи етиб турган ҳолда, гуноҳ қилаётганларга монеъ бўлмаслик ва дунёси учун, роҳати учун динидан тавиз бериш мудоҳанадир. Дини учун дунёсини бериш эса мудорадир.]

30. Инод ва мукобара. [Ҳақ нарсани, тўғрини эшитса ҳам қабул этмаслик. Ўжарлик.]

31. Нифоқ. [Мунофиқлик. Ўзи бошқа сўзи бошқа бўлганлар.]

32. Тафаккур қилмаслик. [Гуноҳларини, махлуқларни ва ўзини ўйламаслик. Олам ҳақида Аллоҳу таолонинг буюклиги ҳақида фикр юритмаслик.]
33. Мусулмонларга баддуо қилиш.
34. Мусулмонларга ёмон от тақиш, лақаб қўйиш.
35. Узрни рад этиш.
36. Қуръони каримни ўзбошимча тафсир қилиш.
37. Ҳаром ишда оёқ тираш, яъни ҳаромларга давом этиш.
38. Ғийбат.
39. Тавба қилмаслик.
40. Мол-дунёга ва мансабпарастликка берилиш.

[Ёмон, чиркин феъл-атвордан тийилиш ва чиройли хулқ эгаси бўлишга ҳаракат қилиш керак. Ҳадиси шарифларда айтилдики: ***«Ибодатлари кам бўлган бир қул чиройли хулқи билан қиёматда юксак даражаларга кўтарилади.»***

«Ибодатларнинг энг осони ва афзали кам гапирмоқ ҳамда яхши хулқли бўлмоқдир.»

«Узоқлашганларга яқинлашиш, зулм қиладиганларни кечириш, ўзини ўзи маҳрум қилиб қўядиганларга эҳсон этиш-чиройли хулқ атвор эгаси бўлмоқдир.»]

Тўққизинчи Бўлим

НАМОЗ СУРАЛАРИ ВА ДУОЛАРИ

Сура ва дуоларни бошқа алифбо билан ёзса бўладими?

Сураларни ва дуоларни лотин ва кирилл ҳарфларида тўғри ёза олиш учун ҳар қанча ҳаракат қилсак ҳам бўлмади. Лотин ёки кирилл ҳарфларига қанақа ишорат қўйишдан қатъи назар, сура ва дуоларни ўзи бўйича тўғри ўқиш ҳеч ҳам мумкин эмас. Буларни Қуръони каримдаги ҳарфлардай ўқий олиш учун, биладиган одамнинг ўқитиши ва қайта-қайта такрорлатиб тилни кўниктириш, ўргатиш керак. Бу кўниктириш иши албатта шарт бўлганига кўра биладиган одам учун ўқувчига тўғридан Қуръони карим ҳарфларини танитиш, ўргатиш имкони ва неъмати туғилади. Бу неъматнинг аҳамиятини, дунё ва охиратдаги фойдаларини ҳадиси шарифлар ва фиқҳ китоблари узун-узун изоҳ этиб, савобининг кўплигини билдиришган.

У ҳолда, ҳар бир мусулмон фарзандини масжидларга, Қуръони карим дарсларига юбориши лозим, фарзандларга Қуръони карим ҳарфларини ва буларнинг қандай ўқилишини яхшилаб ўргатишлари ва ўша катта савобга эга бўлиш учун ҳаракат қилишлари керак. Бир ҳадиси шарифда: ***«Фарзандига Қуръони карим ўргатадиганларга ёхуд Қуръон муаллимига берганларга ўргатилган Қуръонининг ҳар бир ҳарфи учун, ўн марта Каъбаи муаззама зиёратининг савоби берилади ва қиёмат куни бошига давлат тожи кийдирилади. Бутун инсонлар кўриб ҳавас қилишади.»,-***деб марҳамат қилинди. Яна бир ҳадиси шарифда эса: ***«Фарзандига динини ўргатмайдиган кимсалар албатта жаҳаннамга кетишади»*** - дейилди.

НАМОЗ СУРАЛАРИНИНГ МАЪНОЛАРИ

ФОТИҲА СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

Ҳамд Оламларнинг Рабби, Раҳмон, Раҳийм ва дин куни (қиёмат куни)нинг соҳиби бўлган Аллоҳга махсусдир. Ёлғиз Сенга ибодат қилиб, ёлғиз Сендан ёрдам истаймиз. Бизни тўғри йўлга, ўзларига неъмат берган қулларингни йўлига туширгин. Ғазабингга дучор бўлганларнинг, (бидъатчи) бузуқларнинг йўлига эмас. [231-бет]

ФИЛ СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

(Эй Расулим!) Раббинг фил соҳибларига нима қилганини кўрмадингми? У зот уларнинг ёмон ниятларини бўшга чиқармадими? У зот уларнинг устига гала-гала (қушлар) юборди. Ки бу (қуш)лар улар (фил соҳиблари)га пишган ғиштдан (ясалган) тош(лар) отишаётган эди. Шу тариқа (Аллоҳ) уларни куя еган экин япроғидек қилиб юборди. [Қаранг: 229-бет]

ФИЛ ВОҚЕАСИ: Ҳабаш ҳукмдори Нажошийнинг, Яман ҳокими бўлган **Абраха** исмли бир одами бор эди. Абраха халқни Маккаи мукаррамадаги Каъбани зиёрат қилишдан воз кечириш учун, Санъа шаҳрида баланд ва безакли бир черков қурдирди. Лекин, мақсадига етолмади. Каъбани зиёрат қиладиганларнинг биронтаси ҳам ўша черковга қадам босишмади. У ҳам етмагандай, Фуқойм қабиласидан бўлган Нуфайл исмли бир йигит кечаси яширинча, келтирган тезак ва ахлатлар билан черковнинг ҳамма ёғини кирлатиб кетарди. Бундан ғазабланган Абраха катта бир қўшин тўплаб Маккага юриш қилди. Қўшиннинг энг олдида Нажошийдан олган катта, баҳайбат фил бор эди. Абраха фил қўшиннинг олдида юрса, ғалаба қозонади деб ўйлар, филнинг омад келтиришига ишонарди.

Мана шундай қилиб Маккага қараб шовқин-сурон билан йўлга тушдилар. Шаҳарга кираверишда фил чўкди ва ундан кейин ҳечам илгарига юрмади. Бутун уринишлари, филни Макка томонга юргизолмади. Фил бошқа томонларга лўкиллаб кетади-ю, Макка тарафга бир қадам босмади. Ана шу пайтда Аллоҳу таоло Абобил деган қушларни юборди. Тумшуқларида ва панжаларида олиб келган тошларни Абраханинг

қўшини устига ёмғирдай ёғдирдилар. Ояти каримада ҳам айтилганидек, қўшин “куя еган экин барги” каби талқон бўлди. Бу ҳодиса рўй берган йилга Араблар, “Фил йили” дейишарди. Бу воқеадан 50-55 кунча кейин Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” дунёга ташриф қилдилар.

ҚУРАЙШ СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

Қурайшни омонлик ва саломатликка эриштириб, қиш ва ёз уларни бориш ва келишлар[1] да роҳатликка қовуштириб тургани учун (ҳеч бўлмаса) шу Байт (Каъба)нинг Раббига ибодат қилинглар. У зот, уларни очликдан (қутқариб) тўйғазган, қўрқувдан омонлик берган (Аллоҳ)дир. [Қаранг: 229-бет]

МОУН СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

Динни ёлғон ҳисоблайдиганларни кўрдингми? Етимни[2] шиддат билан итариб ташлайдиган, фақирларга ош беришни ташвиқ қилмайдиган (кимса) ана ўша[3] бўлади. Мана (шунга ўхшаш қилмишлари билан) намоз ўқийдиган (мунофиқ)ларнинг ҳолига вой (бўлсин)ки, улар (ўз) намозларидан ғофилдирлар. Улар риёкорларнинг то ўзгинасидирлар. Улар закотни[4] ҳам ман қиладилар. [Қаранг: 229-бет]

КАВСАР СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан.

(Ҳабибим) албатта, Биз сенга Кавсарни[5] ато этдик. У ҳолда Раббинг учун намоз ўқи ва қурбонлик қил. Тўғриси, сенга (насли кесик деб) тил текказидиган(нинг ўзи) хайрсиз насли кесикдир. [қаранг: 228-бет]

ИЗОҲИ: Ушбу муборак сура пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ноил бўлган неъматларни ва у зотнинг икки муқаддас вазифаларини билдирмоқда. Ояти каримадаги **“Кавсар”** лафзи учун Ислом олимлари турли хил маънолар беришган. Жумҳур уломага кўра кавсарнинг маъноси:

[1] Курайшликлар қишда Яманга, ёзда эса Шомга саёҳат мақсадида борардилар.
[2] Бир ривоятга кўра, Абу Жаҳлнинг вориси бўлган бир қул.
[3] Абу Жаҳл.
[4] Моун, закот ва садақа маъносига келиши билан бирга бир кишининг бошқа биридан қарзга олган нарсасига ҳам айтилади.
[5] Ислом олимларига кўра.

а) Жаннатда бир ирмоқ ёки бир ҳовуз бўлиб суви, бол-асалдан ширин, сутдан ҳам оқ ва қордан совуқдир.

б) Қуръони каримдирки: у дунёвий ва ухровий хайрларни ўзида мужассам қилган бир китобдир.

в) Расули акрамнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” соҳиб бўлган шарафи нубувватларидир (набийлик шарафи).

г) Кўкда ва ерда Расулуллоҳ “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” учун айтилаётган кўплаган зикру санодир.

д) Расулуллоҳнинг авлоди ва унга тобеъ бўлганлардир.

е) Расулуллоҳнинг Асҳоб ва Уламои умматларидир.

Пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ўғиллари Қосим вафот этганида Ос бин Воил: *«Муҳаммаднинг “алайҳиссалом” насли кесилди, энди ундан хотира бир авлоди қолмайди»* - деди. Бу гапни бошқа мушриклар айтиб қувонишди. Мушриклар мусулмонларнинг бошига иш келганда, уларга бир шиддат ёки бир торлик арз бўлганда, севинишарди. Бу сура-и жалила мана шу кофирларнинг ботил тушунчаларини, фикрларини рад этди. Жудаям қисқа сура бўлишига қарамай жуда кўп ҳақиқатларга ишорат қилиб турибди.

КОФИРУН СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан.

(Эй Ҳабибим!) Уларга айтгин[1]. Эй кофирлар мен сиз сиғинаётган (бут)ларингизга сиғинмайман. Мен ибодат қилаётган (Аллоҳу таоло) га ҳам сизлар қуллик қилгувчи эмассиз. Мен сиз сиғинган нарсага (ҳеч қачон) сиғинган эмасман. Сиз ҳам мен қуллик қилаётган (Раббим) га (асло) қуллик қилувчилар эмассиз. Сизнинг динингиз сизга, менинг диним менга (бўлсин). [Қаранг: 228-бет]

НАСР СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан.

Аллоҳнинг ёрдами ва фатҳлар (насиб) бўлганда, сен ҳам инсонларнинг гурух-гурух Аллоҳнинг динига (мусулмонликка) кираётганини кўрганингда, дарҳол Раббингни мадҳу сано қил. Ундан мағфират сўрагин. Шубҳасизки У, тавбаларни қабул этгувчи (зот)дир[2]. [Қаранг: 228-бет]

[1] Макка мушрикларидан Абу Жаҳл, Ос бин Воил, Асвад бин Абдулмутталиб, Валид, Умайя бин Халаф ва бошқалари, Аббос “родияллоҳу анҳ” воситаси билан пайғамбаримизга “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” хабар юбориб, қуйидаги фикрларни таклиф қилишди: “Бир йил у бизнинг илоҳимизга ибодат қилсин. Бир йил эса биз унинг Аллоҳига ибодат қилайлик” Бу воқеанинг устига юқоридаги ояти карима нозил бўлди.

[2] Бу сурада пайғамбаримизнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” вафотларига ишорат бор. Пайғамбаримиз бу сурани ўқиганларида, Аббос “родияллоҳу анҳ” йиғладилар. Расулуллоҳ ундан нима учун йиғлаганларини сўраганларида Аббос “родияллоҳу анҳ”: “Бу сурада сизнинг вафотингизга ишорат бор экан”- дедилар. Расул “алайҳиссалом” «Худди айтганингиздек»,- деб марҳамат қилдилар.

ТАББАТ СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан.

Абу Лаҳабнинг икки қўли қурисин. (Ўзи ҳам) қуриди. (ҳалок бўлди-ку). Унга на (ота мерос) мол-мулки, на топгани фойда келтирмади. У оловли оташга киражак, хотини ҳам ўтин ташувчи каби бўйнида бир ип бўлган ҳолда (киради). [Қаранг: 228-бет]

ИЗОҲИ: Бу сура-и жалила, Расули акрамга “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” азо ва жафо чектирган Абу Лаҳаб ва аёлининг ҳалок бўлиб, шиддатли бир азобга тушажакларини хабар бермоқда. Пайғамбар **“ақрабонгни** (қариндошлар) **қўрқит!**- деган амри илоҳийни олгач, Сафо тепалигига чиқиб, яқинларини чақириб, уларни ислом динига даъват этгандилар. Абу Лаҳаб ўша ердагиларга монеълик қилган ва Пайғамбаримизга ҳақорат қилиб ўгирилиб кетган эди. Абу Лаҳабнинг аёли ҳам Расул “алайҳиссалом”нинг ўтадиган йўлларига кечалари тиконли ўсимликларни келтириб, сочиб чиқарди. Ундан ташқари Пайғамбаримизнинг орқаларидан гап ташир ва аслсиз миш-мишлар чиқарарди.

Абу Лаҳаб ҳижратнинг иккинчи йили Бадр жангида Ислом мужоҳидларининг муваффақиятларига чидаёлмасдан етти кундан кейин ўлди. Бадани илма-тешик бўлиб, фарзандлари ҳам ёнига яқинлаша олмадилар. Уч кундан кейин зўрға кўмишди. Бил охира, аёли ҳам ўлиб, лойиқ бўлган жазога эришди.

ИХЛОС СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан.

Ё Муҳаммад “саллаллоҳу алайҳи ва саллам”! Дегин ки: У, Аллоҳ бирдир, Сомад[1] дир. У туғмаган ва туғилмаган. Ҳеч нарса Унинг тенги (ва ўхшаши) эмас. [Қаранг: 227-бет]

ФАЛАҚ СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

(Ё Муҳаммад “алайҳиссалом”) Яратилган нарсаларнинг шарри (ёмонлиги)дан, зулмат атрофни қоплаганда туннинг шарридан, тугун (сеҳрбозлар) жодугарларининг иплари ва арқонларига отган (тугун)ларга уфлайдиган (нафас)ларнинг жодугар ва куфр қилувчиларнинг шарридан ва ҳасадчиларнинг ҳасад қилган пайтидаги шарридан тонгнинг Раббига сиғинаман,-дегин[2]. [Қаранг: 227-бет]

[1] Бутун маҳлуқот қайтадиган ва сиғинадиган зот-и аҳодиятдир. Бошқача айтганда бу калима бир сифати аҳодиятдир.

[2] Лабид бин Осом деган бир яҳудий Расулуллоҳнинг “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” сочларидан ўн бир толасини тугиб жоду қилган ва қудуққа отган эди. Бундан Пайғамбаримиз “саллаллоҳу алайҳи ва саллам” ҳолсизландилар. Сўнгра Жибрили Амин, Расул “алайҳиссалом”га жодуни билдирди. Тугилган ипларни ҳазрати Али “родияллоҳу анҳ” воситаси билан қудуқдан чиқаришди. Шандай қилиб Расул “алайҳиссалом” аввалги сиҳҳатларига қовушдилар. Муоввизатайн сураларининг ўн бир оятдан иборат бўлиши шунга ишоратдир.

НОС СУРАСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

(Ё Муҳаммад! алайҳиссалом). Инсонларнинг Раббига, инсонларнинг маликига, инсонларнинг маъбудига, инсонларнинг кўксига тинмай васваса бериб турадиган, хоҳ жин, хоҳ инсондан (бўлсин), ўша ҳийлагар шайтоннинг шарридан сиғинаман[1]-дегин. [Қаранг: 227-бет]

ОЯТАЛ КУРСИ

Раҳмон ва Раҳийм бўлган Аллоҳнинг исми билан

Аллоҳ(нинг), ўзидан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир. (У), Ҳайй ва Қайюмдир. У на уйқисирайди, на ухлайди. Кўкларда ва ерда нимаики нарса бўлса, ҳаммаси Унга оид. Унинг изни бўлмай, Унинг даргоҳида ким шафоат қила олади? У (яратиқларнинг) олдиларида ва орқаларидаги яширин ва ошкор, ҳар нарсани билгучидир. (Махлуқоти) Унинг илмидан, ёлғиз Унинг тилаганидан бошқа ҳеч нарса олишолмайди. Унинг курсиси кўкларни ва ерни қопламишдир. Булар (ер ва кўклар)нинг соқчилиги Унга ҳеч ҳам оғир келмайди. У жудаям улуғ (ва) жудаям буюкдир.

[Қаранг: 230-бет]

НАМОЗ ДУОЛАРИНИНГ МАЪНОЛАРИ

СУБҲОНАКА

Эй Аллоҳим! Сени нуқсонликлардан танзиҳ ва бутун комил сифатлар билан тавсиф қиламан. Сенга ҳамд этаман. Сенинг исминг улуғ (ва Сенинг шонинг барча нарсанинг устидадир) [2]. Сендан бошқа илоҳ йўқдир.

[1] “Тафсир-и Лубоб”га кўра бу сурада кечадиган беш дона “Нос” калимаси беш синф инсонни билдиради:

1. Болалар,
2. Ёшлар,
3. Қарилар,
4. Солиҳ (яхши)лар,
5. Инсон шайтонлардир.

[2] Бу қисм жаноза намозида ўқилади.

АТТАҲИЁТУ

Ҳар турли ҳурмат, салавот ва бутун эзгуликлар Аллоҳга махсусдир. Эй Набий! Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракати сизнинг узарингизга бўлсин. Салом, бизнинг ва Аллоҳнинг солиҳ қулларининг узарига бўлсин. Шоҳидлик (гувоҳлик) қиламанки, Аллоҳ бирдир. Яна шаҳодат қиламанки, Муҳаммад “алайҳиссалом” Унинг қули ва расулидир.

АЛЛОҲУММА СОЛЛИ

Эй Аллоҳим! Иброҳимга “алайҳиссалом” ва оли (оила, асҳоб, уммати) га раҳмат этганингдек, Муҳаммадга “алайҳиссалом” ва оли (оила, асҳоб ва уммати)га ҳам раҳмат айла. Муҳаққақ сен ҳамид ва мажидсан.

АЛЛОҲУММА БОРИК

Эй Аллоҳим! Иброҳимга “алайҳиссалом” ва оли (оила, асҳоб, уммати) га барокатлар берганингдек, (жанобимиз) Муҳаммадга “алайҳиссалом” ва олига ҳам барокатлар эҳсон айла Муҳаққақ сен ҳамид ва мажидсан.

РОББАНА ОТИНА

Ё Рабби! Дунёда ва охиратда бизга эзгуликлар бергин ва бизни нор (оташ)нинг азобидан сақлагин. Эй раҳмлиларнинг энг раҳмлиси, сенинг раҳматинг бирла... [Қаранг: 225-бет]

ҚУНУТ ДУОСИ

Эй Аллоҳим! Биз сендан ёрдам тилаймиз. Сенга истиғфор айтамиз. Сендан ҳидоят истаймиз. Сенга иймон этамиз. Сенга тавба ва сенга таваккал қиламиз. Бутун хайрлар билан сени мадҳу сано қиламиз. Сенга (неъматларингга) шукр қиламиз, куфрон-и неъмат (неъматга нонкўрлик) қилмаймиз. Сенга қарши фисқу фужур (гуноҳ) қиладиганларни ҳайдаймиз ва тарк этамиз.

Эй Аллоҳим! Ёлғиз сенга ибодат этар, намоз ўқир, сажда қилар, сенга томон чопар ва илтижо қиламиз. Раҳматингни (марҳаматингни) ражо (умид) қилар ва азобингдан қўрқамиз. Чунки сенинг азобинг ҳақиқатни яширмоқчи бўлган кофирларга албатта етиб боради. [Қаранг: 225-бет]

ИСТИҒФОР ДУОСИ

[Кўпгина ояти карималарда **“Мени кўп зикр этинг”** ва **“Изо жоа”** сурасида **“Мендан мағфират сўранг. Дуоларингизни қабул қилиб, гуноҳларингизни кечираман.”** деб буюрилган. Кўриниб турганидек, Аллоҳу таоло кўп истиғфор этишимизни амр қилмоқда. Шу боис Муҳаммад Маъсум ҳазратлари **“Мактубот”** китобининг 2чи жилд, 80-мактубларида: *«Камина, мана шу амрга биноан, фарз намозларидан кейин, уч маротаба истиғфор дуосини ўқияпман ва 67 марта ёлғиз* ***Астағфируллоҳ****ни айтиб, етмишда тамомлаяпман. Истиғфор дуоси:* ***“Астағфируллоҳал-озыйм аллазий ло илоҳа илло ҳув ал-ҳайял қайюма ва атубу илайҳ”****дир. Сиз ҳам буни кўп ўқингиз! Ҳар бирини айтаётганда маъносини* ***“Мени мағфират қил, Аллоҳим”*** *деб ўйлангиз. Бу дуо, ўқиганни ва ёнидагиларни ўлимдан бошқа ҳар дарддан, ташвишдан қутқаради. Кўп кимсалар доим ўқиди. Фойдаси ҳам ҳамиша кўрилди.»* деганлар.] [Ухлашга ётганда, *ё Аллоҳ, ё Аллоҳ* ва уч марта ***“Астағфируллоҳ мин кулли мо кариҳаллоҳ”*** дейиш керак ва ухлаб қолгунча такрорлаш лозим.]

Шайх-ул-ислом Аҳмад Номиқий Жомий ҳ. 536, м.1142 йилда вафот этдилар. **«Мифтоҳ-ун-нажот»** китобларида айтадиларки: *“Бир кимса тавба-истиғфор қилса ва тавбанинг шартларини ҳам бажо келтирса, ҳар ўтган-кезган кўчаси ва ҳар ўтирган, қўнган макони у кимса билан ифтихор қилади. Ой, қуёш, юлдузлар ўша кимса учун дуо қилишади. Қабри жаннат боғчаси бўлади. Мана шундай тавба қилиш насиб бўлмаган кимса, ўшандай тавбага муяссар бўлганлар билан бирга бўлишга ҳаракат қилиши керак. Ҳадиси шарифда:* ***«Ибодатларнинг энг қийматлиги, авлиёга бўлган муҳаббатдир»*** *ва* ***«Тавба-истиғфор қилган кимсанинг бутун гуноҳлари афв этилади»-*** *деб марҳамат қилинди”.* [Тавба қалб билан, истиғфор эса, тил билан бўлади.]

* * *

ТАВҲИД ДУОСИ

Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ. Ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун Расулуллоҳ. Ё Раҳмон, ё Раҳим, ё афувву ё Карим, фаъфу анний варҳамний ё арҳамарроҳимин! Таваффаний муслиман ва алхиқний бисолиҳин. Аллоҳуммағфирлий ва ли-обоий ва уммаҳотий ва ли обои ва уммаҳот-и завжатий ва ли-аждодий ва жаддотий ва ли-абноий ва банотий ва ли-иҳватий ва аҳавотий ва ли-аъмомий ва аммотий ва ли-аҳволий ва ҳолотий ва ли-устозий Абдулҳакими Арвосий ва коффатил муъминина вал-муъминот. “Раҳматуллоҳи таоло алайҳим ажмоъин.”

Аъузу биллоҳи минашшайтонир-рожим
Бисмиллоҳирраҳмонирраҳим

Расулуллоҳ *“саллаллоҳу алайҳи ва саллам”* марҳамат қилдиларки: ***«Умматим орасида фисқу фасод ёйилган замонларда суннатимга ёпишадиган кимсага юзта шаҳид савоби берилади».*** Мавжуд тўрт мазҳабдан хоҳлаган бирининг олимларига **Аҳли суннат олими** дейилади. Аҳли суннат олимларининг раиси, имоми Аъзам Абу Ҳанифадир. Бу олимлар, китобларига Асҳоби киромдан ўрганганларини ёзганлар. Асҳоб-и киром бўлса, буларга Расулуллоҳдан эшитганларини баён этганлар. Бугун ер юзидаги жами инсонлар уч тоифага ажралишган:

1. Кофирлар: Булар мусулмон эмасликларини ҳеч кимдан яширмайдилар. Яҳудийлар ва христианлар бу тоифадандир.
2. Аҳли суннат: Яъни тўрт мазҳабдан бирига тобеъ бўлган **Сунний** мусулмонлардир. Булар барча мамлакатларда бор ва кун сайин сафлари кенгаймоқда.
3. Мунофиқлар: Мусулмон эканлигини рўкач қиладиган, лекин иймонлари ва баъзи ибодатлари Аҳли суннатга тамоман хилоф бўлган тоифалар. Бу мазҳаб танимас бечораларнинг ҳақиқий мусулмонлик билан алоқалари йўқ.

اَلتَّلْقِينُ لِلْمَيِّتَةِ

عَلَيْكِ سَلَامُ اللّٰهِ يَا اَمَةَ اللّٰهِ بِنْتَ عَبْدِ اللّٰهِ (۳ دفعه) كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ اِلَّا وَجْهَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَ لَهُ الْحُكْمُ وَ اِلَيْهِ تُرْجَعُونَ. فَاعْلَمِي بِاَنَّ هٰذَا آخِرُ مَنْزِلِكِ مِنْ مَنَازِلِ الدُّنْيَا وَ اَوَّلُ مَنْزِلِكِ مِنْ مَنَازِلِ الْآخِرَةِ. وَ اعْلَمِي بِاَنَّكِ خَرَجْتِ مِنْ دَارِ الدُّنْيَا الدَّنِيَّةِ وَ وَصَلْتِ اِلٰى دَارِ الْعُقْبَى الْاَبَدِيَّةِ. خَرَجْتِ مِنْ دَارِ الْغُرُورِ وَ وَصَلْتِ اِلٰى دَارِ السُّرُورِ. خَرَجْتِ مِنْ دَارِ الْفَنَاءِ وَ وَصَلْتِ اِلٰى دَارِ الْبَقَاءِ. وَ اعْلَمِي بِاَنَّ الْآنَ الْآنَ قَدْ يَنْزِلُ بِكِ الْمَلَكَانِ الرَّفِيقَانِ الشَّفِيقَانِ الْاَسْوَدَانِ الْوَجْهَانِ وَ الْاَزْرَقَانِ الْعَيْنَانِ، اَحَدُهُمَا مُنْكَرٌ وَ آخَرُهُمَا نَكِيرٌ لَا تَخَافِي عَنْهُمَا وَ لَا تَحْزَنِي فَاِنَّهُمَا عَبْدَانِ مَأْمُورَانِ مِنْ قِبَلِ الرَّحْمٰنِ، سَائِلَانِ عَنْكِ وَ قَائِلَانِ لَكِ: مَنْ رَبُّكِ وَ مَنْ نَبِيُّكِ وَ مَا دِينُكِ وَ مَا اِمَامُكِ وَ مَا قِبْلَتُكِ وَ مَنْ اِخْوَانُكِ وَ مَنْ اَخَوَاتُكِ فَقُولِي فِي جَوَابِهِمَا بِلَفْظٍ فَصِيحٍ وَ لِسَانٍ صَرِيحٍ: اَللّٰهُ رَبِّي وَ مُحَمَّدٌ نَبِيِّي، وَ الْاِسْلَامُ دِينِي وَ الْقُرْآنُ اِمَامِي وَ الْكَعْبَةُ قِبْلَتِي وَ الْمُؤْمِنُونَ اِخْوَانِي وَ الْمُؤْمِنَاتُ اَخَوَاتِي. فَاعْلَمِي بِاَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ وَ الْقَبْرَ حَقٌّ وَ سُؤَالَ الْمُنْكَرِ وَ النَّكِيرِ حَقٌّ وَ الْحَشْرَ حَقٌّ وَ النَّشْرَ حَقٌّ وَ الْحِسَابَ حَقٌّ وَ الْمِيزَانَ حَقٌّ وَ الصِّرَاطَ حَقٌّ وَ الْجَنَّةَ لِلْمُؤْمِنِينَ حَقٌّ وَ النَّارَ لِلْكَافِرِينَ حَقٌّ. مِنْهَا خَلَقْنَاكُمْ وَ فِيهَا نُعِيدُكُمْ وَ مِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً اُخْرٰى. اُذْكُرِي الْعَهْدَ الَّذِي كُنْتِ عَلَيْهِ فِي دَارِ الدُّنْيَا الدَّنِيَّةِ وَ هُوَ شَهَادَةُ اَنْ لَا اِلٰهَ اِلَّا اللّٰهُ وَ اَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللّٰهِ. اَللّٰهُمَّ ثَبِّتْهَا عَلَى الْجَوَابِ وَ اَنْطِقْهَا بِالصِّدْقِ وَ الصَّوَابِ [اَللّٰهُمَّ اِنْ كَانَتْ مُحْسِنَةً فَزِدْ فِي اِحْسَانِهَا وَ اِنْ كَانَتْ مُسِيئَةً فَاغْفِرْ لَهَا وَ ارْحَمْهَا وَ تَجَاوَزْ عَنْهَا]

(۳ دفعه) آمِينَ. وَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

اَلتَّلْقِينُ لِلْمَيِّتِ

عَلَيْكَ سَلَامُ اللّٰهِ يَا عَبْدَ اللّٰهِ ابْنَ عَبْدِ اللّٰهِ (۳ دفعه) كُلُّ شَيْءٍ هَالِكٌ اِلَّا وَجْهَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَ لَهُ الْحُكْمُ وَ اِلَيْهِ تُرْجَعُونَ. فَاعْلَمْ بِاَنَّ هٰذَا آخِرُ مَنْزِلِكَ مِنْ مَنَازِلِ الدُّنْيَا وَ اَوَّلُ مَنْزِلِكَ مِنْ مَنَازِلِ الْآخِرَةِ. وَ اعْلَمْ بِاَنَّكَ خَرَجْتَ مِنْ دَارِ الدُّنْيَا الدَّنِيَّةِ وَ وَصَلْتَ اِلٰى دَارِ الْعُقْبَى الْاَبَدِيَّةِ. خَرَجْتَ مِنْ دَارِ الْغُرُورِ وَ وَصَلْتَ اِلٰى دَارِ السُّرُورِ. خَرَجْتَ مِنْ دَارِ الْفَنَاءِ وَ وَصَلْتَ اِلٰى دَارِ الْبَقَاءِ. وَ اعْلَمْ بِاَنَّ الْآنَ الْآنَ قَدْ يَنْزِلُ بِكَ الْمَلَكَانِ الرَّفِيقَانِ الشَّفِيقَانِ الْاَسْوَدَانِ الْوَجْهَانِ وَ الْاَزْرَقَانِ الْعَيْنَانِ، اَحَدُهُمَا مُنْكَرٌ وَ آخَرُهُمَا نَكِيرٌ لَا تَخَفْ عَنْهُمَا وَ لَا تَحْزَنْ فَاِنَّهُمَا عَبْدَانِ مَأْمُورَانِ مِنْ قِبَلِ الرَّحْمٰنِ، سَائِلَانِ عَنْكَ وَ قَائِلَانِ لَكَ: مَنْ رَبُّكَ وَ مَنْ نَبِيُّكَ وَ مَا دِينُكَ وَ مَا اِمَامُكَ وَ مَا قِبْلَتُكَ وَ مَنْ اِخْوَانُكَ وَ مَنْ اَخَوَاتُكَ فَقُلْ فِي جَوَابِهِمَا بِلَفْظٍ فَصِيحٍ وَ لِسَانٍ صَرِيحٍ: اَللّٰهُ رَبِّي وَ مُحَمَّدٌ نَبِيِّي، وَ الْاِسْلَامُ دِينِي وَ الْقُرْآنُ اِمَامِي وَ الْكَعْبَةُ قِبْلَتِي وَ الْمُؤْمِنُونَ اِخْوَانِي وَ الْمُؤْمِنَاتُ اَخَوَاتِي. فَاعْلَمْ بِاَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ وَ الْقَبْرَ حَقٌّ وَ سُؤَالَ الْمُنْكَرِ وَ النَّكِيرِ حَقٌّ وَ الْحَشْرَ حَقٌّ وَ النَّشْرَ حَقٌّ وَ الْحِسَابَ حَقٌّ وَ الْمِيزَانَ حَقٌّ وَ الصِّرَاطَ حَقٌّ وَ الْجَنَّةَ لِلْمُؤْمِنِينَ حَقٌّ وَ النَّارَ لِلْكَافِرِينَ حَقٌّ. مِنْهَا خَلَقْنَاكُمْ وَ فِيهَا نُعِيدُكُمْ وَ مِنْهَا نُخْرِجُكُمْ تَارَةً اُخْرٰى. اُذْكُرِ الْعَهْدَ الَّذِي كُنْتَ عَلَيْهِ فِي دَارِ الدُّنْيَا الدَّنِيَّةِ وَ هُوَ شَهَادَةُ اَنْ لَا اِلٰهَ اِلَّا اللّٰهُ وَ اَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللّٰهِ. اَللّٰهُمَّ ثَبِّتْهُ عَلَى الْجَوَابِ وَ اَنْطِقْهُ بِالصِّدْقِ وَ الصَّوَابِ [اَللّٰهُمَّ اِنْ كَانَ مُحْسِنًا فَزِدْ فِي اِحْسَانِهِ وَ اِنْ كَانَ مُسِيئًا فَاغْفِرْ لَهُ وَ ارْحَمْهُ وَ تَجَاوَزْ عَنْهُ]

(۳ دفعه) آمِينَ. وَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

خُطْبَةُ الْجُمُعَةِ

الخطبة الاولى

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ اَضْعَافَ مَا حَمِدَهُ جَمِيْعُ خَلْقِهٖ كَمَا يُحِبُّ وَ يَرْضٰى، وَ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ عَلٰى مَنْ اَرْسَلَهُ رَحْمَةً لِلْعَالَمِيْنَ، كُلَّمَا ذَكَرَهُ الذَّاكِرُوْنَ وَ غَفَلَ عَنْ ذِكْرِهِ الْغَافِلُوْنَ كَمَا يَنْبَغِيْ وَ يَحْرٰى، وَ عَلٰى آلِهٖ وَ اَصْحَابِهٖ وَ اَزْوَاجِهٖ وَ اَوْلَادِهِ الْبَرَرَةِ التُّقٰى وَ النُّقٰى، خُصُوْصًا مِنْهُمْ عَلَى الشَّيْخِ الشَّفِيْقِ، قَاتِلِ الْكَفَرَةِ وَ الزَّنَادِيْقِ، اَلْمُلَقَّبِ بِالْعَتِيْقِ، فِي الْغَارِ الرَّفِيْقِ الْاِمَامِ عَلَى التَّحْقِيْقِ خَلِيْفَةِ رَسُوْلِ اللّٰهِ (ﷺ) اَبِيْ بَكْرِ نِ الصِّدِّيْقِ (رَضِىَ اللّٰهُ عَنْهُ). ثُمَّ السَّلَامُ مِنَ الْمَلِكِ الْوَهَّابِ، عَلَى الْاَمِيْرِ الْاَوَّابِ، زَيْنِ الْاَصْحَابِ، مُجَاوِرِ الْمِنْبَرِ وَ الْمِحْرَابِ، اَلنَّاطِقِ بِالْحَقِّ وَ الصِّدْقِ وَ الصَّوَابِ، اَمِيْرِ الْمُؤْمِنِيْنَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ (رَضِىَ اللّٰهُ تَعَالٰى عَنْهُ). ثُمَّ السَّلَامُ مِنَ الْمَلِكِ الْمَنَّانِ، عَلَى الْاَمِيْرِ الْاَمَانِ، حَبِيْبِ الرَّحْمٰنِ، صَاحِبِ الْحَيَاءِ وَ الْاِحْسَانِ، اَلشَّهِيْدِ فِيْ اَثْنَاءِ تِلَاوَةِ الْقُرْاٰنِ، اَمِيْرِ الْمُؤْمِنِيْنَ عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ (رَضِىَ اللّٰهُ عَنْهُ). ثُمَّ السَّلَامُ مِنَ الْمَلِكِ الْوَلِيِّ، عَلَى الْاَمِيْرِ الْوَصِيِّ، اِبْنِ عَمِّ النَّبِيِّ، قَالِعِ الْبَابِ الْخَيْبَرِيِّ، زَوْجِ فَاطِمَةَ الزَّهْرَاءِ بِنْتِ النَّبِيِّ اَمِيْرِ الْمُؤْمِنِيْنَ اَسَدِ اللّٰهِ الْغَالِبِ، عَلِيِّ بْنِ اَبِيْ طَالِبٍ (رَضِىَ اللّٰهُ عَنْهُ). وَعَلَى الْاِمَامَيْنِ الْهُمَامَيْنِ السَّعِيْدَيْنِ الشَّهِيْدَيْنِ الْمَظْلُوْمَيْنِ الْمَقْبُوْلَيْنِ، اَلْحَسِيْبَيْنِ النَّسِيْبَيْنِ، سَيِّدَيْ شُبَّانِ اَهْلِ الْجَنَّةِ، وَ قُرَّتَيْ اَعْيُنِ اَهْلِ السُّنَّةِ، اَلْحَسَنِ وَ الْحُسَيْنِ (رَضِىَ اللّٰهُ عَنْهُمَا). وَعَلَى الْعَمَّيْنِ الْمُعَظَّمَيْنِ الْاَسْعَدَيْنِ الْاَمْجَدَيْنِ، الْاَكْرَمَيْنِ عِنْدَ اللّٰهِ وَالنَّاسِ، حَمْزَةَ وَالْعَبَّاسِ (رَضِىَ اللّٰهُ عَنْهُمَا) وَعَلٰى جَمِيْعِ الْمُهَاجِرِيْنَ وَالْاَنْصَارِ،

وَ التَّابِعِيْنَ الْاَخْيَارِ وَ الْاَبْرَارِ (رِضْوَانُ اللّٰهِ عَلَيْهِمْ اَجْمَعِيْنَ).

اَيُّهَا الْمُؤْمِنُوْنَ الْحَاضِرُوْنَ! اِتَّقُوا اللّٰهَ وَ اَطِيْعُوْهُ اُوْصِيْكُمْ عِبَادَ اللّٰهِ بِتَقْوَى اللّٰهِ، وَ اعْلَمُوْا اَنَّ اِلَى اللّٰهِ الْمُنْتَهٰى، وَ اَنَّهٗ هُوَ اَمَاتَ وَ اَحْيَا، اِنَّ هٰذِهٖ تَذْكِرَةٌ لِمَنْ يَخْشٰى، وَ اِلَى اللّٰهِ الْمُشْتَكٰى. (اَعُوْذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيْمِ): «يَوْمَ لَا يَنْفَعُ مَالٌ وَ لَا بَنُوْنَ اِلَّا مَنْ اَتَى اللّٰهَ بِقَلْبٍ سَلِيْمٍ»

الخطبة الثانية

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِيْ هَدٰنَا لِلْاِيْمَانِ وَ الصَّلٰوةُ وَ السَّلَامُ عَلٰى مُحَمَّدٍ صَاحِبِ الْفَضْلِ وَ الْاِحْسَانِ اَلْمُنَزَّلِ عَلَيْهِ فِيْ مُحْكَمِ كِتَابِهٖ تَعْظِيْمًا وَ تَكْرِيْمًا (اَعُوْذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيْمِ) «اِنَّ اللّٰهَ وَ مَلٰٓئِكَتَهٗ يُصَلُّوْنَ عَلَى النَّبِيِّ يٰٓاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا صَلُّوْا عَلَيْهِ وَ سَلِّمُوْا تَسْلِيْمًا».

اَللّٰهُمَّ صَلِّ وَ سَلِّمْ وَ بَارِكْ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَ عَلٰى آلِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ. يَا اَللّٰهُ بِكَ تَحَصَّنْتُ «۳ دفعه» وَ بِعَبْدِكَ وَ رَسُوْلِكَ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ (ﷺ) اِسْتَجَرْتُ «۳ دفعه» اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِلْمُؤْمِنِيْنَ وَ الْمُؤْمِنَاتِ وَالْمُسْلِمِيْنَ و الْمُسْلِمَاتِ الْاَحْيَاءِ مِنْهُمْ وَ الْاَمْوَاتِ اٰمِيْنَ.

وَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ.

(اَعُوْذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيْمِ): «اِنَّ اللّٰهَ يَأْمُرُ بِالْعَدْلِ وَ الْاِحْسَانِ وَ اِيْتَاءِ ذِي الْقُرْبٰى وَ يَنْهٰى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَ الْمُنْكَرِ وَ الْبَغْيِ يَعِظُكُمْ لَعَلَّكُمْ تَذَكَّرُوْنَ. وَ لَذِكْرُ اللّٰهِ اَكْبَرُ وَ اللّٰهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُوْنَ».

هٰذَا الدُّعَاءُ لِلْمَيِّتِ فِى صَلاَةِ الْجَنَازَةِ

اَللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَ مَيِّتِنَا وَ شَاهِدِنَا وَ غَائِبِنَا وَ صَغِيرِنَا وَ كَبِيرِنَا وَ ذَكَرِنَا وَ اُنْثَانَا * اَللّٰهُمَّ مَنْ اَحْيَيْتَهُ (هَا) [1] مِنَّا فَاَحْيِهِ (هَا) عَلَى الْاِسْلَامِ وَ مَنْ تَوَفَّيْتَهُ (هَا) مِنَّا فَتَوَفَّهُ (هَا) عَلَى الْاِيمَانِ * وَ خُصَّ هٰذَا الْمَيِّتَ (هٰذِهِ الْمَيِّتَةَ) بِالرَّوْحِ وَ الرَّاحَةِ وَ الرَّحْمَةِ وَ الْمَغْفِرَةِ وَ الرِّضْوَانِ * اَللّٰهُمَّ اِنْ كَانَ (كَانَتْ) مُحْسِنًا (مُحْسِنَةً) فَزِدْ فِى اِحْسَانِهِ (هَا) وَ اِنْ كَانَ (كَانَتْ) مُسِيئًا (مُسِيئَةً) فَتَجَاوَزْ عَنْهُ (هَا) وَ لَقِّهِ (هَا) الْاَمْنَ وَ الْبُشْرٰى وَ الْكَرَامَةَ وَ الزُّلْفٰى * اَللّٰهُمَّ اجْعَلْ قَبْرَهُ (هَا) رَوْضَةً مِنْ رِيَاضِ الْجِنَانِ وَ لَا تَجْعَلْ قَبْرَهُ (هَا) حُفْرَةً مِنْ حُفَرِ النِّيرَانِ * رَبِّ اغْفِرْ لِى وَ لِوَالِدَىَّ وَ لِلْمُؤْمِنِينَ وَ الْمُؤْمِنَاتِ وَ لِجَمِيعِ الْمُسْلِمِينَ وَ الْمُسْلِمَاتِ اَلْاَحْيَاءِ مِنْهُمْ وَ الْاَمْوَاتِ بِرَحْمَتِكَ يَا اَرْحَمَ الرَّاحِمِينَ.

(1) Жаноза аёл киши бўлса, қавс ичидагилар ўқилади.

تَسْبِيحَاتُ التَّرَاوِيحِ

١ ـ سُبْحَانَ ذِى الْمُلْكِ وَ الْمَلَكُوتِ، سُبْحَانَ ذِى الْعِزَّةِ وَ الْعَظَمَةِ وَ الْجَلَالِ وَ الْجَمَالِ وَ الْجَبَرُوتِ، سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْمَوْجُودِ، سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْمَعْبُودِ، سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْحَىِّ الَّذِى لَا يَنَامُ وَ لَا يَمُوتُ. سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّنَا وَرَبُّ الْمَلٰٓئِكَةِ وَالرُّوحِ.

٢ ـ مَرْحَبًا، مَرْحَبًا، مَرْحَبًا يَا شَهْرَ رَمَضَانَ، مَرْحَبًا مَرْحَبًا مَرْحَبًا يَا شَهْرَ الْبَرَكَةِ وَ الْغُفْرَانِ، مَرْحَبًا مَرْحَبًا مَرْحَبًا يَا شَهْرَ التَّسْبِيحِ وَ التَّهْلِيلِ وَ الذِّكْرِ وَ تِلَاوَةِ الْقُرْآنِ. اَوَّلْ هُوَ آخِرْ هُوَ ظَاهِرْ هُوَ بَاطِنْ هُوَ، يَا مَنْ لَا اِلٰهَ اِلَّا هُوَ.

٣ ـ اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلٰى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ وَ عَلٰى آلِ سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ بِعَدَدِ كُلِّ دَاءٍ وَ دَوَاءٍ وَ بَارِكْ وَ سَلِّمْ عَلَيْهِ وَ عَلَيْهِمْ كَثِيرًا.

٤ ـ يَا حَنَّانُ، يَا مَنَّانُ، يَا دَيَّانُ، يَا بُرْهَانُ، يَا ذَا الْفَضْلِ وَ الْاِحْسَانِ، نَرْجُو الْعَفْوَ وَ الْغُفْرَانَ وَ اجْعَلْنَا مِنْ عُتَقَاءِ شَهْرِ رَمَضَانَ، بِحُرْمَةِ الْقُرْآنِ.

(1) Таровиҳ намози олдида ўқилади.
(2) Рамазоннинг 15-кунидан кейин «марҳабо» ўрнига «алвидо» ўқилади.
(3) Таровиҳлар орасида ўқилади.
(4) Таровиҳ тугагач, охирида ўқиладиган дуо.

بِسْـــمِ اللّٰهِ الْعَظِيمِ * وَ الْحَمْدُ لِلّٰهِ عَلٰى دِينِ الْاِسْلَامِ * وَ عَلٰى تَوْفِيقِ الْاِيمَـانِ * اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِى جَعَلَ الْمَٓاءَ طَهُورًا * وَ جَعَلَ الْاِسْلَامَ نُورًا *

اَللّٰهُمَّ اسْقِنِى مِنْ حَوْضِ نَبِيِّكَ كَاْسًا لَٓا اَظْمَاُ بَعْدَهُٓ اَبَدًا * اَللّٰهُمَّ اَرِحْنِى رَائِحَةَ الْجَنَّةِ وَ ارْزُقْنِى مِنْ نَعِيمِهَا * وَ لَا تُرِحْنِى رَائِحَةَ النَّارِ *

اَللّٰهُمَّ بَيِّضْ وَجْهِى بِنُورِكَ يَوْمَ تَبْيَضُّ وُجُوهُ اَوْلِيَٓائِكَ وَ لَا تُسَوِّدْ وَجْهِى بِذُنُوبِى يَوْمَ تَسْوَدُّ وُجُوهُ اَعْدَٓائِكَ اَللّٰهُمَّ اَعْطِنِى كِتَابِى بِيَمِينِى وَ حَاسِبْنِى حِسَابًا يَسِيرًا * اَللّٰهُمَّ لَا تُعْطِنِى كِتَابِى بِشِمَالِى وَ لَا مِنْ وَرَٓاءِ ظَهْرِى وَ لَا تُحَاسِبْنِى حِسَابًا شَدِيدًا *

اَللّٰهُمَّ حَرِّمْ شَعْرِى وَبَشَرِى عَلَى النَّارِ * وَاَظِلَّنِى تَحْتَ ظِلِّ عَرْشِكَ يَوْمَ لَا ظِلَّ اِلَّا ظِلُّ عَرْشِكَ *

اَللّٰهُمَّ اجْعَلْنِى مِنَ الَّذِينَ يَسْتَمِعُونَ الْقَوْلَ فَيَتَّبِعُونَ اَحْسَنَهُ * اَللّٰهُمَّ اَعْتِقْ رَقَبَتِى مِنَ النَّارِ *

اَللّٰهُمَّ ثَبِّتْ قَدَمَىَّ عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ تَزِلُّ فِيهِ الْاَقْدَامُ *

اَللّٰهُمَّ لَا تَطْرُدْ قَدَمَىَّ عَلَى الصِّرَاطِ يَوْمَ تَطْرُدُ كُلُّ اَقْدَامِ اَعْدَائِكَ * اَللّٰهُمَّ اجْعَلْ سَعْيِى مَشْكُورًا وَ ذَنْبِى مَغْفُورًا وَ عَمَلِى مَقْبُولًا وَ تِجَارَتِى لَنْ تَبُورَ * سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ وَ بِحَمْدِكَ * اَشْهَدُ اَنْ لَٓا اِلٰهَ اِلَّا اَنْتَ وَحْدَكَ لَا شَرِيكَ لَكَ وَاَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُكَ وَ رَسُولُكَ

سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ وَبِحَمْدِكَ ○ وَتَبَارَكَ اسْمُكَ ○ وَتَعَالٰى
جَدُّكَ ○ وَجَلَّ ثَنَآؤُكَ ○ وَلَآ اِلٰهَ غَيْرُكَ ○

اَلتَّحِيَّاتُ لِلّٰهِ وَالصَّلَوٰتُ وَالطَّيِّبَاتُ ○ اَلسَّلَامُ عَلَيْكَ
اَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللّٰهِ وَبَرَكَاتُهٗ ○ اَلسَّلَامُ عَلَيْنَا وَعَلٰى
عِبَادِ اللّٰهِ الصّٰلِحِيْنَ ○ اَشْهَدُ اَنْ لَّآ اِلٰهَ اِلَّا اللّٰهُ ○ وَاَشْهَدُ
اَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهٗ وَرَسُوْلُهٗ ○

اَللّٰهُمَّ صَلِّ عَلٰى مُحَمَّدٍ وَّعَلٰٓى اٰلِ مُحَمَّدٍ ○ كَمَا صَلَّيْتَ
عَلٰٓى اِبْرَاهِيْمَ وَعَلٰٓى اٰلِ اِبْرَاهِيْمَ ○ اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ

اَللّٰهُمَّ بَارِكْ عَلٰى مُحَمَّدٍ وَّعَلٰٓى اٰلِ مُحَمَّدٍ ○ كَمَا بَارَكْتَ
عَلٰٓى اِبْرَاهِيْمَ وَعَلٰٓى اٰلِ اِبْرَاهِيْمَ ○ اِنَّكَ حَمِيْدٌ مَّجِيْدٌ

رَبَّنَآ اٰتِنَا فِى الدُّنْيَا حَسَنَةً وَّفِى الْاٰخِرَةِ حَسَنَةً وَّقِنَا عَذَابَ النَّارِ

بِرَحْمَتِكَ يَآ اَرْحَمَ الرّٰحِمِيْنَ

رَبَّنَا اغْفِرْلِيْ وَلِوَالِدَيَّ وَلِلْمُؤْمِنِيْنَ يَوْمَ يَقُوْمُ الْحِسَابُ

اَللّٰهُمَّ اِنَّا نَسْتَعِيْنُكَ وَنَسْتَغْفِرُكَ وَنَسْتَهْدِيْكَ ○ وَنُؤْمِنُ
بِكَ وَنَتُوْبُ اِلَيْكَ ○ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْكَ ○ وَنُثْنِيْ عَلَيْكَ الْخَيْرَ
كُلَّهٗ نَشْكُرُكَ وَلَا نَكْفُرُكَ ○ وَنَخْلَعُ وَنَتْرُكُ مَنْ يَّفْجُرُكَ ○

اَللّٰهُمَّ اِيَّاكَ نَعْبُدُ وَلَكَ نُصَلِّيْ وَنَسْجُدُ ○ وَاِلَيْكَ نَسْعٰى وَنَحْفِدُ ○
نَرْجُوْ رَحْمَتَكَ وَنَخْشٰى عَذَابَكَ ○ اِنَّ عَذَابَكَ بِالْكُفَّارِ مُلْحِقٌ ○

اٰمَنْتُ بِاللّٰهِ وَمَلٰٓئِكَتِهٖ وَكُتُبِهٖ وَرُسُلِهٖ وَالْيَوْمِ الْاٰخِرِ
وَبِالْقَدْرِ خَيْرِهٖ وَشَرِّهٖ مِنَ اللّٰهِ تَعَالٰى وَالْبَعْثُ بَعْدَ الْمَوْتِ حَقٌّ ○
اَشْهَدُ اَنْ لَّآ اِلٰهَ اِلَّا اللّٰهُ ○ وَاَشْهَدُ اَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهٗ وَرَسُوْلُهٗ

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اِنَّآ اَعْطَيْنٰكَ الْكَوْثَرَ ﴿١﴾ فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَانْحَرْ ﴿٢﴾
اِنَّ شَانِئَكَ هُوَ الْاَبْتَرُ ﴿٣﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

قُلْ يٰٓاَيُّهَا الْكٰفِرُوْنَ ﴿١﴾ لَآ اَعْبُدُ مَا تَعْبُدُوْنَ ﴿٢﴾
وَلَآ اَنْتُمْ عٰبِدُوْنَ مَآ اَعْبُدُ ﴿٣﴾ وَلَآ اَنَا عَابِدٌ مَّا عَبَدْتُّمْ ﴿٤﴾
وَلَآ اَنْتُمْ عٰبِدُوْنَ مَآ اَعْبُدُ ﴿٥﴾ لَكُمْ دِيْنُكُمْ وَلِيَ دِيْنِ ﴿٦﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اِذَا جَآءَ نَصْرُ اللّٰهِ وَالْفَتْحُ ﴿١﴾ وَرَاَيْتَ النَّاسَ
يَدْخُلُوْنَ فِيْ دِيْنِ اللّٰهِ اَفْوَاجًا ﴿٢﴾ فَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ
وَاسْتَغْفِرْهُ اِنَّهٗ كَانَ تَوَّابًا ﴿٣﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

تَبَّتْ يَدَآ اَبِيْ لَهَبٍ وَّتَبَّ ﴿١﴾ مَآ اَغْنٰى عَنْهُ مَالُهٗ وَمَا
كَسَبَ ﴿٢﴾ سَيَصْلٰى نَارًا ذَاتَ لَهَبٍ ﴿٣﴾ وَّامْرَاَتُهٗ
حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ﴿٤﴾ فِيْ جِيْدِهَا حَبْلٌ مِّنْ مَّسَدٍ ﴿٥﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

قُلْ هُوَ اللّٰهُ اَحَدٌ ﴿١﴾ اَللّٰهُ الصَّمَدُ ﴿٢﴾ لَمْ يَلِدْ
وَلَمْ يُوْلَدْ ﴿٣﴾ وَلَمْ يَكُنْ لَّهٗ كُفُوًا اَحَدٌ ﴿٤﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

قُلْ اَعُوْذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ ﴿١﴾ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِنْ
شَرِّ غَاسِقٍ اِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِنْ شَرِّ النَّفّٰثٰتِ فِي
الْعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ اِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

قُلْ اَعُوْذُ بِرَبِّ النَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ النَّاسِ ﴿٢﴾ اِلٰهِ
النَّاسِ ﴿٣﴾ مِنْ شَرِّ الْوَسْوَاسِ الْخَنَّاسِ ﴿٤﴾ الَّذِيْ
يُوَسْوِسُ فِيْ صُدُوْرِ النَّاسِ ﴿٥﴾
مِنَ الْجِنَّةِ وَالنَّاسِ ﴿٦﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اَلَمْ تَرَ كَيْفَ فَعَلَ رَبُّكَ بِاَصْحٰبِ الْفِيْلِ ﴿١﴾ اَلَمْ يَجْعَلْ كَيْدَهُمْ
فِيْ تَضْلِيْلٍ ﴿٢﴾ وَّاَرْسَلَ عَلَيْهِمْ طَيْرًا اَبَابِيْلَ ﴿٣﴾ تَرْمِيْهِمْ
بِحِجَارَةٍ مِّنْ سِجِّيْلٍ ﴿٤﴾ فَجَعَلَهُمْ كَعَصْفٍ مَّاْكُوْلٍ ﴿٥﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

لِاِيْلٰفِ قُرَيْشٍ ﴿١﴾ اٖلٰفِهِمْ رِحْلَةَ الشِّتَآءِ وَالصَّيْفِ
﴿٢﴾ فَلْيَعْبُدُوْا رَبَّ هٰذَا الْبَيْتِ ﴿٣﴾ الَّذِيْٓ اَطْعَمَهُمْ
مِّنْ جُوْعٍ وَّاٰمَنَهُمْ مِّنْ خَوْفٍ ﴿٤﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اَرَاَيْتَ الَّذِيْ يُكَذِّبُ بِالدِّيْنِ ﴿١﴾ فَذٰلِكَ الَّذِيْ
يَدُعُّ الْيَتِيْمَ ﴿٢﴾ وَلَا يَحُضُّ عَلٰى طَعَامِ الْمِسْكِيْنِ ﴿٣﴾
فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلِّيْنَ ﴿٤﴾ الَّذِيْنَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُوْنَ
﴿٥﴾ الَّذِيْنَ هُمْ يُرَآءُوْنَ ﴿٦﴾ وَيَمْنَعُوْنَ الْمَاعُوْنَ ﴿٧﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اَللّٰهُ لَآ اِلٰهَ اِلَّا هُوَ اَلْحَيُّ الْقَيُّوْمُ لَا تَاْخُذُهٗ سِنَةٌ وَّلَا نَوْمٌ
لَهٗ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ مَنْ ذَا الَّذِيْ يَشْفَعُ عِنْدَهٗٓ اِلَّا
بِاِذْنِهٖ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ اَيْدِيْهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ وَلَا يُحِيْطُوْنَ بِشَيْءٍ
مِّنْ عِلْمِهٖٓ اِلَّا بِمَا شَآءَ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضَ
وَلَا يَئُوْدُهٗ حِفْظُهُمَا وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيْمُ ﴿٢٥٥﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

اِنَّآ اَنْزَلْنٰهُ فِيْ لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾ وَمَآ اَدْرٰىكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ﴿٢﴾
لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِّنْ اَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾ تَنَزَّلُ الْمَلٰٓئِكَةُ وَالرُّوْحُ
فِيْهَا بِاِذْنِ رَبِّهِمْ مِّنْ كُلِّ اَمْرٍ ﴿٤﴾ سَلٰمٌ هِيَ حَتّٰى مَطْلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيْمِ

وَالْعَصْرِ ﴿١﴾ اِنَّ الْاِنْسَانَ لَفِيْ خُسْرٍ ﴿٢﴾ اِلَّا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا
وَعَمِلُوا الصّٰلِحٰتِ وَتَوَاصَوْا بِالْحَقِّ وَتَوَاصَوْا بِالصَّبْرِ ﴿٣﴾

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ○ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ
عَلَىٰ رَسُولِنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَىٰ آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ ○

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ ○

الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ○ الرَّحْمٰنِ الرَّحِيمِ ○
مَالِكِ يَوْمِ الدِّينِ ○ إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ ○
اهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ ○ صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ
عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ ○

Намозда сураларнинг ўқилиш тартиби

	Фил (5 оят)	**Қурайш (4 оят)**	**Моун (7 оят)**	**Кавсар (3 оят)**	**Кофирун (6 оят)**	**Наср (3 оят)**	**Таббат (5 оят)**	**Ихлос (4 оят)**	**Фалақ (5 оят)**	**Нос (6 оят)**
Фил сурасидан кейин**(5 оят)**	йўқ	**ўқи**	йўқ	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**
Қурайш сурасидан кейин**(4 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**
Моун сурасидан кейин**(7 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	йўқ	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**
Кавсар сурасидан кейин**(3 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**	йўқ
Кофирун сурасидан кейин**(6 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	йўқ	**ўқи**	**ўқи**	**ўқи**
Наср сурасидан кейин**(3 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	йўқ	**оқы**	йўқ
Таббат сурасидан кейин**(5 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	йўқ	**ўқи**
Ихлос сурасидан кейин**(4 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**	йўқ
Фалақ сурасидан кейин**(5 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	**ўқи**
Нос сурасидан кейин**(6 оят)**	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ	йўқ

Теруге 10.09.2011 жылы жіберілді.
Басуға 10.09.2011 жылы қол қойылды.
Қаріп түрі «Times New Roman». Офсеттік басылым.
Офсеттік қағазда басылды.
Таралымы 2000 дана. тапсырыс №038.
Бағасы келісімді.
ТОО- «Euro Print» баспаханасында басылған.